



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



# ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ



ТОШКЕНТ - 2018





**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV SUDI



# ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ



ТОШКЕНТ – 2018

УУК 351.82 (575.1)  
КБК 65 (5У)

ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ [Матн]: амалий қўлланма / А.Абдуллаев –  
Тошкент: «Complex Print» нашриёти, 2018. – 280 б.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-хукуқ соҳасида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад судни алоҳида ҳокимият сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишда судьяларга чинакам мустақиллик бериш, суд тизимини ишларни фақат қонун хужжатларига асосланган ҳолда кўрадиган мунособи судьялар корпуси билан шакллантиришдан иборатdir.

Ушбу қўлланма ҳам аввало иқтисодий судларда низоларни ҳал этишда юзага келаётган айrim процессын ва моддий хукуқ нормаларига оид муаммоли масалаларнинг ечимини топишга, судьялар томонидан йўл кўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишга, ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қиласди.

Қўлланма амалий характерга эга бўлиб, ундан иқтисодий судларнинг судьялари ва ходимлари, судьялик лавозимига номзодлар, прокурорлар, адвокатлар, хукуқшunosлар, иқтисодий ишларда иштирок этивчи шахслар ва иқтисодий суд ишларини юритишининг бошқа иштирокчилари фойдаланишлари мумкин.

**НАШР УЧУН МАСЬУЛ:**  
**Абдумумин АБДУЛЛАЕВ**  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**НАШР КООРДИНАТОРИ:**  
**Собир ХОЛБАЕВ**  
“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик”  
қўшма лойиҳаси компонент раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастиурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастиурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирамайди.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати материалларидан фойдаланилди. Қўлланмада келтирилган мисоллардаги барча номлар, саналар ва далиллар ўзgartirилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодифий ҳисобланади.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [www.olysud.uz](http://www.olysud.uz) ва БМТ Тараққиёт Дастиурининг [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org) интернет сайтида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,  
Тошкент шаҳари, А.Қодирий кўчаси, 1.  
Телефон: (+998) 71-239-02-67

ISBN: 978-9943-5164-4-1

© БМТ Тараққиёт дастури, 2018  
© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), 2018  
© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2018



## МУНДАРИЖА

Кириш .....	5
<b>1-бөл.</b> Шартномаларни түзиш, ўзгартыриш, бекор қилиш ва уларни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишилар бүйича суд амалиёти .....	9
<b>2-бөл.</b> Олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш ва контрактация шартномалари билан боғлиқ ишилар бүйича суд амалиёти .....	39
<b>3-бөл.</b> Кредит, гаров (ипотека), лизинг ва суғурта шартномалари билан боғлиқ ишилар бүйича суд амалиёти .....	77
<b>4-бөл.</b> Күчмас мулк олди-сотдиси ва ижараси шартномалари билан боғлиқ ишилар бүйича суд амалиёти.....	135
<b>5-бөл.</b> Қарздорни банкрот деб топиш билан боғлиқ ишилар бүйича суд амалиёти .....	169
<b>6-бөл.</b> Корпоратив низолар билан боғлиқ ишилар бүйича суд амалиёти.....	201
<b>7-бөл.</b> Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқи таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ ишилар бүйича суд амалиёти .....	239



## КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад судни алоҳида ҳокимият сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишда судьяларга чинакам мустақиллик бериш, суд тизимини ишларни фақат қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда кўрадиган муносаб судьялар корпуси билан шакллантиришдан иборатdir.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли Фармони алоҳида ўрин тутади. Мазкур Фармон билан 2017 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг иккита олий органи ягона органга бирлаштирилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди негизида ягона Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Чунки Ўзбекистон Республикасида Олий суд ва Олий хўжалик судининг мавжудлиги суд тизимини бошқариш вазифаларининг тақорланишига ва ягона суд амалиётининг таъминланмасдан қолишига ҳам сабаб бўлаётган эди.

Бундан ташқари, мазкур Фармон билан хўжалик судлари иқтисодий судларга айлантирилди. Эндиликда, иқтисодий низолар биринчи босқичда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқиладиган бўлди. Вилоят ва унга тенглаштирилган судларда эса ишларни апелляция ва кассация инстанцияларида кўриш амалиёти жорий этилди.

Хўжалик судларининг иқтисодий судларга ўзгартирилиши, улар ваколатларининг қайта кўриб чиқилиши, судлов жараёнларини олиб боришдаги ўзгаришлар, қўйи поғонада иқтисодий судларнинг ташкил этилиши ўз навбатида суд-ҳуқуқ тизимидағи қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шу муносабат билан янги Иқтисодий процессуал кодекси қабул қилинди.



Бундан ташқари, мазкур Кодекснинг қабул қилинишига сүнги йилларда республикамизда бозор иқтисодиётининг жадал ривожланиши, тадбиркорлик фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг таъминланишига эътиборнинг янада кучайтирилаётганлиги ҳам сабаб бўлди.

Мазкур Кодекснинг нормалари замон талабларига мос равишда такомиллаштирилиб, иқтисодий судларда суд иш юритувни амалга оширишнинг янгича тартибини белгилаб берди.

Иқтисодий судларнинг фаолияти иқтисодиёт соҳасида одил судловни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этишга қаратилган.

Маълумки, республика бўйича ягона суд амалиётини таъминлашва судьялар томонидан ишларни кўриш жараёнида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш суд фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун қуйи судлар томонидан ҳал қилинган ишлар бўйича шикоятларнинг юқори инстанция судларида кўриб чиқилиши, қонун нормаларининг бир хилда ва тўғри қўлланилиши каби ҳолатларни ўрганиб, улар юзасидан тегишли тавсиялар бериш, йўл-йўриқлар кўрсатиш айниқса муҳимдир.

Шу мақсадда иқтисодий судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти тайёрланди. Мазкур қўлланмани тайёрлашда Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган ишлар юзасидан чиқарилган суд ҳужжатларидан ва иқтисодий судларда иш юритишга оид бошқа материаллардан фойдаланилди.

Жумладан, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибида олган фуқаролар ўртасидаги шартномаларни тузиш, ўзгартириш, уларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш ва контрактация, кредит, гаров (ипотека), лизинг ва суғурта, кўчмас мулк олди-сотдиси ва ижараси



шартномаларидан келиб чиқадиган, қарздорнинг банкротлигига оид, корпоратив, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ ҳамда бошқа тоифадаги низоларни кўришга суд амалиёти ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Қўлланма аввало иқтисодий судларда низоларни ҳал этишда юзага келаётган айрим процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларига оид муаммоли масалаларнинг ечимини топишга, судьялар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишга, ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Мазкур қўлланма амалий характерга эга бўлиб, ундан иқтисодий судларнинг судьялари ва ходимлари, судьялик лавозимига номзодлар, прокурорлар, адвокатлар, ҳуқуқшунослар, иқтисодий ишларда иштирок этувчи шахслар ва иқтисодий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, у ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий изланувчилари ва талабалари, қолаверса, иқтисодий судлов ишларини юритиш билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир.



# 1 - Б О Б

ШАРТНОМАЛАРНИ ТУЗИШ,  
ҮЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА  
УЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ӘМАС ДЕБ  
ТОПИШ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ИШЛАР БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ



## 1.1. Қонун талабларынан мувофиқ шартнома түзиш мажбурий бўлиб, бир тараф уни түзишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома түзишга мажбур қилиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақли.

“Ниҳол” хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати ҳудудида жойлашган 12-уйга тегишли ер майдонининг бир қисмида “Нигина” савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонасининг биноси мавжуд.

“Ниҳол” хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати даъво аризасида “Нигина” савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси ўзига тегишли бинога техник хизмат кўрсатиш, кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларни сақлаш, таъмирлаш ва коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича харажатларни шартномада ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаши лозимлигини, бироқ “Нигина” савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси “Ниҳол” хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати билан уйни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларда иштирок этиш тўғрисидаги шартномани түзишдан бош тортганлигини кўрсатган ва уни шартнома түзишга мажбур қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 14 августдаги ҳал қилув қарори билан “Ниҳол” хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатининг даъво талаби қаноатлантирилган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан бўён матнда ФК деб юритилади) 377-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ оферта (шартнома лойиҳаси) йўлланган тараф учун шартнома түзиш мажбурий бўлган ҳолларда бу тараф оферта олинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга акцепт тўғрисида ёки акцептдан бош тортини тўғрисида ёхуд офертани бошқа шартларда акцептлаши тўғрисида (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси) билдириш йўллаши керак.

Мазкур ҳолатда “Нигина” савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси “Ниҳол” хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати томонидан йўлланган офертани акцептлашдан (шартномани имзолашдан) бош тортган.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом 7-бандининг з-кичик бандига кўра яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулқдори (арендага олувчи, ижарага олувчи) ўзига тегишли жойга техник хизмат кўрсатиш, кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларни сақлаш ва таъмирлаш, коммунал хизматлар бўйича харажатларни шартномада ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлашга мажбурдир.

"Хусусий уй-жой мулқдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ ширкатнинг кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулқдори билан муносабатлари улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади. Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулқдори шартнома тузишдан бўйин товлаган тақдирда, ширкат шартнома тузишга мажбуrlаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Ҳўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартериш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида" 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарори 12-бандининг биринчи хатбошисида шартнома тузishi мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бўйин товлаган ҳолда, бошқа тараф шартнома тузишга мажбуrlаш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (бундан буён матнда "Ҳайъат" деб юритилади) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.



## **1.2. Қонун ёки шартномага кўра шартнома тузиш мажбурий бўлмаган ҳолда бир тараф шартномани тузишдан бош тортган бўлиб, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақида судга мурожаат қилган тақдирда, мазкур даъво талаби рад қилинади.**

“Намуна” хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати ҳудудида жойлашган 15-уйга тегишили ер майдонининг бир қисмida “Фахриддин” хусусий корхонасининг биноси мавжуд бўлиб, ушбу бино “Фахриддин” хусусий корхонаси ва “Азиз” МЧЖ ўртасида тузилган 2014 йил 1 июлдаги 15-сонли ижара шартномасига асосан “Азиз” МЧЖга ижарага берилган.

“Намуна” хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати даъво аризасида “Азиз” МЧЖ ўзига “Фахриддин” хусусий корхонаси томонидан ижарага берилган бинога техник хизмат кўрсатиш, кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларни сақлаш, таъмиrlаш ва коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича харажатларни шартномада ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаши лозимлигини, бироқ “Азиз” МЧЖ “Намуна” хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати билан уйни сақлаш ва таъмиrlаш бўйича умумий харажатларда иштирок этиш тўғрисидаги шартномани тузишдан бош тортганлигини кўrsatgan ва уни шартнома тузишга мажбур қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 20 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Суднинг бундай холосага келишига “Азиз” МЧЖ “Намуна” хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати томонидан йўлланган офертани акцептлашдан (шартномани имзолашдан) бош тортганлиги асос бўлган.

Бироқ, “Хусусий уй-жой мулқдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ ширкатнинг кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулқдори билан муносабатлари улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга



солинади. Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори шартнома тузишдан бўйин товлаган тақдирда, ширкат шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Мазкур ҳолатда "Фахридин" хусусий корхонаси бинонинг мулкдори ҳисобланади, шу боис "Азиз" МЧЖ "Намуна" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан уйни сақлаш ва таъмиrlаш бўйича умумий харажатларда иштирок этиш тўғрисидаги шартномани тузишга мажбур эмас.

Қолаверса, "Фахридин" хусусий корхонаси ва "Азиз" МЧЖ ўртасида тузилган 2014 йил 1 июлдаги 15-сонли ижара шартномасида "Фахридин" хусусий корхонаси ўзининг умумий харажатларда иштирок этиш мажбуриятларини "Азиз" МЧЖга ўтказмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартериш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида" 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарори 14-бандининг иккинчи хатбошисида шартнома тузишга мажбур этиш тўғрисида даъво аризаси тақдим қилинган ҳолда, агар шартнома тузиш тарафлар учун мажбурий бўлмаса, суд бундай талабни қаноатлантиришни рад этиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этган.

### **1.3. Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартериш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.**

Туман ҳокимининг 2013 йил 16 декабрдаги қарорига асосан "Бобо дехқон" фермер хўжалигига туман захира ерларидан 34,8 гек-



тар құшимча ер майдони (шундан 33,2 гектари әкін ери) ажратилиб, "Бобо деңқон" фермер хұжалигінинг умумий ер майдони 370,3 гектарни, шундан әкін ерларига мүлжалланған ер майдони 43,2 гектарни ташкил этган.

"Бобо деңқон" фермер хұжалиги туман қокимининг 2013 йил 16 декабрдаги қарори билан ажратилған ер майдони унга топширилишига ишониб, "Пахта" АЖ билан ушбу ер майдонини ҳисобға олған ҳолда 2014 йил ҳосили учун 2014 йил 20 январда 234-сонли контрактация шартномасини тұзған.

Мазкур шартномага асосан "Бобо деңқон" фермер хұжалиги муқаддам үзига тегишли бўлған 5,0 гектар ҳамда унга туман қокими қарори билан ажратилған 27,4 гектар, жами 32,4 гектар ер майдонидан 90,7 тонна, яъни ҳар гектаридан 2.8 тонна пахта хом ашёсіни етишириб бериш мажбуриятини олған.

"Бобо деңқон" фермер хұжалигига ажратилған құшимча ер майдони илгари ўрмон хұжалиги томонидан фойдаланиб келинган бўлиб, ўрмон хұжалиги "Бобо деңқон" фермер хұжалигига ер майдонини ихтиёрий топширишдан бош тортиб, туман қокимининг 2013 йил 16 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тұғрисида судга ариза билан мурожаат қилған.

Суднинг 2014 йил 18 майдагы ҳал қилув қарори билан арз қилинған талаб қаноатлантирилиб, туман қокимининг 2013 йил 16 декабрдаги қарори ҳақиқий эмас деб топилған.

Натижада, "Бобо деңқон" фермер хұжалиги билан туман қокимлиги ўртасида 34,8 гектар ер майдонини ижарага бериш тұғрисида шартнома тузилмасдан қолған.

"Бобо деңқон" фермер хұжалигининг жами 10 гектар әкін ер майдони бўлиб, унинг 5 гектарига ғалла ва қолған 5 гектарига пахта әкилған. 5 гектар пахта әкилған майдондан контрактация шартномасыда кўрсатилған 90,7 тонна пахта хом ашёсіни олиш имкони мавжуд эмаслиги сабабли "Пахта" АЖга контрактация шартномасы 1.2-бандининг биринчи қисмінін ўзgartиришни сўраб 2014 йил 5 июня 10-сонли хат билан мурожаат қилған. "Пахта" АЖ "Бобо деңқон" фермер хұжалигининг ушбу мурожаатини оқибатсиз қолдирған. Шу сабабли "Бобо деңқон" фермер хұжалиги



жавобгарлар "Пахта" АЖ ва туман ҳокимлигига нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, "Пахта" АЖ ва "Бобо дехқон" фермер хўжалиги ўртасида пахта хом-ашёси ва уруғлик харид қилиш бўйича 2014 йил 20 январда тузилган 234-сонли контрактация шартномаси 1.2-бандининг биринчи қисмини ўзгартиришни сўраган.

ФК 383-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назардатутилган бўймаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади. Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиласиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишини тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида" 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарорининг 20-бандида вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга доир низоларни кўриб чиқишида, агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида келиша олмаган бўлсалар, шартнома ФК 383-моддаси учинчи қисмининг 1-4-бандларида санаб ўтилган барча шартлар бир вақтда мавжуд бўлган ҳолдагина бекор қилиниши (ўзгартирилиши) мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолатда вазият жиддий ўзгарган. Яъни "Бобо дехқон" фермер хўжалиги билан туман ҳокимлиги ўртасида 34,8 гектар ер майдонини ижарага бериш тўғрисида шартнома тузилмасдан қолганлиги натижасида контрактация шартномасида кўрсатилган 76,7 тонна пахта хомашёсини олиш имкониятидан маҳрум бўлган.

Шу боис Ҳайъат биринчи инстанцияси суди арз қилинган талабни қаноатлантириш, контрактация шартномаси 1.2-бандининг биринчи қисмини ўзгартиришни лозим топганлигини, яъни тарафлар ўртасида тузилган контрактация шартномасининг "Бобо дехқон" фермер хўжалиги томонидан 32,4 гектар ер майдонидан 90,7 тонна пахта



хомашёсіні етказиб беришга оид бандини 5 гектар ер майдонидан 14 тонна пахта хомашёсіні етказиб беришга ўзгартырганлигини инобаттаға олиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

#### **1.4. Офертани белгиланған муддатда олған шахснің унда күрсатилған шартнома шартларини бажариш юзасидан қылған ҳаракатлари (товарларни жүннатиш, хизматтар күрсатиш, ишлар бажариш, тегишли сұммани тұлаш ва ҳ.к.), агар қонун ҳұжжатларыда ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки күрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.**

“Бизнес сервис” МЧЖ томонидан “Азия-М” хусусий корхонасига 2016 йил 23 июлда маҳсулот етказиб бериш түғрисида 65-сонли шартнома лойихаси (оferта) йўлланган.

Шартнома шартларининг айрим бандлари билан келишмаганлиги учун “Азия-М” хусусий корхонаси “Бизнес сервис” МЧЖга шартнома лойихасини келишмовчиликлар баённомаси билан қайтарган.

“Бизнес сервис” МЧЖ “Азия-М” хусусий корхонаси томонидан юборилған келишмовчиликлар баённомасининг 3.1, 3.2, 5.4 ва 7.1-бандларини қабул қилиб, қолған 1.1, 2.2, 2.3, 4.2, 9.1 ва 9.2-бандларини қабул қилишни рад этган.

Шу сабабли “Азия-М” хусусий корхонаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, оферта (шартнома лойихаси) бўйича юборилған келишмовчиликлар баённомасининг 1.1, 2.2, 2.3, 4.2, 9.1 ва 9.2-бандларини қабул қилишга “Бизнес сервис” МЧЖни мажбурлашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 16 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг бундай хulosага келишига “Бизнес сервис” МЧЖ томонидан юборилған мазкур оферта (шартнома лойихаси) асосида “Азия-М” хусусий корхонаси 2016 йилнинг 16 августидан



30 августигача “Бизнес сервис” МЧЖнинг ҳисоб-рақамига 250 000 000 сўм ўтказганлиги ва “Бизнес сервис” МЧЖдан 200 000 000 сўмлик маҳсулот олиб кетилганлиги асос бўлган.

ФК 370-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.), агар қонун ҳужжатларида ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарори 7-бандининг иккинчи хатбошида офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.), агар қонун ҳужжатларида ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бу ерда “Азия-М” хусусий корхонасининг хатти-ҳаракати унга йўлланган офертани акцептлаганидан далолат беради, яъни у шартномада белгиланган шартлар асосида “Бизнес сервис” МЧЖнинг ҳисоб-рақамига пул маблағи ўtkазиб бериб, маҳсулотни олиб кетиб, шартнома шартларини бажариш юзасидан ҳаракат қилган.

Шу боис Ҳайъат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирилган.



## 1.5. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин. Акс ҳолда даъво кўрмасдан қолдирилади.

“Сардор” МЧЖ ва “Шаҳло” хусусий корхонаси ўртасида 2017 йил 3 ноябрда 12-сонли олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Сардор” МЧЖ ўзига тегишли бўлган МТЗ-80 русумли тракторни “Шаҳло” хусусий корхонасига 40 000 000 сўмга сотиш, “Шаҳло” хусусий корхонаси эса, шартнома имзоланган кундан 10 иш куни давомида унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

“Сардор” МЧЖ даъво аризасида “Сардор” МЧЖнинг собиқ раҳбари МТЗ-80 русумли тракторнинг бозор баҳосини аниқламасдан шартнома тузганлигини билдириб, “Сардор” МЧЖ ва “Шаҳло” хусусий корхонаси ўртасида 2017 йил 3 ноября тузилган 12-сонли олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўраган.

Олди-сотди шартномасининг 4.2-бандида шартнома юзасидан томонлар ўртасида келишмовчиликлар ёки низо келиб чиқсан тақдирда, улар ўзаро келишув йўли билан талабнома юбориш тартиби орқали ҳал этилиши белгиланган.

ФК 384-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олингандан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёикни шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 148-моддасининг иккинчи



қисмига мувофиқ, агар қонунда муайян тоифадаги низолар учун судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, фақат тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан кейингина судда иш қўзғатилиши мумкин.

Бироқ "Сардор" МЧЖ томонидан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи талабнома судга тақдим этилмаган

ИПК 107-моддасининг 5-бандига кўра даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Шу боис суд "Сардор" МЧЖнинг арз қилинган талабни кўрмасдан қолдиришни, Ҳайъат эса суд ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

## **1.6. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасида қандай талаблар қайси мажбуриятларга асосан ўтаятганлиги аниқ кўрсатилган бўлиши керак.**

"Кармана" МЧЖ (дастлабки кредитор), "Бахт" хусусий фирмаси (янги кредитор) ва "Сардоба" АЖ (қарздор) ўртасида 2016 йил 16 марта талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра "Сардоба" АЖ мажбурият асосида ўзига тегишли бўлган талаб қилиш ҳукуқини "Бахт" хусусий фирмасига ўтказиши, "Бахт" хусусий фирмаси эса ушбу талаб қилиш ҳукуқини қабул қилиб олиши ҳамда "Кармана" МЧЖ ва "Сардоба" АЖ тўртасида 2015 йил 14 октябрда тузилган 2015/20-сонли асосий шартнома бўйича янги кредитор бўлиши белгиланган.

Аниқланишича, 2014 йил 11 ноябрда тузилган 67-сонли олди-сотди шартномасига асосан "Кармана" МЧЖ (сотиб оловчи) олинган маҳсулот учун "Сардоба" АЖ (етказиб берувчи)дан 100 000 000 сўм қарздор бўлган.



Ушбу 2014 йил 11 ноябрдаги 67-сонли олди-сотди шартномасига асосан мавжуд 100 000 000 сүм қарздорликни ҳисоб-китоб қилиш мақсадида, "Кармана" МЧЖ ва "Сардоба" АЖ ўртасида 2015 йил 14 октябрда тузилган 2015/20-сонли шартнома бўйича "Кармана" МЧЖ, "Бахт" хусусий фирмаси ва "Сардоба" АЖ ўртасида 2016 йил 16 марта талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида шартнома тузилган.

Шу сабабли вилоят прокуратураси судга ариза билан мурожаат қилиб, "Кармана" МЧЖ "Бахт" хусусий фирмаси ва "Сардоба" АЖ ўртасида 2016 йил 16 марта тузилган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 16 январдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Суднинг бундай хуносага келишига "Кармана" МЧЖ, "Бахт" хусусий фирмаси ва "Сардоба" АЖ ўртасида 2016 йил 16 марта талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида шартнома тузилиши натижасида 2014 йил 11 ноябрда тузилган 67-сонли олди-сотди шартномасига асосан "Кармана" МЧЖ олган маҳсулоти учун "Сардоба" АЖга бевосита тўлаши лозим бўлган 100 000 000 сүмни тўламасдан, ушбу суммани "Бахт" хусусий фирмаси ҳисобидан тўланишига йўл қўйганлиги, ушбу ҳолда талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида тузилган шартнома қонун талабларига зид бўлганлиги асос бўлган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сонли Фармонининг 4, 5-бандларида 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси доирасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида мавоза (бартер) асосида шартномалар тузишни тақиқлаш, тикорат банклари етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) учун ҳақни бевосита етказиб берувчиларга тўланиши, тўловларнинг учинчи шахслар ҳисобидан ундирилишига йўл қўйилмаслиги, ушбу тартибни бузиш даромадни яшириш деб баҳоланиши ва айборларга нисбатан қонунларда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланилиши белгиланган.



Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2003 йил 28 февралдаги 110-сонли қарорининг 4-бандида талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасида қандай талаблар қайси мажбуриятларга асосан ўтаётганлиги аниқ кўрсатилган бўлиши лозимлиги, тарафлар шартномада ўтказиладиган ҳуқуқ предметини аниқ-равshan тарзда асосий мажбуриятга боғлаган ҳолда кўрсатишлари шартлиги, агар талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасида воз кечилаётган ҳуқуқни келтириб чиқарувчи мажбурият аниқ кўрсатилмаган бўлса, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси тузилмаган деб ҳисобланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бу ерда талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасида ҳавола этилган "Кармана" МЧЖ ва "Сардоба" АЖ ўртасида 2015 йил 14 октябрда тузилган 2015/20-сонли шартнома судга тақдим этилмаган.

ФКнинг 116-моддасига мувофиқ қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасdir.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2104 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарорининг 6-бандида ФК 113-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, битим ФКда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли ёки бундай деб топилишидан қатъи назар, у ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши, бунда, ФК ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво бериш имкониятини истисно этмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирилган.



## 1.7. Шартномани уни имзолашга ваколати бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги бундай битимни ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Бундай шартнома низоли битим бўлиб, у манфаатдор шахснинг аризаси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганидан кейингина ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади.

"Нур" МЧЖ ва "Шердор" хусусий корхонаси ўртасида 2014 йил 20 апрелда маҳсулот етказиб бериш тўғрисида 15-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра "Нур" МЧЖ "Шердор" хусусий корхонасига 140 000 000 сўмлик тиббий буюмлар етказиб бериш, "Шердор" хусусий корхонаси эса ушбу буюмларни қабул қилиш ҳамда шартнома имзоланган кундан 10 кунлик муддат ичida унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида "Нур" МЧЖ, "Шердор" хусусий корхонаси ва "Ихлос" хусусий фирмаси ўртасида 2014 йил 22 апрелда кафиллик шартномаси тузилган.

Кафиллик шартномасининг 1.1, 2.1-бандларида "Шердор" хусусий корхонаси 2014 йил 20 апрелдаги 15-сонли шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни "Нур" МЧЖ олдида бажара олмаса, "Ихлос" хусусий фирмаси "Нур" МЧЖ олдида "Шердор" хусусий корхонаси билан солидар тарзда жавоб бериши белгиланган.

"Нур" МЧЖ томонидан "Шердор" хусусий корхонасига жами 140 000 000 сўмлик маҳсулот етказиб берилган. "Шердор" хусусий корхонаси эса маҳсулот учун тўловни қисман амалга оширган. Натижада "Шердор" хусусий корхонасининг "Нур" МЧЖ олдида 110 000 000 сўмлик қарздорлиги вужудга келган.

Ушбу суммани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги "Нур" МЧЖнинг талабномаси "Шердор" хусусий корхонаси ва "Ихлос" хусусий фирмаси томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли "Нур" МЧЖ суда даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Шердор" хусусий корхонаси ва "Ихлос" хусусий



фирмасидан солидар тартибда 110 000 000 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 20 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, "Шердор" хусусий корхонасидан "Нур" МЧЖ фойдасига 110 000 000 сўм асосий қарз ундирилган. Даъво талабининг "Ихлос" хусусий фирмасига нисбатан қисмини қаноатлантириш рад этилиб, "Ихлос" хусусий фирмаси жавобгарликдан озод этилган.

Суднинг даъвони қисман қаноатлантириб, "Ихлос" хусусий фирмасини жавобгарликдан озод этишга кафиллик шартномаси "Ихлос" хусусий фирмаси номидан ваколатсиз шахс томонидан имзоланганлигини, яъни кафиллик шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини асос қилиб келтирган.

Ваҳоланки, ФКнинг 113-моддасига мувофиқ битим ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганилиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим).

Низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни ушбу Кодексда кўрсатилган шахслар қўйишлари мумкин.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

Биринчи инстанция суди эса тарафлар ўртасида тузилган кафиллик шартномаси низоли битим ҳисобланишига, унинг ҳақиқий эмаслиги манфаатдор шахслар томонидан низолашилмаганилигига аҳамият бермасдан, моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаб, кафиллик шартномасини ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим деб баҳолаган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорининг "Ихлос" хусусий фирмасини жавобгарликдан озод этиш қисмини бекор қилиб, "Шердор" хусусий корхонаси ва "Ихлос" хусусий фирмасидан "Нур" МЧЖ фойдасига солидар тартибда 110 000 000 сўм асосий қарз ундиришни лозим топган.



## 1.8. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга даъво бериш мумкин.

“Саховат-С” хусусий корхонаси ва “Марат бизнес” МЧЖ ўртасида 2014 йил 25 декабрда 2-сонли мулк ижараси шартномаси тузилган бўлиб, унинг 1.2-бандида “Саховат-С” хусусий корхонаси Жиззах шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган умумий майдони 263,0 кв.м.дан иборат бинони идора оғиси сифатида ишлатиш учун 1 йил муддатга “Марат бизнес” МЧЖга ижарага топшириши, “Марат бизнес” МЧЖ эса ижара ҳақини шартнома белгиланган муддатларда тўлаб бориши белгиланган.

Жумладан, шартноманинг 3.1-бандида “Марат бизнес” МЧЖ бинодан фойдаланганлик учун “Саховат-С” хусусий корхонасига ҳар бир кв.м. учун амалдаги энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида ижара ҳақи тўлаш мажбуриятини олган.

“Марат бизнес” МЧЖ ижарада турган 2015 йилнинг январь, февраль ва март ойлари учун 23 354 400 сўмлик тўловни амалга оширган.

Шартноманинг 2.1-банди д-кичик бандида “Марат бизнес” МЧЖ шартноманинг охирги муддати тугашидан камида бир ой олдин ёзма равища “Саховат-С” хусусий корхонасига маълум қилиши ва кўчиб кетаётган ўша ойдан кейинги бир ойга юз фоиз “Саховат-С” хусусий корхонасига ижара ҳақини тўлаши белгиланган.

“Марат бизнес” МЧЖнинг 2015 йил 26 февралда “Саховат-С” хусусий корхонасига йўллаган 75-сонли мурожаатида ижара шартномаси 2015 йилнинг 1 апрелидан бекор қилиниши қайд этилган ва шартноманинг 2.1-банди д-кичик бандига мувофиқ ижарада фойдаланмаган давр, яъни апрель ойи учун ҳам 2015 йил 31 мартағи 247-сонли тўлов топшириқномаси билан 7 784 799,90 сўмлик тўловни амалга оширган.

Бироқ ўзаро тузилган шартноманинг 6.3-бандида “Марат бизнес” МЧЖ ижара ҳақини ўз вақтида тўламагани учун кунига 0,5 фоиз пеняни “Саховат-С” хусусий корхонасига тўлаши, бунда ФКнинг 326-моддасида ҳамда Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандида белгиланган тартиб-



қоидалар қўлланилмаслиги, яъни амалда қанча пеня ҳисобланган бўлса, шунча пеня ундирилиши ҳақида ёзилган.

Шу сабабли “Марат бизнес” МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, ўзаро тузилган мулк ижараси шартномасининг мазкур 6.3-банди қонунга хилоф бўлганлиги учун уни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 4 майдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг бундай хulosага келишига мулк ижараси шартномасининг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги асос бўлган.

ФК 111-моддасининг биринчи қисмига кўра ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

ФК 112-моддасининг биринчи қисмига кўра битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Мулк ижараси шартномаси тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли қарори 17-бандининг иккинчи хатбошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги 278-сонли қарори билан тасдиқланган “Бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандига мувофиқ мулқдор ёки у томонидан вакил қилинган шахс ижара шартномаси тузилган вақтдан бошлаб бир ой муддатда, бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар.

“Саховат-C” хусусий корхонаси томонидан “Марат бизнес” МЧЖ билан 2014 йил 25 декабрда тузилган 2-сонли мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Ушбу ҳолда шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.



Биринчи инстанция суди ФК ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво бериш имкониятини истисно этмаслигини, шартноманинг 6.3-банди унинг 2.1-банди ва бошқа бандлари ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига зидлигини инобатга олмасдан, арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида нотўғри хуносага келган

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида” 2104 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарорининг 6-бандида ФК 113-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, битим ФКда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли ёки бундай деб топилишидан қатъи назар, у ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши, бунда, ФК ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво бериш имкониятини истисно этмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Қолаверса, шартноманинг 6.3-банди ФКнинг 326-моддаси ҳамда Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандида белгиланган қоидаларга зид ҳолда тузилган.

Ваҳоланки, ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандида ёзилишича, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, неустойқанинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозим. ФКнинг 263-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ тарафларнинг келишуви билан қонунда аниқланган неустойка (қонуний неустойка) миқдорининг оширилиши ўз-ўзидан ундирилаётган неустойкани камайтиришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

ФКнинг 116-моддасига кўра қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот



ёки ахлоқ асосларига атайнин қарши мақсадда тузилган битим ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Шу боис Ҳайъат биринчى инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим топган.

## **1.9. Автомотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномалари нотариал тасдиқланиши, нотариал тасдиқланган автомотранспорт воситасини ижарага бериш шартномаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органида ҳисобга олиниши шарт.**

“Авто транс” МЧЖ ва “Транс сервис” МЧЖ ўртасида 2014 йил 1 марта транспорт воситаларини ижарага бериш тўғрисида 72-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра “Авто транс” МЧЖ “Транс сервис” МЧЖга 2 та “ISUZU” русумли транспорт воситаларини ижарага бериш, “Транс сервис” МЧЖ эса транспорт воситалари қабул қилиб олиш ва ижара ҳақини белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 5-бандига кўрашартноманинг амал қилиш муддати 2014 йил 1 июндан 2014 йил 31 декабрга қадар бўлиб, ҳар бир транспорт воситаси учун ойлик ижара ҳақи 420000 сўм ва шартноманинг умумий суммаси ҳар бир транспорт воситаси учун 2520000 сўм қийматида белгиланган. Шунингдек, шартноманинг 7-бандига асосан ижара ҳақи ҳар ойнинг бешинчи санасидан кечиктирмасдан амалга оширилиши лозим.

Шартноманинг 9-бандида шартнома имзоланган кундан 10 кун ичида “Авто транс” МЧЖ транспорт воситаларини техник жиҳатдан соз ва келажакда фойдаланишга яроқли ҳолда далолатнома асосида “Транс сервис” МЧЖга топшириши, “Транс сервис” МЧЖ эса шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг 10 кун ичида транспорт воситаларини техник жиҳатдан соз ва келажакда фойдаланишга яроқли ҳолда “Авто транс” МЧЖга қайтариши белгиланган.



"Авто транс" МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, шартнома тузилганига уч ойдан ошган бўлишига қарамасдан, "Транс сервис" МЧЖ ижара ҳақини тўламаётгандиги сабабли ундан 2 та транспорт воситалари учун 2520000 сўм ижара ҳақини ундиришни, транспорт воситаларини "Авто таранс" МЧЖга қайтариш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 4 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилиб, "Транс сервис" МЧЖдан "Авто транс" МЧЖ фойдасига 2520000 сўм ижара ҳақи ундирилган. "Транс сервис" МЧЖ зиммасига 2 та "ISUZU" русумли транспорт воситаларини "Авто транс" МЧЖга қайтариш мажбурияти юклатилган.

Суднинг бундай хуносага келишига ижара шартномаси ҳамда гувоҳларнинг 2 та "ISUZU" русумли транспорт воситалари "Транс сервис" МЧЖ ҳайдовчилари фойдаланувида эканлиги ҳақида берган кўрсатмалари асос бўлган.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги "Автомотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 38-сонли қарори билан тасдиқланган "Автомотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 11-бандига мувофиқ нотариуслар томонидан тасдиқланган автомотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида дўйҳҳх органларида рўйхатга олиш (ҳисобга қўйиш) учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Мулк ижараси шартномаси тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли қарорининг 14-бандида қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши кераклиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги "Автомотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан



фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 38-сонли қарори билан тасдиқланган "Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 3-банди мазмунидан келиб чиқиб, автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномалари нотариал тасдиқланиши, нотариал тасдиқланган автомототранспорт воситасини ижарага бериш шартномаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органида ҳисобга олиниши ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқиий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори 6-бандининг биринчи хатбошисида, ФК 113-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, битим ФКда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқиий эмас деб топганлиги сабабли ёки бундай деб топилишидан қатъи назар, у ўз-ўзидан ҳақиқиий бўлмаганлиги сабабли ҳақиқиий эмас деб ҳисобланиши, 8-бандининг иккинчи хатбошисида, агар суд муҳокамаси пайтида жавобгар ўз эътиrozларида битимнинг ўз-ўзидан ҳақиқиий эмаслигига асосланаётган бўлса, судлар жавобгарнинг эътиrozларига баҳо беришлари ва улар асосли бўлган тақдирда, низонинг вужудга келишига сабаб бўлган битимнинг ўз-ўзидан ҳақиқиий эмаслигидан келиб чиқиб, иш бўйича қарор қабул қилишлари лозимлиги, 12-бандининг биринчи хатбошисида ФК 116-моддасига кўра ўз-ўзидан ҳақиқиий бўлмаган битим бўлиб: қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмунда, ҳукуқ-тартибот асосларига қарши мақсадда, ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бу ерда транспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланмаган ва ИИББ ЙҲХБда ҳисобга қўйилмаган. Шунингдек транспорт воситалари қачон "Авто транс" МЧЖ томонидан "Транс сервис" МЧЖга ижарада фойдаланиш учун топширилганлиги ҳақидаги икки томонлама имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномалари мавжуд эмас.



Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

## **1.10. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганилигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган тақдирда, бундай битим маъқулланган ҳисобланади.**

“Авто ҳамкор” лизинг компанияси ва “Кармана” МЧЖ ўртасида 2012 йил 23 октябрда 101/12-сонли лизинг шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Авто ҳамкор” лизинг компанияси “Кармана” МЧЖга умумий қиймати 510 260 000 сўм бўлган 8 та “ISUZU” русумли автотранспорт воситаларини 36 ой муддатга лизингга бериш, “Кармана” МЧЖ эса лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган.

Лизинг тўловларининг қайтарилишини таъминоти сифатида “Авто ҳамкор” лизинг компанияси, “Кармана” МЧЖ ва “Лада” МЧЖ ўртасида 2014 йил 4 ноябрда кафиллик шартномаси тузилиб, унга кўра “Лада” МЧЖ “Кармана” МЧЖнинг лизинг шартномаси бўйича мажбуриятлари юзасидан 253 498 137 сўмга кафил бўлган.

Кейинчалик, “Лада” МЧЖ таъсисчиси А.Шукуров судга ариза билан мурожаат қилиб, 2014 йил 4 ноябрда тузилган кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 19 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Суднинг бундай хulosага келишига лизинг шартномаси тузилгандан кейин орадан икки йил ўтиб кафиллик шартномаси тузилганилиги асос бўлган.

Ваҳоланки, ФК 292-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Бундан ташқари, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда “Қонун” деб юритилади) 8-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига кўра, жамият иштирокчилари қонун ҳужжатларида ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган



тарибида жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишишга ҳақлидирлар.

Мазкур Конун 30-моддаси иккинчи қисмининг еттинчи хатбоисига кўра, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш киради.

Конун 31-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг уставида белгиланган муддатларда, лекин йилига камида бир марта ўтказилади.

Аниқланишича, "Лада"МЧЖ томонидан "Кармана" МЧЖнинг мажбуриятлари бўйича кафиллик шартномаси тузилгунга қадар 40 600 000 сўм, кафиллик шартномаси тузилганидан кейин, яни 2014 йил 29 октябрдан 2015 йил 4 ноябрга қадар 409 300 000 сўм пул маблағлари ихтиёрий равишда "Авто ҳамкор" лизинг компаниясига ўтказиб берилган.

Мазкур ҳолат тарафлар ўртасида кафиллик шартномаси тузилганлигидан "Лада" МЧЖ таъсисчиси А.Шукуров хабардор эканлигидан далолат беради.

ФКнинг 132-моддасига мувофиқ вакил қилинмаган шахс томонидан бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс ушбу битимни кейинчалик маъқуллаган тақдирдагина унинг учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижротга қабул қилинганлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади. Битим тузишга ваколат берган шахс томонидан битимнинг кейинчалик маъқулланиши уни тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий битимга айлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг айrim масалалари ҳақида" 2014 йи 28 ноябрдаги 269-сонли Қарорининг 17-бандида ФКнинг 126-моддасига кўра, агар шахснинг битим



тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёинки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги, бундай асос билан битим кимнинг манфаатида чеклаш белгиланган бўлса, фақат ўша шахснинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги, шу боис, ФКнинг 126-моддасига асосан битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво билан бошқа шахс мурожаат қилган бўлса, бундай даъвони қаноатлантириш рад этилиши, битим тузиш ваколатларини чеклаш белгиланишидан манфаатдор шахс битимни кейинчалик маъқуллаганда, ФКнинг 126-моддасида белгиланган битимни ҳақиқий эмас деб топиш асослари қўлланилмаслиги, битим, агар у бўйича бошқа тараф қайд этилган чеклаш ҳақида билган ёки олдиндан билиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирдагина, ФКнинг 126-моддаси асосида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ биринчи инстанция суди кафил томонидан тўлов кафиллик шартномаси мажбуриятларидан келиб чиқсан ҳолда ихтиёрий амалга оширилганлигини инобатга олмасдан, аризани қаноатлантириш ҳақида нотўғри холосага келган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани қаноатлантириши рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.



## **1.11. Агар тарафларнинг шартномавий ҳуқуқий муносабатларга киришганлиги ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқланса, шартноманинг мавжуд эмаслиги даъвогарнинг етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар қийматини ундириш ҳақидаги талабларини қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлмайди.**

“Зарафшон” МЧЖ “Навоий” МЧЖдан 2014 йил 7 июлдаги ҳисобфактурага асосан 24 100 000 сўмлик ҳамда 2014 йил 8 июлдаги ҳисобфактурага асосан 12 400 000 сўмлик, жами 36 500 000 сўмлик қурилиш маҳсулотларини қабул қилиб олган.

“Зарафшон” МЧЖ томонидан 8 000 000 сўмлик тўлов амалга оширилиб, унинг “Навоий” МЧЖдан қарздорлиги 29 500 000 сўмни ташкил этган. Шу сабабли “Навоий” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Зарафшон” МЧЖдан 29 500 000 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 15 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг бундай хуносага келишига “Навоий” МЧЖ ва “Зарафшон” МЧЖ ўртасида шартнома мавжуд эмаслиги асос бўлган.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида” 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарори 8-бандининг еттинчи хатбохисида, агар тарафларнинг шартномавий ҳуқуқий муносабатларга киришганлиги ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқланса, шартноманинг мавжуд эмаслиги даъвогарнинг етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар қийматини ундириш ҳақидаги талабларини қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўла олмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бу ерда гарчанд, шартнома мавжуд бўлмаса-да, 36 500 000 сўмлик қурилиш маҳсулотлари “Зарафшон” МЧЖ томонидан қабул қилиб



олинганлиги ҳисоб-фактуралар билан ўз тасдиғини топган. Бундан ташқари, "Навоий" МЧЖ ва "Зарафшон" МЧЖ ўртасида 2016 йил 14 июлда имзоланган ўзаро ҳисоб-китоб таққослаш далолатномасида "Зарафшон" МЧЖ 29 500 000 сўм қарздорликни тан олган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириши, "Зарафшон" МЧЖдан "Навоий" МЧЖ фойдасига 29 500 000 сўм асосий қарз ундиришни лозим топган.

## **1.12. Ер участкасига бўлган сервитутнинг белгиланиши кўчмас мулк билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатни келтириб чиқариши сабабли у давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.**

"Турон-С" МЧЖ ва "Техник хизмат" МЧЖ ўртасида 2015 йил 22 сентябрда 2-сонли олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Турон-С" МЧЖ ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган Сурхондарё вилоят, Сариосиё тумани, Термизий кўчаси, 10-уда жойлашган умумий майдони 44 638 кв.м. ер участкасида жойлашган бинонинг бир қисмини "Техник хизмат" МЧЖга сотган.

"Турон-С" МЧЖ ва "Техник хизмат" МЧЖ ўртасида 2015 йил 2 октябрда тузилган топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан "Техник хизмат" МЧЖ бинони "Турон-С" МЧЖдан қабул қилиб олган.

Кейинчалик, "Техник хизмат" МЧЖ "Турон-С" МЧЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, бинога кириб чиқишининг имконияти йўқлиги сабабли, "Техник хизмат" МЧЖга ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини (сервитут) беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 16 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг бундай хulosага келишига "Техник хизмат" МЧЖ ва "Турон-С" МЧЖ ўртасида тузилган 2015 йил 4 октябрдаги сервигут шартномаси мавжудлиги асос бўлган.

ФК 173-моддасининг биринчи-тўртинчи қисмларига мувофиқ кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан, зарур ҳолларда эса, бошқа ер участкасининг



эгасидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминланиши мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин.

Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди.

Сервитут белгилашни талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга мувофиқ сервитут белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилаш хусусида келиша олинмаса ёки унинг шартларида муросага келинмаса, баҳс сервитут белгилашни талаб қилаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (бундан буён матнда "Низом" деб юритилади) 2-бандининг биринчи хатбошисига мувофиқ кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши, шунингдек улар билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Низомнинг 3-бандига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари ушбу ҳуқуқлар мазкур Низомга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилган кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Низомнинг 33-бандига мувофиқ ер участкасига бўлган сервитут давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.



Сервитутни давлат рүйхатидан ўтказиш сервитут белгиланишидан манфаатдор юридик ёки жисмоний шахснинг аризаси бўйича, сервитут белгиланишидан манфаатдор юридик ёки жисмоний шахс ва ерларида сервитут белгиланадиган юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида тузилган ёзма келишуви асосида ёки суд қарори бўйича амалга оширилади.

Сервитутни давлат рүйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига сервитут белгиланиши ҳақидаги ҳужжатнинг номини ҳамда унинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ёзувни киритиш орқали амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтган тақдирда сервитут сақланиб қолинади, у белгилаш учун асослар бекор бўлган ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

Бу ерда сервитут белгиланишидан манфаатдор бўлган "Техник хизмат" МЧЖтуман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига сервитутни давлат рүйхатидан ўтказиш ҳақида ариза билан мурожаат қилмаган, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига сервитут белгиланиши ҳақидаги ҳужжатнинг номини ҳамда унинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ёзув киритилмаган. Ушбу ҳолат туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг маълумотномаси билан тасдиқланган.

Қолаверса, ФК 112-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рүйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, сервитут шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини, "Техник хизмат" МЧЖ ўзига тегишли бўлган бинодан сервитут белгиламай туриб фойдаланиши мумкинлигини, яъни "Техник хизмат" МЧЖнинг бинога кириши ва ундан фойдаланиши учун дарвоза ва йўлак мавжудлигини, қолаверса, "Техник хизмат" МЧЖдан бир неча маротаба қандай шартлар асосида сервитут талаб қилинаётганлиги сўралган бўлсада, унга аниқлик киритиб бера олмаганлигини инобатга олиб, ушбу



асослар билан даъво талабни қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

### **1.13. Агар шартномада тарафлар томонидан келиб чиққан низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги шарт назарда тутилган бўлса, аммо низони ҳал этиш тартиби белгиланмаган бўлса, бу ҳолда низони талабнома юбориш йўли билан ҳал этиш тартиби мажбурий ҳисобланмайди.**

“Одина” МЧЖ ва “Рустам” МЧЖ ўртасида 2016 йил 10 ноябрда 24-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра “Рустам” МЧЖ “Одина” МЧЖга қурилиш молларини етказиб бериш, “Одина” МЧЖ эса қурилиш моллари учун 100 фоиз тўловни олдиндан амалга ошириш мажбуриятини олган.

“Одина” МЧЖ 2016 йил 28 декабрда 8-сонли тўлов топшириқномаси билан “Рустам” МЧЖга 40 000 000 сўм ўтказиб берган. “Рустам” МЧЖ эса етказиб берилиши лозим бўлган қурилиш молларини “Одина” МЧЖга етказиб бермаган. Шу сабабли “Одина” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Рустам” МЧЖдан 40 000 000 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан даъво ариза кўрмасдан қолдирилган ва бунга асос қилиб тарафлар ўзаро тузилган шартномада даъвони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш)га келишилганлиги, аммо ушбу шартномада низони судгача ҳал қилиш тартиби акс этмаганлигини кўрсатган.

Дарҳақиқат, аниқланишича, “Одина” МЧЖ ва “Рустам” МЧЖ ўртасида 2016 йил 10 ноябрда тузилган 24-сонли шартноманинг 7.2-бандида тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ юзага келадиган низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилиниши ёзилган.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида” 2007 йил 15 июндаги 162-сонли қарори



3-бандининг иккінчи хатбоисида, агар шартномада тарафлар томонидан келиб чиққан низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги шарт назарда тутилган бўлса, аммо низони ҳал этиш тартиби белгиланмаган бўлса, бу ҳолда низони талабнома юбориш йўли билан ҳал этиш тартиби мажбурий ҳисобланмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди мазкур Пленум тушунтиришини ино-  
батга олмасдан, ИПК 107-моддасининг 5-бандига асосан низони суд-  
гача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя қилинмаган,  
деган важ билан даъво аризасини кўрмасдан қолдирган.

Шу сабабли Ҳайъат даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги  
ажримни бекор қилиб, ишни мазмунан кўриб чиқиши учун биринчи  
инстанция судига юборишни лозим топган.

## 2 - БОБ

**ОЛДИ-СОТДИ, МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ  
БЕРИШ ВА КОНТРАКТАЦИЯ  
ШАРТНОМАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**



## 2.1. Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

“Ниҳол” хусусий корхонаси ва “Сардор” АЖ ўртасида 2015 йил 3 ноябрда 66-сонли олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Ниҳол” хусусий корхонаси ҳар бир донаси 2 300 сўмдан бўлган 36 000 дона умумий қиймати 40 000 000 сўмлик полупропилин халталар етказиб бериш, “Сардор” АЖ эса маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг қийматини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 4.2-бандида шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида маҳсулотга буюртма берган ҳолда 15 фоиз миқдорида олдиндан тўлов йўли билан, якуний тўлов эса маҳсулот қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичида амалга оширилиши белгиланган.

Шартноманинг 4.3-бандига кўра “Сардор” АЖ томонидан 15 фоизлик олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, “Ниҳол” хусусий корхонаси шартномада кўрсатилган маҳсулотни бермасликка ҳақли.

“Сардор” АЖ томонидан олдиндан тўланиши лозим бўлган маҳсулот қийматининг 15 фоизи бўйича тўлов амалга оширилмаган ва маҳсулот қабул қилиб олинмаган.

Шу сабабли “Ниҳол” хусусий корхонаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Сардор” АЖдан маҳсулот қабул қилиб олинмаганлиги учун “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига асосан шартнома суммасининг 5 фоизи миқдорида 2 000 000 сўм жарима ундиришни сўраган.

Мазкур Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоиз



миқдорида жарима тўлайди. Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлиdir.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Товарларни танлаб олмаслик билан боғлиқ низоларни ҳал қилишининг айrim масалалари тўғрисида" 2007 йил 28 декабрдаги 175-сонли қарорининг 2-бандига кўра товарларни танлаб олмаслик деганда, маҳсулот етказиб берувчининг омборидан сотиб оловчи (оловчи) нинг товарларни шартномада белгиланган тартиб ва муддатда олиб чиқиш (олиш) мажбуриятини бажармаслиги тушунилади.

Ушбу Пленум қарорининг 4-бандига кўра сотиб оловчи (оловчи) нинг товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатда, бундай муддат белгиланмаган бўлса, товарларнинг тайёrlиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчининг билдириш хатини олганидан сўнг оқилона муддатда танлаб олмаслиги маҳсулот етказиб берувчига шартномани бажаришдан бош тортиш ёки сотиб оловчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради (ФК 448-моддасининг иккинчи қисми).

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 4 декабрдаги ҳал қилув қарори билан дъяво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

Суднинг бундай холосага келишига "Сардор" АЖ томонидан маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги асос қилиб олинган.

Бироқ, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ хўжалик шартномаси шартнома предметини етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун



хужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномада эса барча муҳим шартлар кўрсатилмаган. Жумладан, полуопропилин халталар етказиб бериш назарда тутилган бўлса-да, аммо уларнинг сифати, ассортименти ҳамда ўлчами кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, ФК 364-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун хужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида” 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори 12-бандининг биринчи хатбошисида ФК 116-моддасига кўра, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим бўлиб: қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмунда, ҳуқуқ-тартибот асосларига қарши мақсадда, ахлоқ асосларига атайн қарши мақсадда тузилган битим ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат қайд этилган қонун талабларига асосланиб, тарафлар ўртасида тузилган шартномада барча муҳим шартлар кўрсатилмаганлиги, ушбу ҳолда шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини, қолаверса, маҳсулот қийматининг 15 фоизи бўйича тўлов олдиндан амалга оширилмаганлиги инобатга олиниб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.



## 2.2. Қонунда ёки шартномада неустойкани ундиришнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, неустойка мажбурият амалда бажарилгунга қадар ундирилади.

"Олмос" АЖ ва "Малика" МЧЖ ўртасида 2016 йил 11 июлда маҳсулот етказиб бериш тӯғрисида 74-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра "Малика" МЧЖ "Олмос" АЖга умумий қиймати 100 000 000 сўм бўлган 40 дона компьютер ва 8 дона кўп функцияли аппарат етказиб бериш, 8-бандига кўра "Олмос" АЖ шартнома тузилган кундан 5 иш куни давомида шартнома суммасининг 15 фоизини олдиндан, қолган 85 фоизни эса маҳсулот етказиб берилгандан кейин 5 иш куни давомида амалга ошириши лозим бўлган.

Шартноманинг 11-бандига кўра "Малика" МЧЖ томонидан шартнома тузилган кундан 5 иш куни давомида маҳсулот намуналари "Олмос" АЖга тақдим этилиши лозим бўлган.

Шартноманинг 14-бандида "Малика" МЧЖ ушбу муддат ичида маҳсулот намуналарини тақдим қилмаган тақдирда, "Олмос" АЖ шартнома суммасининг 10 фоизи миқдоридаги жаримани "Малика" МЧЖдан суд тартибида ундиришни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Даъво аризасида қайд этилишича, тарафлар ўртасида шартнома 2016 йил 11 июлда тузилган бўлса-да, "Малика" МЧЖ томонидан 5 кунлик муддат ичида маҳсулот намуналари тақдим қилинмаган ва 15 фоиз тўлов амалга оширилмаган.

Шу сабабли "Олмос" АЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб "Малика" МЧЖдан шартнома суммасининг 10 фоизи миқдоридаги 10 000 000 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг бундай хulosага келишига "Малика" МЧЖ томонидан маҳсулот намуналари ўз вақтида тақдим қилинганлиги, "Олмос" АЖ эса 15 фоиз тўловни олдиндан амалга оширмаганлиги асос бўлган.

Бироқ ишдаги ҳужжатларга кўра "Малика" МЧЖ томонидан 2016 йил 28 июлдаги 15-сонли алоқа хати орқали "Олмос" АЖга



1 дона компьютер, ва 2 дона күп функциялы аппарат намуналари тақдим этилган.

“Олмос” АЖнинг 2016 йил 24 августда “Малика” МЧЖга йўллаган 804-сонли хатида “Малика” МЧЖ томонидан тақдим этилган маҳсулот намуналари буюртмада кўрсатилган техник шартлар ва талабларга тўғри келмаслиги маълум қилинган ва шартнома суммасининг 15 фоизи миқдорида тўлов олдиндан амалга оширилмаган.

“Малика” МЧЖ шартнома шартларини бажармасдан, “Олмос” АЖга 2016 йил 4 сентябрда 17-сонли хат билан мурожаат қилиб, шартномада кўрсатилган техник параметрларга мос келадиган маҳсулотлар “Малика” МЧЖнинг омборида мавжуд эмаслиги сабабли, шартнома шартларини бажаришдан воз кечишини билдирган ва тақдим этилган маҳсулот намуналарини қайтаришни сўраган.

Ушбу ҳолда “Малика” МЧЖ “Олмос” АЖга шартноманинг 2-5-бандида белгиланган техник параметрларга жавоб берадиган маҳсулот намуналарини тақдим этиши лозим бўлганлигига биринчи инстанция суди эътибор қаратмасдан хатоликка йўл қўйган.

Чунки “Малика” МЧЖ шартноманинг 11-бандида шартнома тузилган кундан 5 иш куни давомида шартноманинг 2.5-бандида белгиланган техник параметрларга жавоб берадиган маҳсулот намуналарини тақдим этиш мажбуриятини олган бўлса-да, ушбу мажбурият бажарилмаган.

ФКнинг 454-моддасига мувофиқ товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечикириб юборганик учун қонунда ёки шартномада белгиланган неустойка, агар неустойкани ундиришнинг бошқача тартиби қонунда ёки шартномада белгиланмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчидан шартноманинг амал қилиш муддатида мажбурият амалда бажарилгунга қадар ундирилади.

Шу боис Ҳайъат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, “Малика” МЧЖдан “Олмос” АЖ фойдасига шартноманинг 14-бандига асосан шартнома суммасининг 10 фоизи миқдоридаги 10 000 000 жаримани ундириш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.



## 2.3. Сотиб олувчи маҳсулотнинг сифатсизлигини аниқлаган тақдирда, уни сифатли ва фойдаланишга яроқли маҳсулот билан алмаштириб бериш ҳақида сотувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

“Сардор” МЧЖ ва “Камола” хусусий корхонаси ўртасида 2015 йил 30 декабрда 59-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра “Камола” хусусий корхонаси “Сардор” МЧЖга ҳар бир донаси 420 сўмдан бўлган умумий қиймати 147 000 000 сўмлик 350 000 дона пишган ғишт маҳсулотини етказиб бериш, “Сардор” МЧЖ эса маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг қийматини тўлаш мажбуриятини олган.

ФКнинг 437-моддасида белгиланишича, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оиласвий мақсадларда, рўзгорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

“Камола” хусусий корхонаси 2015 йил 20 октябрдаги 29-сонли ишончнома ва 41-сонли юк хатига асосан “Сардор” МЧЖга ҳар бир донаси 420 сўмдан бўлган 250 000 дона, умумий қиймати 105 000 000 сўмлик пишган ғишт маҳсулотини етказиб берган.

“Сардор” МЧЖ “Камола” хусусий корхонасига 2016 йил 23 февралдаги 7-сонли тўлов топшириқномаси билан 70 000 000 сўм ўтказиб берган.

“Сардор” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Камола” хусусий корхонаси томонидан 30 000 000 сўмлик сифатсиз пишган ғишт маҳсулоти етказиб берилганлиги важи билан ушбу суммани “Камола” хусусий корхонасидан ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 18 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.



Суднинг бундай хуносага келишига вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг 2016 йил 5 мартағи 68-сонли баённомаси асос бўлган.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчи (буортмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот (товар)ларни етказиб бериш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида” 2007 йил 28 декабрдаги 174-сонли қарорининг 5, 6-бандларида тушунтириш берилган.

Бироқ даъво талабини қаноатлантиришга асос бўлган вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг 2016 йил 5 мартағи 68-сонли баённомасида айнан 30 000 000 сўмлик пишган ғишт маҳсулотининг сифатсизлиги акс эттирилмаган.

ФК 446-моддасининг биринчи-учинчи қисмларига мувофиқ сотиб оловчи (оловчи) шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Сотиб оловчи (оловчи) ўзи қабул қилган товарни қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан кечириши лозим. Сотиб оловчи (оловчи) худди шу муддатда қабул қилинган товарларнинг миқдори ва сифатини қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида



ёки иш муомаласи одатларида белгиланган тартибда текшириши ва товарнинг аниқланган номувофиқликлари ва камчиликлари тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Шартноманинг 5.4-бандида “Сардор” МЧЖ томонидан маҳсулотнинг сифатсизлиги аниқланган тақдирда, уни сифатли ва фойдаланишга яроқли маҳсулот билан алмаштириб бериш ҳақида “Камола” хусусий корхонасини дарҳол хабардор қилиши лозимлиги белгиланган.

Бироқ “Сардор” МЧЖ томонидан 30 000 000 сўмлик пишган ғишт маҳсулотининг сифатсизлиги аниқланган тақдирда, уларни сифатли ва фойдаланишга яроқли маҳсулотлар билан алмаштириб бериш ҳақида “Камола” хусусий корхонаси хабардор қилинмаган.

Қолаверса, 2016 йил 2 августда имзоланган ўзаро ҳисоб-китобни таққослаш далолатномасида “Камола” хусусий корхонаси эмас, балки “Сардор” МЧЖ “Камола” хусусий корхонасидан сотиб олинган пишган ғишт маҳсулотлари учун мавжуд 35 000 000 сўмлик қарздорлигини тан олган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қабор қабул қилишни лозим топган.

## **2.4. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.**

“Пилла” МЧЖ ва “Ҳабибулло” фермер хўжалиги ўртасида 2015 йил 10 февралда пилла хомашёсини харид қилиш бўйича 176-сонли контрактация шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Ҳабибулло” фермер хўжалиги “Пилла” МЧЖга 3300 кг. ипак қурти пилласини етказиб бериш, МЧЖ эса уни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартнома шартларига кўра “Пилла” МЧЖ “Ҳабибулло” фермер хўжалигига 2015 йил ҳосили учун 4 900 000 сўмлик уруғлик етказиб



берган ҳамда 2015 йил 4 майдаги 44-сонли түлов топшириқномасига асосан унга 5 600 000 сүмлик аванс түлови амалға оширилған.

Бироқ “Хабибулло” фермер хұжалиги 3300 кг ипак құрти пилласини топшириш үрнига 1130 кг яғни 4 500 000 сүмлик ипак құрти пилласи топшириб, шартномавий мажбуриятни қисман бажарған.

Шу сабабли “Пилла” МЧЖ судга дағво аризаси билан мурожаат қилиб, “Пилла” МЧЖ ва “Хабибулло” фермер хұжалиги үrtасида 2016 йил 8 февралда пилла хом-ашёсими харид қилиш бүйічада тузилған 120-сонли контрактация шартномасиңи бекор қилишни, “Хабибулло” фермер хұжалигидан “Пилла” МЧЖ фойдасига 10 500 000 сүм асосий қарз үндеришни сұраган.

Бириңчи инстанция судининг 2016 йил 14 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан дағво талаблари қисман қаноатлантирилған. “Пилла” МЧЖ ва “Хабибулло” фермер хұжалиги үrtасида 2016 йил 8 февралда пилла хом ашёсими харид қилиш бүйічада тузилған 120-сонли контрактация шартномаси бекор қилинған. “Хабибулло” фермер хұжалигидан “Пилла” МЧЖ фойдасига 6 000 000 сүм асосий қарз үндерилған. Дағво талабининг қолған қисмини қаноатлантириш рад этилған.

ФК 465-моддасининг бириңчи қисміда белгиланишича, контрактация шартномасига мувофиқ қышлоқ хұжалиги маҳсулотини етишитирүвчи қышлоқ хұжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қыладыған шахсга – тайёрловчига шартлашилған муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилған муддатда белгиланған баҳода тұлаш (тұлаб туриш) мажбуриятини олади.

Ушбу ҳолда “Хабибулло” фермер хұжалигининг “Пилла” МЧЖ олдидаги қарздорлығы уруғлық қыймати ва аванс түловларидан топширилған ипак құрти қыйматини чегирған ҳолда 6 000 000 сүмни ташкил этған.

Бириңчи инстанция суди дағво талабларини қисман қаноатлантириш, яғни “Хабибулло” фермер хұжалигидан “Пилла” МЧЖ фойдасига 6 000 000 сүм асосий қарз үндериш, қолған 4 500 000 сүмлик қарзни үндериш ҳақидаги дағво талабини үз исботини топма-



ганлиги сабабли қаноатлантиришни рад этиш ҳақида түғри хulosага келган бўлса-да, даъво талабининг "Пилла" МЧЖ ва "Ҳабибулло" фермер хўжалиги ўртасида 2016 йил 8 февралда пилла хомашёсини харид қилиш бўйича тузилган 120-сонли контрактация шартномасини бекор қилиш қисмини қаноатлантириш ҳақида нотўғри хulosага келган.

Чунки ФК 382-моддасининг иккинчи қисмига кўра тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинч тараф шартномани жиддий равишда бузса, ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарори 18-бандининг учинчи бешинчи хатбошиларида тушунтириш берилган.

Ушбу ҳолда 6000000 сўм қарздорлик "Пилла" МЧЖ ва "Ҳабибулло" фермер хўжалиги ўртасида 2015 йил 10 февралда 2015 йил ҳосили учун пилла хомашёсини харид қилиш бўйича тузилган 176-сонли контрактация шартномасидан келиб чиқсан бўлиб, "Пилла" МЧЖ ва "Ҳабибулло" фермер хўжалиги ўртасида 2016 йил 8 февралда пилла хомашёсини харид қилиш бўйича 120-сонли контрактация шартномаси 2016 йил ҳосили учун тузилган. Ушбу шартнома бўйича "Пилла" МЧЖ "Ҳабибулло" фермер хўжалиигига ҳеч қандай уруғлик етказиб бермаган, аванс тўловини амалга оширгмаган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорининг "Пилла" МЧЖ ва "Ҳабибулло" фермер хўжалиги ўртасида 2016 йил 8 февралда пилла хомашёсини харид қилиш бўйича тузилган 120-сонли контрактация шартномасини бекор қилиш қисмини бекор қилиб, даъво талабининг ушбу қисмини тарафлар шартнома бўйича ҳеч қандай муносабатга киришмаганлигини инобатга олиб, қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.



## **2.5. Агар тайёрлов ташкилоти маҳсулотни қабул қилиш рад этилиши түғрисида ёзма ариза берішдан бosh тортса, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлик ҳолатини тасдиқлаш учун хўжалик туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакили иштирокида шу ҳақда далолатнома тузиши керак.**

“Юлдуз” МЧЖ ва “Яндаш ота” фермер хўжалиги ўртасида 2015 йил 12 февралда полиз ва дуккакли экинлар экиш, этишириш ва олинган маҳсулотларни етказиб бериш түғрисида 2-сонли контрактация шартномаси тузилган бўлиб, унинг 1-бандига кўра “Яндаш ота” фермер хўжалиги “Юлдуз” МЧЖга 18 га. ер майдонидан умумий баҳоси 400 000 000 сўм бўлган 1 кг. 490 сўмдан, жами 500 тонна қовун маҳсулоти топшириш, “Юлдуз” МЧЖ эса “Яндаш ота” фермер хўжалигини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда полиз уруғи билан таъминлаш, этиширилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

ФК 465-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилишича контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини этишитирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиласидиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

“Юлдуз” МЧЖ “Яндаш ота” фермер хўжалигигага аванс тариқасида 2016 йил 20 февралдаги 34-сонли тўлов топшириқномасига асосан 30 000 000 сўм, 2016 йил 23 марта даги 45-сонли тўлов топшириқномасига асосан 30 000 000 сўм, жами 60 000.000 сўм ўтказиб берган. “Яндаш ота” фермер хўжалиги эса “Юлдуз” МЧЖга 2016 йил 20 июндаги 4-сонли юк хати орқали жами 80 000 кг. (1 кг. 490 сўм) 39 200 000 сўмлик маҳсулот топширган.

Шу сабабли “Юлдуз” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Яндаш ота” фермер хўжалигидан ўтказиб берилган

60000000 сўмдан етказиб берилган 39200000 сўм топширилган маҳсулот қийматини чегирган ҳолда 20800000 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Ўз навбатида “Яндаш ота” фермер хўжалиги қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Юлдуз” МЧЖдан маҳсулотни қабул қилишни рад этганлиги сабабли 98000000 сўм зарар ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 27 февралдаги ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган. “Яндаш ота” фермер хўжалигидан “Юлдуз” МЧЖ фойдасига 20800000 сўм асосий қарз ундирилган. Қарши даъво талаби қисман қаноатлантирилган. “Юлдуз” МЧЖдан “Яндаш ота” фермер хўжалиги фойдасига 49000000 сўм зарар ундирилган. Қарши даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Биринчи инстанция судининг қарши даъво талабини қисман қаноатлантириш ҳақида хуносага келишига “Яндаш ота” фермер хўжалиги ва туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши иштирокида 2016 йил 30 июнда тузилган далолатнома асос бўлган.

Ушбу далолатномада “Яндаш ота” фермер хўжалиги ер майдонида этиширилган умумий баҳоси 49000000 сўм бўлган, яъни ҳар бир килоси 490 сўмдан жами 100000 тонна қовун маҳсулоти “Юлдуз” МЧЖга олиб борилганда у томонидан маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги қайд этилган.

Ваҳоланки, ФК 14-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун хўжжатларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2007 йил 15 июндаги 163-сонли Қарорининг 19-бандида, зарарни қоплаш билан



боғлиқ низоларни ҳал этишда заарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан тарафнинг қилган харажатлари, мол-мулк йүқолиши ёки шикастланиши, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганда тараф олиши мумкин бўлган, лекин унинг ололмай қолган даромадлари, ҳуқуқи бузилган шахснинг ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари ҳам кириши (ФК 14-моддасининг иккинчи қисми), бундай харажатларнинг зарурийлиги ва уларнинг тахминий миқдори асослантирилган хисоб-китоб, товар, иш, хизмат кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этиш учун кетадиган харажатлар сметаси (калькуляция) сифатидаги далиллар, мажбуриятларни бузганик учун жавобгарлик даражасини белгиловчи шартнома ва бошқалар билан тасдиқланган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари этиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 54-бандига мувофиқ маҳсулот қабул қилиниши рад этилганда тайёрлов ташкилоти рад этиш ҳолати тўғрисида хўжаликни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт (товар-транспорт юк хатига белги қўйиш, телеграф орқали ва бошқалар). Агар тайёрлов ташкилоти маҳсулотни қабул қилиш рад этилиши тўғрисида ёзма ариза беришдан бош тортса, у ҳолда хўжалик туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакили иштирокида рад этиш ҳолатини тасдиқловчи далолатнома тузади.

Шартноманинг 4.3-бандида этиштирилган маҳсулот хўжалик кўрсатган жойдан, қоида тариқасида, тайёрловчининг транспортида олиб кетилиши, маҳсулот хўжалик ҳисобига транспортда ташилганда тайёрловчи транспорт харажатларини қоплаши назарда тутилган.

"Яндаш ота" фермер хўжалиги маҳсулот этиштириш учун қанча харажат қилганлиги, "Юлдуз" МЧЖга юборилган маҳсулот у томонидан қабул қилинмасдан қайтарилганлиги, натижада, "Яндаш ота" фермер хўжалиги зарар кўрганлиги, "Яндаш ота" фермер



хўжалиги томонидан маҳсулот қайси транспортда “Юлдуз” МЧЖнинг манзилига олиб борилганлиги, агар “Юлдуз” МЧЖ маҳсулотни қабул қилишни рад этиш тўғрисида ёзма ариза беришдан бош тортган бўлса, у ҳолда “Яндаш ота” фермер хўжалиги туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакили иштирокида рад этиш ҳолатини тасдиқловчи далолатнома тузилганлиги “Яндаш ота” фермер хўжалиги томонидан исботланмаган.

Шу боис Ҳайъат қайдэттилган ҳолатларни, яъни биринчи инстанция суди асос қилиб олган 2016 йил 30 июндаги далолатноматуман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида эмас, балки туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi иштирокида тузилганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг қарши даъво талабини қисман қаноатлантириш қисмини бекор қилишни, қарши даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

## **2.6. Давлат мулки обьектининг “ноль” харид қиймати бўйича олди-сотди шартномаси шартлари бажарилмагандан ёки лозим даражада бажарилмаганда шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси вилоят бошқармаси (бундан бўён матнда бошқарма деб юритилади) “Хислат” хусусий корхонаси ва туман ҳокимлиги ўртасида 2014 йил 26 январда туман ҳокимлиги тасарруфидаги собиқ “Хўжаликлар-аро кўчма механизациялашган коллона” корхонаси биносини (бундан бўён матнда обьект деб юритилади) инвестиция мажбуриятлари эвазига нолли харид қийматида сотиш тўғрисида 74-сонли олди-сотди шартномаси тузилган.

Шартноманинг 4.1-бандида, “Хислат” хусусий корхонаси мазкур шартноманинг 2-илюваси ва инвестиция киритиш режасига мувофиқ, икки йил муддат ичida 400 000 000 сўм миқдордаги



инвестиция мажбуриятлари ҳисобига обьектда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш, дастгоҳларни сотиб олиш, ўрнатиш ҳамда хомашё билан таъминлаш, хоналарни жиҳозлаш ҳамда айланма маблағ киритиш, 20 та янги иш ўринларини яратиш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 2-иловасида, "Хислат" хусусий корхонаси обьектда маъмурий бино ва брускатка маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехларини қуриш ҳамда таъмирлаш учун 2014 йилнинг 2-чорагида 25 000 000 сўм, 3-чорагида 25 000 000 сўм, 4-чорагида 50 000 000 сўм, 2015 йилнинг 1-чорагида 50 000 000 сўм, брускатка маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини олиб келиш учун 2015 йилнинг 2-чорагида 50 000 000 сўм, 3-чорагида 100 000 000 сўм, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш цехлари, омборлар қурилиши учун 2016 йилнинг 1-чорагида 100 000 000 сўм, жами 400 000 000 сўм инвестиция киритиши белгиланган.

"Хислат" хусусий корхонаси томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши бошқарма томонидан жойига чиқиб ўрганилганда, обьектда маъмурий бино таъмирланганлиги, брускатка маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш цехлари қурилмаганлиги ҳамда технологиялар олиб келинмаганлиги, уларнинг ўрнига қандолат ишлаб чиқариш технологиялари олиб келинганлиги ҳамда теннис майдончаси қурилганлиги аниқланиб, бу ҳақда 2014 йил 15 июнь, 12 ноябрь, 2015 йил 22 август, 2016 йил 24 апрелда тегишли далолатномалар тузилган.

Шартноманинг 5.2-бандига кўра мазкур шартноманинг 4-бўлими 2-иловасида назарда тутилган муддатлар тугагандан кейин "Хислат" хусусий корхонаси томонидан уч ой мобайнида ушбу шартномада назарда тутилган кўринишларда ва ҳажмларда инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган (ёки лозим даражада бажарилмаган) тақдирда, бошқарма ушбу шартномани белгиланган тартибда бекор қилишга ҳақли. Бунда обьектга киритилган инвестициялар қисми бошқарма ва шартнома иштирокчиси томонидан хусусий корхонага қайтарилимайди ва компенсация қилинмайди.

Бошқарманинг 2016 йил 5 майдаги киритилиши мўлжалланган инвестиция мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли шартномани



бекор қилиш ҳақидаги талабномаси “Хислат” хусусий корхонаси томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли бошқарма судга ариза билан мурожаат қилиб, бошқарма, “Хислат” хусусий корхонаси ва туман ҳокимлиги ўртасида 2014 йил 26 январда тузилган 47-сонли олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 27 июндаги ҳал қилув қарори билан ариза талаби тўлиқ қаноатлантирилган. Бошқарма, “Хислат” хусусий корхонаси ва туман ҳокимлиги ўртасида 2014 йил 26 январда тузилган 47-сонли олди-сотди шартномаси бекор қилинган.

Чунки ФК 382-моддасининг иккинчи қисмига кўра, тарафлардан биринингталаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинчичи тараф шартномани жиiddий равишда бузса, ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарори 18-бандинг учинчи-бешинчи хатбошиларида тушунтириш берилган.

Шартноманинг 3.8-бандида, “Хислат” хусусий корхонаси бошқармага ҳар чорақда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 1 санасигача обьектда инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши белгиланган.

Бироқ “Хислат” хусусий корхонаси томонидан шартнома шартлари қўйпол равишда бузилган, бажарилиши белгиланган инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган, бу ҳақдаги ҳисоботлар бошқармага тақдим этилмаган.

“Хислат” хусусий корхонаси томонидан шартномада белгиланган брускатка маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи қурилиши учун тегишли идоралар томонидан рухсат берилмаганлиги ҳақида важ келтирилган бўлса-да, бироқ унинг ўрнига бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича шартномага тегишлича ўзгартириш киртиш чораси кўрилмаган.



Ваҳоланки, ФКнинг 384-моддасига мувофиқ шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса, - ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат мулки обьектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан “ноль” харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисида”ги Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) 45-бандининг биринчи хатбоисига кўра харидор инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни давлат мулки обьектининг олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда, миқдорларда ва турларда бажариши шарт.

Низомнинг 54-бандига мувофиқ давлат мулки обьектининг олди-сотди шартномаси шартлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда сотувчи инвесторга ушбу шартнома шартлари бажарилмаганлиги тўғрисида расмий тақдимнома киритади. Давлат мулки обьектининг олди-сотди шартномаси шартлари сотувчининг расмий тақдимномаси киритилгандан кейин бажарилмаганда обьектни “ноль” харид қиймати бўйича сотиш тўғрисидаги шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Шу боис Ҳайъат қайд этилган қонун нормаларини тўғри қўллаган ҳолда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.



## 2.7. Сотувчи товарни топшириш бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда сотиб олувчи ҳақи тўланган товарни топширишни ёки сотувчи топширмаган товар учун олдиндан тўланган суммани қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

“Ойдин” хусусий корхонаси ва “Ёғоч” МЧЖ ўртасида 2016 йил 2 ноябрда 47-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра “Ёғоч” МЧЖ “Ойдин” хусусий корхонасига қурилиш моллари етказиб бериш, “Ойдин” хусусий корхонаси эса қурилиш моллари учун 100 фоиз тўловни олдиндан амалга ошириш мажбуриятини олган.

“Ойдин” хусусий корхонаси 2016 йил 26 декабрда 2-сонли тўлов топшириқномаси билан “Ёғоч” МЧЖга 75 000 000 сўм ўтказиб берган. “Ёғоч” МЧЖ эса етказиб берилиши лозим бўлган қурилиш молларини “Ойдин” хусусий корхонасига етазиб бермаган.

Мавжуд қарздорлик суммасини тўлаш тўғрисида “Ойдин” хусусий корхонасининг “Ёғоч” МЧЖга 2017 йил 31 ноябрда юборган 9-сонли талабномаси “Ёғоч” МЧЖ томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли “Ойдин” хусусий корхонаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Ёғоч” МЧЖдан 75 000 000 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 6 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган. “Ёғоч” МЧЖдан “Ойдин” хусусий корхонаси фойдасига 75 000 000 сўм асосий қарз ундирилган.

Чунки шартноманинг 5.4-бандида “Ойдин” хусусий корхонаси томонидан 100 фоиз тўлов амалга оширилган кундан 5 иш куни давомида “Ёғоч” МЧЖ шартномада назарда тутилган қурилиш молларини “Ойдин” хусусий корхонасига етказиб бериши лозим бўлган. Бироқ қурилиш моллари етказиб берилганлиги бирор-бир далил билан ўз исботини топмаган.

ФК 420-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ олдиндан тўланган суммани олган сотувчи товарни топшириш бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда сотиб олувчи ҳақи тўланган товарни топши-



ришни ёки сотувчи топширмаган товар учун олдиндан тұланған сүммани қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Шу боис Ҳайъат қайд этилған қонун нормаларини тұғри құллаган ҳолда ҳал қилув қарорини үзгаришсиз қолдиришни лозим топған.

## **2.8. Товарларни етказиб бериш маҳсулот етказиб берувчи томонидан сотиб олувчига ёки шартномада олувчи сифатида күрсатылған шахсга жүннатиш (топшириш) йўли билан амалга оширилади.**

“Зулҳаё” МЧЖ ва “Ризо-М” хусусий корхонаси ўртасида 2015 йил 24 ноябрда маҳсулот етказиб бериш тұғрисида 22-сонли шартнома тузилған.

Шартноманинг I.I-бандига кўра “Ризо-М” хусусий корхонаси “Зулҳаё” МЧЖга умумий қиймати 2700000 сўм бўлган 1 дона “CANON” русумли принтер етказиб бериш, 2.1-бандига кўра эса “Зулҳаё” МЧЖ шартнома тузилған кундан 5 календарь куни давомида шартнома суммасининг 15 фоизини олдиндан тўлаш, қолган 85 фоизи бўйича тўловни товар қабул қилингандан кейин 5 календарь куни давомида амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 2.2-бандига кўра “Ризо-М” хусусий корхонаси аванс тўловлари унинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг, 15 календарь куни давомида товарни “Зулҳаё” МЧЖга етказиб бериши лозим бўлган.

“Зулҳаё” МЧЖ 2016 йил 18 январда 6-сонли тўлов топшириқномасига асосан шартнома умумий қийматининг 15 фоизи, яъни 405 000 сўм, 2016 йил 29 январда 10-сонли тўлов топшириқномасига асосан шартнома умумий қийматининг 85 фоизи, яъни 2 295 000 сўм, жами 2 700 000 сўмни “Ризо-М” хусусий корхонасига ўтказиб берган.

Бироқ “Ризо-М” хусусий корхонаси шартномада күрсатылған қиймати 2 700 000 сўм бўлган 1 дона “CANON” русумли принтер етказиб бермаган.

Шу сабабли “Зулҳаё” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Ризо-М” хусусий корхонасидан 2 700 000 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2016 йил 28 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби түлиқ қаноатлантирилган.

Чунки ФК 234-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Бироқ шартноманинг 2.2-бандида "Ризо-М" хусусий корхонаси аванс тўловлари унинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг, 15 календарь куни давомида товарни "Зулҳаё" МЧЖга етказиб бериш мажбуриятини олган бўлиб, ушбу мажбурият бажарилмаган.

ФК 441-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ товарларни етказиб бериш маҳсулот етказиб берувчи томонидан товарларни шартнома бўйича сотиб олувчига ёки шартномада олувчи сифатида кўрсатилган шахсга жўнатиш (топшириш) йўли билан амалга оширилади.

Шу боис Ҳайъат қайд этилган қонун нормалари биринчи инстанция суди томонидан тўғри қўлланилганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

## **2.9. Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан сотиб олувчига бундай кўчмас мулкка эгалик ҳукуқини топшириш билан бир вақтда ушбу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасининг муайян қисмига бўлган ҳукуқлар ҳам топширилади.**

"Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ўзига қарашли бўлган А.Аҳмедов кўчаси 7-йида жойлашган "Маъмурий бино"ни "Табобат" илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига 2002 йил 19 январда



тузилған 6-сонли олди-сотди шартномаси асосида сотган. Мазкур шартнома асосида 2006 йил 23 августда туман "Ер тузиш ва күчмас мулк кадастри" ДУК томонидан "Табобат" илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига "Маъмурый бино"га әғалик қилиш ҳуқуқини берувчи ТО серияли, 001002-рақамли гувоҳнома берилған.

Мазкур олди-сотди шартномасига 2005 йил 5 марта құшимча келишув тузилиб, шартнома "сотилаётган маъмурый бино тұғрисидаги ер охиригача ҳамда чап томондан камида түрт метр кириш жойи бино билан бирға "Табобат" илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига ўтади" деган мазмундаги 1.2-банд билан түлдирилған.

Ушбу келишувға асосан А.Ахмедов құчаси 7-үйда жойлашған ("Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонаси балансидаги) бино-иншоотлар ва ҳовлиси әгаллаб турған 1546,0 кв.м.дан иборат бўлған ер участкасини "Табобат" илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт маркази балансига ўтказиш тұғрисида туман ҳокимининг 2006 йил 31 октябрдаги 872-сонли қарори қабул қилинған ва туман "Ер тузиш ва күчмас мулк кадастри" ДУК томонидан "Табобат" илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига 2018 йил 12 ноябрда кадастр ҳужжатлари ва 1500,80 кв.м. ерга әғалик ҳуқуқини берувчи ОY серияли 140542-рақамли гувоҳнома берилған.

Вилоят Адлия бошқармасининг тақдимномасига асосан туман ҳокими 2010 йил 13 августда 784-сонли қарор чиқариб, үзининг 2006 йил 31 октябрдаги 872-сонли қарорини бекор қилған.

"Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонасига туман "Ер тузиш ва күчмас мулк кадастри" ДУК томонидан хўжалик (ҳозирда иқтисодий) суднда кўрилған бошқа иш бўйича қабул қилған ҳал қилув қарорига асосан 2015 йил 11 августда кадастр ҳужжатлари ва бинога әғалик қилиш ҳуқуқини берувчи ТЕ серияли, 062648-рақамли гувоҳнома берилған.

Туман "Ер тузиш ва күчмас мулк кадастри" ДУКнинг 2015 йил 21 ноябрдаги 4/850-сонли маълумотномасида хўжалик судида илгари кўрилған мазкур иш юзасидан қабул қилған ҳал қилув қарорига асосан "Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонасига тегишли "Тикувчилик цехи ва ёрдамчи бинолар" кадастр ҳужжатларига ҳамда "Табобат" илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига тегишли кадастр



хужжатларига ўзгартериш кирилиб, қайта расмийлаштирилганлиги маълум қилинган.

Шу сабабли “Китоб” ўқув ишлаб чиқариш корхонаси “Табобат” илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Табобат” илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт маркази зиммасига ўзгалар ер майдонида ноқонунй қурилган 54,6 кв.м. узунликдаги деворни ва қўшимча қурилган биноларни бузиш, “Китоб” ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг 1500,80 кв.м. ер майдонини қайтариш ва келгусида ушбу ер майдонидан “Китоб” ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг фойдаланиши учун тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклашни сўраган.

“Китоб” ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар қўшимча даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Табобат” илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига берилган кадастр ҳужжатлари ва гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни ҳам сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 21 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан “Китоб” ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг “Табобат” илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт маркази зиммасига ўзгалар ер майдонида ноқонунй қурилган 54,6 кв.м. узунликдаги деворни ва қўшимча қурилган биноларни бузиш, “Китоб” ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг 1500,80 кв.м. ер майдонини қайтариш ва келгусида ушбу ер майдонидан “Китоб” ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг фойдаланиши учун тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклаш ҳамда “Табобат” илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига туман ҳокимининг 2006 йил 31 октябрдаги 872-сонли бекор қилинган қарори асосида берилган ерга эгалик ҳуқуқини берувчи гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш талабларини қаноатлантириш рад этилган. Туман ҳокимининг 2006 йил 31 октябрдаги 872-сонли бекор қилинган қарори асосида “Табобат” илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига берилган кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш қисми бўйича иш юритиш тутатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 2 мартағи қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топишга оид талабни қаноатлантириш рад этилган.



Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 11 июндаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган. "Табобат" илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт маркази зиммасига ўзгалар ер майдонидан ноқонуний қурилган 54,6 кв.м. узунликдаги деворни ва құшымча қурилган биноларни бузиш мажбурияти юкланған, "Табобат" илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига ерга әгалик ҳуқықини берувчи ОУ серияли 140542-рақамлы гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилған. "Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонасивнинг 1500,80 кв.м. ер майдонини қайтариш ва келгусида ушбу ер майдонидан "Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонасивнинг фойдаланиши учун тұсқынлик қилмаслик мажбуриятини ю클аш талабини қаноатлантириш рад этилған. Кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш талаби бүйіча иш юритиш тугатилған.

Хайъат "Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонасивнинг 1500,80 кв.м. ер майдонини қайтариш ва келгусида ушбу ер майдонидан "Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонасивнинг фойдаланиши учун тұсқынлик қилмаслик мажбуриятини юклаш талабини қаноатлантиришни рад этиши учун 2002 йил 19 январда тузилған 6-сонли олди-сотди шартномасида қурилиш ости ер майдони 948,6 кв.м. бўлған бино-иншоотлар сотилиши кўрсатилған бўлса-да, ФКнинг 482-моддаси талабларига зид равища кўчмас мулқдан фойдаланиш учун зарур бўлған ер участкасининг муайян қисми "Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонаси томонидан "Табобат" илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига топшириши кўрсатилмаганлиги, "Табобат" илмий ўқув ишлаб чиқариш тиббиёт марказига у сотиб олган кўчмас мулқдан фойдаланиш имкони бўлиши учун "Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонаси кўчмас мулқдан фойдаланиш учун зарур бўлған ер участкасининг муайян қисмини топширмаганлиги асос бўлган.

Чунки ФК 482-моддасининг биринчи қисмiga мувофиқ бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан сотиб олувлчига бундай кўчмас мулкка әгалик ҳуқықини топшириш билан бир вақтда ушбу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлған ер участкасининг муайян қисмiga бўлған ҳуқуқлар ҳам топширилади.



Мазкур модданинг тўртингчи қисмига мувофиқ сотувчига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлмаган ер участкасида жойлашган кўчмас мулкни, агар бундай участкадан фойдаланишнинг қонун ёки шартномада белгиланган шартларига зид бўлмаса, ана шу ер участкаси мулкдорининг розилигисиз сотишга йўл қўйилиши, бундай кўчмас мулк сотилганида сотиб олувчи кўчмас мулкни сотаётган шахс ер участкасининг тегишли қисмидан қандай шартларда фойдаланган бўлса, ўша шартларда фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Қолаверса, Ҳайъат туман "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадстри" ДУК томонидан чегаралар аниқланиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқи туман ҳокимининг қарори асосида белгилаб берилишидан келиб чиқиб, "Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг 1500,80 кв.м. ер майдонини қайтариш ва келгусида ушбу ер майдонидан "Китоб" ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг фойдаланиши учун тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида хуносага келган.

## **2.10. Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмас.**

"Мўъжиза" МЧЖ ва "Таъминот" хусусий корхонаси ўртасида 2014 йил 15 майда 17-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра "Таъминот" хусусий корхонаси "Мўъжиза" МЧЖга умумий қиймати 50 000 000 сўм бўлган 1 дона "ROTEK 68" печи ва 1 дона "40FS8" газ горелкаси етказиб бериш, "Мўъжиза" МЧЖ эса етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

"Мўъжиза" МЧЖ "Таъминот" хусусий корхонасига 2014 йил 28 майдаги 5-сонли тўлов топшириқномасига асосан 25 000 000 сўм, 2014 йил 30 майдаги 8-сонли тўлов топшириқномасига асосан 30 000 000 сўм ўтказиб берган.



Шартноманинг 3.1-бандида “Таъминот” хусусий корхонасининг ҳисоб рақамига түлов амалга оширилган кундан 60 кун ичидә маҳсулот етказиб берилиши белгиланган.

“Таъминот” хусусий корхонаси томонидан 2014 йил 28 июнда 14-сонли ҳисоб-варақ фактурага мувофиқ маҳсулот етказиб берилған.

Шартноманинг 4.3-бандида товарнинг кафолат муддатынан сотиб олувлычига топширилған пайтдан бошлаб, 12 ой қилиб белгиланган.

“Мұйъжиза” МЧЖ кафолат муддатида, яғни 2014 йил 10 сентябрда “Таъминот” хусусий корхонасига талабнома билан мурожаат қилиб, маҳсулот сифатсиз бўлганлиги сабабли, пул маблағларини қайтаришини сўраган.

Бироқ “Таъминот” хусусий корхонаси 2014 йил 5 октябрдаги 45-сонли жавоб хати билан талабномани қаноатлантиришини рад этган.

Шу сабабли “Мұйъжиза” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб “Таъминот” хусусий корхонасидан 50000000 сўм асосий қарзни ундиришини сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 8 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилған.

Суднинг бундай хуносага келишига шартноманинг 5.3-банди асос бўлган.

Чунки шартноманинг ушбу бандида маҳсулотнинг сифати ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган давлат стандарти ва техник шартларига мувофиқ бўлиши лозимлиги белгиланган.

Бироқ “Таъминот” хусусий корхонаси томонидан маҳсулот топширилаётганда техник паспорти, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича йўриқномалар тақдим этилмаган.

Ваҳоланки, ФК 403-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ олди-сотди шартномасида сотувчининг товар сифатига кафолат бериши назарда тутилган тақдирда, сотувчи сотиб олувлычига шартномада белгиланган муайян вақтда (кафолат муддатида) ушбу кодекснинг 402-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган товарни топшириши лозим.



ФК 402-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига мувофиқ сотувчи сотиб олувчига сифати олди-сотди шартномасига мос келадиган товарни топшириши шарт. Агар сотиб олувчи шартнома тузиш пайтида сотувчига товарни қандай аниқ мақсадлар учун сотиб олаётганини хабар қилган бўлса, сотувчи сотиб олувчига ушбу мақсадларда фойдаланиш учун яроқли бўлган товарни топшириши шарт.

ФК 407-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ давлат стандартларида, стандартлаштириш бўйича бошقا норматив ҳужжатларда товарнинг сифатини текширишга нисбатан мажбурий талаблар белгиланган ҳолларда сифат улардаги кўрсатмаларга мувофиқ равишда текширилиши лозим. Агар қонун ҳужжатларида, шу жумладан, давлат стандартларида ёки олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига топшириладиган товар сифатини текшириш (синаш, таҳлил қилиш, кўздан кечириш ва ҳоказо) мажбурияти назарда тутилган бўлса, сотиб олувчининг талаби билан сотувчи унга товар сифати текширилганлигининг исботини тақдим қилиши лозим.

Қолаверса, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуенининг 12-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси худудида реализация қилиниши мумкин эмас.

Шу боис Ҳайъат "Таъминот" хусусий корхонаси томонидан "Мўъжиза" МЧЖга қайд этилган қонун талабларига асосан тақдим этилиши лозим бўлган маҳсулотнинг техник паспорти, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича йўриқномалари тақдим этилмаганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.



## **2.11. Ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб борувчи, рентген ускуналари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиши, тайёрлаш ва реализация қилиши амалга оширувчи корхоналар ва объектлар давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди.**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси вилоят бошқармаси (бундан буён матнда бошқарма деб юритилади) хузурида фаолият кўрсатувчи доимий Комиссиянинг 2012 йил 4 декабрдаги 85-сонли умумий йиғилиш қарорида Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти (бундан буён матнда “институт” деб юритилади) балансидаги Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, С.Айний МФЙда жойлашган умумий майдони 8458,9 кв.м. бўлган сунъий иқлим яратиш лаборатория корпусини (бундан буён матнда “объект” деб юритилади) баҳолаш ҳисоботига асосан 150 000 000 сўм миқдорида Республика кўчмас мулк биржасининг вилоят бўлимида биржа савдолари орқали сотувга чиқарилиши таклиф этилган.

Бошқарма ва “Мадина” хусусий корхонаси ўртасида 2013 йил 26 февралда биржа савдолари ғолибига мулкий ҳуқуқни бериш юзасидан тузилган 18-сонли олди-сотди шартномасига асосан объект “Мадина” хусусий корхонасига 150 000 000 сўмга сотилган.

Бироқ объект ионловчи нурланиш мавжуд бўлган объект сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясида маҳсус рўйхатда турганлиги аниқланган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) “Мадина” хусусий корхонаси ва бошқармага нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб улар ўртасида 2010 йил 26 февралда тузилган 18-сонли олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас



деб топишни, битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаб, “Мадина” хусусий корхонасидан объектни институт балансига олиб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарори билан дъяво тўлиқ қаноатлантирилган.

Суднинг бундай хуносага келишига низоли объект ионловчи нурланиш мавжуд бўлган объект сифатида Ўзбекстон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясида маҳсус рўйхатда бўлганлиги, ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлиги томонидан 2017 йил 11 апрелда низоли объектда радиация текшируви ўtkazilganда унда ионловчи нурланиш юқорилиги юзасидан тузилган далолатнома асос бўлган.

Чунки “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 4-моддаси иккинчи қисмининг 6-бандига кўра ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб борувчи, рентген ускуналари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар; давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди.

ФК 116-моддасига мувофиқ қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайн қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасdir. Бундай битимга нисбатан ушбу Кодекс 114-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

ФК 114-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулқдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.



Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори 12-бандининг биринчи хатбошисида ФК 116-моддасига кўра ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим бўлиб: қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмунда, ҳуқуқ-тартибот асосларига қарши мақсадда, ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат ионловчи нурланиш мавжуд бўлган обьект бошқарма томонидан “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусий-лаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига зид равишда сотилганлиги, ваҳоланки, ушбу обьект давлат тасарруфидан чиқарилмаслиги ва хусусийлаштирилмаслиги лозимлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

## **2.12. Сотиб олувчи етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришни талаб қилишга ҳақли.**

“Шамс” МЧЖ ва “Лобар” фермер хўжалиги ўртасида 2015 йил 20 декабрда 59-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра “Лобар” фермер хўжалиги “Шамс” МЧЖга ҳар бир донаси 450 сўмдан бўлган умумий қиймати 123 000 000 сўмлик 300 000 дона пишган ғишт маҳсулотини етказиб бериш, “Шамс” МЧЖ тўловни пул кўчириш йўли билан амалга ошириш мажбуриятини олган.

“Лобар” фермер хўжалиги 2015 йил 21 декабрда 91-сонли ишончнома, 42-сонли ҳисоб фактура ва товар транспорт юқ хатларига асосан “Шамс” МЧЖга ҳар бир донаси 450 сўмдан бўлган 250 000 дона, умумий қиймати 112 500 000 сўмлик пишган ғишт маҳсулотини етказиб берган.



“Шамс” МЧЖ “Лобар” фермер хўжалигига 2016 йил 23 февралдаги 7-сонли тўлов топшириқномасига асосан 45 000 000 сўм, 2016 йил 25 февралдаги 11-сонли тўлов топшириқномасига асосан 30 000 000 сўм, жами 75 000 000 сўм ўтказиб берган.

“Шамс” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Лобар” фермер хўжалиги томонидан етказиб берилган пишган ғишт маҳсулотининг 28 000 000 сўмлик қисми сифатсиз эканлиги важи билан ушбу сумманинг 20 фоизи, яъни 5 600 000 сўм миқдорида жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 7 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган. “Лобар” фермер хўжалигидан “Шамс” МЧЖ фойдасига 5 600 000 сўм жарима ундирилган.

Суднинг бундай хуносага келишига вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг 2016 йил 5 мартағи 70-сонли баённомаси асос бўлган.

Ҳақиқатдан ҳам, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддасининг биринчи қисмiga мувофиқ агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пурдатчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот (товар)ларни етказиб бериш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида” 2007 йил 28 декабрдаги 174-сонли қарорининг 5 ва 6-бандларида тушунтириш берилган.



Бироқ, "Шамс" МЧЖ томонидан "Лобар" фермер хұжалиги қақиқатда 112 500 000 сүмлик әмас, балки 28 000 000 сүмлик пишган ғишт маҳсулотлари етказиб берилгандылық, ушбу етказиб берилған маҳсулоттарнинг сифатсизлиги вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг 2016 йил 5 мартдаги 70-сонли баённомаси билан ўз тасдиғини топғандылыгини асос қилиб, ушбу сумманинг 20 фоизи миқдорида, яғни 5 600 000 сүм жарима ундиришни сўраган бўлса-да, бироқ, баённомада айнан 28 000 000 сүмлик пишган ғишт маҳсулотининг сифатсизлиги акс эттирилмаган.

Қолаверса, 2016 йил 2 августда имзоланган ўзаро ҳисоб-китоб таққослаш далолатномасида "Лобар" фермер хұжалиги әмас, балки "Шамс" МЧЖ "Лобар" фермер хұжалигидан сотиб олинган пишган ғишт маҳсулоти учун мавжуд 23 640 000 сүмлик қарздорлигини тан олган.

"Лобар" фермер хұжалигидан 5 600 000 сүм жаримани талаб қилиш учун асос бўлган 28 000 000 сүмлик пишган ғишт маҳсулотининг сифатсизлиги "Шамс" МЧЖ томонидан исботлаб берилмаган.

Шу боис Ҳайъат қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

## **2.13. Қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади.**

"Саховат" АЖ ва "Камрон" МЧЖ ўртасида 2014 йил 16 июнда ун маҳсулоти етказиб бериш тўғрисида 56-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра "Саховат" АЖ "Камрон" МЧЖга биринчи навли 100 тонна ун маҳсулоти етказиб бериш, "Камрон" МЧЖ маҳсулотни қабул қилиш ҳамда шартномада белгиланган муддатда ва тартибда ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 3.1-бандида шартноманинг тахминий баҳоси 12 000 000 сүмни ташкил қилиши, 3.2-бандида эса ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб, 60 календарь куни давомида "Камрон" МЧЖ 15 фоиз тўловни амалга ошириши, якуний ҳисоб-китоб қабул



қилингандын маҳсулоттагы миңдори, сифати ва нави инобатта олинган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

“Саховат” АЖ “Камрон” МЧЖ 2015 йил 2 май куни ҳолатига умумий қиймати 12 000 000 сүмлик ун маҳсулотини етказиб берган.

“Камрон” МЧЖ эса қабул қилиб олинган ун маҳсулоти учун қисман, яни 5 000 000 сүмни түлаб, қолган 7 000 000 сүм түловни амалга оширмаган.

“Камрон” МЧЖ шартномада зиммасига олган мажбурияттарни лозим даражада бажармаган, қабул қилиб олинган ун маҳсулоти ҳақини тұламаган ва бу ҳақдагы “Саховат” АЖнинг талабномаларини оқибатсиз қолдирған.

Шу сабабли “Саховат” АЖ судга дағво аризаси билан мурожаат қилиб, “Камрон” МЧЖдан 7 000 000 сүм асосий қарз үндеришни сұраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 7 июлдеги ҳал қилув қарори билан дағво талабини қаноатлантириш рад этилған.

Суд дағво талабини қаноатлантиришни рад этиш учун “Камрон” МЧЖ ва “Носир-Н” МЧЖ ўртасида 2015 йил 26 июлда тузилған “Қарздорлық мажбуриятини башқа шахсга ўтказиш түғрисида”ғи 6-сонли шартномага асосланиб нотұғри холосага келған.

Чунки ФК 322-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ қарздорнинг үз қарзини башқа шахсга ўтказышыға фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади. Янги қарздор кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланған барча эътиrozларни кредитор талабига қарши қўйишга ҳақли.

Бироқ “Камрон” МЧЖ ва “Носир-Н” МЧЖ ўртасида 2015 йил 26 июлда тузилған қарздорлик мажбуриятини башқа шахсга ўтказиш түғрисидаги 6-сонли шартнома “Саховат” АЖнинг иштирокисиз тузилған.

Қолаверса “Саховат” АЖ ва “Камрон” МЧЖ ўртасида 2014 йил 16 июнда тузилған 56-сонли шартноманинг 4.4-бандида ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган дебитор қарздорликларни тарафлар талабдан башқа шахс фойдаласига воз кечиш ёки қарзни башқа шахсга ўтказиш бўйича битимлар тузиш йўли билан бартараф қилишларига йўл қўйилмаслиги белгиланган.



Шартнома шартларига асосан "Саховат" АЖ "Камрон" МЧЖга умумий қыймати 12 000 000 сүм бўлган ун маҳсулотини етказиб берганлиги ишдаги мавжуд ҳисобварак-фактуралар, ишончномалар, "Саховат" АЖнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши доирасида "Камрон" МЧЖ фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра расмийлаштирилган далолатнома билан ҳам тасдиқланган.

Шу боис Ҳайъат қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, ҳал қи́ув қарорини бекор қилишни, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

## **2.14. Бурчли тараф шартномада белгилаб қўйилган мажбуриятни бажармаган ёки мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаслигини очиқ кўрсатиб турган вазият мавжуд бўлган тақдирда, муқобил ижрони ўз зиммасига олган тараф ўз мажбуриятини бажармай туришга ёки бу мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ва кўрилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.**

"Ясмин" МЧЖ билан "Ҳамкор" хусусий фирмаси ўртасида 2016 йил 16 июлда 37-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра "Ясмин" МЧЖ "сотувчи" "Ҳамкор" хусусий фирмаси "сотиб олувчи"га умумий қыймати 4 000 000 сүм бўлган реклама плакатини сотиш, ўз навбатида, "Ҳамкор" хусусий фирмаси маҳсулотни қабул қилиш ҳамда шартномада белгиланган муддатда унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 3.5-бандида "Ясмин" МЧЖ маҳсулотни 100 фоиз тўлов амалга оширилган кундан 5 кун ичида етказиб бериши, 3.6-бандида эса "Ҳамкор" хусусий фирмаси шартнома имзоланган кундан 5 кун муддат ичида маҳсулот учун 100 фоиз тўловни амалга ошириши белгиланган.

"Ясмин" МЧЖ "Ҳамкор" хусусий фирмасига талабнома юбориб, шартнома шартларини бажаришни ва сотиб олинадиган маҳсулот учун олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширишни сўраган.



Ушбу талабномага "Ҳамкор" хусусий фирмаси 2016 йил 24 июлда 76-сонли хат билан жавоб йўллаб, унда "Ҳамкор" хусусий фирмасининг ҳисоб рақамида пул маблағи йўқлиги сабабли шартнома шартларини бажара олмаслигини маълум қилган.

Шу сабабли "Ясмин" МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Ҳамкор" хусусий фирмаси тўловдан бош тортаётгандилиги важи билан ундан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 32-моддасининг биринчи қисмига асосан шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида, яъни 600 000 сўм жарима ундириши сўраган.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 32-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буортмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлади.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 9 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган. "Ҳамкор" хусусий фирмасидан "Ясмин" МЧЖ фойдасига 600 000 сўм жарима ундирилган.

Суд даъво талабини қаноатлантириш учун қайд этилган Қонун 32-моддасининг биринчи қисмига асосланиб нотўғри хulosага келган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2002 йил 4 марта 103-сонли қарори 12-бандининг биринчи хатбошисида Қонуннинг 32-моддаси биринчи қисмини қўллашда судлар қарздорнинг ҳақиқатда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлиги ҳолатларини (жумладан, тўлаш



имконияти бўла туриб, тўловни амалга оширмаганлиги, қарзини тан олмаганлиги, кредиторлик-дебиторлик қарзлари ҳақида солишириш далолатномалари тузишдан бўйин товлаганлиги, ўзини атайлаб тўловга қобилиятсиз қилиб кўрсатганлиги ва ҳ.к) далиллар асосида аниқлаши лозимлиги, агар қарздор товар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлаш учун иқтисодий имкони бўлмаса, қарзни тан олиб, уни тўлашга ҳаракат қилаётган бўлса, судлар унинг хатти-ҳаракатларини тўловдан бош тортиш, деб баҳоламасликлари зарурлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бундан ташқари, ФК 420-моддасининг иккинчи қисмiga мувофиқ сотиб олувчи олди-сотди шартномасида назарда тутилган товар ҳақини олдиндан тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда ушбу Кодекснинг 256-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

ФК 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ тарафлардан бири шартномага мувофиқ бошқа тарафнинг ўз мажбуриятларини бажаришига боғлиқ қилиб қўйилган мажбуриятни бажариши муқобил бажариш ҳисобланади. Бурчлитарап шартномада белгилаб қўйилган мажбуриятни бажармаган ёки мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаслигини очиқ кўрсатиб турган вазият мавжуд бўлган тақдирда, муқобил ижрони ўз зиммасига олган тараф ўз мажбуриятини бажармай туришга ёки бу мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ва кўрилган заарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шу боис Ҳайъат ФК ва Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқсан ҳолда "Ҳамкор" хусусий фирмаси маҳсулот ҳақини тўлаш имконияти бўла туриб, тўловни амалга оширмаганлиги "Ясмин" МЧЖ томонидан исботлаб берилмаганлигини, қолаверса, "Ясмин" МЧЖ томонидан ҳам маҳсулот етказиб берилмаганлигини, "Ҳамкор" хусусий фирмаси тўловни амалга оширмаган тақдирда, "Ясмин" МЧЖ маҳсулот бермасликка ва кўрилган заарни талаб қилишга ҳақли эканлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.



## 2.15. Агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса.

“Жасур” фермер хўжалиги ва “Пахта” АЖ ўртасида пахта хомашёсини сотиб олиш тўғрисида контрактация шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Жасур” фермер хўжалиги “Пахта” АЖга 2014 йил ҳосилидан жами 280 тонна пахта хомашёсини етказиб бериш, “Пахта” АЖ эса шартномада белгиланган тартибда пахта хомашёсинг тўловларини ўз вақтида тўлаш, шу жумладан маҳсулот қабул қилиб олингандан сўнг шартномада белгиланган маҳсулот умумий қийматининг 80 фоизини бўнак маблағлари, терим учун юборилган маблағлар ва бошқа ҳисоб-китоблар чегирилган ҳолда қолган қисми бўйича солиштирма далолатнома имзолангандан бир ой кейин тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган.

“Жасур” фермер хўжалиги томонидан шартнома шартлари тўлиқ бажарилиб, 280 тонна пахта хомашёси “Пахта” АЖга топширилган.

Бироқ “Жасур” фермер хўжалиги етказиб берган пахта хомашёси учун тўлов “Пахта” АЖ томонидан амалга оширилмаган.

Шу сабабли “Жасур” фермер хўжалиги судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб “Пахта” АЖдан 140 000 000 сўм асосий қарз, 100 000 000 сўм пеня ва 10 000 000 сўм зарар ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 12 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган. “Пахта” АЖдан “Жасур” фермер хўжалиги фойдасига 100 000 000 сўм асосий қарз, 40 000 000 сўм пеня ва 800 000 сўм зарар ундирилган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво талабининг 100 000 000 сўм асосий қарз, 40 000 000 сўм пеня ундириш ҳақида тўғри хulosага келган бўлса-да, “Пахта” АЖдан “Жасур” фермер хўжалиги фойдасига 800 000 сўм зарар ундириш ҳақида нотўғри хulosага келган.



Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2007 йил 15 июнданги 163-сонли қарорининг 13-бандида шартномалардан келиб чиқувчи пул мажбуриятларида, хусусан қарздорнинг товарлар, ишлар, хизматлар тўловини амалга ошириш ёхуд пул маблағларини қайтариш, тўлов кечикирилган суммани тўлаш шарти билан олинган мажбуриятларда ФКнинг 327-моддасига асосан фоизлар ҳисобланиши лозимлиги, Қонунда ёхуд тарафлар келишувида пул мажбуриятларини бажаришни кечикирганлик учун қарздорнинг неустойка (пеня) тўлаш мажбурияти кўзда тутилиши мумкинлиги, бундай ҳолатларда, агар қонунда ёки шартномада тўғридан-тўғри бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредитор пул мажбуриятини бажармаганлиги учун зарар етказилганлиги ҳолатини ва зарарнинг миқдорини исботламаса ҳам, ушбу чоралардан бирини қўллаш ҳақидағи талабни қўйишга ҳақли эканлиги тўғрисида тушунириш берилган.

Фуқаролик кодексининг 325-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланиши белгиланган.

Шу боис Ҳайъат қайд этилган ҳолатларни, яъни мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланганлигини, зарар неустойка билан қопланганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг 800 000 сўм зарар ундириш қисмини бекор қилиб, даъво талабининг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

# З - Б О Б

**КРЕДИТ, ГАРОВ (ИПОТЕКА),  
ЛИЗИНГ ВА СУҒУРТА  
ШАРТНОМАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**



### **3.1. Гаров нарсаси бўлган мулкни гаровга олувчининг эгалигига топшириш имкониятини назарда тутивчи ҳар қандай келишув ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.**

---

"Давр банк" АТБ ва "Курувчи" МЧЖ ўртасида 2014 йил 8 майда 45-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Давр банк" АТБ "Курувчи" МЧЖга йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан 36 ой муддатга қурилиш моллари сотиб олиши учун 800 000 000 сўм кредит ажратиш, "Курувчи" МЧЖ эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида "Давр банк" АТБ ва "Курувчи" МЧЖ ўртасида 2014 йил 10 майда тузилган ипотека шартномасига асосан "Курувчи" МЧЖга тегишли бўлган Навоий вилояти, Учқудук тумани, Бобур кўчасида жойлашган кўчмас мулк 1 100 000 000 сўмга ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

Кредит шартномасида "Курувчи" МЧЖ асосий қарзни тўлов жадвали асосида ва фоизларни ҳар ойнинг 5 санасигача тўлаб бориш мажбуриятини олган. Бироқ, "Курувчи" МЧЖ томонидан тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган. Шу сабабли "Давр банк" АТБнинг кредит қарзи, фоиз ва пеня ундириш ҳамда ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш ҳақидаги талаби бошқа иш доирасида қаноатлантирилган.

Кейинчалик, "Давр банк" АТБ "Курувчи" МЧЖга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, 28 000 000 сўм қўшимча ҳисобланган фоизларни ундиришни ҳамда ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратишни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида тарафлар судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, ўзаро тузилган келишув битимиши тасдиқлашни сўраган. Келишув битимида "Курувчи" МЧЖ кредит мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги учун "Давр банк" АТБ олдида қарзи мавжудлигини тан олган ҳамда ушбу қарзни қоплаш учун гаровга қўйилган Навоий вилояти, Учқудук тумани, Бобур кўчасида



жойлашган кўчмас мулкни "Давр банк" АТБга мулк қилиб топшириш мажбуриятини олган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 15 мартағи ажрими билан келишув битими тасдиқланиб, иш юритиш тугатилган.

"Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган, ушбу Қонунга мувофиқ суднинг қарорига биноан ундирув қаратилган мол-мулк кимошди савдосида сотиш орқали реализация қилинади, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мазкур модданинг иккинчи қисмига мувофиқ суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисида қарор қабул қилас экан, ипотекага қўювчи ва ипотекага оловчининг розилиги билан гаровга қўйилган мол-мулк аукционда сотиш орқали реализация қилиниши кераклигини белгилаб қўйиши мумкин.

ФК 281-моддаси ва "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасига биноан фақат такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганида гаровга оловчи гаров (ипотека) нарсасини ўзида олиб қолишга ҳақли.

Демак суднинг қарори билан ундирув қаратилган гаров (ипотека) нарсаси фақат кимошди ёки аукцион савдоларида сотилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда эса биринчи инстанция суди бошқа иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори билан ундирув гаровга қўйилган Навоий вилояти, Учқудуқ тумани, Бобур кўчасида жойлашган кўчмас мулкка қаратилганингига, ушбу мулк кимошди савдоси орқали сотилиши лозимлигига эътибор бермасдан, ушбу кўчмас мулкни мулк қилиб топшириш мажбуриятини назарда тутувчи келишув битимини тасдиқлаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори 21-бандининг иккинчи хатбошисида гаров нарсаси бўлган мулкни гаровга оловчининг



әгалигига топшириш имкониятини күзда тутувчи ҳар қандай келишувлар ўз-ўзидан ҳақиқий әмас деб ҳисобланиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар, шунингдек гаров билан таъминланған мажбуриятнинг воз кешиш ҳақи ёки янгиленниши сифатида малакаланиши мүмкін бўлган келишувлар бундан мустасно (ФКнинг 342, 347-моддалари) эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат тарафлар ўртасида тузилган келишув битими қонун талабларига зид равишда тузилганлигини инобатга олиб, келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажримни бекор қилишни, ишни мазмунан кўриш учун биринчى инстанция судига ўтказишни лозим топган.

### **3.2. Үндирувни гаров нарсасига суд тартибида қаратишда суднинг қарорида гаровдаги мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи кўрсатилиши лозим.**

"Халқ банки" АТБ ва "Уста" МЧЖ ўртасида 2016 йил 10 июнда 20-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Халқ банки" АТБ "Уста" МЧЖга йиллик 15 фоиз тўлаш шарти билан 12 ой муддатга эҳтиёт қисмлар сотиб олиши учун 2000 000 000 сўм кредит ажратиш, "Уста" МЧЖ эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида "Халқ банки" АТБ ва "Уста" МЧЖ ўртасида 2016 йил 12 июнда тузилган ипотека шартномасига асосан "Уста" МЧЖга тегишли бўлган Тошкент вилояти, Бекобод тумани, А.Қодирий кўчасида жойлашган "Маъмурӣ бино" ва "Омборхона"дан иборат кўчмас мулк 2400 000 000 сўмга ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

Кредит шартномасида "Уста" МЧЖ олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ойма-ой тўлов жадвали асосида тўлаб бориш мажбуриятини олган. Бироқ тўловни ўз вақтида амалга оширгмаган.



Шу сабабли "Халқ банки" АТБ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Уста" МЧЖдан 2000000000 сўм асосий қарз ва 200000000 сўм фоиз ундиришни ҳамда ундирувни гаровга қўйилган мулкларга қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 4 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган, "Уста" МЧЖдан "Халқ банки" АТБ фойдасига 200000000 сўм ундирилиб, ундирув гаровга қўйилган мулкларнинг бир қисмига қаратилган.

Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилинган кун ҳолатига кредит ва унга ҳисобланган жами 2000000000 сўм қарздорлик "Уста" МЧЖ томонидан сўндирилганлигини инобатга олиб, "Уста" МЧЖдан "Халқ банки" АТБ фойдасига 200000000 сўм асосий қарз ундириш ҳақида асосли хulosага келган бўлса-да, бироқ, ҳал қилув қарорининг хulosага қисмida ипотека шартномасида кўрсатилган мулкларнинг қайси бирига қаратилганлигини кўрсатмаган, унинг кимошди савдосидаги бошланғич сотув баҳосини белгиламаган.

Ваҳоланки, ипотека шартномасида "Уста" МЧЖга тегишли бўлган Тошкент вилояти, Бекобод тумани, А.Қодирий кўчасида жойлашган "Маъмурӣ бино" 1600000000 сўм ва "Омборхона" биноси 800000000 сўм, жами 2400000000 сўмга ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

ФК 281-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш баҳоси ундирув суд тартибида мол-мулкка қаратилган ҳолларда суд қарори билан ёки бошқа ҳолларда гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан келишуви натижасида белгиланади.

Ундирувни гаров нарсасига суд тартибида қаратишда суднинг қарорида гаровдаги мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи, гаров шартномасида кўрсатилган миқдордаги бошланғич сотув баҳоси кўрсатилиши лозим. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида" 2006 йил 22 декабрдаги



13/150-сонли қарори 23-бандининг биринчи хатбоисида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қылув қарорининг ундирувни гаровга қўйилган мулкларнинг бир қисмiga қаратиш қисмини ўзгартириб, ижро жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган англашилмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида, қаноатлантирилган суммага мутаносиб равишда ундирувни Тошкент вилояти, Бекобод тумани, А.Қодирий кўчасида жойлашган “Омборхона” биносига қаратишни ҳамда унинг кимошди савдосидаги бошланғич сотув баҳосини ипотека шартномасига асосан 800 000 000 сўм қилиб белгилашни лозим топган.

### **3.3. Кредит шартномаси мажбуриятлари бўйича гаровга қўювчи қарз олувчи билан биргаликда солидар жавоб бермайди. Кредиторнинг гаровга қўювчи - учинчи шахсга нисбатан талаби гаров нарсасининг сотилишидан тушган сумма билан чегараланади.**

“Тадбиркор” АТБ ва “Осиё” МЧЖ ўртасида 2014 йил 5 сентябрда 14-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Тадбиркор” АТБ “Осиё” МЧЖга йиллик 20 фоиз тўлаш шарти билан 36 ой муддатга қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олиши учун 80 000 000 сўм кредит ажратиш, “Осиё” МЧЖ эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида “Тадбиркор” АТБ, “Осиё” МЧЖ ва “Лаззат” хусусий корхонаси ўртасида 2014 йил 8 сентябрда тузилган гаров шартномасига асосан “Лаззат” хусусий корхонасига тегишли бўлган 2012 йилда ишлаб чиқарилган, “CAPTIVA” русумлиавтотранспорт воситаси 100 000 000 сўмга ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

Кредит шартномасида “Осиё” МЧЖ олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ойма-ой тўлов жадвали асосида



тўлаб бориш мажбуриятини олган. Бироқ тўловни ўз вақтида амалга оширгмаган.

Шу сабабли "Тадбиркор" АТБ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Осие" МЧЖ ва "Лаззат" хусусий корхонасидан 80 000 000 сўм асосий қарз ва 4 000 000 сўм фойизни солидар тартибда ундиришни ҳамда ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 18 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган, "Осие" МЧЖ ва "Лаззат" хусусий корхонасидан "Тадбиркор" АТБ фойдасига 84 000 000 сўм солидар тартибда ундирилган ва ундирув гаровга қўйилган мулкка қаратилган.

ФКнинг 48-моддаси биринчи қисмига мувофиқ юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

ФК 281-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ, агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплашга етарли бўлмаса, у қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма бўлмаганида, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

"Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 28-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплашга етарли бўлмаса, у қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма бўлмаганида, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида" 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори 25-бандининг учинчи хатбо исисида кредиторнинг асосий шартнома бўйича қарздор бўлмаган гаровга берувчига талаби гаров



нарсасининг сотилишидан тушган сумма билан чегараланиши ҳақида тушунтириш берилған.

Мазкур ҳолатда суд "Осиё" МЧЖ ва "Лаззат" хусусий корхонасидан қарздорликни солидар тартибда әмас, балки "Осиё" МЧЖдан ундириши ва ундирувни "Лаззат" хусусий корхонаси томонидан гаровга құйилған мулкка қаратиши лозимлигини инобатта олиб, Ҳайъат ҳал қилув қарорининг қарздорликни солидар тартибда ундириш қисмини бекор қилиб, даъво талабининг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топған.

### **3.4. Ипотека түғрисидаги шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганлиги сабабли кредит мажбуриятлари бўйича ундирув ипотека шартномасига асосан гаровга құйилған мулкка қаратилмайди.**

"Парвина" АТБ ва "Ал Зуфар" АЖ ўртасида 2015 йил 6 августда 17-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Парвина" АТБ "Ал Зуфар" АЖга йиллик 18 фоиз тўлаш шарти билан 12 ой муддатга айланма маблағларни шакллантириши учун 60000000 сўм кредит ажратиш, "Ал Зуфар" АЖ эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида "Парвина" АТБ ва "Ал Зуфар" АЖ ўртасида 2015 йил 8 августда тузилган ипотека шартномасига асосан "Ал Зуфар" АЖга тегишли бўлган Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, А.Темур кўчасида жойлашган маъмурий бино ҳамда бошқа бино ва иншоотлар 85 000 000 сўмга ўзаро баҳоланиб, гаровга құйилған.

Кредит шартномасида "Ал Зуфар" АЖ олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ойма-ой тўлов жадвали асосида



тұлаб бориш мажбуриятини олган. Бироқ тұловни үз вактида амалга оширмаган.

“Ал Зуфар” АЖ кредит ва унинг фоизларини үз вактида қайтармаганлыги учун унинг “Парвина” АТБдан 45 000 000 сүм кредит ва 4 000 000 сүм фоиз бүйича қарздорлыгы вужудға келған.

Шу сабабли “Парвина” АТБ судға дағво аризаси билан мурожаат қилиб, “Ал Зуфар” АЖдан 45 000 000 сүм асосий қарз ва 4 000 000 сүм фоиз ундиришни ҳамда ундирувни гаровға қўйилган мулкларга қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 16 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан дағво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

Суд ишни кўришда гаров шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаганлигига эътибор қаратмаган.

Ваҳоланки, ФК 271-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларига мувофиқ ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли молмулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланған тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларидаги қоидаларга риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

“Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ипотека тўғрисидаги шартнома (шу жумладан, навбатдагилари ҳам) нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Ипотека тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради. Ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори 18-бандининг тўртинчи хатбошисида ипотека тўғрисидаги



шартнома тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак (ФКнинг 271-моддаси тўртинчи қисми, "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси) лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу Пленум қарори 19-бандининг биринчи хатбо исига муво-фий гаров мажбуриятлари билан боғлиқ низоларни ҳал этишда судлар гаров бўйича муносабатлар гаров тўғрисидаги шартнома тузилган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлган ҳолларда эса, у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келишини ҳисобга олишлари керак.

Мазкур ҳолатда ипотека шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаганигини, шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаришини, бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини инобатга олиб, Ҳайъат ҳал қилув қарорининг ундирувни "Ал Зуфар" АЖ томонидан гаровга қўйилган мулкларга қаратиш қисмини бекор қилиб, даъво талабининг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

### **3.5. Кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, муддати келмаган қарздорликни солидар тартибда ундириш, ундирувни гаровдаги мулкларга қаратиш, гаров мулкларининг кимошди савдосидаги бошланғич сотув баҳосини бегилаш учун асос бўлган ҳолатлар банк томонидан тегишли далиллар асосида исботлаб берилмаган тақдирда, мазкур даъво талаблари рад қилинади.**

"Роҳат" АТБ ва "Сардор-С" МЧЖ ўртасида 2015 йил 20 февралда 5-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Роҳат" АТБ "Сардор-С" МЧЖга йиллик 8 фоиз тўлаш шарти билан 7 йил муддатга 12 ой имтиёзли давр асосида асосий воситалар сотиб олиши учун



1000000000 сўм кредит ажратиш, "Сардор-С" МЧЖ эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида "Роҳат" АТБ, "Сардор-С" МЧЖ ва "Дурдона" МЧЖ ўртасида 2015 йил 22 марта тузилган ипотека шартномасига асосан "Дурдона" МЧЖга тегишли бўлган Навоий вилояти, Зарафшон шахри, Навоий кўчасида жойлашган бино 1120000000 сўмга ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

Шунингдек, кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида "Роҳат" АТБ, "Сардор-С" МЧЖ ва "Гарант" МЧЖ ўртасида 2015 йил 21 февралда тузилган кафиллик шартномасига асосан "Гарант" МЧЖ томонидан 1000000000 сўмга кафиллик берилган.

Кредит шартномасининг 4.2.3-бандига кўра "Сардор-С" МЧЖ "Роҳат" АТБ томонидан берилган кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда ўз вақтида ва тўлиқ қайтариши лозим бўлган.

Даъво аризасида қайд этилишича, "Сардор-С" МЧЖ шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармаганлиги, кредитга ҳисобланган фоиз тўловларини ўз вақтида амалга оширганлиги, даъво ариза берилган кун ҳолатига "Сардор-С" МЧЖнинг кредитдан асосий қарзи 1000000000 сўмни, унга ҳисобланган кредит фоизи эса 3000000 сўмни ташкил этганлиги, "Роҳат" АТБ томонидан юборилган талабномаларни "Сардор-С" МЧЖ оқибатсиз қолдириб, қарздорликни сўндириш чораларини кўрмаганлиги натижасида мазкур низо келиб чиқкан.

Шу сабабли Савдо-саноат Палатаси вилоят худудий бошқармаси "Роҳат" АТБ манфаатида "Сардор-С" МЧЖ, "Гарант" МЧЖ ва "Дурдона" МЧЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Роҳат" АТБ ва "Сардор-С" МЧЖ ўртасида 2015 йил 20 февралда тузилган 5-сонли кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни, 1000000000 сўм асосий қарз, 30000000 сўм кредит фоизини "Сардор-С" МЧЖ ва "Гарант" МЧЖдан солидар тартибда ундиришни, ундирувни "Дурдона" МЧЖга тегишли бўлган гаровдаги мулкка



қаратишиң ҳамда унинг кимошди савдосидаги бошланғыч сотув баҳосини бегилашни сұраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 5 мартдаги ҳал құлув қарори билан дағво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Чунки кредит шартномасининг 5.5-бандида қабул қилинган муддатли мажбуриятлар ҳамда мазкур шартнома шартларига асосан ажратилған кредит ҳамда у бүйіча фоизларни қайтариш түлов топшириқномаси орқали пул үтказиш йўли билан амалга оширилиши, бунда аввал фоизлар бүйіча ҳисобланган қарздорлик, кейин кредит бүйіча асосий қарз қайтарилиши (қопланиши) белгиланган.

Кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланган түлов жадвалига кўра "Сардор-С" МЧЖ 2015 йил 20 февралдан 2016 йил 20 февралга қадар фақатгина кредитга ҳисобланган фоизларни тўлаши, кредитнинг асосий қарзи бўйича эса түлов 2016 йил 20 февралдан бошлаб амалга оширилиши лозим бўлган.

"Сардор-С" МЧЖга ажратилған кредит маблағини қайтариш жадвалига кўра 2015 йилнинг 31 декабрь кунига қадар "Сардор-С" МЧЖ "Роҳат" АТБга тўлаши лозим бўлган кредит фоизи 100 000 000 сўмни ташкил этган бўлиб, "Сардор-С" МЧЖ томонидан амалда ушбу даврда 130 000 000 сўм түлов амалга оширилган.

Ушбу ҳолда дағво аризаси судга тақдим этилган кун (2016 йилнинг 10 январь) ҳолатига "Сардор-С" МЧЖнинг кредит бўйича асосий қарзни қайтариш мажбурияти юзага келмаган.

ФК 234-моддасининг иккинчи қисмiga мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилған бошқа асослардан келиб чиқади.

ФК 236-моддасига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 382-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, агар ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилған бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзgartирилиши ва бекор қилиниши мумкин.



Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузган ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Бироқ кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, муддати келмаган қарздорликни солидар тартибда ундириш, ундирувни гаровдаги мулкларга қаратиш, гаров мулкларининг кимошди савдосидаги бошланғич сотув баҳосини белгилаш учун асос бўлган ҳолатлар банк томонидан тегишли далиллар асосида исботлаб берилмаган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини асосли равишда ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

### **3.6. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузган ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.**

“Жамғармабанк” АТБ ва “Машҳур” МЧЖ ўртасида 2014 йил 15 майда 207-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Жамғармабанк” АТБ “Машҳур” МЧЖга йиллик 18 фоиз тўлаш шарти билан 36 ой муддатга қурилиш моллари сотиб олиши учун 40 000 000 сўм кредит ажратиш, “Машҳур” МЧЖ эса “Жамғармабанк” АТБ томонидан ажратилган кредитни шартномада белгиланган мақсадларга ишлатиш ва кредитни қайтариш жадвалига асосан кредитни тўлиқ қайтариш ҳамда унга ҳисобланган фоизларни тўлиқ сўндириб бориш мажбуриятини олган.

Бирок “Машҳур” МЧЖ шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармаган, кредит ва унга ҳисобланган фоизтўловларини ўз вақтида амалга оширмаган.

“Жамғармабанк” АТБнинг кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш, акс ҳолда кредит шартномаси бекор қилиниб, ундирув гаров мулкига қаратилиши ҳақида юборган талабномалари оқибатсиз қолдирилган, қарздорликни сўндириш чоралари кўрилмаган.



Шу сабабли Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасы “Жамғармабанк” АТБ манфаатида “Машхұр” МЧЖга нисбатан судга дағво аризаси билан мурожаат қилиб, “Жамғармабанк” АТБ ва “Машхұр” МЧЖ үртасида 2014 йил 15 майда тузилган 207-сонли кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни, “Машхұр” МЧЖдан “Жамғармабанк” АТБ фойдасига 40 000 000 сүм асосий қарз ва 13 232 000 сүм кредит фоизи ундиришни сұраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 12 майдаги ҳал қилув қарори билан дағво талablари түлиқ қаноатлантирилған. “Жамғармабанк” АТБ ва “Машхұр” МЧЖ үртасида 2014 йил 15 майда тузилган 207-сонли кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилинған. “Машхұр” МЧЖдан “Жамғармабанк” АТБ фойдасига 40 000 000 сүм асосий қарз ва 13 232 000 сүм кредит фоизи ундирилған.

ФК 744-моддасининг бириңчи қисмігә мувофиқ кредит шартномаси бүйіча бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккінчі тарафға (қарз олувчыға) шартномада назарда тутилған миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) беріш, қарз олувчы эса олинған пул суммасини қайтариш ва уннинг учун фоизлар тұлаш мажбуриятини олади.

ФК 736-моддасининг учинчі қисмігә мувофиқ, агар қарз шартномасида қарз бүйіча фоизларни қарзның үзини қайтариш муддатидан олдин тұлаш назарда тутилған бўлса, бу мажбурият бузилған тақдирда, қарз берувчы қарз олувчидан қарз суммасини тегишли фоизлари билан биргаликда муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

ФК 382-моддасининг бириңчи ва иккінчі қисмларига кўра, агар ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилған бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзgartирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Тарафлардан бириңинг талаби билан шартнома суд томонидан иккінчі тараф шартномани жиiddий равишда бузган ҳолларда ўзgartирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Шу боис Ҳайъат “Машхұр” МЧЖ ўз мажбуриятларини шартномада белгиланған муддатларда ва тартибда бажармаганлиги, натижада



2017 йил 5 январь ҳолатига муддати ўтган асосий кредит қарздорлиги 40 000 000 сўмни, унга ҳисобланган кредит фоизи эса 13 232 000 сўмни ташкил этганлиги, ушбу ҳолат "Жамғармабанк" АТБнинг 2017 йил 4 майдаги 03-06/189-сонли маълумотномаси билан ҳам ўз тасдиғини топганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

### **3.7. Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.**

"Ҳамкор банк" АТБ ва "Саховат" хусусий фирмаси ўртасида 2014 йил 18 марта 52-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Ҳамкор банк" АТБ "Саховат" хусусий фирмасига 12 фоиз тўлаш шарти билан 36 ой муддатга қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиши учун 1 000 000 000 сўм кредит ажратиш, "Саховат" хусусий фирмаси эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида "Ҳамкор банк" АТБ, "Саховат" хусусий фирмаси ва "Улуғбек" хусусий корхонаси ўртасида 2014 йил 20 марта тузилган кафиллик шартномасига асосан "Улуғбек" хусусий корхонаси томонидан 1 000 000 000 сўмга кафиллик берилган.

Кредит шартномасида "Саховат" хусусий фирмаси олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ойма-ой тўлов жадвали асосида тўлаб бориш мажбуриятини олган. Бироқ тўловни ўз вақтида амалга оширгмаган.

"Саховат" хусусий фирмаси кредит ва унинг фоизларини ўз вақтида қайтамаганлиги учун унинг "Ҳамкор банк" АТБдан 600 000 000 сўм кредитва 64 000 000 сўм фоиз бўйича қарздорлиги вужудга келган.



Шу сабабли "Ҳамкор банк" АТБ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Саховат" хусусий фирмаси ва "Улуғбек" хусусий корхонасидан 600 000 000 сўм асосий қарз ва 64 000 000 сўм фоизни солидар тартибда ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 14 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қонаотлантирилган.

Биринчи инстанция суди томонидан кафиллик шартномаси шартлари ўрганилмасдан, "Саховат" хусусий фирмасининг "Ҳамкор банк" АТБ олдидаги мажбурияти бўйича "Улуғбек" хусусий корхонасининг солидар жавобгарлиги асоссиз белгиланган.

Чунки кафиллик шартномасининг 1.1-бандида "Улуғбек" хусусий корхонаси кредит шартномаси бўйича "Саховат" хусусий фирмасининг барча мажбуриятлари бажарилиши юзасидан субсидиар жавобгарликни ўз зиммасига олган.

ФК 293-модасининг биринчи қисмига мувофиқ қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори 30-бандининг биринчи хатбошисида башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса, қонунга мувофиқ қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб бериши ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу ҳолда кафиллик шартномасида "Улуғбек" хусусий корхонасининг субсидиар жавобгарлиги белгиланган бўлса-да, "Ҳамкор банк" АТБнинг даъво аризасида "Улуғбек" хусусий корхонасидан қарздорликни солидар тартибда ундириш талаби қўйилганлигига суд ҳуқуқий баҳо бермаган.



Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорининг "Улуғбек" хусусий корхонасидан қарздорликни солидар тартибда ундириш қисмини бекор қилиб, даъво талабининг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

### **3.8. Ипотекага қўювчи ипотека тўғрисида шартнома тузилаётганда ипотека давлат рўйхатидан ўтказилаётган пайтда ўзига маълум бўлган учинчи шахсларнинг ипотека нарсасига бўлган барча ҳуқуқлари ҳақида ипотекага олувчини ёзма шаклда огоҳлантириши шарт.**

"Ипотека банк" АТИБ ва "Чори бобо" хусусий фирмаси ўртасида 2012 йил 6 майда 64-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Ипотека банк" АТИБ "Чори бобо" хусусий фирмасига йиллик 16 фоиз устама тўлаш шарти билан 12 ой муддатга эшик ва ромлар сотиб олиши учун 22000000 сўм кредит ажратиш, "Чори бобо" хусусий фирмаси эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида "Ипотека банк" АТИБ, "Чори бобо" хусусий фирмаси ва "Қамаши" МЧЖ ўртасида 2012 йил 8 майда тузилган ипотека шартномасига асосан "Қамаши" МЧЖга тегишли бўлган Қарши шаҳар, Сувсоз кўчаси, 5-йда жойлашган бино ва иншоотлар 50000000 сўмга ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

Кредит шартномасида "Чори бобо" хусусий фирмаси асосий қарзни тўлов жадвали асосида ва фоизларни ҳар ойнинг 5 санасигача тўлаб бориш мажбуриятини олган. Бироқ "Чори бобо" хусусий фирмаси томонидан тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган.

Шу сабабли "Ипотека банк" АТИБнинг кредит қарзи, фоиз ва пеня ундириш ҳамда ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш ҳақидаги талаби бошқа иш доирасида қаноатлантирилган.



“Чори бобо” хусусий фирмасининг “Ипотека банк” АТИБ олдидаги қарзини қоплаш учун “Қамаши” МЧЖга тегишли бўлган ушбу бино ва иншоотлар Суд ижрочиларининг шаҳар бўлими томонидан биржা савдолариға чиқарилган.

Биржা савдоларида сотилмаганлиги сабабли қайтарилган ушбу бино ва иншоотлар Суд ижрочиларининг шаҳар бўлими томонидан ундирувчи “Ипотека банк” АТИБга таклиф қилинган.

“Ипотека банк” АТИБнинг 2014 йил 16 июлдаги розилик хатига асосан бино ва иншоотлар “Ипотека банк” АТИБ балансига топширилган, шу муносабат билан ижро иш юритуви тамомланган.

Шаҳар “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” ДУК томонидан мазкур бино ва иншоотларга 2014 йил 14 августда “Ипотека банк” АТИБ номига кадастр хужжатлари тайёрланган ва 2014 йил 24 августда 042545-сонли гувоҳнома берилган.

“Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ ипотекага қўювчи ипотека тўғрисида шартнома тузилаётганда ипотека давлат рўйхатидан ўтказилаётган пайтда ўзига маълум бўлган учинчи шахсларнинг ипотека нарсасига бўлган барча ҳуқуқлари (гаров, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш, ижара ҳуқуқлари, сервитутлар ва бошқа ҳуқуқлар) ҳақида ипотекага олувчини ёзма шаклда огоҳлантириши шарт. Бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ипотекага олувчига ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини ёки ипотека тўғрисидаги шартнома шартлари ўзgartирилишини талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Бироқ мазкур бино ва иншоотлар “Ипотека банк” АТИБ номига расмийлаштирилган бир пайтда бу ҳақда навбатдаги гаровга олувчи “Туронбанк” АТБга маълум қилинмасдан, “Қамаши” МЧЖ томонидан “Туронбанк” АТБдан олинган 15 000 000 сўм кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида 2014 йил 10 сентябрдаги ипотека шартномасига асосан гаровга қўйилган. Ушбу шартнома шаҳар давлат нотариал идорасида 4-007-сон билан реестрга киритилган.

Шу сабабли аризачи “Ипотека банк” АТИБ жавобгарлар “Қамаши” МЧЖ, вилоят Адлия бошқармаси (шаҳар давлат нотариал идораси), Шаҳар “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” ДУК ва “Туронбанк” АТБга



нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, "Туронбанк" АТБ ва "Қамаши" МЧЖ ўртасида 2014 йил 10 сентябрда тузилган ипотека шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 14 январдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб тўлиқ қаноатлантирилган.

Суднинг бундай хulosага келишига мазкур бино ва иншоотлар дастлаб "Ипотека банк" АТИБдан олинган кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилганлиги ва низоли бўлганлигини билган ҳолда, қонун талабларига зид равишда бу ҳақда навбатдаги гаровга оловучи "Туронбанк" АТБга маълум қилинмасдан, "Қамаши" МЧЖ томонидан "Туронбанк" АТБдан олинган кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида ипотека шартномасига асосан қайта гаровга қўйилганлиги сабаб бўлган.

"Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 48-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ гаровга қўйилган мол-мулк ўзида турган ёки туриши лозим бўлган гаровга оловучи уни ўзганинг ғайри қонуний эгалигидан, шу жумладан гаровга қўювчининг эгалигидан талаб қилишга ҳақли. Шартнома шартларига кўра ўзига ўтказилган гаров нарсасидан фойдаланиш ҳуқуқи гаровга оловчига берилган ҳолда, у бошқа шахслардан, шу жумладан гаровга қўювчидан ўз ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишлари бартараф этилишини, бу бузилишлар эгалиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бўлса ҳам, талаб қилиши мумкин.

ФК 113-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, битим ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим).

ФК 116-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайн қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг



айрим масалалари ҳақида" 2014 йил 28 науябрдаги 269-сонли қарори 6-бандининг иккінчи хатбошисида ФК үз-үзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тұғрисида даъво бериш имкониятини истисно этмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

### **3.9. Суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланган гаров нарсасини бошланғич сотиш баҳоси процессуал ҳуқуқ нормасига асосан фақат юқори суд инстанцияси томонидан ўзgartирилиши ёки бекор қилиниши мумкин, ҳал қилув қарорини қабул қилган суд ўзининг ҳал қилув қарорини ажрим билан ўзgartиришга ҳақли эмас.**

"Агро банк" АТБ ва "Яйпан" МЧЖ ўртасида 2015 йил 8 августда 18-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Агро банк" АТБ "Яйпан" МЧЖга йиллик 20 фоиз тўлаш шарти билан 18 ой муддатга айланма маблағларни шакллантириши учун 100000000 сўм кредит ажратиш, "Яйпан" МЧЖ эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида "Агро банк" АТБ, "Яйпан" МЧЖ ва "Элёр" МЧЖ ўртасида 2015 йил 10 августда тузилган ипотека шартномасига асосан "Элёр" МЧЖга тегишли бўлган Фарғона вилояти, Яйпан тумани, А.Навоий кўчасида жойлашган маъмурий бино 120000000 сўмга ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

Кредит шартномасида "Яйпан" МЧЖ олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ойма-ой тўлов жадвали асосида тўлаб бориш мажбуриятини олган. Бироқ тўловни ўз вақтида амалга оширгмаган.

"Яйпан" МЧЖ кредит ва унинг фоизларини ўз вақтида қайтармаганлиги учун унинг "Агро банк" АТБдан 80000000 сўм кредит ва 4000000 сўм фоиз қарздорлиги вужудга келган.



Шу сабабли "Агро банк" АТБ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Яйпан" МЧЖдан 80000000 сўм асосий қарз ва 4000000 сўм фоизни ундиришни ҳамда ундирувни "Элёр" МЧЖ томонидан гаровга қўйилган мулкка қаратишни, гаров мулкининг кимошли савдосидаги бошланғич сотув баҳосини белгилашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 14 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган. "Яйпан" МЧЖдан "Агро банк" АТБ фойдасига 80000000 сўм асосий қарз ва 4000000 сўм фоиз ундирилган. Ундирув "Элёр" МЧЖ томонидан гаровга қўйилган мулкка қаратилиб, унинг кимошли савдосидаги бошланғич сотув баҳоси ипотека шартномасига асосан 120000000 сўм қилиб белгиланган.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, суд томонидан ижро варақалари берилган ва улар асосида суд ижрочиси томонидан ижро ишини юритиш қўзғатилган.

Кейинчалик, "Агро банк" АТБ жавобгарлар "Яйпан" МЧЖ ва "Элёр" МЧЖга нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, гаровга қўйилган мулкнинг кимошли савдосидаги бошланғич сотув баҳосини қайтадан белгилашни сўраган.

Суднинг 2017 йил 5 февралдаги ажрими билан қонун талаблари бузилган ҳолда ариза қаноатлантирилиб, "Элёр" МЧЖ томонидан гаровга қўйилган мулкнинг кимошли савдосидаги бошланғич сотув баҳоси 150000000 сўм қилиб белгиланган.

Чунки ФК 281-моддасининг учинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларига мувофиқ гаровга қўйилган мол-мulkнинг кимошли савдоси бошланадиган вактдаги бошланғич сотиш баҳоси ундирув суд тартибида мол-мulkка қаратилган ҳолларда суд қарори билан ёки бошқа ҳолларда гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан келишуви натижасида белгиланади. Такрорий кимошли савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганида гаровга олувчи гаров нарсасини такрорий кимошли савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камайтирган суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишига ҳақли, агар гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида олиб қолиш ҳукуқидан такрорий кимошли савдоси амалга ошмаган, деб эълон



қилинган кундан эътиборан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор қилинади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 54-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган мажбуриятларни ижро этишда ундирув ушбу мол-мулкка қаратилган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимошди савдоси бошланадиган бошланғич реализация қилиш нархи суд қарори билан белгиланади.

Ушбу Қонун 56-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ мол-мулк такrorий электрон онлайн-аукционларда реализация қилинмаганлиги муносабати билан ваколатли оператор томонидан қайтарилган тақдирда ёки такроран реализация қилиш учун савдо ташкилотларига топширилган бошқа мол-мулк ўттиз кун мобайнида реализация қилинмаган тақдирда, у мол-мулк нархининг 10 фоизига арzonлаштирилган нархда ундирувчига таклиф қилинади, давлат даромадига ижро ҳужжатлари бўйича ундириш қаратилган мол-мулк эса ушбу моддада белгиланган тартибда яна арzonлаштирилиши ва реализация қилишга топширилиши лозим. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича ушбу мол-мулк реализация қилинмаган тақдирда, давлат ижрочиси гаровга олувчига мол-мулкни такrорий аукцион шаклидаги кимошди савдоларидаги ёки савдо ташкилотларининг тақrорий реализация қилишидаги бошланғич сотиш нархидан 10 фоизга камайтирилган суммада ўзида қолдиришни таклиф қилади.

Мазкур ҳолатда суднинг ҳал қилув қарори билан гаровга қўйилган кўчмас мулкнинг кимошди савдосида бошланғич сотув баҳоси белгиланганлиги, гаров мулки давлат ижрочиси томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатлари асосида сотилиши лозимлиги суднинг эътиборидан четда қолган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида” 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сон-



ли қарорининг 23-бандида ундирувни гаров нарсасига суд тартибида қаратишда суднинг қарорида гаровдаги мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи, гаров шартномасида кўрсатилган миқдордаги бошланғич сотув баҳоси кўрсатилиши лозимлиги, гаровга қўйилган мол-мулкнинг қиймати юзасидан низо вужудга келган ҳолларда, у тарафларнинг илтимосномаси бўйича тайинланган мутахассис (эксперт)нинг хуносасига кўра белгиланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарори билан белгиланган гаровга қўйилган мулкнинг кимошди савдосидаги бошланғич сотув баҳосини суд ўзининг ажрими асосида ўзгартира олмаслигини, ҳал қилув қарори фақат юқори суд инстанцияси томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлигини инобатга олиб, суд ажримини бекор қилишни, "Агробанк" АТБнинг "Элёр" МЧЖ томонидан гаровга қўйилган мулкнинг кимошди савдосидаги бошланғич сотув баҳосини қайтадан белгилаш ҳақидаги аризасини қаноатлантирумасдан қолдиришни лозим топган.

### **3.10. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади.**

"Ўзбеклизинг" лизинг компанияси ва "Хизмат" МЧЖ ўртасида 2012 йил 23 октябрда 101/12-сонли лизинг шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Ўзбеклизинг" лизинг компанияси "Хизмат" МЧЖга жами 510 260 000 сўмлик 8 та "ISUZU" русумли автотранспорт воситаларини 36 ой муддатга лизингга берган.

Лизинг тўловлари қайтарилишининг таъминоти сифатида "Ўзбеклизинг" лизинг компанияси, "Хизмат" МЧЖ ва "Лада" МЧЖ ўртасида 2014 йил 4 ноябрда кафиллик шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Лада" МЧЖ "Хизмат" МЧЖнинг лизинг шартномаси бўйича мажбуриятлари юзасидан 253 498 137 сўмга кафил бўлган.

Кейинчалик, "Лада" МЧЖ таъсисчиси А.Шукуров судга ариза билан мурожаат қилиб, 2014 йил 4 ноябрда тузилган кафиллик



шартномасини ҳақиқий эмас деб топиб, унинг ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 19 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза талаби қаноатлантирилган.

Биринчи инстанция суди ариза талабини қаноатлантиришда лизинг шартномаси тузилгандан кейин орадан икки йил ўтиб кафиллик шартномаси тузилганлигига асосланган.

Ваҳоланки, ФК 292-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Бундан ташқари, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан бўён мисолнинг матнида Қонун деб юритилади) 8-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбохисига кўра жамият иштирокчилари қонун ҳужжатларида жамияттаъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтarlари ва бошқа ҳужжатлари билан танишишга ҳақлидирлар.

Мазкур Қонун 30-моддаси иккинчи қисмининг еттинчи хатбохисига кўра жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш киради.

Қонун 31-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг уставида белгиланган муддатларда, лекин йилига камида бир марта ўтказилиди.

Аниқланишича, "Лада" МЧЖ "Хизмат" МЧЖнинг мажбуриятлари бўйича кафиллик шартномаси тузилгунга қадар 40 600 000 сўм, кафиллик шартномаси тузилганидан кейин, яъни 2014 йил 29 октябрдан 2015 йил 4 ноябрга қадар 409 300 000 сўм пул маблағларини ихтиёрий равишда "Ўзбеклизинг" лизинг компаниясига ўтказиб берган. Мазкур ҳолат тарафлар ўртасида кафиллик шартномаси тузилганлигидан "Лада" МЧЖ таъсисчиси А.Шукуров хабардор эканлигини билдиради.

ФКнинг 132-моддасига мувофиқ, вакил қилинмаган шахс томонидан бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари



чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс ушбу битимни кейинчалик маъқуллаган тақдирдагина унинг учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганилигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади. Битим тузишга ваколат берган шахс томонидан битимнинг кейинчалик маъқулланиши уни тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий битимга айлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2014 йи 28 ноябрдаги 269-сонли қарорининг 17-бандида ФКнинг 126-моддасига кўра, агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёинки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганилиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги, бундай асос билан битим кимнинг манфаатида чеклаш белгиланган бўлса, фақат ўша шахснинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги, шу боис ФКнинг 126-моддасига асосан битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво билан бошқа шахс мурожаат қилган бўлса, бундай даъвони қаноатлантириш рад этилиши, битим тузиш ваколатларини чеклаш белгиланишидан манфаатдор шахс битимни кейинчалик маъқуллаганда, ФКнинг 126-моддасида белгиланган битимни ҳақиқий эмас деб топиш асослари қўлланилмаслиги, битим, агар у бўйича бошқа тараф қайд этилган чеклаш ҳақида билган ёки олдиндан билиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирдагина, ФКнинг 126-моддаси асосида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.



“Лада” МЧЖ таъсисчиси А.Шукуров томонидан кафиллик шартномаси тузилаётган пайтда “Хизмат” МЧЖ ва “Ўзбеклизинг” лизинг компанияси мансабдор шахсининг мазкур шартномани тузишга ваколатларида чеклашларни билганлиги ва олдиндан билиши лозим бўлганлиги далиллар асосида исботлаб берилмаган.

Бироқ биринчи инстанция суди кафил томонидан тўлов кафиллик шартномаси мажбуриятларидан келиб чиқсан ҳолда ихтиёрий амалга оширилганлигини инобатга олмасдан, аризани қаноатлантириш ҳақида нотўғри хуносага келган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

### **3.11. Суғурталовчига суғурта қопламасини тўлаб бериш ҳақидаги талаб фақатгина бошқа таъминот турлари тўлиқ ўзлаштирилгандан кейингина амалга оширилади**

“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ ва “Сарвар-С” АЖ ўртасида 2014 йил 8 октябрда 111-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ “Сарвар-С” АЖга 18 фоиз тўлаш шарти билан 12 ой муддатга цемент маҳсулоти сотиб олиши учун 110 000 000 сўм кредитажратиши, “Сарвар-С” АЖ эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ, “Сарвар-С” АЖ ва “Лола” МЧЖ ўртасида 2014 йил 9 октябрда тузилган кафиллик шартномасига асосан “Лола” МЧЖ томонидан 130 000 000 сўмга кафиллик берилган.

Шунингдек, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ, “Сарвар-С” АЖ ва “Кафолат” суғурта компанияси ўртасида 2014 йил 4 ноябрда суғурта шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Кафолат” суғурта компанияси томонидан 130 000 000 сўмга суғурта полиси берилган.

“Сарвар-С” АЖ шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармаганлиги, кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини ўз вақти-



да амалга оширмаганлиги натижасида 2016 йил 5 март ҳолатига кредитдан асосий карзи 100000000 сүмни, кредит фоизидан қарздорлиги эса 20000000 сүмни ташкил этган

“Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш, акс ҳолда қарздорлик “Сарвар-С” АЖ, “Лола” МЧЖ ва “Кафолат” суғурта компаниясидан мажбурий тартибда ундирилиши ҳақидаги талабномалари оқибатсиз қолдирилган, қарздорликни сўндириш чоралари кўрилмаган.

Шу сабабли “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб “Сарвар-С” АЖ, “Лола” МЧЖ ва “Кафолат” суғурта компаниясидан 100000000 сўм асосий қарз ва 2000000 сўм фоизни солидар тартибда ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 5 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган, “Сарвар-С” АЖ ва “Лола” МЧЖдан “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ фойдасига 100000000 сўм асосий қарз ва 20000000 сўм фоиз ундирилган. Даъво талабининг “Кафолат” суғурта компаниясига нисбатан қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг бундай хulosага келишига суғурта шартномасининг 7.1.4-бандида шартноманинг маҳсус шарти сифатида суғурталовчига суғурта қопламасини тўлаб бериш ҳақидаги талаб, фақатгина бошқа таъминот турлари тўлиқ ўзлаштирилгандан кейин амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

ФК 234-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФК 259-моддасининг биринчи қисмига кўра мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усувлар билан таъминланиши мумкин.

Ушбу ҳолда суғурта қопламасини тўлаб бериш ҳақидаги талаб фақатгина бошқа таъминот турлари тўлиқ ўзлаштирилгандан кейин амалга оширилиши, кредит шартномаси бўйича қарздорлик 2014 йил 9 октябрдаги кафиллик шартномасига асосан “Лола” МЧЖ ҳисо-



бидан қопланиши мүмкінлиги сабабли бириңчи инстанция суди "Кафолат" суғурта компаниясыдан "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ фойдасига пул маблағларини ундиrmасдан, даъво талабининг "Кафолат" суғурта компаниясига нисбатан қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тұғри холосага келганилиги инобатга олиниб, Ҳайъат томонидан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

### **3.12. Суғурта мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш үсули ҳисобланмасдан, балки суғурта шартномаси бүйича кредит маблағларини қайтармаслик хавфи суғурталаниши сабабли, суғурталовчига нисбатан билдирилган ушбу талабни қаноатлантириш рад этилади.**

"Хамкор банк" АТБ ва "Юлдуз" МЧЖ ўртасида 2015 йил 24 декабрда 56-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Хамкор банк" АТБ "Юлдуз" МЧЖга 14 фоиз тўлаш шарти билан 2 йил муддатга касаначиликни ривожлантириши учун 80 000 000 сўм кредит ажратиш, "Юлдуз" МЧЖ эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида "Хамкор банк" АТБ, "Юлдуз" МЧЖ ва "Сардор-С" фермер хўжалиги ўртасида 2015 йил 26 декабрда тузилган 58-сонли кафиллик шартномасига асосан "Сардор-С" фермер хўжалиги томонидан 80 000 000 сўмга кафиллик берилган.

Шунингдек, "Хамкор банк" АТБ, "Юлдуз" МЧЖ ва "Зарафшон" суғурта компанияси ўртасида 2015 йил 27 декабрда суғурта шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Зарафшон" суғурта компанияси томонидан 80 000 000 сўмга суғурта полиси берган.

"Юлдуз" МЧЖ шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармаганлиги, кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини ўз вақтида амалга оширмаганлиги натижасида 2016 йил 20 ноябрь ҳолатига кредитдан



асосий қарзи 80000000 сўмни, кредит фоизидан қарздорлиги эса 10000000 сўмни ташкил этган.

“Юлдуз” МЧЖ кредит шартномасида белгиланган муддатда кредит суммасини қайтармаганлиги сабабли “Ҳамкор банк” АТБ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб “Юлдуз” МЧЖ, “Сардор-С” фермер хўжалиги ва “Зарафшон” суғурта компаниясидан 80000000 сўм асосий қарз ва 10000000 сўм фоизни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 5 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

Суд томонидан даъво талабини “Зарафшон” суғурта компанияси ҳисобидан қаноатлантиришда, суғурта шартномаси бўйича кредит маблағларини қайтармаслик хавфи суғурталанганилиги, суғурта ҳодисаси юз берганлиги исботланмаганлиги, “Юлдуз” МЧЖ томонидан кредит суммаси тўлаб берилмаганлиги натижасида “Ҳамкор банк” АТБ зарар кўрмаганлиги, қолаверса, кредит шартномаси бўйича қарздорлик “Юлдуз” МЧЖ ва кафиллик шартномасига асосан “Сардор-С” фермер хўжалиги ҳисобидан қопланиши мумкинлиги инобатга олинмаган.

Ваҳоланки, ФК 234-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФК 915-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф оловчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Суғурта шартномасининг 7.1.4-бандида кредит шартномасини бузганлик учун суғурта қилдирувчи (қарз оловчи)нинг жавобгарлик хавфи суғурта қилиниши ва қарз оловчи томонидан кредит



суммасини түлиқ ёки қисман тұлаб берилмаганлиги натижасыда банкка етказилған зарар суғурта ҳодисаси ҳисобланиши белгиланған.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорининг “Зарафшон” суғурта компаниясидан қарздорликни үндериш қисмини бекор қилиб, дағво талабининг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топған.

### **3.13. Суғурта қилдирувчига тегишли транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига ега бўлмаган шахс томонидан йўл транспорт ҳодисаси содир этилганлиги натижасыда учинчи шахсга етказилған зарар суғурталовчи томонидан тұлаб берилганда, суғурталовчи ўзи тўлаган суғурта товони миқдорида етказилған зарарни регресс тартибда суғурта қилдирувчидан үндеришни талаб қилишга ҳақли.**

2014 йил 7 апрелда ҳайдовчи А.Алиевнинг айби билан унинг бошқарувидағи “Чиноз” МЧЖга тегишли “MATIZ” русумли автотранспорт воситаси ва ҳайдовчи Б.Илҳомов бошқарувидағи “COBALT” русумли автотранспорт воситаси тўқнашиши натижасыда йўл транспорт ҳодисаси содир бўлған.

Жиноят ишлари бўйича Ангрен туман судининг 2014 йил 12 майдаги қарори билан ҳайдовчи А.Алиев Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 133-моддасыда назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган ва “Чиноз” МЧЖдан ҳайдовчи Б.Илҳомов фойдасига йўл транспорт ҳодисаси содир этилганлиги натижасыда етказилған 3 500 400 сўм зарар үндирилган.

“MATIZ” русумли автотранспорт воситаси ҳайдовчиси А.Алиевнинг фуқаролик жавобгарлиги “Инвест” суғурта компаниясида мажбурий суғурта қилинганлиги боис “Инвест” суғурта компанияси томонидан ҳайдовчи Б.Илҳомов фойдасига йўл транспорт ҳодисаси содир этилганлиги натижасыда суғурта товони сифатида 3 500 000 сўм зарар тұлаб берилған.



Аммо ҳайдовчи А.Алиев жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2016 йил 25 январдаги қарори билан 12 ойга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлишига қарамасдан (илгари содир этган йўл транспорт ҳодисаси учун), "Чиноз" МЧЖ 2016 йил 10 февралдаги хат билан "Инвест" суфурта компаниясига мурожаат қилиб, А.Алиев ҳайдовчи сифатида "Чиноз" МЧЖга ишга қабул қилинганилиги сабабли 2014 йил 31 майдаги суфурта полисига унинг фамилиясини киритиб қўйишни сўраган. "Инвест" суфурта компанияси ҳайдовчи А.Алиевнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганилигини билмаган ҳолда унинг фамилиясини суфурта полисига киритган.

Шу сабабли "Инвест" суфурта компанияси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Чиноз" МЧЖдан ҳайдовчи Б.Илҳомов фойдасига йўл транспорт ҳодисаси содир этилганлиги натижасида суфурта товони сифатида тўлаб берилган 2394294 сўм зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 28 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Чунки ФК 985-моддасининг биринчи қисмiga мувофиқ ғайри-қонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

"Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш Қоидалари" 78-бандининг "в"-кичик бандига мувофиқ суфурталовчи зарар етказган шахсга (суфурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суфурта шартномаси бўйича суфурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суфурта тўлови миқдорида агар мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса, регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.



Шу боис Ҳайъат қайд этилган ҳолатларни инобатта олиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

### **3.14. Сұғурта агенти суғурта мукофотларини суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш мүддатига амал қилмаса ёки уларни асоссиз ушлаб турған даврда суғурта ходисаси рўй берса, суғурта қилдирувчига суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаб бериш мажбурияти суғурта агентига юкланди.**

“Суғурта” суғурта компанияси ва суғурта агенти якка тартибдаги тадбиркор Алишер Суюнов Бадалович ўртасида 2015 йил 18 майда 16-сонли агентлик шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра якка тартибдаги тадбиркор Алишер Суюнов Бадалович “Суғурта” суғурта компанияси томонидан ваколат доирасида кўрсатиладиган суғурта хизматларини кенг ёйиш бўйича топшириқларини бажариш, шунингдек, суғурта қилдирувчилардан суғурта полисларини сотиш ва суғурта мукофотларини қабул қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шартноманинг 2.2.12-бандида якка тартибдаги тадбиркор Алишер Суюнов Бадалович нақд пулда қабул қилинган суғурта мукофотларини шу куннинг ўзида банк муассасаси ёки суғурталовчи кассасига топшириши, 2.2.13-бандида эса суғурта мукофотлари нақд пулсиз кўринишда якка тартибдаги тадбиркор Алишер Суюнов Бадаловичнинг ҳисоб рақамига келиб тушганда, ушбу пулларни улар келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тўлиқ ҳажмда “Суғурта” суғурта компаниясининг ҳисоб рақамига ўтказиши шартлиги белгиланган.

Якка тартибдагитадбиркор Алишер Суюнов Бадалович томонидан 2015 йил 29 майда фуқаро Р.Рахимовга транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси сотилган ва 80 000 000 сўм миқдорида суғурта мукофоти олинган.



"Суфурта фаолияти түғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-1-модасининг иккинчи қисмida кўрсатилишича суфурта агенти суфурта фаолияти түғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши, суфурта шартномаси тузишда ва суфурта товони (суфурта пули) тўлашда ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришга кўмаклашиши шарт.

Бироқ якка тартибдаги тадбиркор Алишер Суюнов Бадалович томонидан фуқаро Р.Рахимовдан олинган 80 000 000 сугурта мукофоти 36 кун ўтгач, яъни 2015 йил 15 апрелда "Суфурта" суфурта компанияси кассасига топширилган ва пул маблағи шу куни суфурта компанияси ҳисоб рақамига келиб тушган.

2015 йил 28 майда фуқаро Р.Рахимов бошқарувидаги "SPARK" русумли автотранспорт воситаси ва фуқаро Б.Умиров бошқарувидаги "LASETTI" русумли автотранспорт воситаси тўқнашиши натижасида йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган.

Натижада "LASETTI" автотранспорт воситасига 3 000 000 сўм зарар етган. "Суфурта" суфурта компанияси томонидан 2015 йил 18 августда фуқаро Р.Рахимовга берилган суфурта полисига асосан 3 000 000 сўм суфурта товони тўлаб берилган.

Шу сабабли "Суфурта" суфурта компанияси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, фуқаро Р.Рахимовга суфурта товони сифатида тўлаб берилган 3 000 000 сўм зарарни якка тартибдаги тадбиркор Алишер Суюнов Бадаловичдан ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 24 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Суд даъво талабини қаноатлантиришда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 1 февралда 1213-сон билан рўйхатга олинган "Суфурта агентлари түғрисида"ги Низомнинг 13-бандига асосланган.

Мазкур Низомнинг 13-бандига мувофиқ суфурта агенти суфурта мукофотларини суфурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш муддатига амал қилмаса ёки уларни асоссиз ушлаб турса, ўша даврда суфурта ҳодисаси рўй берганда, суфурта қилинувчининг олдидаги суфурта товони (суфурта пули) тўлаш бўйича мажбуриятларга суфурта агенти жавобгар бўлади.



Бу ерда якка тартибдаги тәдбиркор Алишер Суюнов Бадалович томонидан суғурта мукофоти үз вақтида шартномада белгиланған муддатда “Суғурта” суғурта компанияси кассасига топширилмаган, суғурта мукофоти асоссиз ушлаб турилған вақтда суғурта ҳодисаси ройб берган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини үзгаришсиз қолдиришни лозим топған.

### **3.15. Суғурталовчи томонидан суғурта товони жабрланувчига (унинг меросхұрига ёки ҳуқуқий ворисига) етказилған зарар миқдорида тұланади.**

2015 йил 28 июнда ҳайдовчи Б.Кариевнинг айби билан унинг бошқарувидағи “Дарбанд” хусусий корхонасига тегишли “DAMAS” русумли автотранспорт воситаси ва ҳайдовчи Р.Расулов бошқарувидағи “Кензо” МЧЖга тегишли “CAPTIVA” русумли автотранспорт воситаси түқнашиши натижасида йўл транспорт ҳодисаси содир бўлған.

“Ишонч” суғурта компанияси ва “Кензо” МЧЖ ўртасида 2012 йил 21 январда тузилған суғурта шартномасига асосан “Ишонч” суғурта компанияси томонидан “Кензо” МЧЖга содир бўлған суғурта ҳодисаси натижасида етказилған 550 000 сўм зарар тўлаб берилган.

Шу сабабли “Ишонч” суғурта компанияси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Кензо” МЧЖга суғурта товони сифатида тўлаб берилған 550 000 сўм зарарни “Дарбанд” хусусий корхонасидан ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 6 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилған. “Дарбанд” хусусий корхонасидан “Ишонч” суғурта компанияси фойдасига 550 000 сўм зарар ундирилған.

Аммо суд даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида барвақт холосага келган.



Чунки “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 23-моддасининг биринчи қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари”нинг 55-бандига мувофиқ суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

Жиноят ишлари бўйича Оҳангаров туман судининг 2015 йил 26 октябрдаги қарори билан ҳайдовчи Б.Кариев Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган ва “Дарбанд” хусусий корхонасидан “Кензо” МЧЖ фойдасига йўл транспорт ҳодисаси содир этилганлиги натижасида етказилган 258 500 сўм зарар ундирилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорининг 550 000 сўм ундириш қисмини 258 500 сўмга ўзгартириб, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

### **3.16. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи ўзи тўлаб берган зарар суммасини, агар иш берувчи зарар етказилишида айбор бўлмаса, ундан талаб қилишга ҳақли эмас.**

“Инго Узбекистан” суғурта компанияси ва “Элегант” унитар корхонаси ўртасида 2013 йил 13 майда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра “Инго Узбекистан” суғурта компанияси суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчи (наф олувчи)га меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки ходимнинг



ушбу шартнома амал қиладиган даврда мөхнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигини бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган заарни тўлаб бериш мажбуриятини олган.

2014 йил 7 сентябрь куни соат 16-00ларда “Элегант” унитар корхонаси ходими С.Болиев мөхнат шартномасига асосан ўз вазифаларини амалга ошираётган вақтда баҳтсиз ҳодиса содир бўлиши натижасида воқеа жойида вафот этган.

“Инго Узбекистан” суғурта компанияси марҳум С.Болиевнинг турмуш ўртоғи О.Болиевага 2015 йил 6 январда 440-сонли тўлов топшириқномаси асосида жами 30168967 сўм суғурта товонини тўлаб берган.

“Инго Узбекистан” суғурта компаниясининг “Элегант” унитар корхонасига суброгация тартибида марҳумнинг турмуш ўртоғига тўлаб берилган суғурта товонини қайтариш ҳақида 2015 йил 18 январдаги талабномаси оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли “Инго Узбекистан” суғурта компанияси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб “Элегант” унитар корхонасидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига асосан наф олувчига тўлаб берган суғурта товони сифатида 30168967 сўмни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 8 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Суд даъво талабини қаноатлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш” Қоидаларининг 74-бандига асосланган.

Бироқ мазкур Қоида 74-бандининг биринчи хатбошисига мувофиқ иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ундирилган заарлар бўйича жавобгар бўлган шахсга нисбатан эга бўлган талаб қилиш ҳуқуқи суғурта товонини тўлашни амалга оширган суғурталовчига у тўлаган сумма доирасида ўтади.

Бу ерда ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисасининг вужудга келишида “Элегант” хусусий корхонасининг айби исботланмаган.



Ушбу ҳолда "Инго Узбекистан" суғурта компанияси марҳум С.Болиевнинг турмуш ўртоғи О.Болиевага тўлаган 30168967 сўм суғурта товонини "Элегант" унитар корхонасидан талаб қилишга ҳақли эмас.

Шу боис Ҳайъат биринчи инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

### **3.17. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги шартнома бўйича суғурта ҳодисаси муносабати билан жабрланувчига (наф олувчига) етказилган маънавий зарар мажбурий суғурта қилиш бўйича қопланмайди.**

"Ўзбекинвест ҳаёт" суғурта компанияси ва "Ятекс" АЖ ўртасида 2015 йил 30 январда 5-сонли иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олган.

Суғурта пули 17 510 163 сўмни, суғурта мукофоти эса 53 298 783 сўмни ташкил этган. Шартноманинг амал қилиш муддати 2015 йил 31 декабргача этиб белгиланган.

"Ятекс" АЖ томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиб, суғурта мукофоти ўз вақтида "Ўзбекинвест ҳаёт" суғурта компаниясининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Суғурта шартномасининг амал қилиш даврида, яъни 2015 йил 20 май куни "Ятекс" АЖ ходими фуқаро Д.Асомов ўз меҳнат



вазифаларини бажариши вақтида баҳтсиз ҳодиса туфайли тан жароҳати олган ва бу ҳақда "Ўзбекинвест ҳаёт" суғурта компанияси иштирокида "Н-1" шаклидаги далолатнома тузилган.

"Шеробод" шифохонаси шифокори томонидан берилган 2015 йил 25 майдаги хulosада фуқаро Д.Асомовнинг ишлаб чиқаришда олган тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра оғир бўлмаган тан жароҳатлар сирасига кириши кўрсатилганилиги сабабли ушбу суғурта ҳодисаси бўйича "Ўзбекинвест ҳаёт" суғурта компанияси томонидан суғурта товони тўлаб берилмаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Зангига туманлараро судининг 2015 йил 6 октябрдаги ҳал қилув қарори билан "Ятекс" АЖдан фуқаро Д.Асомов фойдасига 11118136 сўм бир йўла бериладиган нафақа ва 1 200 000 сўм маънавий зарар ундирилган.

Ушбу сумма 2015 йил 26 ноябрдаги 384-сонли тўлов топшириқномаси билан "Ятекс" АЖ томонидан фуқаро Д.Асомовга тўлаб берилган.

Шу сабабли "Ятекс" АЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Ўзбекинвест ҳаёт" суғурта компаниясидан 11118136 сўмлик бир йўла тўлаб берилган нафақа ва 1 200 000 сўм маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 24 мартағи ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

Суднинг бундай хulosага келишига фуқаролик ишлари бўйича Зангига туманлараро судининг 2015 йил 6 октябрдаги ҳал қилув қарори асос бўлган.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш" Қоидаларининг 7-бандига мувофиқ суғурта ҳодисаси муносабати билан жабрланувчига (наф олувчига) етказилган маънавий зарар мажбурий суғурта қилиш бўйича қопланмайди.

Шу боис Ҳайъат қайд этилган норма талабидан келиб чиқиб, ҳал қилув қарорининг 1 200 000 сўм маънавий зарар ундириш қисмини бекор қилишни, даъво талабининг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.



### **3.18. Агар қонунда суғурта ҳодисаси суғурта қилувчининг ёки наф олувчининг қўйол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда суғурталовчини мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан озод қилиш ёки товон миқдорини камайтириш ҳоллари назарда тутилмаган бўлса, суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг фақат қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилинади.**

“Капитал суғурта” суғурта компанияси, “Нодира” хусусий корхонаси ва “Турон” АТБ ўртасида 2014 йил 11 октябрда гаровга қўйилган автотранспорт воситасини суғурта қилиш тўғрисида 11-2014-сонли шартнома тузилган бўлиб, шартноманинг 2-бандида “Капитал суғурта” суғурта компанияси гаров нарсаси ҳисобланган “VOLVO” русумли автотранспорт воситаси ва автоприцепга суғурта ҳодисаси, шу жумладан, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарни қоплаб беришни ўз зиммасига олган.

2014 йил 17 сентябрь куни соат 14-30ларда ҳайдовчи С.Парпиев-нинг бошқарувидаги гаров нарсаси бўлган автотранспорт воситаси Қорқалпоғистон Республикаси, Амударё туман А 458-автомобиль йўлининг 74 километридан ўтган йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётганда автотранспорт воситасининг олд ўнг ғилдирак шинаси ёрилиб кетган ва бунинг натижасида автотранспорт воситасининг ҳаракати ўнг томонга ўзгариб, автотранспорт воситаси йўл четидаги бетон тўсиқа урилган.

“Баҳолаш ва консалтинг маркази” МЧЖнинг ҳисботига кўра йўл-транспорт ҳодисаси натижасида транспорт воситаси ва автоприцепга етказилган зарарнинг миқдори 60 000 000 сўмни ташкил қилган.

“Нодира” хусусий корхонасининг суғурта ҳодисаси содир бўлганини натижасида етказилган зарар учун суғурта товонини тўлаб бериш ҳақидаги талабини “Капитал суғурта” суғурта компанияси рад этган.



Шу сабабли “Нодира” хусусий корхонаси судга дағво аризаси билан мурожаат қилиб, “Капитал суғурта” суғурта компаниясидан етказилган зарап учун 60000000 сүм суғурта товони үндиришни сұраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 17 майдаги ҳал қилув қарори билан дағво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг бундай хulosага келишига шартноманинг 4.1 ва 4.2-бандларида суғурта нарсасидан фойдаланишда йўл-ҳаракати қоидалари талабарининг бузилиши ва носоз транспорт воситасидан фойдаланилганлиги ҳолати суғурта товонини тўлашдан озод этилиши белгиланганлиги асос бўлган.

Бироқ шартноманинг 4.1 ва 4.2-бандларида суғурта нарсасидан фойдаланишда йўл-ҳаракати қоидалари талабарининг бузилиши ва носоз транспорт воситасидан фойдаланилганлиги ҳолати суғурта товонини тўлашдан “Капитал суғурта” суғурта компаниясини озод этиши, йўл носозлиги сабабли шина ёрилиши натижасида автотранспорт воситасига етказилган зарап қопланмаслиги белгиланган.

Шунингдек, ФК 955-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчига (наф оловчига) суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни қуидаги ҳолларда рад этишга ҳақли, чунончи:

суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар, шу жумладан ушбу Кодекснинг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилинганда;

суғурта шартномаси ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганда;

суғурталовчи ушбу Кодекснинг 951-954-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича суғурта товонини ёки суғурта пули тўлашдан озод қилинганда;

суғурталовчи ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ёхуд суғурта қилдирувчи (наф оловчи) суғурта ҳодисаси ҳолатларини текшириб кўришга ёки етказилган



зарар миқдорини аниқлашга түсқинлик қилгани туфайли суғурта шартномасини бекор қилиш түррисида даъво құзғатганида.

Мазкур ҳолатда суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар бекор қилинмаган, суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган шартнома эмас, суғурталовчи суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ёки суғурта шартномасини бекор қилиш түррисида даъво талаби билан мурожаат қилмаган, ФКнинг 951, 952 ва 954-моддаларида назарда тутилган сугурта пулини тўлашни рад этиш асослари мавжуд эмас.

ФК 953-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланишича, агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф оловчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилинади, қасдан қилинган ҳаракатлар улар томонидан зарурий мудофаа ёки охирги зарурат ҳолатида, шунингдек ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда содир этилиши бундан мустасно. Қонунда суғурта ҳодисаси суғурта қилувчининг ёки наф оловчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда суғурталовчини мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан озод қилиш ёки товон миқдорини камайтириш ҳоллари назарда тутилмаган бўлса, суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф оловчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилинади.

Ушбу ҳолда суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф оловчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берганлиги исботланмаган.

Қолаверса, йўл транспорт ҳодисаси содир бўлишида ҳайдовчи С.Парпиеевнинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли



Амударё туман ИИБнинг 2015 йил 22 октябрдаги қарори билан жиноят иши құзғатиш рад этилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал құлув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топған.

### **3.19. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини түлиқ тұламаганда суғурталовчи суддан тұланмаган суғурта мукофотини ундиришни талаб қилишга эмас, балки суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчига суғурта товонини суғурта мукофотининг тұланган қисмига мувофиқ ҳолда тұлашга ҳақли.**

“Азия иншурэнс” суғурта компанияси ва “Үктам” хусусий корхонаси ўртасида 2015 йил 28 апрелда транспорт воситалари әгаларининг фуқаролик жавобгарлыгини суғурта қилиш түғрисида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра “Азия иншурэнс” суғурта компанияси “Үктам” хусусий корхонасига тегишли “DAMAS” русумли автотранспорт воситаси билан боғлиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта пулини тұлаш, “Үктам” хусусий корхонаси эса ушбу автотранспорт воситаси учун суғурта мукофотини тұлаш мажбуриятини олган.

Суғурта мукофотининг қиймати суғурта қийматининг 1 фоизини, яъни 11 500 000 сўмни ташкил қылған ва ушбу сумма шартномада белгиланған муддатларда бўлиб-бўлиб тұлаш назарда тутилған.

“Үктам” хусусий корхонаси шартнома шартларини түлиқ бажармаган ва шартномада белгиланған муддатларда суғурта мукофотининг 7 000 000 сўмлик қисмини тұламаган.

Мазкур қарздорлик “Азия иншурэнс” суғурта компанияси ва “Үктам” хусусий корхонаси ўртасида имзоланған ўзаро ҳисоб-китоб таққослаш далолатномаси билан тасдиқланған.

Шу сабабли “Азия иншурэнс” суғурта компанияси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб “Үктам” хусусий корхонасидан 7 155 847 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2017 йил 16 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби түлиқ қаноатлантирилган.

Суднинг бундай хуросага келишига тарафлар ўртасида имзоланган ўзаро ҳисоб-китоб таққослаш далолатномаси асос бўлган.

Бироқ ФК 942-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларига мувофиқ, агар суғурта шартномасида суғурта мукофотини бўлиб бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, шартномада навбатдаги суғурта бадалларини белгиланган муддатларда тўламаслик оқибатлари кўрсатиб қўйилиши мумкин. Агар суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

Шартноманинг 4.1.2-бандида суғурта қилдирувчи суғурта мукофоти пулини тўлиқ тўламаганда, суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги тўланган суғурта мукофоти қисмига мувофиқ ҳолда белгиланиши кўрсатилган.

Демак шартнома мазмунига кўра, агар суғурта ҳодисаси содир бўлса, суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта товонини суғурта мукофотининг тўланган қисмига мувофиқ ҳолда тўлайди.

Ушбу ҳолда суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлиқ тўламаганда суғурталовчи тўланмаган суғурта мукофотини ундиришни талаб қилишга эмас, балки суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчига суғурта товонини суғурта мукофотининг тўланган қисмига мувофиқ ҳолда тўлашга ҳақли.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.



### **3.20. Сұғурта ҳодисаси хавfi юзага келгандың сұғурта қилдирувчи заарни камайтириш мақсадыда сұғурталовчининг күрсатмаларига амал қылса, бироқ күрилган чоралар фойдасыз бўлиб чиқса, сұғурталовчи сұғурта қилдирувчига сұғурта товони билан бирга заарни камайтириш учун қилган харажатини ҳам тўлаб беради.**

“Фарҳод” фермер хўжалиги ва “Кросс инвест” сұғурта компанияси ўртасида 2016 йил 7 апрелда “Қишлоқ хўжалиги экинларидан кам ҳосил олинниши натижасида кўриладиган молиявий заарни сұғурталаш тўғрисида” шартнома тузилган бўлиб, унга кўра “Кросс инвест” сұғурта компанияси “Фарҳод” фермер хўжалигига макка экинидан сұғурта таваккалчиликлари туфайли кам ҳосил олинганда кўриладиган молиявий заарни қоплаш, “Фарҳод” фермер хўжалиги эса шартнома бўйича ҳисобланган сұғурта мукофотини белгиланган муддатда “Кросс инвест” сұғурта компаниясига тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 1.2.2-бандида сұғурта ҳодисаси содир бўлганда “Кросс инвест” сұғурта компанияси “Фарҳод” фермер хўжалигига сұғурта полисига асосан 20000000 сўм сұғурта пули тўлаб бериши белгиланган.

Шунингдек, шартноманинг 3.1.1-бандида шартномада сұғурта ҳодисаси сифатида “Фарҳод” фермер хўжалигига тегишли экинларнинг зааркунанда ҳашаротлар, сув тошқини, қирғоқчилик ва бошқа табиий оғатлардан зиён кўриши кўрсатилган.

Ёз фаслининг бошларида “Фарҳод” фермер хўжалиги “Кросс инвест” сұғурта компаниясига мурожаат қилиб “Фарҳод” фермер хўжалигига тегишли экин майдонларига зааркунанда ҳашоратлар туша бошлаганлигини маълум қилган.

“Кросс инвест” сұғурта компанияси ва тегишли ташкилотлар вакиллари ер майдонларини кўздан кечиришган ва бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилган.

Шундан сўнг “Кросс инвест” сұғурта компанияси “Фарҳод” фермер хўжалигига зааркунанда ҳашоратларга қарши тегишли кимёвий дориларни сепиш тўғрисида кўрсатма берган.



"Фарҳод" фермер хўжалиги "Кросс инвест" суғурта компанияси кўрсатмасига асосан дарҳол 2 500 000 сўм қийматдаги тегишли кимёвий дори воситаларини заарланиш авж олишининг олдини олиш мақсадида экин майдонига сепган.

Бироқ "Фарҳод" фермер хўжалиги томонидан кўрилган чоралар самара бермаган, экин майдонининг аксарият қисми ҳашаротлардан жиддий заарланган. Натижада "Фарҳод" фермер хўжалиги жуда кам миқдорда ҳосил олиб, катта миқдорда молиявий зарар кўрган.

Шу сабабли "Фарҳод" фермер хўжалиги судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Кросс инвест" суғурта компаниясидан 20 000 000 сўм суғурта товони ва 2 500 000 сўм суғурта ҳодисасини бартараф этиш учун қилинган харажатни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 20 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилган, "Кросс инвест" суғурта компаниясидан "Фарҳод" фермер хўжалиги фойдасига 20 000 000 сўм суғурта товони ундирилган, даъво талабининг 2 500 000 сўм суғурта ҳодисасини бартараф этиш учун қилинган харажатни ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Суд даъво талабини қисман қаноатлантиришда суғурта шартномасида суғурта ҳодисаси хавфини камайтириш учун қилинган харажатнинг суғурталовчи томонидан тўланиши назарда тутилмаганинг асосланган.

Ваҳоланки, ФК 952-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ мулкий суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганида, суғурта қилдирувчи эҳтимол тутилган заарни камайтириш учун оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриши шарт. Суғурта қилдирувчи бундай чораларни кўрар экан, агар ўзига маълум қилинган бўлса, суғурталовчининг кўрсатмаларига амал қилиши лозим. Заарни камайтириш мақсадида қилинган, суғурталовчи қоплаши лозим бўлган харажатлар, агар бундай харажатлар зарур бўлган бўлса ёки суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, тегишли чоралар фойдасиз бўлиб чиқса ҳам, суғурталовчи томонидан қопланиши лозим. Бундай харажатлар суғурта суммасининг суғурта қиймати нисбатига мутаносиб равишда, бошқа заарларни қоплаш билан биргаликда улар суғурта пулидан



ошиб кетиши мүмкінлигидан қатын назар, қопланади.

Шу боис Ҳайъат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабларини тұлық қаноатлантириш түғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

### **3.21. Лизинг олувчи лизинг шартномасини жиуддий тарзда бузган тақдирда лизинг берувчи бир вақтнинг ўзида ҳам барча лизинг тұловларини муддатидан илгари ундириш, ҳам лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга әмас.**

"Саноатқурилишбанк" АТБ ва "Шаҳло" МЧЖ үртасида 2014 йил 21 декабрда 7-сонли мулкни сотиб олиш ва лизингга бериш түғрисида шартнома тузилган бўлиб, шартноманинг 1.2 ва 3.2-бандларида "Саноатқурилишбанк" АТБ Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Сувариқ МФЙ, Увайсий кўчасида жойлашган маъмурий бинони (бундан бўён мисолдаги матнда лизинг объекти деб юритилади) 18 фоиз устама тўлаш ва кейинчалик сотиб олиш шарти билан 36 ой муддатга 800 000 000 сўм миқдорида "Шаҳло" МЧЖга ижарага бериш, "Шаҳло" МЧЖ эса тўловни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини олган.

2014 йил 21 декабрда имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан "Шаҳло" МЧЖ "Саноатқурилишбанк" АТБдан лизинг объектини қабул қилиб олган.

"Шаҳло" МЧЖнинг 2016 йил 14 ноябрь куни ҳолатига лизинг тўловларидан қарздорлиги 700 000 000 сўмни, муддати ўтган фоиз қарздорлиги 30 000 000 сўмни ташкил этган.

Шу сабабли "Саноатқурилишбанк" АТБ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб "Саноатқурилишбанк" АТБ ва "Шаҳло" МЧЖ үртасида 2014 йил 21 декабрда тузилган 7-сонли лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни, "Шаҳло" МЧЖдан 700 000 000 сўм асосий қарз, 30 000 000 сўм фоиз ундиришни, лизинг объектини "Саноатқурилишбанк" АТБга қайтаришни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2017 йил 23 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган. "Саноатқурилишбанк" АТБ ва "Шаҳло" МЧЖ ўртасида 2014 йил 21 декабрда тузилган 7-сонли лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган, "Шаҳло" МЧЖдан "Саноатқурилишбанк" АТБ фойдасига 700 000 000 сўм асосий қарз, 30 000 000 сўм фоиз ундирилган, "Шаҳло" МЧЖдан лизинг обьекти "Саноатқурилишбанк" АТБга қайтарилиган.

Суд "Саноатқурилишбанк" АТБ ва "Шаҳло" МЧЖ ўртасида 2014 йил 21 декабрда тузилган 7-сонли лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилиб, "Шаҳло" МЧЖдан лизинг обьектини "Саноатқурилишбанк" АТБга қайтариш ҳақида тўғри хulosага келган бўлса-да, "Шаҳло" МЧЖдан "Саноатқурилишбанк" АТБ фойдасига 700 000 000 сўм асосий қарз ва 30 000 000 сўм фоизни ундириб хатоликка йўл қўйган.

Чунки ФК 597-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг обьектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

"Лизинг тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 11-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига мувофиқ лизинг берувчи лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан олдин тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг обьектини қайтариб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини хўжалик судлари томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида" 2015 йил 27 ноябрдаги 289-сонли қарори 6-бандининг учинчи хатбошисида лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда, лизинг берувчи бир вақтнинг ўзида ҳам барча лизинг тўловларини муддатидан илгари ундириш, ҳам лизинг обьектини қайтариб олган



ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга әмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур Пленум қарори 6.1-бандининг иккинчи хатбоисида ФК 34-бобининг 6-параграфида ва Қонунда лизинг түловлари тартиби ва муддатларини мунтазам бузиш тушунчаси белгиланмаганлиги сабабли, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг шартномасидан келиб чиқадиган низоларни кўрища ФК 551-моддасининг қоидаларини қўллаш лозимлиги, ФК 551-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбоисига кўра, агар ижарага олувчи шартномада белгиланган тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузиб, мол-мулқдан фойдаланганлик учун ҳақ тўламаса, мулк ижараси шартномаси ижарага берувчининг талаби билан суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкинлиги, 6.2-бандида, ФК 422-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва сотилган товарни қайтаришни талаб қилишга ҳақли эканлиги, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчиidan олинган тўловлар суммаси товар баҳосининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно эканлиги, агар лизинг шартномаси барча лизинг тўловлари тўланганидан кейин лизинг обьектига нисбатан мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтишини назарда тутса, бундай шартнома ижара ва олди-сотди шартномаларининг белгиларини ўз ичига олиши, бундай ҳолларда лизинг тўловлари жадвали бузилганлиги асосида лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг обьектини қайтариш ҳақидаги ишни кўришда, лизинг олувчиidan қабул қилинган тўловлар суммаси барча лизинг тўловларининг учдан икки қисмидан ошганлиги аниқланган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, даъво талабарини қаноатлантиришни рад этиш лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу ҳолда "Шаҳло" МЧЖ томонидан амалга оширилган лизинг тўлови лизинг обьекти баҳосининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлмаганлиги сабабли "Саноатқурилишбанк" АТБ фақат лизинг



объектини қайтиб олган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорининг "Шаҳло" МЧЖдан "Саноатқурилишбанк" АТБ фойдасига 700000000 сўм асосий қарз, 30000000 сўм фоиз ундириш қисмини бекор қилиб, даъво талабининг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

### **3.22. Лизинг шартномаси бекор бўлгандағина лизинг объектини лизинг олувчидан лизинг берувчига қайтариб олиб беришга йўл қўйилади.**

---

"Микрокредитбанк" АТБ ва "Транс" МЧЖ ўртасида 2014 йил 9 ноябрда 114-сонли молиявий лизинг шартномаси тузилган бўлиб, шартноманинг 1.2 ва 1.4-бандларида "Микрокредитбанк" АТБ "COBALT" русумли автотранспорт воситасини 16 фоиз тўлаш ва кейинчалик сотиб олиш шарти билан уч йил муддатга 60000000 сўм миқдорида "Транс" МЧЖга ижарага бериш, "Транс" МЧЖ эса тўловни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини олган.

2015 йил 20 декабрда имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан "Транс" МЧЖ "Микрокредитбанк" АТБдан автотранспорт воситасини қабул қилиб олган.

"Транс" МЧЖнинг 2016 йил 22 ноябрь ҳолатига лизинг тўловларидан қарздорлиги 45000000 сўмни, унга ҳисобланган фоиз эса 2 800 000 сўмни ташкил этган.

Шу сабабли "Микрокредитбанк" АТБ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Транс" МЧЖдан лизинг обьекти бўлган бир дона "COBALT" русумли автотранспорт воситасини қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 24 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган. "Транс" МЧЖдан лизинг обьекти бўлган бир дона "COBALT" русумли автотранспорт воситаси "Микрокредитбанк" АТБга қайтарилган.



Суд даъво талабини қаноатлантириш ҳақида нотүғри хulosага келган.

Чунки ФК 597-моддасининг тўртингчи қисмига мувофиқ лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг обьектини қайтариб олган ва заарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

“Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 11-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига мувофиқ лизинг берувчи лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан олдин тўлашни ёхуд етказилган заарни ундириб ва (ёки) лизинг обьектини қайтариб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини хўжалик судлари томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида” 2015 йил 27 ноябрдаги 289-сонли қарори 6-бандининг биринчи хатбошисида ФК 597-моддасининг тўртингчи қисмига ва Қонун 11-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига кўра лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг обьектини қайтариб олган ва заарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, тўртингчи хатбошида эса, агар лизинг берувчининг даъво аризасида етказилган заарни ундириш ва лизинг обьектини қайтариб олган ҳолда шартномани бекор қилиш талаблари билан бирга барча лизинг тўловларини муддатидан илгари ундириш талаби ҳам қўйилган тақдирда, суд лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузганлиги ҳақида хulosага келса, ушбу талаблардан бири, яъни лизинг тўловларини муддатидан илгари ундириш талаби ёхуд етказилган заарни ундириш ва лизинг обьектини қайтариб



олган тарзда шартномани бекор қилиш талаби қаноатлантирилиши кераклиги түғрисида тушунтириш берилган.

Ушбу ҳолда “Микрокредитбанк” АТБ лизинг объектини қайтиб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга, яғни “Микрокредитбанк” АТБ лизинг шартномасини бекор қилишни сұрамаган ҳолда лизинг объектини талаб қила олмайды. Даъво аризасида эса лизинг шартномасини бекор қилиш талаби қўйилмаган бўлса-да, лизинг объектини қайтариш сўралган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

### **3.23. Лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб дарајасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда лизинг олувчи лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ва ўзи илгари аванс сифатида тўлаган тўловларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.**

“Ўзавтолизинг” лизинг компанияси ва “Нафосат” хусусий корхонаси ўртасида 2015 йил 26 декабрда лизинг шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Ўзавтолизинг” лизинг компанияси “МТЗ-80” русумли тракторни келгусида сотиб олиш ҳуқуқи билан ҳақ эвазига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун “Нафосат” хусусий корхонасига бериш, “Нафосат” хусусий корхонаси эса “МТЗ-80” русумли тракторни қабул қилиб олиш, шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олган.

Лизинг шартномасига асосан “Ўзавтолизинг” лизинг компанияси ва “Авто сервис” МЧЖ (сотувчи) ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган. Сотувчи ва лизинг объекти “Ўзавтолизинг” лизинг компанияси томонидан танланган.

Олди-сотди шартномасининг 6.3-бандида шартнома объекти бўлган “МТЗ-80” русумли трактор “Авто сервис” МЧЖ томонидан



бевосита “Ўзавтолизинг” лизинг компаниясининг манзилига етказилиши ва топширилиши белгиланган.

“Нафосат” хусусий корхонаси томонидан лизинг шартномасида белгиланган 28000000 сўм аванс (бўнак) пуллари “Ўзавтолизинг” лизинг компаниясига тўланган бўлса-да, “Авто сервис” МЧЖ лизинг шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда лизинг объектини “Ўзавтолизинг” лизинг компаниясига топширмаган.

Шу сабабли “Нафосат” хусусий корхонаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Ўзавтолизинг” лизинг компанияси ва “Нафосат” хусусий корхонаси ўртасида 2015 йил 26 декабрда тузилган лизинг шартномасини бекор қилишни, “Ўзавтолизинг” лизинг компаниясидан олдиндан тўланган 28000000 сўм авансни қайтариши сўраган.

Биринчи инстанция суднинг 2016 йил 18 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг бундай хulosага келишига лизинг обьекти “Авто сервис” МЧЖ “Ўзавтолизинг” лизинг компаниясига етказиб бермаганлиги асос бўлган.

Чунки ФКнинг 592-моддасига мувофиқ, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу шартнома обьекти бўлган мол-мулк сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади. Агар лизинг шартномаси-ning нарсаси бўлган мол-мулк шу шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқил-она муддатда лизинг олувчига топширилмаган бўлса, лизинг берувчи жавобгар бўладиган ҳолатлар туфайли муддат ўтказиб юборилган тақдирда, лизинг олувчи шартномани бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

“Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида белгиланишича, лизинг олувчи лизинг обьекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг обьекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг тўловлари тўлашни кечиктириш,



етказиб бериладиган лизинг обьектидан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилинишини талаб этиш, лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, ўзи илгари аванс сифатида тўлаган тўловларни лизинг обьектидан фойдаланишдан олинган фойданинг қийматини чегириб ташлаган ҳолда, қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Лизинг муносабатларини тартиба солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини хўжалик судлари томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида” 2015 йил 27 ноябрдаги 289-сонли қарори 6.4-бандининг биринчи хатбошисида Қонун 12-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига кўра лизинг обьекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг обьекти етказиб берилган тақдирда, лизинг олувчи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг тўловлари тўлашни кечиктириш, етказиб бериладиган лизинг обьектидан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилинишини талаб этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат сотувчи лизинг берувчи томонидан танланганини ва лизинг обьекти лизинг олувчига топширилмаганлигига лизинг берувчини ҳам айбдор деб ҳисоблаб, юқоридаги қонун ҳужжатларига асосан ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.



### **3.24. Лизинг шартномасининг обьекти күчмас мулк бўлганда бундай шартнома албатта давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Акс ҳолда шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган шартнома ҳисобланади. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилинганда, бундай талабни қаноатлантириш рад этилади.**

"Агробанк" АТБ ва "Грант медиа" МЧЖ ўртасида 2016 йил 15 марта лизинг шартномаси тузилган бўлиб, шартноманинг 1.4-бандида "Агробанк" АТБ Оҳангарон шаҳри, М.Риёзий кўчаси, 5-йда жойлашган бино ва иншоотлар, шунингдек ушбу бино ичида жиҳозларни "Грант медиа" МЧЖга лизингга бериши, "Грант медиа" МЧЖ эса бино ва иншоотлар ҳамда бино ичида жиҳозлар учун тўловни шартномада белгиланган муддатларда амалга ошириши лозим бўлган.

"Грант медиа" МЧЖ шартнома шартларини жиддий тарзда бузган ҳолда унда белгиланган мажбуриятни, яъни тўловни амалга оширмаган.

Шу сабабли "Агробанк" АТБ судга ариза билан мурожаат қилиб "Агробанк" АТБ ва "Грант медиа" МЧЖ ўртасида 2016 йил 15 марта тузилган лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 25 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза талаби қаноатлантирилган.

Суд лизинг шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаганлигини инобатга олмасдан, уни бекор қилиш тўғрисида нотўғри хуносага келган.

Чунки ФК 84-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Кўчмас мол-мulkka бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқуқ эгасининг илтимосига кўра амалга оширилган рўйхатдан ўтказишни рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқ ёки



битим тўғрисида ҳужжат бериш ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқлаши шарт.

“Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 7-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ лизинг обьекти лизинг олувчи балансида ҳисобга олинади. Давлат органларида рўйхатдан ўтказилиши талаб этиладиган лизинг обьектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг берувчининг ёки лизинг олувчининг номига расмийлаштирилади.

ФК 111-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

ФК 112-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қиласлик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори 11-бандининг биринчи хатбошисида, агар қонун ҳужжатлари талабларига ёки битим тарафларининг келишувига кўра, у нотариал тасдиқланиши ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, суд нотариал шаклига ёки давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя этилмаганлиги сабабли битимни ҳақиқий эмас деб топиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган. Бу ерда лизинг шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги сабабли ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ариза талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.



### **3.25. Суднинг ҳал қилув қарори билан тарафлар ўртасида тузилган лизинг шартномалари бекор қилинганда бекор қилинган шартномалар бүйіча тарафларнинг мажбуриятлари сақланиб қолиши ҳақидағи келишув битими ноқонуний ҳисобланади ва у тасдиқланмайды.**

“Агро лизинг” лизинг компанияси ва “Мурод бобо” фермер хұжалиги ўртасида 2014 йил 22 декабрда лизинг шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Агро лизинг” лизинг компанияси “ТТЗ-80.11” русумли тракторни лизинг шартларида ҳақ эвазига әғалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун келгусида сотиб олиш ҳуқуқи билан “Мурод бобо” фермер хұжалигига бериш, “Мурод бобо” фермер хұжалиги эса “ТТЗ-80.11” русумли тракторни қабул қилиб олиш, шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда лизинг тўловларини амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шартнома шартларига асосан “Агро лизинг” лизинг компанияси томонидан қабул қилиш ва топшириш далолатномаси асосида “ТТЗ-80.11” русумли трактор “Мурод бобо” фермер хұжалигига топширилган.

Бироқ “Мурод бобо” фермер хұжалиги шартномада белгиланган муддатда тўловни амалга оширмаганлиги натижасида унинг “Агро лизинг” лизинг компаниясидан қарздорлиги 25 000 000 сўмни ташкил этган.

Шу сабабли “Агро лизинг” лизинг компанияси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб “Агро лизинг” лизинг компанияси ва “Мурод бобо” фермер хұжалиги ўртасида 2014 йил 22 декабрда тузилган лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни, “ТТЗ-80.11” русумли тракторни “Агро лизинг” лизинг компаниясига қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция суднинг 2106 йил 15 январдаги ҳал қилув қарори билан “Агро лизинг” лизинг компанияси ва “Мурод бобо” фермер хұжалиги ўртасида 2014 йил 22 декабрда тузилган лизинг шартномаси бекор қилиниб, “ТТЗ-80.11” русумли трактор “Агро лизинг” лизинг компаниясига қайтарилган.



Кейинчалик, "Мурод бобо" фермер хўжалиги судга ариза билан мурожаат қилиб "Агро лизинг" лизинг компанияси ва "Мурод бобо" фермер хўжалиги ўртасида 2016 йил 26 октябрда тузилган келишув битимини тасдиқлаб беришни сўраган.

Суднинг 2016 йил 24 ноябрдаги ажрими билан тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланиб, иш юритиш тугатилган.

Келишув битимининг 3.1-бандида тарафлар шартномавий мажбуриятларни бажаришни давом эттиришлари, "Мурод бобо" фермер хўжалиги томонидан келишув битими мажбуриятлари тегишли равища бажарилмаган, яъни тўлов жадвалига асосан лизинг тўловлари амалга оширилмаган тақдирда "Агро лизинг" лизинг компанияси кейинчалик шартномаларни бир томонлама бекор қилиш ва лизинг объектларини қайтариб олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши келишилган.

Суд ушбу келишув битимини тасдиқлаш ҳақида нотўғри хulosага келган. Чунки ФК 385-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ шартнома бекор қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади. Шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирда, агар келишувдан ёки шартномани ўзгартириш хусусиятидан бошқача тартиб англашилмаса, тарафлар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд тартибида ўзгартирилган ёки бекор қилинганида эса - суднинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда ҳал қилув қарори билан "Агро лизинг" лизинг компанияси ва "Мурод бобо" фермер хўжалиги ўртасида 2014 йил 22 декабрда тузилган лизинг шартномаси бекор қилинганилиги сабабли шартнома бўйича барча мажбуриятлар ҳам бекор бўлган.

Шунинг учун "Агро лизинг" лизинг компанияси келишув битимига асосан кейинчалик шартномаларни бир томонлама бекор қилиш ва лизинг объектларини қайтариб олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши ноқонуний ҳисобланади.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Келишув битимини тасдиқлашда Ўзбекистон



Республикаси Иқтисодий процесуал кодекси нормаларининг құлланилиши ҳақида” 2009 йил 18 декабрдаги 204-сонли қарори 7-бандининг иккінчи хатбошисида шартлы тузилған келишув битимини тасдиқлашга йўл қўйилмаслиги ҳақида тушунтириш берилген.

Шу боис Ҳайъат тарафлар ўртасида келишув битими қонун талабларига зид равишда тузилғанлигини инобатга олиб, ажримни бекор қилишни, келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги аризани қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топган.

## 4 - Б О Б

КҮЧМАС МУЛҚ ОЛДИ-СОТДИСИ  
ВА ИЖАРАСИ ШАРТНОМАЛАРИ  
БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БҮЙИЧА  
СУД АМАЛИЁТИ



## 4.1. Савдола чиқарылаётган күчмас мулклар бүйича ким ошди савдолари ўтказилишида күчмас мулкнинг бошланғич баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача бўлган тақдирда, биржалар томонидан хабарнома маҳаллий газеталар ҳамда маҳаллий телевидениега қўшимча равишда республика миқёсидаги газеталарда эълон қилиниши шарт эмас.

АТ "XALQ BANKI" ва "Нурли ҳаёт" МЧЖ ўртасида 2015 йил 27 ноябрда 150-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра АТ "XALQ BANKI" "Нурли ҳаёт" МЧЖга йиллик 20 фоиз устами тўлаш шарти билан 18 ой муддатга қурилиш моллари сотиб олиши учун 50000000 сўм кредит ажратиш, "Нурли ҳаёт" МЧЖ эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган график асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида АТ "XALQ BANKI" ва "Нурли ҳаёт" МЧЖ ўртасида 2015 йил 29 ноябряда тузилган ипотека шартномасига асосан "Нурли ҳаёт" МЧЖга тегишли бўлган Навоий вилояти, Зарафшон тумани, Бобур кўчасида жойлашган кўчмас мулк 62000000 сўмга ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

Кредит шартномасида "Нурли ҳаёт" МЧЖ асосий қарзни тўлов жадвали асосида ва фоизларни ҳар ойнинг 5 санасигача тўлаб бориш мажбуриятини олган.

Бироқ "Нурли ҳаёт" МЧЖ томонидан тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган.

Шу сабабли АТ "XALQ BANKI"нинг кредит қарзи, фоиз ва пеня ундириш ҳамда ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш ҳақидаги талаби бошқа иш доирасида қаноатлантирилган.

Туман Мажбурий ижро бўлими 2016 йил 12 августда суд қарори асосида берилган ижро варақаси ижросини таъминлаш мақсадида "Нурли ҳаёт" МЧЖга тегишли бўлган кўчмас мулкни аукцион савдосида сотиш учун 141-сонли савдо буюртма билан "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖга мурожаат қилган.



“Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖ томонидан 2016 йил 26 октябрь куни соат 15-00да бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдосига “Нурли ҳаёт” МЧЖга тегишли бўлган кўчмас мулк қўйилганлиги, кўчмас мулкнинг бошланғич сотув баҳоси 62 00 000 сўмни ташкил этиши тўғрисида 2016 йил 24 сентябрда вилоят газеталарида эълон берилган.

2016 йил 26 октябрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси бўйича тузилган 13-сонли баённомада қайд этилишича, якка тартибдаги тадбиркор Халилов Мурод Азизович аукцион ғолиби деб топилиб, кўчмас мулк унга 68 975 000 сўмга сотилган.

Кўчмас мулкни аукцион савдоси қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилганлиги, яъни аукцион савдоси ўтказилиши ҳақида хабарнома республика миқиёсидаги оммавий ахборот воситаларида берилмаганлиги сабабли “Нурли ҳаёт” МЧЖ “Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖ ва Мажбурий ижро бўлимига нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, 2016 йил 26 октябрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдосини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 12 апрелдаги хал килув карори билан ариза талаби қаноатлантирилган. 2016 йил 26 октябрь куни “Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖда ўтказилган очиқ аукцион савдоси ҳақиқий эмас деб топилган.

Суд ариза талабини қаноатлантиришда аукцион савдоси қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилганлиги, яъни аукцион савдоси ўтказилиши ҳақида хабарнома республика миқиёсидаги оммавий ахборот воситаларида берилмаганлигига асосланиб, нотўғри хуносага келган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш. судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомилластириш чора-тадбирлари туғрисида” 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли Қарори билан тасдиқланган “Суд ҳужжатлари ва бошка органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тұғрисида”ги Низом 5-бандининг учинчи хатбоisisiga мувофиқ ундирувни қарздорнинг мол-мулкига



қаратиши назарда тутувчи бошқа ижро ҳужжатлари бүйича автомототранспорт воситалари ва күчмас мулкни күздан кечириш ҳамда баҳолаш суд ижрочилари томонидан ташкил этилади.

Ушбу ҳолда Мажбурий ижро бўлими суд қарори асосида берилган ижро варақасида белгиланган 62000000 сўм қийматда күчмас мулкни аукцион савдосига қўйиш бўйича буюртма билан “Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖ га мурожаат қилган.

Низомнинг 15-бандига мувофиқ савдо ташкилотчиси буюртмани қабул қилган кундан бошлаб З кундан кечиктирмай оммавий ахборот воситаларида аукцион ўtkазилиши тўғрисида хабарнома беради. Хабарнома камида иккита (республика ва вилоят миқёсидаги) оммавий ахборот воситасида берилади. Такроран хабарнома бериш фақатгина илгари эълон қилинган оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши мумкин. Аукцион ўtkазилиши тўғрисида хабарнома эълон қилинадиган оммавий ахборот воситалари рўйхати Суд департаменти томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти директорининг 2006 йил 26 сентябрдаги 2-сонли фармойишининг 2-бандига кўра савдога чиқарилаётган автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулклар бўйича ким ошди савдолари ўtkазилишида биржалар томонидан хабарнома а) автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкнинг бошланғич баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача бўлган миқдорда, маҳаллий газеталарда ҳамда маҳаллий телевидениеда, б) автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкнинг бошланғич баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваридан ортиқ бўлган миқдорда, ушбу банднинг “а” бандчасида кўрсатилган оммавий ахборот воситаларига қўшимча равишда республика миқёсидаги газеталарда эълон қилинади.

“Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖ томонидан 2016 йил 24 сентябрда хабарнома эълон қилинган вақтда аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкнинг бошланғич баҳоси 62 00000 сўмни, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг (энг кам ойлик иш ҳақи 149 775 сўм бўлган) 2000 бараваридан ортиқни ташкил этмаганлиги инобатга олинниб,

республика миқёсідеги оммавий ахборот воситаларидан аукцион савдоси бүйічада хабарнома берилмаган.

ФК 381-моддасининг биринчи қисмiga мувофиқ қонунда белгиланған қоидалар бузиб үтказилған ким ошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий әмас деб топилиши мүмкін.

Бу ерда "Нурли ҳаёт" МЧЖ "Күчмас мулк савдо хизмати" МЧЖда үтказилған аукцион савдоси қонунда белгиланған қоидалар асосида үтказилған.

Шу болис Ҳайъат ҳал құлув қарорини бекор қилиб, ариза талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топған.

#### **4.2. Юридик шахслар ўртасидеги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан бөлғиң қолда улар иштирокидеги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.**

"Алвон" МЧЖ ва "Келажак" МЧЖ ўртасида 2014 йил 28 октябрда 2-сонлик күчмас мулк олди-сотди шартномасы түзилған бўлиб, унга кўра "Алвон" МЧЖ Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Курувчи кўчасида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м.дан иборат бўлган "Маишӣ хизмат кўрсатиш шахобчаси"ни (бундан бўён матнда "күчмас мулк" деб юритилади) 170 000 000 сўмга сотиш, "Келажак" МЧЖ эса уч кун ичида 100 фоиз тўловни олдиндан тўлов топшириқномаси орқали амалга оширган ҳолда сотиб олиш мажбуриятини олган.

"Келажак" МЧЖ 2014 йил 16 ноябрда олди-сотди шартномасига асосан 170 000 000 сўмни "Алвон" МЧЖнинг ҳисоб рақамига үтказиб берган.

Шартноманинг 2.1-бандига асосан 2012 йил 16 октябрда имзоланған топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан "Келажак" МЧЖ "Алвон" МЧЖдан күчмас мулкни қабул қилиб олган.

"Алвон" МЧЖ күчмас мулк олди-сотди шартномаси қалбакилаштирилганлиги, күчмас мулк олди-сотди шартномаси аслида



шартнома шартлариңдан бошқача шартлар асосида келишилганилиги, "Келажак" МЧЖ түловни нақд пул күренишида амалга оширишини билдирганлиги, "Келажак" МЧЖнинг ёмон ниятда келишуви, алдови ва ундовига ишониб, ҳисоб рақамига келиб тушган 170000000 сўм пул маблағининг 100000000 сўмини 2014 йил 24 ноябрдаги 60-сонли тўлов топшириқномасига асосан "Барака бизнес" хусусий корхонасига қайтариш шарти билан молиявий ёрдам учун, 50000000 сўмини 2014 йил 25 ноябрдаги 61-сонли тўлов топшириқномасига асосан "Сухроб" фермер хўжалиигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун, 20000000 сўмини 2014 йил 27 октябрдаги 64-сонли тўлов топшириқномасига асосан "Келажак" МЧЖнинг ўзига қайтарилимайдиган молиявий ёрдам учун ўтказиб берганлиги, бироқ ўтказиб берилган тўлов суммалари бугунги кунга қадар қайтарилимаганлиги важи билан судга ариза билан мурожаат қилиб, "Алвон" МЧЖ ва "Келажак" МЧЖ ўртасида 2014 йил 28 октябрда тузилган 2-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 7 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза талабини қаноатлантириш рад этилган.

Чунки ФК 790-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланишича, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пуллар билан ёки нақд пулсиз суммаси чекланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

Ушбу ҳолда кўчмас мулк олди-сотди шартномаси "Алвон" МЧЖ ва "Келажак" МЧЖ, яъни юридик шахслар ўртасида тузилган.

Шу сабабли "Келажак" МЧЖ 170 000 000 сўм тўловни нақд пулсиз тартибда амалга оширган.

Суд мажлисида иштирок этган "Келажак" МЧЖ раҳбари М.Тошбоев ва бош ҳисобчи Б.Тураповлар "Алвон" МЧЖ раҳбари У.Алиев билан кўчмас мулк учун тўловни нақд пулда амалга



оширишга келишилмаганлиги, кўчмас мулк олди-сотди шартномаси юридик шахслар ўртасида тузилаётганилиги сабабли тўлов нақд пул шаклида амалга оширилади деган гап умуман бўлмаганлиги ҳақида кўрсатма бериб, бу ҳақда тушунтириш хатларини судга тақдим этганлар.

ФК 123-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса, бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

ФК 124-моддасининг биринчи қисмига мувофиқюридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим (қалбаки битим) ўз-ўзидан ҳақиқий эмасdir. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг айrim масалалари ҳақида" 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарорининг 14-15-бандларида тушунтириш берилган.

Бироқ "Алвон" МЧЖ томонидан "Келажак" МЧЖ билан алдаш, зўрлаш, қўрқитиш натижасида, ёмон ниятда келишиши таъсирида низоли кўчмас мулк олди-сотди шартномаси тузилганлиги далиллар билан исботлаб берилмаган, қолаверса, юридик шахслар ўртасида ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилиши инобатга олингандা, тўлов топшириқномаларига асосан молиявий ёрдам учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун даъво аризасида кўрсатилган юридик шахсларга "Алвон" МЧЖнинг ўзи томонидан тўловлар амалга оширилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.



### **4.3. Ижарага олинган күчмас мулк ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, ижарага берувчи ижарага олинган күчмас мулк қайтарилмаганлиги сабабли мол- мулқдан фойдаланғанлик учун ҳақдан ташқари неустойкани тұлашни ҳам талаб қилишга ҳақли.**

“Қодир савдо” МЧЖ ва “Маҳмуд мадад” МЧЖ ўртасида 2016 йил 2 февралда 7-сонли күчмас мулк ижараси шартномаси тузилған бўлиб, унга кўра “Қодир савдо” МЧЖ Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани, А.Навоий кўчаси, 24-йда жойлашган умумий майдони 14 кв.м.дан иборат бўлған савдо дўйконини “Маҳмуд мадад” МЧЖга ҳар ойда 200000 сўм ижара ҳақи тўлаш шарти билан вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага бериш, “Маҳмуд мадад” МЧЖ эса ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган. Ижара шартномасининг амал қилиш мuddати 2016 йил 31 декабрга қадар белгиланган.

“Қодир савдо” МЧЖ ижарага берилиши лозим бўлған савдо дўйконини топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан “Маҳмуд мадад” МЧЖга топширган.

2016 йил 31 майда ижара шартномасига қўшимча келишув имзоланган бўлиб, унда 2016 йил 2 февралдаги 7-сонли ижара шартномаси 2016 йил 1 апрелдан бекор қилинганилиги кўрсатилган.

Бироқ “Маҳмуд мадад” МЧЖ 2016 йилнинг сентябрь ойига қадар ижарага олинган савдо дўйконини бўшатмаган ҳамда тегишли тартибда “Қодир савдо” МЧЖга топширмаган.

Шу сабабли “Қодир савдо” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Маҳмуд мадад” МЧЖни барча мол-мулклари билан савдо дўйконидан мажбурий тартибда чиқаришни ва ундан савдо дўйконидан 2016 йилнинг апрель-август ойларида фойдаланғанлиги учун 800 000 сўм ижара ҳақи, 393 600 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 8 декабрдаги ҳал құлув қарори билан даъво талablари қисман қаноатлантирилган. “Маҳмуд мадад” МЧЖ савдо дўйконидан мажбурий тартибда чиқарилган.



“Маҳмуд мадад” МЧЖдан “Қодир савдо” МЧЖ фойдасига 800 000 сўм ижара ҳақи ундирилган. Даъво талабининг пеня ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг даъво талабининг пеня ундириш қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида холосага келишига тарафлар ўртасида шартномавий-хуқуқий муносабатлар 2016 йил 31 майдаги қўшимча келишувга асосан бекор бўлганлиги асос бўлган.

Бироқ ФК 554-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланишича ижарага олинган мол-мulk ўз вақтида қайтарилимаганлиги учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, неустойкадан ташқари зарар тўлиқ миқдорда ундирилиши мумкин.

Шартноманинг 2.2-бандида шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, ижарага оловчи бино-иншоотни ижара муносабатлари бекор қилинган кундан кечиктирмаган ҳолда ижарага берувчига топшириши, 3.1-бандида эса муддатлар билан боғлиқ тарафларнинг мажбуриятлари бузилган тақдирда, пеня тўланиши назарда тутилган.

Ушбу ҳолда ижарага олинган савдо дўкони ўз вақтида қайтарилимаганлиги учун шартномада пеня ундириш назарда тутилганлиги сабабли “Қодир савдо” МЧЖ “Маҳмуд мадад” МЧЖдан пеня ундиришни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорининг даъво талабининг пеня ундириш қисмини қаноатлантиришни рад этиш қисмини бекор қилиб, даъво талабининг ушбу қисмини ҳам қаноатлантиришни лозим топган.

#### **4.4. Кўчмас мулкни ижарага берувчи ижарага оловчини ёзма равишда огоҳлантирганидан ва унга ўз мажбуриятларини бажариш учун имконият берганидан кейингина шартнома муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.**

“Мурувват” МЧЖ ва “Тўқимачи текс” МЧЖ ўртасида 2016 йил 16 июня 30-сонли кўчмас мулк ижараси шартномаси тузилган



бўлиб, унга кўра “Мурувват” МЧЖ Навоий вилояти, Учқудук тумани, Зарафшон кўчаси, 37-йда жойлашган умумий майдони 20 кв.м.дан иборат бўлган бинони “Тўқимачи текс” МЧЖга ҳар ойда 250000 сўм ижара ҳақи тўлаш шарти билан вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага бериш, “Тўқимачи текс” МЧЖ эса ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган.

“Мурувват” МЧЖ ижарага берилиши лозим бўлган бинони топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан “Тўқимачи текс” МЧЖга топширган.

Бироқ “Тўқимачи текс” МЧЖ ижара шартномасида белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаган, ижара тўловини ҳар ойда амалга оширмаган.

Шу сабабли “Мурувват” МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, “Мурувват” МЧЖ ва “Тўқимачи текс” МЧЖ ўртасида тузилган 2016 йил 16 июндаги 30-сонли ижара шартномасини муддатидан олдин бекор килишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 10 январдаги ҳал қилув қарори билан ариза талаби қаноатлантирилган. “Мурувват” МЧЖ ва “Тўқимачи текс” МЧЖ ўртасида тузилган 2016 йил 16 июндаги 30-сонли ижара шартномаси муддатидан олдин бекор килинган.

Суд ариза талабини қаноатлантиришда “Мурувват” МЧЖ томонидан ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этишдан олдин “Тўқимачи текс” МЧЖга шартномада белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш, жумладан ижара тўловларини ўз вақтида тўлаш ҳақида ёзма огоҳлантириш юбормаганлигини эътиборидан четда қолдирган.

Ваҳоланки, ФК 551-моддасининг учинчи қисмида белгиланишича ижарага берувчи ижарага олувланини ёзма равишда огоҳлантирганидан ва унга ўз мажбуриятларини бажариш учун имконият берганидан кейингина шартнома муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Мулк ижараси шартномаси тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида” 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли қарори 11.1-бандининг биринчи хатбошида, агар



шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги талаб ФК 551-моддасига асосан билдирилган бўлса, шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тартиби ҳақидаги маҳсус норма қўлланилиши, бунда ижарага берувчининг шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги талаби судга ижарага олувчига мажбуриятларни бажариш зарурлиги ҳақидаги ёзма огоҳлантириш юборилганидан кейингина берилиши мумкинлиги, мазкур талабни бажармаслик низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилмаслик деб баҳоланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилив қарорини бекор қилиб, ариза талабини кўрмасдан қолдиришни лозим топган.

#### **4.5. Давлат мулкини ижарага бериш марказлари томонидан бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси ушбу марказлар томонидан эмас, балки "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.**

"Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК ва "Строй материал" МЧЖ ўртасида 2015 йил 20 сентябрда 790-сонли кўчмас мулк ижараси шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК "Строй материал" МЧЖга Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Улуғвор кўчасида жойлашган мактаб биносининг 30,08 кв.м. бўлган қисмини бир йил-у беш ой муддатга ижарага бериш, "Строй материал" МЧЖ эса ундан фойдаланганлиги учун ҳар ойда 105 000 сўм ижара ҳақи тўлаш мажбуриятини олган.

"Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК ижарага берилиши лозим бўлган бинони топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан "Строй материал" МЧЖга топширган.

Бироқ "Строй материал" МЧЖ ижара шартномасида белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаган, ижара тўловини ҳар ойда амалга оширгмаган.



Шу сабабли “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Строй материал” МЧЖдан 630000 сўм асосий қарз, 315 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 18 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. “Строй материал” МЧЖдан “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК фойдасига 630000 сўм асосий қарз, 100000 сўм пеня ундирилган. Даъво талабларининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг бундай хуносага келишига шартномада мазкур шартнома “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК томонидан 2015 йил 20 сентябрда 790-сон реестр рақами билан ҳисобга олинганлиги, асосий қарзтаққослаш далолатномаси билан ўз тасдиғини топганилиги асос бўлган.

Бироқ ФК 574-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўtkазилиши лозим ва рўйхатдан ўtkazilgan пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Шартноманинг 2.2-бандида ижара обьекти 2015 йил сентябрдан 2017 йил 20 февралга қадар ижарага берилганлиги кўрсатилган. Демак ижара шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга тузилган.

Ушбу ҳолда шартноманинг “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК томонидан ҳисобга олинганлиги унинг давлат рўйхатидан ўtkazilganligini anglatmайди.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низом 7-бандининг саккизинчи хатбошисида “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг асосий вазифаларидан бири сифатида давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш кўрсатилган.

Мазкур Низом 8-бандининг “в” кичик бандида “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси давлат кадастрини юритиш соҳасида ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун бир қатор функциялар билан бирга



бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритиши белгиланган.

Демак давлат мулкини ижарага бериш марказлари томонидан бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси ушбу марказлар томонидан эмас, балки "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Шу боис Ҳайъат шартнома ФК 112-моддасининг биринчи қисмига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш, ариза талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

#### **4.6. Муайян мақсадларда берилган ижара обьектидан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ижарага берилган давлат мулкининг параметрлари нотўғри қайд этганлик деб ҳисобланмайди ҳамда балансда сақловчига нисбатан ижарага берилган давлат мулкининг параметрлари нотўғри қайд этганлик учун ижара тўловини икки баравари миқдорда ундириш учун асос бўлмайди.**

"Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК ва "Тўқимачи текс" МЧЖ ўртасида 2015 йил 22 октябрда 604-сонли кўчмас мулк ижараси шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра "Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК "Тўқимачи текс" МЧЖга Наманган вилояти, Норин тумани, А.Югнакий кўчасида жойлашган Ион-плазма ва лазер технологиялари институти балансида бўлган бинони бир ярим йил муддатга ижарага бериш, "Тўқимачи текс" МЧЖ эса ундан фойдаланганлиги учун ҳар ойда 600 000 сўм ижара ҳақи тўлаш мажбуриятини олган.

"Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК ижарага берилиши лозим бўлган бинони топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан "Тўқимачи текс" МЧЖга топширган.

"Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК томонидан "Тўқимачи текс" МЧЖга ижарага берилган бинонинг мақсадли



фойдаланилиши ўрганилганда, "Тұқимачи текс" МЧЖ ижарага берилған бинодан бошқа мақсадларда фойдаланғанлығы ва бунинг натижасида мулқдан фойдаланиш мақсадига мувофиқ белгиланған ставкаларға құра ижара түлови тұланмаганлығы аниқланған.

"Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУКнинг ҳисоб-китобига құра мулқдан бошқа мақсадларда фойдаланғанлығы натижасида 10 000 000 сүм ижара түлови тұланмасдан қолған.

Шу сабабли "Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК судга дағво аризаси билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида" 2009 йил 8 апреддаги 102-сонли қарорига асосан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтидан ижара түловини икки баравар миқдори, яғни 26 000 000 сүм ундиришни сұраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 2 апреддаги ҳал қилув қарори билан дағво талаби қаноатлантирилған.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида" 2009 йил 8 апреддаги 102-сонли қарори 6-бандининг иккінчи ва учинчى хатбошиларига құра давлат мулкини ижара шартномаси тұзмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилған мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотұғри қайд этилғанлығы, бунинг натижаси ижара түловининг яширилишига олиб келғанлығы ҳолати аниқланған тақдирда марказ бузилиш аниқланған санадан бошлаб уч иш куни мобайнида, белгиланған тартибда давлат мулқидан фойдаланғанлик даври учун ижара түловини икки баравар миқдорда ҳисоблаб чиқади ва уни ундириш учун тегишли ҳужжатларни балансида сақловчига тақдим этади.

Ҳисоблаб ёзилған түлов суммаси балансида сақловчы томонидан тұланмаган тақдирда давлат мулки жойлашған жойдаги марказ ҳужжатлар балансида сақловчига тақдим этилған санадан бошлаб ўн иш куни ўтгач, ҳисоблаб ёзилған түлов суммасини белгиланған тартибда ундириш учун материалларни судға топширади.

"Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК үз дағво талабини асослашда "Тұқимачи текс" МЧЖ ижарага берилған мулклардан



бошқа мақсадларда фойдаланғанлыги ва бунинг натижасида мулқдан фойдаланиш мақсадига мувофиқ белгиланған ставкаларга күра ижара тұлови тұланмаганлыгини важ қилиб күрсатған.

Хайъат "Давлат мулкини ижарага бериш марказы" ДУКнинг мазкур важини инобатта олмаган. Чунки муайян мақсадларда берилған ижара объектидан бошқа мақсадларда фойдаланғанлик ижарага берилған давлат мулкининг параметрлари нотұғри қайд этғанлик деб хисобланмайды ҳамда балансда сақловчига нисбатан ижарага берилған давлат мулкининг параметрлари нотұғри қайд этғанлик учун ижара тұловининг иккі баравари миқдорда ундириш учун асос бўлмайди.

Шу боис Хайъат ҳал қилув қарори бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириши рад этишни лозим топган.

#### **4.7. Номуайян муддатга тузилған бино ва иншоотни ижарага бериш шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди. Бироқ бир йилдан кам муддатга тузилған бино ва иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқий муносабатлари бир йилдан ортиқ муддатда давом этса, бундай шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.**

"Тола" МЧЖ ва "Бест" МЧЖ ўртасида 2013 йил 23 ноябрда 60-сонли кўчмас мулк ижараси шартномаси тузилған бўлиб, унга кўра "Тола" МЧЖ "Бест" МЧЖга Жиззах вилояти, Фориш тумани, А.Юғнакий кўчасида жойлашган бинони ижарага бериш, "Бест" МЧЖ эса ундан фойдаланғанлыги учун ҳар ойда ижара ҳақи тўлаш мажбуриятини олган.

"Тола" МЧЖ ижарага берилиши лозим бўлган бинони топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан "Бест" МЧЖга топширган.

Бироқ "Бест" МЧЖ 20015 йилнинг февраль-август ойлари учун ижара тұловларини амалга оширганы натижасида, уннинг ушбу давр учун ижара ҳақидан қарздорлиги 65 000 000 сўмни ташкил этган.



“Тола” МЧЖнинг ижара ҳақини тұлаш ҳақидаги талабномасы “Бест” МЧЖ томонидан оқибатсиз қолдирилған.

Шу сабабли “Тола” МЧЖ судга дағво аризаси билан мурожаат қилиб “Бест” МЧЖдан 65 000 000 сүм асосий қарзни ундиришни сұраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 11 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан дағво талаби тұлық қаноатлантирилған. “Бест” МЧЖдан “Тола” МЧЖ фойdasига 65 000 000 сүм асосий қарз ундирилған.

Суд ариза талабини қаноатлантиришда бинони ижарага бериш шартномаси номуайян муддатта тузилғанлығы, бироқ тарафларнинг ҳуқуқий муносабатлари бир йилдан ортиқ муддатда давом этгандығы, бундай ҳолатда шартнома давлат рүйхатидан ўтказилиши лозимлигини инобатта олмаган.

Чунки ФК 540-моддасининг иккінчи қисміга күра, агар мулк ижарасининг муддати шартномада белгіланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатта тузилған ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Мулк ижараси шартномаси түғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнингайрим масалалари ҳақида” 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли қарори 17.1-бандининг иккінчи хатбоисига мувофиқ номуайян муддатта тузилған бино ва иншоотни ижарага бериш шартномасини давлат рүйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди. Бироқ назарда тутиш лозимки, бир йилдан кам муддатта тузилған бино ва иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқий муносабатлари бир йилдан ортиқ муддатда давом этса, бундай шартнома давлат рүйхатидан ўтказилиши шарт.

“Тола” МЧЖ ва “Бест” МЧЖ ўртасида 2013 йил 23 ноябрда тузилган 60-сонли ижара шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлиб, демак мазкур ижара шартномаси номуайян муддатта тузилған ҳисобланади.

“Тола” МЧЖ ва “Бест” МЧЖ ўртасида 2015 йил 2015 йил 1 сен-тябрь ҳолатига имзоланған ўзаро ҳисоб-китоб таққослаш далолатномаси 2013 йил 23 ноябрдаги ижара шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар бир йилдан ортиқ муддатда давом



этажтанилигини тасдиқлайди. Бу эса мазкур ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши шартлигини англаади.

Ушбу ҳолда ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги, шартнома ФК 112-моддасининг биринчи қисмига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги суднинг эътиборидан четда қолган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

## **4.8. Давлат мулки объектини ошкора савдоларда қатнашмасдан харид қилиш мумкин эмас.**

“Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК, “Қурилиш сервис” МЧЖ ва Тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўртасида 2012 йил 27 майда 400-сонли кўчмас мулк ижараси шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК “Қурилиш сервис” МЧЖга Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Рудакий кўчаси, 24-йида жойлашган икки қаватли ётоқхона биносини икки ярим йил муддатга ижарага бериш, “Қурилиш сервис” МЧЖ эса ундан фойдаланганилиги учун ҳар ойда 500000 сўм ижара ҳақи тўлаш мажбуриятини олган.

“Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК ижарага берилиши лозим бўлган ётоқхона биносини топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан “Қурилиш сервис” МЧЖга топширган.

Туман ҳокимининг 2013 йил 25 майдаги 190-сонли қарори билан “Қурилиш сервис” МЧЖга фойдаланиш тури ижара асосида тегишли бўлган ётоқхона биносининг биринчи қаватини “Маиший хизмат кўрсатиш маркази”га, иккинчи қаватини эса “Ўқув маркази”га айлантириш учун реконструкция қилишга рухсат берилган.

Туман ҳокимининг 2014 йил 29 февралдаги 27-сонли қарорига асосан туман ҳокимлиги қурилиши хусусий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилган тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиясининг 2014 йил 26 февралдаги далолатномаси тасдиқланиб, “Қурилиш сервис” МЧЖга фойдаланиш тури ижара асосида тегишли бўлган ётоқхона биносининг биринчи қавати



“Маиший хизмат кўрсатиш маркази”, иккинчи қавати “Ўқув маркази” бино-иншоотлари фойдаланишга қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли Қарорининг (бундан бўён мисол матнида ПҚ-2340-сонли Қарор деб юритилади) 2-бандида ошкора савдоларда тўлиқ хусусий мулк қилиб сотиладиган давлат мулкининг фойдаланилмаётган объектлари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқланган бўлиб, унга “Қурилиш сервис” МЧЖга фойдаланиш тури ижара асосида тегишли бўлган ётоқхона биноси ҳам киритилган.

ПҚ-2340-сонли Қарор асосида 2015 йил 4 июнда “Эксперт мулк баҳолаш” МЧЖ томонидан берилган баҳолаш ҳисоботида ётоқона биносининг қиймати 900000000 сўмни ташкил этиши қайд этилган.

Вилоят ҳокимининг топшириғига асосан ётоқхона биносини реконструкция қилиш учун “Қурилиш сервис” МЧЖ томонидан сарфланган харажатларни ўрганиш юзасидан тузилган комиссия томонидан 2017 йил 19 апрелда тузилган далолатномада “Қурилиш сервис” МЧЖ томонидан 400000000 сўм инвестиция киритилганини ўз тасдиғини топганлиги инобатга олиниб, “Эксперт мулк баҳолаш” МЧЖнинг баҳолаш ҳисоботида қайд этилган 900000000 сўмдан “Қурилиш сервис” МЧЖ томонидан киритилган 400000000 сўм инвестиция қийматини чегириб ташлаш лозимлиги юзасидан хulosा берилган.

Шу сабабли “Қурилиш сервис” МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасига (бундан бўён матнда “бошқарма” деб юритилади) нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, бошқарма зиммасига 900000000 сўм қийматида баҳолангандан ётоқхона биносини “Қурилиш сервис” МЧЖ томонидан киритилган 400000000 сўм инвестиция қийматини чегирган ҳолда 500000000 сўмга “Қурилиш сервис” МЧЖга сотиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суднинг 2017 йил 20 майдаги ажрими билан “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК ва Тадбиркорлик касб-хунар коллежи



низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 29 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 10 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, Бошқарма зиммасига ётоқхона биносини 500 000 000 сўм қийматида "Қурилиш сервис" МЧЖга белгиланган тартибда реализация қилиш мажбуриятини юклаш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Ваҳоланки, ПҚ-2340-сонли Қарорнинг 2-бандида ошкора савдоларда тўлик хусусий мулк қилиб сотиладиган давлат мулкининг фойдаланилмаётган обьектлари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқланган бўлиб, Қарорнинг 6-бандида З ва 4-иловаларда кўрсатилган, ижара шартномаси бўйича ўзларининг мажбуриятларини тегишли равишда бажариб келаётган давлат мулки обьектларининг ижарачилари ижарага олинган ишлаб чиқариш майдонларини харид қилишда, шу жумладан, тасдиқланган шартларда "ноль" қийматида сотиб олишда устун ҳуқуқقا эга эканликлари белгиланган.

Ушбу ҳолда биринчи инстанция суди қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри хulosага келган.

Апелляция инстанцияси суди эса "Қурилиш сервис" МЧЖ томонидан ПҚ-2340-сонли Қарорнинг 2-банди билан тасдиқланган ошкора савдоларда тўлик хусусий мулк қилиб сотиладиган давлат мулкининг фойдаланилмаётган обьектлари рўйхатига киритилган давлат мулки обьектини ошкора савдоларда қатнашмасдан туриб уни харид қилишда "Қурилиш сервис" МЧЖнинг қандай устун ҳуқуқقا эга эканлиги исботланмаганлигига эътибор қаратмасдан, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида нотўғри хulosага келган.

Қолаверса, ижара шартномасининг 6.3-бандида ижарага олувчи томонидан ижарага берилган обьектни тиклаш ёки мукаммал таъмиrlашни амалга оширган тақдирда ўзининг қилган харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли хизматлари экспертиза натижаларини



такдим этганды ижара түлови суммасини балансда сақловчига қоладыган қисмидан камайтирилиши мүмкінлиги белгиланған.

Шу боис Ҳайъат апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини кучда қолдиришни лозим топған.

#### **4.9. Құчмас мулкни сотиб олувчидан олинған түловлар суммаси құчмас мулк баҳосининг учдан икки қисмидан ортиқ бүлгән ҳолларда олди-сотди шартномасини бекор қилиш талаб этилмайды.**

“Техника” МЧЖ ва “Сервис сайто” МЧЖ ўртасида 2016 йил 8 октябрда олди-сотди шартномаси тузилған бўлиб, унга кўра “Техника” МЧЖ ўзига тегишли бўлған Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 39-йуда жойлашган, 11678,20 м.кв.м. майдондаги бино ва иншоотларини (бундан бўён мисол матнида “құчмас мулк” деб юритилади) 300 000 000 сўмга сотиш, “Сервис сайто” МЧЖ эса қўчмас мулкни 60 кун ичидаги бўлиб-бўлиб тўловни амалга оширган ҳолда сотиб олиш мажбуриятини олган.

“Сервис сайто” МЧЖ 2016 йилнинг 8 октябридан 8 декабрига қадар олди-сотди шартномасига асосан 170 000 000 сўмни “Техника” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берган.

Шартноманинг 2.2-бандига кўра 2016 йил 29 октябрда имзоланған топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан “Сервис сайто” МЧЖ “Техника” МЧЖдан қўчмас мулкни қабул қилиб олган.

“Техника” МЧЖнинг қолган 30 000 000 сўм тўловни амалга ошириш, акс ҳолда шартномани бекор қилиш ва қўчмас мулкни қайтариш ҳақида судга мурожаат қилиши мүмкінлиги ҳақидаги талабномасини “Сервис сайто” МЧЖ оқибатсиз қолдирган.

Шу сабабли “Техника” МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, “Техника” МЧЖ ва “Сервис сайто” МЧЖ ўртасида 2016 йил 8 октябрда тузилған олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 27 июлдаги ҳал қилув қарори билан ариза талаби қаноатлантирилган. “Техника” МЧЖ ва “Сервис сайто” МЧЖ ўртасида 2016 йил 8 октябрда тузилған олди-



сотди шартномаси бекор қилинганды.

Бироқ ФК 422-моддасининг учинчи қисмига күра сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва сотилган товарни қайтаришни талаб қилишга ҳақли, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчидан олинган тўловлар суммаси товар баҳосининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида" 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарори 25-бандининг иккичи хатбошисида қонунчиликка мувофиқ шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга муайян шартлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилиши (ФК 422-моддасининг учинчи қисми, 746-моддасининг биринчи қисми ва ҳ.к.), бундай ҳолларда шартномани бекор қилиш талаб этилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат "Сервис сайто" МЧЖ томонидан кўчмас мулкни олди-сотди шартномасига асосан "Техника" МЧЖга тўлаган сумма кўчмас мулк баҳосининг учдан икки қисмидан ортиқни ташкил этганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни, ариза талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

#### **4.10. Кўчмас мулк олди-сотди шартномасига ҳақиқий саналмаган қисм қўшилмаса ҳам у тузилган бўлар эди, деб тахмин қилиш мумкин бўлса, унинг бошқа қисмларининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлмайди.**

"Жавоҳир" МЧЖ ва "Одина" МЧЖ ўртасида 2006 йил 5 январда 1-сонли кўчмас мулкни олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб,



унда "Жавоҳир" МЧЖ ўзига тегишли бўлган Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Мустақиллик кўчаси, 8-йда жойлашган 0,57 га.ер майдондаги бино ва иншоотларни (бундан буён мисол матнида "0,57 га.даги кўчмас мулк" деб юритилади) "Одина" МЧЖга беғараз топшириши, "Одина" МЧЖ эса бино ва иншоотларга эгалик қилиши ва тасаррuf этиши белгиланган. Мазкур шартнома туман "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДУК томонидан 2014 йил 27 октябрда рўйхатга олинган

Шунингдек "Жавоҳир" МЧЖ ва "Салмонхон" хусусий корхонаси ўртасида 2007 йил 22 декабрда 6-сонли кўчмас мулкни олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унда "Жавоҳир" МЧЖ 0,57 га.даги кўчмас мулкнинг 300 кв.м.ини "Салмонхон" хусусий корхонасига сотган.

Шу муносабат билан туман ҳокимининг 2007 йил 30 декабрдаги 50-сонли қарорига асосан 1037 кв.м. "Салмонхон" хусусий корхонасига бириктирилган.

Кейинчалик, "Одина" МЧЖ ва "Қодирбек" МЧЖ ўртасида 2016 йил 10 сентябрда 4-сонли кўчмас мулкни олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унда "Одина" МЧЖ ўзига тегишли бўлган "Жавоҳир" МЧЖдан сотиб олинган 0,57 га.даги кўчмас мулкни "Қодирбек" МЧЖга сотиши, "Қодирбек" МЧЖ эса кўчмас мулкка эгалик қилиши ва тасаррuf этиши белгиланган. Мазкур шартнома туман "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДУК томонидан 2016 йил 30 октябрда рўйхатга олинган.

Шу сабабли "Жавоҳир" МЧЖ низоли "Одина" МЧЖ ва "Қодирбек" МЧЖ ўртасида 2016 йил 10 сентябрда тузилган 4-сонли кўчмас мулкни олди-сотди шартномаси тузилган пайтда кўчмас мулкни беғараз топшириш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги, ушбу ҳолда кўчмас мулк "Жавоҳир" МЧЖга тегишли бўлганлиги, бироқ 57га.даги кўчмас мулкнинг бир қисми "Салмонхон" хусусий корхонасига сотилганлиги ҳақидаги важ билан "Одина" МЧЖ, "Қодирбек" МЧЖга нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, "Одина" МЧЖ ва "Қодирбек" МЧЖ ўртасида 2016 йил 10 сентябрда тузилган 4-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 12 февралдаги ҳал қилув



қарори билан ариза талаби қисман қаноатлантирилган. "Одина" МЧЖ ва "Қодирбек" МЧЖ ўртасида 2016 йил 10 сентябрда тузилган 4-сонли күчмас мулк олди-сотди шартномасининг 1.1-бандидаги 0,57 га.даги күчмас мулкни сотиш қисмидаги 1037 кв.м.ида жойлашган күчмас мулкни сотиш қисми ҳақиқий эмас деб топилган. Ариза талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Суд бундай хуносага келишда туман ҳокимининг 2007 йил 30 декабрдаги 50-сонли қарорига асосан 1037 кв.м. "Салмонхон" хусусий корхонасига бириктирилганлигига асосланиб, хатоликка йўл қўйган.

Чунки "Одина" МЧЖ 0,57 га.даги күчмас мулкни "Қодирбек" МЧЖга сотища, унинг бир қисми, яъни 300 кв.м.и "Жавоҳир" МЧЖ томонидан 2007 йил 22 декабрдаги 6-сонли күчмас мулкни олди-сотди шартномасига асосан "Салмонхон" хусусий корхонасига сотилганлигини инобатга олмаган.

Шу муносабат билан "Қодирбек" МЧЖ ва "Салмонхон" хусусий корхонаси ўртасида 2015 йил 24 апрелда тузилган келишув шартномасига асосан туман ҳокимининг 2015 йил 11 майдаги 27-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2007 йил 30 декабрдаги 50-сонли қарорига ўзгартириш киритилиб, "Салмонхон" хусусий корхонасига бириктирилган 1037 кв.м., 300 кв.м. деб эътироф этилган. Мазкур қарор туман "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДУК томонидан 2015 йил 30 июлда рўйхатга олинган.

Ушбу ҳолда биринчи инстанция суди "Одина" МЧЖ ва "Қодирбек" МЧЖ ўртасида 2016 йил 10 сентябрда тузилган 4-сонли күчмас мулк олди-сотди шартномасининг 1.1-бандидаги 0,57 га.даги күчмас мулкни сотиш қисмидаги 300 кв.м.ида жойлашган кўчмас мулкни сотиш қисмини ҳақиқий эмас деб топиши, ариза талабининг қолган қисмини эса қаноатлантиришни рад этиши лозим эди.

ФК 84-моддасининг биринчи қисмiga кўра кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

ФК 481-моддасининг биринчи қисмiga кўра кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.



“Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1-моддасининг иккинчи қисмига кўра мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк давлат кадастрини юритиш тўғрисида” 1997 йил 2 июндаги 278-сонли қарорининг 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддасида назарда тутилган бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини ҳамда улар юзасидан битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандига кўра кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши, шунингдек улар билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Шунингдек Ҳайъат “Жавоҳир” МЧЖнинг низоли олди-сотди шартномаси тузилган пайтда кўчмас мулкни беғараз топшириш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги, ушбу ҳолда кўчмас мулк “Жавоҳир” МЧЖга тегишли бўлганлиги ҳақидаги важи билан келишиб бўлмайди, деб ҳисоблаган.

Чунки туман “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” ДУК томонидан 2005 йил 5 январдаги 1-сонли шартнома 2014 йил 27 октябрда, 2016 йил 10 сентябрдаги 4-сонли кўчмас мулкни олди-сотди шартномаси 2013 йил 30 октябрда, туман ҳокимининг 2015 йил 11 майдаги 27-сонли қарори 2015 йил 30 июлда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг



битимларни ҳақиқий әмас деб топиш түғрисидаги нормаларни құллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2014 йил 28 науябрдаги 269-сонли қарорининг 11-бандида, агар қонун ҳужжатлари талабларига ёки битим тарафларининг келишувига күра, у нотариал тасдиқланиши ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рүйхатидан үтказилиши лозим бўлса, суд нотариал шаклига ёки давлат рүйхатидан үтказиш талабига риоя этилмаганлиги сабабли битимни ҳақиқий әмас деб топиши мумкинлиги, бунда, ФК 115-моддасига мувофиқ битимнинг қонун талаб қиласидан шаклига риоя қилмаслик қонунда түғридан-түғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий әмаслигига олиб келиши ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу ҳолда “Жавоҳир” МЧЖ томонидан низоли олди-сотди шартномасини тўлиқ ҳақиқий әмас деб топиш учун асос бўлган ҳолатлар, яъни унинг давлат рүйхатидан үтказилмаганлиги, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмунда тузилганлиги исботлаб берилмаган.

Шунингдек юқорида қайд этилган Пленум қарори 4-бандининг учинчи хатбоисига кўра ФКнинг 128-моддасига мувофиқ, битимнинг ҳақиқий саналмаслиги битимга ҳақиқий саналмаган қисм қўшилмаса ҳам у тузилган бўлар эди, деб тахмин қилиш мумкин бўлса, унинг бошқа қисмларининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлмайди.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорининг “Одина” МЧЖ ва “Қодирбек” МЧЖ ўртасида 2016 йил 10 сентябрда тузилган 4-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномасининг 1.1-бандидаги 0,57 га.даги кўчмас мулкни сотиш қисмининг 1037 кв.м.ида жойлашган кўчмас мулкни сотиш қисмини ҳақиқий әмас деб топиш қисмидаги “1037 кв.м.”ни “300 кв.м.”га ўзgartиришни, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.



## 4.11. Ижара асосида фойдаланишда бўлган кўчмас мулк давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати етказилган зарарни қоплаш мақсадида эгалик ҳуқуқи асосида бошқа шахсга берилган тақдирда ижарада фойдаланувчи кўчмас мулк ва унинг ҳудудини бўшатиб қўйиши керак.

“Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК, “Маърифат” МЧЖ ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида 2015 йил 28 майда 40-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК “Маърифат” МЧЖга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги балансида бўлган Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Румий кўчаси, 2-ўйда жойлашган бинони (бундан буён мисол матнда “кўчмас мулк” деб юритилади) бир йилдан кўп бўлмаган муддатга ижарага бериш, “Маърифат” МЧЖ эса ундан фойдаланганлиги учун ҳар ойда 400 000 сўм ижара ҳақи тўлаш мажбуриятини олган.

“Давлат мулкини ижарага бериш маркази” ДУК ижарага берилиши лозим бўлган бинони топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан “Маърифат” МЧЖга топширган.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги балансидаги (иловага мувофиқ) ҳарбий шаҳарчаларнинг бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда вилоят ҳокимлиги балансига бепул ўтказилган.

Фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида 2015 йил 3 декабрда топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилиб, унга кўра кўчмас мулк Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансига топширилган.

ФК 179-моддасининг биринчи қисмида белgilанишича давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни унинг мулкдорининг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усуlda тасарруф этишга ҳақли.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом (бундан бўён мисол матнида “Низом” деб юритилади) 2-бандининг биринчи хатбохисига кўра ер участкаси ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарага оловчи билан келишув бўйича - тегишли равища туман, шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади.

Низом 26-бандининг биринчи хатбохисига кўра юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар, иншоотлар, дов-дараҳтлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилади ва ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланади.

Шунга кўра вилоят ҳокимининг 2015 йил 30 августдаги 447-сонли қарорига асосан Чироқчи тумани, А.Навоий ва Л.Латипов кўчалари кесишуви ҳудудида ободонлаштириш ишлари олиб борилиши натижасида, ушбу ҳудуддаги юридик шахсларнинг бинолари бузилиши муносабати билан, етказилган заарларни қоплаш мақсадида, “Динара” МЧЖ ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Бинолардан фойдаланиш департаментининг мурожаатларига асосан, вилоят ҳокими томонидан 2015 йил 6 декабрда 49-сонли қарор қабул қилиниб, унга кўра кўчмас мулк тегишли ҳудуди билан бирга “Динара” МЧЖга эгалик ҳуқуқи асосида берилган.

Мазкур қарорга асосан “Динара” МЧЖга кўчмас мулк ҳуқуқи асосида тегишлилиги тўғрисида “Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дараҳтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида” ва кўчмас мулк жойлашган ер майдони ижара ҳуқуқи асосида тегишлилиги тўғрисида “Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг



давлат рўйхатидан ўтказилғанлиги түфрисида" гувоҳномалар берилған.

"Динара" МЧЖнинг ўзига тегишли бўлган кўчмас мулк ва унинг ҳудудини бўшатиш ҳақидаги талабномаси "Маърифат" МЧЖ томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли "Динара" МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Маърифат" МЧЖни кўчмас мулк ва унинг ҳудудидан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 19 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган. "Маърифат" МЧЖ "Динара" МЧЖга тегишли кўчмас мулк ва унинг ҳудудидан мажбурий тартибда чиқарилган.

Суднинг бундай холосага келишига ФК 12-моддасининг биринчи қисмига кўра давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги, бироқ вилоят ҳокимининг 2015 йил 6 декабрдаги кўчмас мулкни тегишли ҳудуди билан бирга "Динара" МЧЖга эгалик ҳуқуқи асосида бериш ҳақидаги 49-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилмаганлиги ёки бекор қилинмаганлиги асос бўлган.

Бундан ташқари вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Бинолардан фойдаланиш департаменти ва "Динара" МЧЖ ўртасида 2016 йил 19 январда тузилган 15-сонли келишувда "Динара" МЧЖга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк ва уни ҳудудининг умумий майдони 684 кв.м.ни, ўрнига-ўрин берилаётган кўчмас мулкнинг умумий майдони эса 1000 кв.м.ни ташкил этиши, кўчмас мулкнинг баҳолаш қиймати ўртасидаги тафовут 500 000 000 сўмдан иборатлиги, "Динара" МЧЖ ушбу суммани 30 кун ичида вилоят маҳаллий бюджетига тўлашни ўз зиммасига олганлиги қайд этилган.

"Динара" МЧЖ томонидан 2016 йил 22 январдаги 448-сонли тўлов топшириқномаси билан 500 000 000 сўм маҳаллий бюджетга тўланган.



ФКнинг 164-моддасига кўра мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

#### **4.12. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилингандан даъвогар қурилган иморатлар архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига жавоб бериши, иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг бузилишига сабаб бўлмаслиги ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаслигини исботлаб бериши лозим.**

Туман "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДУК томонидан "Флора текс" МЧЖ номига 2012 йил 4 октябрда расмийлаштирилган "Кўчмас мулк обьектига кадастр иши" ҳужжатларига кўра Бухоро вилояти, Олот тумани, Моҳинур кўчаси, 4-йда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 6800 кв.м., ижарага берилган ер участкасининг умумий майдони 6800 кв.м., фойдали майдони 2037 кв.м.дан иборат бўлган цех биноси хусусий мулк, ер майдони эса доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида "Флора текс" МЧЖга тегишли бўлиб, ушбу ҳудуддаги ноқонуний қурилмани фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги "Флора текс" МЧЖнинг аризаси туман ҳокимлиги томонидан рад этилган.

Шу сабабли "Флора текс" МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, ноқонуний қурилмага (савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари) нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишни сўраган.

Суднинг 2016 йил 2 майдаги ажрими билан иш бўйича туман ҳокимлиги ва туман "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДУК низонинг



предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз құлмайдыған учинчі шахс сифатида жалб қилинганд.

Бириңчи инстанция судининг 2016 йил 14 июндеги ҳал құлув қарори билан ариза қаноатлантирилған. Ноқонуний қурилмага (савдо ва маиший хизмат күрсатыш шахобчалари) нисбатан "Флора текс" МЧЖнинг мулк ҳуқуқи әтілған.

ФК 212-моддасининг бириңчи қисміга мувофиқ қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратылған ер участкаларыда, шунингдек имарат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиіддій бузған ҳолда қурилған үй-жой, бөшқа бино, иншоот ёки үзға күчмас мулк үзбошимчалик билан қурилған имарат ҳисобланади.

Ушбу ҳолда "Флора текс" МЧЖ томонидан үзиге тегишли бүлған ҳудудда қурилған савдо ва маиший хизмат күрсатыш шахобчаси зарур рухсатнома олинмасдан қурилған қурилма бўлиб, ушбу қурилма архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига жавоб бериши, имаратнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг бузилишига сабаб бўлмаслиги ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаслиги ҳақида исботловчи ҳужжатлар судга тақдим қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2010 йил 19 ноябрдаги 220-сонли қарорининг 12.4-бандида ФК 212-моддаси олтинчі қисмининг мазмунига кўра үзбошимчалик билан қурилған имаратнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмайдыған ёки фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмайдыған бўлса, ушбу имаратга нисбатан мулк ҳуқуқи юқорида келтирилған модданинг тўртинчи ва бешинчі қисмларига асосан суд томонидан тан олиниши мумкинлиги, шу боис, үзбошимчалик билан қурилған имаратга нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилинганды, даъвогар қурилған имаратлар архитектура ва



қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига жавоб бериши, иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг бузилишига сабаб бўлмаслиги ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаслигини исботлаб бериши лозимлиги, қайд қилинган ҳолатларни суд ўз ташаббуси билан ишга бошқа давлат органларини жалб қилмасдан, улардан тегишли далилларни талаб қилмасдан, балки даъвогар томонидан тақдим қилинган далилларни ИПКда белгиланган тартибда текшириш йўли билан аниқлаши, зарур ҳолларда, даъвогар томонидан тақдим қилинган далилларнинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида, суд тегишли давлат органларининг вакилини мутахассис сифатида жалб қилишга ҳақлилиги, агар даъвогар қайд этилган ҳолатларни исботлаб бера олмаса, бундай ҳолда даъво асоссиз ҳисобланishi ва уни қаноатлантириш рад қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ариза талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

#### **4.13. Ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзолари ўзларига тегишли бўлган кўчмас мулк майдонига мутаносиб равишда ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган мажбурий бадалларни тўлашлари шарт.**

"NUR" МЧЖ, "Малика" МЧЖ ва "Муниципал биржа маркази" МЧЖ ўртасида 2011 йил 24 майдаги 59-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномаси, "Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дараҳтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида"ги ва кўчмас мулк жойлашган ер майдони ижара ҳуқуки асосида тегишлилиги тўғрисида "Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида"ги гувоҳномаларга асосан Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Ойбек кўчаси, 10-ўйда жойлашган умумий майдони 172 кв.м. бўлган бино (бундан буён мисол матнида "кўчмас мулк" деб юритилади) "Малика" МЧЖга тегишли.



"Хусусий уй-жой мулқорларининг ширкатлари түғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён мисол матнида "Қонун" деб юритилади) 5-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ кўп квартирали уйдаги турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кўп квартирали уйдаги турар жой мулқоридир.

Қонуннинг 19-моддасига кўра ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдорини тасдиқлаш ширкат аъзолари умумий ийғилишининг ваколатларига киради.

Хусусий уй-жой мулқорлари ширкати аъзолари умумий ийғилишининг 2013 йил 4 декбардаги қарори билан 2014 йил 1 январдан бир ойга 1 кв.м. нотураржой учун мажбурий бадал тарифи 700 сўм, 2014 йил 19 декабрдаги қарори билан 2015 йил 1 январдан бир ойга 1 кв.м. нотураржой учун мажбурий бадал тарифи 840 сўм, 2016 йил 29 мартағи қарори билан 2016 йил 1 апрелдан бир ойга 1 кв.м. нотураржой учун мажбурий бадал тарифи 1200 сўм этиб белгиланган.

Хусусий уй-жой мулқорлари ширкати томонидан "Малика" МЧЖга қарашли 172 кв.м да жойлашган кўчмас мулк майдонига жами 5418000 сўм мажбурий аъзолик бадали ҳисобланган. Жумладан, 2014 йилнинг октябрь-декабрь ойлари ҳамда 2015 йилнинг январь-декабрь ойларига (15 ой) бир ойга 1 кв.м. учун 700 сўмдан, жами 1806000 сўм, 2016 йилнинг январь-декабрь ойлари ҳамда 2017 йилнинг январь-март ойларига (15 ой) бир ойга 1 кв.м. учун 840 сўмдан, жами 2167200 сўм, 2017 йилнинг апрель-октябрь ойларига (7 ой) бир ойга 1 кв.м. учун 1200 сўмдан, жами 1444800 сўм.

Бироқ ушбу тўловни амалга ошириш ҳақидаги хусусий уй-жой мулқорлари ширкатининг талабномаси "Малика" МЧЖ томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли хусусий уй-жой мулқорлари ширкати судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Малика" МЧЖдан 5418000 сўм мажбурий аъзолик бадали ундиришни сўргаган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 30 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган, "Малика"



МЧЖдан хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати фойдасига 5 418 000 сўм мажбурий аъзолик бадали ундирилган.

Чунки Қонун 13-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жой мулқдорлари – юридик ва жисмоний шахслар ширкат аъзолари бўлади, учинчи қисмига мувофиқ ширкат ташкил этилган уйдан жой олган шахслар ўзларида шу жойга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган пайтдан эътиборан ширкат аъзоси бўлади.

Қонун 22-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинган қарор ширкатнинг барча аъзолари учун мажбурийдир.

Қонун 30-моддасининг биринчи-бешинчи қисмларига мувофиқ жой мулқдорлари умумий мол-мulkни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммаларига олишлари шарт. Умумий харажатлар ширкат аъзоларининг умумий мол-мulkни, ширкатнинг гер участкасини ва мол-мulkни сақлаш билан боғлиқ харажатлариридир. Жой мулқорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулқдорга қарашли жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади. Ширкат аъзолари умумий харажатларни қоплаш учун ҳар ойда, қоида тариқасида, пул шаклида мажбурий бадаллар тўлайдилар. Ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдори ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.



## 5 - Б О Б

ҚАРЗДОРНИ БАНКРОТ ДЕБ ТОПИШ  
БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА  
СУД АМАЛИЁТИ



## 5.1. Қарздор ўзини банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари бүйічі баңкот деб топиш тұғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганды, аризаны қабул қилиш ХПК 117-моддаси бириңчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда рад этилады. Агар ариза иш юритишга қабул қилингандай болса, ариза бүйічі иш юритиш ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосан тугатылады.

2017 йил 5 май ҳолатига “Олим сервис” МЧЖнинг (кейинчалик мисол матнида МЧЖ деб юритилади) солиқлар ва бошқа мажбурий тұловлардан 19 500 400 сүм қарздорлығы мавжуд бўлган. Аммо ушбу қарздорликни тўлаб бериш учун МЧЖнинг пул маблағлари ва мол-мулки бўлмаган.

Шу сабабли МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, 2016 йилдан бўён молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги, унинг пул маблағлари ва мол-мулклари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тұловлар бүйічі ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги сабабли ўзини банкротликнинг соддалаштирилган таомили бүйічі баңкот деб топишни сўраган.

Бириңчи инстанция судининг 2017 йил 12 августдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ баңкот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Аммо бириңчи инстанция суди МЧЖнинг аризасини иш юритишга қабул қилиб ва уни мазмунан кўриб чиқиб хатоликка йўл қўйган.

Чунки “Баңкотлик тұғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинчалик мазкур боб матнида “Қонун” деб юритилади) 185-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирганлиги муносабати билан тугатилиши тұғрисида қарор қабул қилингандай юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тугатылади.



Ушбу модданинг биринчи қисмидә назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш түғрисидаги ариза билан иқтисодий судга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни күриши учун давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этиши шарт.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 188-моддасида ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки қарздор якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш түғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, банкротлик түғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мумкинлиги белгиланган.

Шу боис прокуратуранинг назорат тартибдаги протестига асосан Ҳайъат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, МЧЖнинг аризаси бўйича иш юритишни ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосан тугатган.

## **5.2. Қонуннинг 188-моддаси билан қарздор-юридик шахсга нисбатан банкротлик иши қўзғатиш учун қарздорнинг ҳозир бўлмаганлиги ҳолати сифатида нафақат уни раҳбарининг йўқлиги, балки уни мол-мулкининг ҳам йўқлиги тушунилади.**

“Сарвар” МЧЖнинг (кейинчалик мисол матнида “МЧЖ” деб юритилади) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлиги 2017 йил 15 июнь ҳолатига жами 6 330 696 сўмни ташкил қилган. ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖдан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 6 330 696 сўм қарздорликни ундиришни сўраган.



Суднинг 2017 йил 25 августдаги ҳал қилув қарори билан 6 330 696 сүм солиқ қарздорлиги бүйіча ундирув қарздорнинг мол-мұлкига қаратилған. МЧЖдан давлат бюджетига 172 240 сүм давлат божи ва ДСИ фойdasига 7 200 сүм почта харажати ундирилған.

Ҳал қилув қарори қонуний күчга киргач суд томонидан 2017 йил 26 сентябрда ижро варақалари берилған. Улар асосида Мажбурий ижро бюроси туман бўлими томонидан ижро иши қўзғатилған. Бироқ ижро ишини юритиш давомида МЧЖнинг мол-мұлки мавжудлиги аниқламаганлиги сабабли, давлат ижрочиси томонидан 2018 йил 19 декабрда ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш ва ижро иши юритишни тамомлаш ҳақида қарор чиқарилған.

Шундан сўнг, ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖни банкротликнинг соддалаштирилған таомили бўйича банкрот деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 12 февралдаги ажрими билан ДСИнинг аризаси ХПК 88-моддасининг 5-бандига асосан, яъни даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибиға риоя этмаганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилған.

Апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 14 мартағи қарори билан биринчи инстанция судининг 2018 йил 12 февралдаги ажрими ўзгаришсиз қолдирилған.

Биринчи инстанция суди ХПК 88-моддасининг 5-бандини қўллашда Қонуннинг 188-моддасигава Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Банкротлик тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори (кейинчалик мазкур боб матнида "Пленумнинг 142-сонли қарори" деб юритилади) 35-бандининг учинчи хатбошисига таянган.

Қонуннинг 188-моддасига кўра ўз фаолиятини тутатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки тутатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки



бошқа ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мүмкин.

Пленум 142-сонли қарори 35-бандининг учинчи хатбоисига кўра ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза берилганда, қарздор - якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахс раҳбарининг ҳозир бўлмаганлигини, шунингдек уларнинг турар жойини аниқлашнинг имконияти йўқлигини тасдиқловчи далиллар хўжалик судига тақдим этилиши керак. Бундай далиллар манзил маълумот бюроси томонидан шахснинг рўйхатдан чиқиб, бошқа ҳудудга кетганилиги ҳақида берилган маълумотнома, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, уй-жой мулқдорларининг ширкати вакиллари иштирокида шахснинг рўйхатга олинган манзилда яшамаслиги тўғрисида тузилган далолатнома, шахснинг вафот этганилиги ёки озодликдан маҳрум этиш жойларида эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши мүмкин.

Бироқ суд бундай тўхтамга келишдан олдин Пленум 142-сонли қарори 35-бандининг тўртинчи хатбоисида қарздорнинг ҳозир бўлмаганлиги сифатида нафақат унинг раҳбари йўқлиги, балки хўжалик юритувчи субъект мол-мулкининг йўқлигини ҳам тушуниш лозимлиги, бу ҳол қарздор – юридик шахс турган жойи (почта манзили) бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, уй-жой мулқдорларининг ширкати, турар жой ёки одам яшамайдиган жойнинг мулқдори вакиллари ва (ёки) суд бошқарувчиси иштирокида тузилган далолатнома ёхуд қарздорнинг мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатини ижросиз қайтариш тўғрисидаги суд ижроқисининг қарори билан тасдиқланиши мүмкинлиги ҳақида тушунтириш берилганилигига эътибор бермаган.

Ваҳоланки, биринчи инстанция суди мазкур ҳолатда давлат ижроқисининг қарздорни мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатини ижросиз қайтариш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлганлиги сабабли ДСИнинг аризасини кўрмасдан қолдирмасдан, балки уни мазмунан кўриб чиқиши лозим эди.

Шу сабабли ДСИнинг назорат тартибдаги шикоятига асосан Ҳайъатнинг 2018 йил 28 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими ва апелляция инстанцияси судининг қарори бекор



қилиниб, иш мазмунан күриб чиқыш учун биринчи инстанция судига юборилган.

### **5.3. Суд үзининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тұғрисидаги ҳал қилув қарорида тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги ҳисобот судга тақдим этилиши лозим бўлган аниқ муддатни кўрсатади.**

2016 йил 26 октябрь ҳолатига "Роҳат" МЧЖнинг (кейинчалик мисол матнида МЧЖ деб юритилади) "Хурросон банк" АТБдан кредит тўловлари бўйича 12650000 сўм, "Фирдавс" АЖдан 5200000 сўм, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан 7123895 сўм қарздорлиги мавжуд бўлган.

Солиқ қарзи ундирувини МЧЖнинг мол-мулкига қаратиш бўйича иқтисодий суд томонидан чиқарилган ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюроси туман бўлимининг давлат ижрочиси томонидан МЧЖнинг мол-мулки аниқланмаганлиги сабабли ундирувчига қайтарилган.

Шу сабабли ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖни банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 28 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. МЧЖни тугатишга доир иш юритишни олиб бориш учун 4-тоифали суд бошқарувчиси тугатиш бошқарувчи этиб тайинланган.

Бироқ суднинг ҳал қилув қарорида тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги ҳисоботни тақдим этишнинг аниқ муддатлари кўрсатилмаган.

Тугатишу доир иш юритиш жараёни бошланганлигига ҳал қилув қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб бир йилдан ортиқ вақт ўтган бўлсада, тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисоботи судга тақдим этилмаганлиги



сабабли кредитор “Фирдавс” АЖ биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартериш тўғрисида 2017 йил 17 январда назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қилган.

Ҳайъат “Фирдавс” АЖнинг назорат тартибидаги шикоятига асосан ишни 2017 йил 21 февралда қайта кўриб чиқиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартериш тўғрисида қарор қабул қилган.

Ҳайъат ҳал қилув қарорини ўзгартеришда Пленум 142-сонли қарорининг 30-бандида берилган тушунтиришларга асосланган.

Мазкур Пленум қарорининг 30-бандида Қонуннинг 124-моддасига мувофиқ тугатишга доир иш юритиш муддати бир йилдан ошиши мумкин эмаслиги, шундан келиб чиқиб, хўжалик судининг банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги ҳисоботни тақдим этишнинг аниқ муддатини белгилаш лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли Ҳайъатнинг қарорида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг хulosса қисмини “Тугатиш бошқарувчиси зиммасига МЧЖни тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги ҳисоботни 2017 йил 21 марта қадар судга тақдим этиш мажбурияти юклатилсин” деган жумла билан тўлдириш орқали ҳал қилув қарори ўзгартерилиши кўрсатилган.

#### **5.4. Банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича иш кўрилаётганда тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг мол-мулки мавжудлиги аниқланса, суд тугатиш бошқарувчисининг илтимосномасига асосан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиб, ишни банкротликнинг умумий таомили бўйича кўриб чиқади.**

ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, “Бахтиёр” хусусий корхонасини (кейинчалик мисол матнида “Хусусий корхона” деб



юритилади) банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. Хусусий корхона банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. Хусусий корхонани тугатишга доир иш юритишни олиб бориш учун 4-тоифали суд бошқарувчиси С.Фуломов тугатиш бошқарувчи этиб тайинланган.

Тугатиш бошқарувчиси судга 2017 йил 31 октябрда тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақида ҳисобот тақдим этган. Унинг ҳисоботида Хусусий корхона томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 3 564 200 сўм қарз, "Давр банк" АТБдан бўлган 96 450 000 сўм кредит қарзи ва суд харажатлари Хусусий корхонага тегишли \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_тумани, \_\_\_\_\_кўчасида жойлашган ишлаб чиқариш цехи биносини сотиш орқали ундан тушган пул маблағлари эвазига тўлиқ тўлаб берилганлиги ва банкротлик иши бўйича унинг тўланмай қолган қарздорлиги мавжуд эмаслиги маълум қилинган.

Суд томонидан тугатиш бошқарувчisinинг ҳисоботи кўриб чиқилиб, уни кўриш натижалари бўйича 2017 йил 4 ноябрда ажрим чиқарилган. Суднинг ажримида Хусусий корхонанинг тўлов қобилияти тикланганлиги, унинг солиқ қарзи ҳамда "Давр банк" АТБ олдидағи ва суд харажатлари бўйича қарздорлиги қопланганлиги кўрсатилиб, банкротлик иши бўйича иш юритиш тугатилган. Тугатиш бошқарувчиси зиммасига қарздорга тегишли муҳр ва штампни қайтариш мажбурияти юклатилган.

"Давр банк" АТБ биринчи инстанция судининг иш юритишни тугатиш тўғрисидаги 2017 йил 4 ноябрдаги ажримидан норози бўлиб назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қилган. Шикоятда Хусусий корхонанинг "Давр банк" АТБ олдидағи кредиторлик қарзи тўлиқ қопланмаган бўлсада, биринчи инстанция суди томонидан тугатиш бошқарувчisinинг ҳисоботи кўриб чиқилиб банкротлик иши бўйича иш юритиш тугатилганлиги маълум қилинган.

Ҳайъат "Давр банк" АТБнинг назораттартибидаги шикоятига асосан ишни 2018 йил 24 марта қайта кўриб чиқиб, биринчи инстанция судининг иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримини бекор



қилиб, тугатишга доир иш юритиш таомилини тиклаган ва биринчи инстанция судига тугатишга доир иш юритиш жараёнида МЧЖнинг мол-мулки мавжудлиги аниқланганлиги сабабли, банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқаришга қўрсатма берган.

Ваҳоланки, Қонун 189-моддасининг бешинчи қисмига кўра, тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкини аниқлаган тақдирида хўжалик суди мазкур бошқарувчининг илтимосно-масига биноан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг ушбу Қонунда назарда тутилган умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

## **5.5. “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган кредиторлик қарзларининг миқдори хусусидаги талаблар қарздорни банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топиш ҳақидаги ариза бўйича иш қўзғатишда мажбурий ҳисобланмайди.**

“Карим” МЧЖ (кейинчалик мисол матнида “МЧЖ” деб юритилади) томонидан соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги натижасида 7 560 000 сўм қарздорлик вужудга келган.

Шу сабабли ДСИнинг МЧЖни 7 560 000 сўм солиқ қарзи унди-рувини унинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суд буйруғи бериш ҳақидаги аризасига асосан суд томонидан 2016 йил 28 декабрда суд буйруғи чиқарилган.

Мазкур суд буйруғига асосан Мажбурий ижро бюроси туман бўлими томонидан ижро иши қўзғатилган. Бироқ ижро ишини юритиш давомида МЧЖнинг мол-мулки аниқламаганлиги сабабли, давлат ижрочиси томонидан 2017 йил 25 марта ижро ҳужжатини унди-рувчига қайтариш ва ижро иши юритишни тамомлаш ҳақида қарор чиқарилган.



Шу боис ДСИ 2017 йил 12 апреда судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖни банкротликнинг соддалаштирилган таомили бүйіча банкрот деб топишни сұраган.

Бириңчи инстанция судининг 2017 йил 30 апреддаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. Хусусий корхона банкрот деб топилған ва тугатиши доир иш юритиш бошланған. Хусусий корхонани тугатиши доир иш юритиши олиб бориш учун 4-тоифали суд бошқарувчиси С.Фуломов тугатишиш бошқарувчи этиб тайинланған.

МЧЖ 2017 йил 5 августда назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиб, унинг кредиторлар олдидаги қарздорлығы Қонун 5-моддасида белгиланған энг кам иш ҳақи миқдорининг беш юз каррасини ташкил этмаслигини важ қилиб бириңчи инстанция судининг 2017 йил 30 апреддаги ҳал қилув қарорини бекор қилишни сұраган.

Хайъат МЧЖнинг назорат тартибидаги шикоятига асосан ишни қайта күриб чиқиб, бириңчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топған.

Хайъат бундай хulosага келишда Пленум 142-сонли қарорининг 35-бандида берилған тушунтиришларга асосланған.

Ушбу Пленум қарори 35-бандининг бириңчи хатбошисида қарздорни банкротликнинг соддалаштирилған таомили бүйіча банкрот деб топиш (тугатилаёттан ёки ҳозир бўлмаган қарздор) ҳақидаги аризани қабул қилишда кредиторлик қарзларининг миқдори аҳамиятга эга эмаслиги ҳақида тушунтириш берилған.

Хайъатнинг қарорида қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлған қарзи 7 560 000 сўмни (энг кам иш ҳақи миқдорининг беш юз каррасидан кам) ташкил этган бўлсада, бириңчи инстанция суди томонидан ДСИнинг аризаси Пленум 142-сонли қарори 35-бандининг бириңчи хатбошисиға мувофиқ асосли равишда иш юритиши қабул қилингандиги ва мазмунан кўриб чиқилғандиги қайд этилган.



## 5.6. Тугатиш бошқарувчисининг қарздорни молиявий аҳволини таҳлил қилиб, таҳлил натижалари бўйича сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш юзасидан тайёрлаган хуносасини суд Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига юборишдан аввал уни тўлиқ ўрганиб чиқади ва у қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тайёрланган бўлсагина Қўмитага юборади.

“Наримон” МЧЖнинг (кейинчалик мисол матнида МЧЖ деб юритилади) 2017 йил 23 январь ҳолатига солиқлар ва бошقا мажбурий тўловлардан 24450000 сўм қарздорлиги мавжуд бўлган. Шу сабабли ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖнинг 24450000 сўм солиқ қарзи бўйича ундирувни унинг мол-мулкига қаратишни сўраган.

Суднинг 2017 йил 12 мартағи ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, МЧЖнинг 24450000 сўм солиқ қарзи бўйича ундирув унинг мол-мулкига қаратилган. МЧЖдан 244500 сўм давлат божи ва 7200 сўм почта харажати ундирилган.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач суд томонидан 2017 йил 12 апрелда ижро варақалари берилган. Улар асосида Мажбурий ижро бюроси туман бўлими томонидан ижро иши қўзғатилган. Бироқ ижро ишини юритиш давомида МЧЖнинг мол-мулки аниқламаганлиги сабабли, давлат ижрочиси томонидан 2017 йил 12 июня ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш ва ижро иши юритишни тамомлаш ҳақида қарор чиқарилган.

Шу сабабли ДСИ судга мурожаат қилиб, МЧЖни банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топишни сўраган.

Суднинг 2017 йил 18 августдаги ҳал қилув қарори билан ДСИнинг аризаси қаноатлантирилган. Суднинг ҳал қилув қарори билан тугатиш бошқарувчиси этиб Д.Султонов тайинланган. Суд томонидан тугатиш



бошқарувчиси зиммасига тугатишга доир иш юритиш билан боғлиқ бир нечта вазифалар юклатилған. Жумладан, унга бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарори билан тасдиқланған "Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш Қоидалари" (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) талабларидан келиб чиқиб, холоса тайёрлаш ва холосани кредиторлар йиғилиши ҳамда судга тақдим қилиш ҳам юклатилған.

Қоидаларнинг 38-бандида тугатиш бошқарувчиси томонидан сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасдан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги түғрисидаги холоса имзоланғандан кейин 10 иш кунидан кечикмай кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга ва прокуратура органларига тақдим этилиши, 40-бандида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилған корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида холосани ҳамда унга илова қилинган материалларни кўриб чиқиш ва улар бўйича фикрни тақдим этиш учун доимий ишловчи Комиссия (бундан буён матнда "Комиссия" деб юритилади) холосани ва унга илова қилинган материалларни иқтисодий суд томонидан мурожаат тушган пайтдан бошлаб бир ой муддатда кўриб чиқиши, 41-бандида Комиссия кўриб чиқиш натижалари бўйича, тақдим этилган материаллар асосида холосани тасдиқлаши ёхуд унинг асоссизлигини тасдиқлаши белгиланған.

Шунингдек, ушбу Қоидаларнинг 42-бандига асосан Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилған корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Комиссиянинг фикрини иқтисодий судга тақдим этади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 мартағи 138-сонли қарори билан тасдиқланған "Суд бошқарувчилари түғрисида"ги Низомнинг 40-бандига биноан тугатиш бошқарувчиси иқтисодий суд томонидан тайинланған вақтдан бошлаб қарздорнинг банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш ҳаракатларини амалга оширади ва уларнинг якунлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланған тартибда тегишли холоса тайёрлайди.



Тугатиш бошқарувчиси томонидан сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасдан банкротликка олиб келиш алматлари мавжудлигини текшириш түғрисидаги хulosаси судга тақдим этилган бўлсада, уни тузишда Қоидаларнинг 37-бандидаги талабларга риоя қилинмаган. Яъни, ушбу банднинг “а”-кичик бандида белгиланган хulosаси тузилган сана ва жой, “в”-кичик бандида белгиланган суднинг номи, иш рақами, иқтисодий суднинг банкротликнинг тегишли тартиботини жорий этиш түғрисидаги қарори (ажрими) чиқарилган сана ва суднинг суд бошқарувчисини тайинлаш түғрисидаги ҳужжати чиқарилган саналари қайд этилмаган. Аммо шундай бўлсада хulosаси суд томонидан қабул қилинган.

Суд томонидан тугутиш бошқарувчисининг қарздорни сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасдан банкротликка олиб келиш алматлари мавжудлигини текшириш юзасидан тузилган хulosаси тегишли тартибда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига (кейинчалик мисол матнида “Қўмита” деб юритилади) 2017 йил 20 сентябрда жўнатилган.

Ўз навбатида, судга Қўмита томонидан Комиссия йиғилишининг 2018 йил 19 майдаги 56-сонли баёни юборилган. Ушбу баённинг 8-бандига кўра Комиссия йиғилишида Д.Султоновнинг хulosаси кўриб чиқилиб, Қоидаларнинг 5-банди талабларига мувофиқ МЧЖнинг молиявий фаолияти тўлиқ таҳлил қилинмаганлиги ва хulosаси асослаб берилмаганлиги сабабли хulosаси тасдиқланмаган ва уни қайта тайёрлаб, суд томонидан такроран юборилиши лозимлиги түғрисида қарор қабул қилинган.

Қўмита Комиссия йиғилишининг 2017 йил 19 октябрдаги 56-сонли баёнини судга юбориш билан бирга Қонун 25-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбоисига мувофиқ тугатиш бошқарувчисини вазифасидан озод қилиш түғрисидаги ариза билан ҳам мурожаат қилган.

Суд аризани иш юритишга қабул қилиб, уни қўришни 2017 йил 8 ноябрга тайинлаган. Бироқ қўмитадан вакил иштирок этмаганлиги сабабли шу куни ариза ХПК 88-моддасининг 6-бандига асосан кўрмасдан қолдирилган.



Құмита 2018 йил 13 февралда назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қылиб, биринчи инстанция судининг 2017 йил 8 науябрдаги ажримини бекор қилишни сұраган.

Хайъатнинг қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судига Құмитанинг тугатиш бошқарувчисини вазифасидан озод қилиш түғрисидаги аризасини күриб чиқища тугатиш бошқарувчининг сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротлика олиб келиш аломатлари мавжудлигини текшириш түғрисида Құмитага тақдим этган хulosасидаги камчиликларга эътибор қаратиш, шунингдек кейинчалик тегишли тугатиш бошқарувчиси томонидан камчиликлар бартараф этилган ҳолда қайта тайёрланған хулоса Құмитага юборилишидан олдин тұлық үрганиб чиқилиб ва у қонун ұжжатлари талабларига мувофиқ тайёрланған бұлсагина юборилиши лозимлиги түғрисида күрсатма берилған.

Биринчи инстанция суди Құмитанинг аризасини күриб чиқиб, уни қаноатлантириш ва тугатиш бошқарувчиси Д. Султоновни вазифасидан озод этиб, унинг ўрнига Р.Саломовни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлаш түғрисида ажрим чиқарған.

## **5.7. Тугатиш комиссияси (тугатувчи) юридик шахс тугатилаёттанды кредиторларнинг талабларини тұлық ұажмада қондириш имкониятий ійқілігін аниқлаган бўлса, хўжалик судига (иқтисодий судга) тугатиш комиссияси номидан эмас, балки қарздорнинг аризаси билан унинг номидан қарздорни банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қиласи.**

“Дурдона” хусусий корхонаси (кейинчалик мисол матнида Хусусий корхона деб юритилади) уч ой давомида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширганлыги сабабли суднинг 2016 йил 25 декабрдаги ҳал қилув қарори билан тугатилған. Тугатишига оид иш юритиш туман ҳокимияти ҳузуридаги доимий маҳсус комиссияга юклатилған.



Комиссия томонидан қарздорни тугатиш билан боғлиқ ишларни олиб боришда Хусусий корхонанинг 2017 йил 1 февраль ҳолатига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан 4 350 000 сўм қарздорлиги мавжудлиги ва уни тўлаш учун қарздорнинг пул маблағлари ва мол-мулки йўқлиги аниқланган.

Шу сабабли туман ҳокимлиги ҳузуридаги доимий маҳсус комиссия ариза билан судга мурожаат қилиб, Хусусий корхонани банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 8 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Хусусий корхона банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори билан тасдиқланган "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирумаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги Низом 3.1-бандинг учинчи хатбошисига кўра хўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш жараёни унинг топшириғига кўра маҳсус комиссия томонидан амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг 3.5-бандига биноан хўжалик судининг қарори кучга кирган вақтдан бошлаб корхона ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар маҳсус комиссияга ўтади.

Қонуннинг 8-моддасида асосан тугатиш комиссияси (тугатувчи), агар юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имконсизлиги аниқланган бўлса, қарздорнинг аризаси билан иқтисодий судга мурожаат этиши шартлиги белгиланган.

Бироқ мазкур ҳолатда тугатиш комиссияси қарздорнинг аризаси билан эмас, балки ўзини аризачи сифатида кўрсатган ҳолда судга Хусусий корхонани банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топишни сўраб ариза билан мурожаат қилган.

Ваҳоланки, Қонуннинг 6-моддасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этишга ҳақли бўлган шахслар кўрсатилган бўлиб, улар сафида туман (шаҳар) ҳокимлиги



ёки унинг ҳузурида ташкил этилган маҳсус комиссия мавжуд эмас.

Шу сабабли прокуратуранинг назорат тартибидаги протестига асосан Ҳайъат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги доимий маҳсус комиссиянинг аризаси бўйича иш юритишни ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосан тугатган.

## **5.8. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинганини тўғрисида суд чиқарган ажримда суд мажлисини ўтказишнинг белгиланган санасига камида беш кун муддат қолганида ўтказилади.**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят бошқармаси (бундан бўён матнда "банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи" деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, қарздор "Минор" МЧЖни (кейинчалик мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) банкрот деб топишни сўраган.

Суднинг 2017 йил 3 июлдаги ажрими билан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси иш юритишга қабул қилиниб, МЧЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган. Мазкур ажрим билан ишни кўриш 2017 йил 21 августга тайинланган ва қарздорга нисбатан кузатув жорий этилиб, муваққат бошқарувчи тайинланган. Муваққат бошқарувчи зиммасига кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш вазифаси ҳам юклатилган.

Муваққат бошқарувчи томонидан МЧЖ кредиторларининг биринчи йиғилишини ўтказиш 2017 йил 13 августга тайинланган. Аммо шу куни кредиторлар йиғилишига банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органидан вакил келмаганлиги сабабли йиғилиш ўтказилмасдан қолган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 21 августдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб 1-тоифали суд



бошқарувчиси А.Фуломов тайинланган. Тугатиш бошқарувчисининг зиммасига МЧЖни тугатишга доир иш юритиш таомилини қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга ошириш ҳамда тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот тақдим этиш юклатилган.

МЧЖни тугатишга доир иш юритиш жараёнида унинг кредиторларидан бири бўлган "Алвон" хусусий корхонаси 2017 йил 25 декабря назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган. Шикоятда ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун МЧЖ кредиторларининг биринчи йиғилиши ўтказилмаган бўлсада, биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги важ қилиб келтирилган.

Ҳайъат "Алвон" хусусий корхонасининг назорат тартибидаги шикоятини кўриб чиқиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб ишни янгидан биринчи инстанция судида кўриш тўғрисида қарор қабул қилган.

Ҳайъат бундай хуносага келишда Қонун 71-моддасининг биринчи қисмига асосланган.

Қонун 71-моддасининг биринчи қисмида кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги тўғрисида иқтисодий суд чиқарган ажримда иқтисодий суд мажлисини ўтказишнинг белгиланган санасига камида беш кун муддат қолганида ўтказилиши лозимлиги белгиланган.

## **5.9. Расмий нашрда кузатув таомили жараёни ҳақида эълон қилинган маълумотларда банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш бўйича суд мажлиси ўтказиладиган сана кўрсатилади.**

"Нодира" хусусий корхонаси (кейинчалик мисол матнида "Хусусий корхона" деб юритилади) "Жасур" МЧЖни (кейинчалик мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) банкрот деб топишни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2017 йил 29 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

МЧЖ кредиторларидан бири бўлган якка тартибдаги тадбиркор Рашидов Олим 2017 йил 16 декабрда назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган. Унинг шикоятида ҳал қилув қарорини бекор қилишга МЧЖ муваққат бошқарувчисининг унга нисбатан кузатув таомили жорий этилганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида берган эълонида суд мажлиси ўтказиладиган сана кўрсатилмаганлиги ва суднинг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш тўғрисидаги суд ажримини кеч олганлиги сабабли ҳал қилув қарори қабул қилинган кундаги суд мажлисида иштирок этолмаганлиги важ қилиб келтирилган.

Ҳайъатда якка тартибдаги тадбиркор Рашидов Олимнинг назорат тартибидаги шикояти асосида иш қайта кўриб чиқилган.

Ҳайъатда ишни кўриш жараёнида аниқланишича, биринчи инстанция судининг 2017 йил 2 августдаги ажрими билан Хусусий корхонанинг аризаси иш юритишга қабул қилиниб, МЧЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили жорий этилиб, иш бўйича муваққат бошқарувчи тайинланган. Мазкур ажрим билан ишни кўриш 2017 йил 29 сентябрга тайинланган ва муваққат бошқарувчи зиммасига иш бўйича кузатув таомили жорий этилганлиги билан боғлиқ маълумотларни Қонуннинг 52-53-моддаларида белгиланган тартиба эълон қилиш вазифаси юклатилган.

Муваққат бошқарувчи томонидан “Солиқ инфо” газетасининг 2017 йил 17 августдаги сонида МЧЖга нисбатан банкротликнинг кузатув таомили жорий қилиниб, муваққат бошқарувчи этиб С.Йўлдошев тайинланганлиги ва кредиторлар эълон чиқсан кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида МЧЖга нисбатан ўз талабларини билдиришлари мумкинлиги ҳамда 2017 йил 18 сентябрда ўтказиладиган кредиторлар биринчи йиғилиши кун тартибидаги масалалар юзасидан эълон берилган. Аммо эълонда банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш бўйича суд мажлисининг иқтисодий суд томонидан белгиланган санаси кўрсатилмаган.



Ваҳоланки, "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун 53-моддасининг бешинчи қисмига биноан банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги эълон қилинган маълумотларда қуийдагилар бўлиши лозим:

- қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;
- суд ҳужжатини қабул қилган иқтисодий суднинг номи, шу суд ҳужжати қабул қилинган сана ва жорий қилинган банкротлик таомили номи, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишнинг тартиб рақами;
- тайинланган суд бошқарувчисининг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг почта манзили;
- банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш бўйича кейинги суд мажлисининг иқтисодий суд томонидан белгиланган санаси;
- ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа ахборот.

Шу сабабли Ҳайъат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

## **5.10. Тугатишга доир иш юритиш муддати бир йилдан ошиб кетганда, ушбу муддат ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига биноан ёки суднинг ташаббусига кўра ажрим билан узайтирилади.**

Қарздор "Достон сервис" АЖ (кейинчалик мисол матнида "АЖ" деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, ўзини (АЖни) банкрот деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 20 октябрдаги ҳал қилув қарори билан АЖ банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб 1-тоифали суд бошқарувчиси А.Суннатов тайинланган. Тугатиш бошқарувчисининг зиммасига АЖни тугатишга доир иш юритиш таомилини қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга ошириш ҳамда тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот тақдим этиш юклатилган.



Тугатиш бошқарувчиси томонидан 2017 йил 28 октябрда тугатиши доир иш юритишиң үтказиши натижалари бүйіча ҳисобот тақдим этилған.

Аммо суднинг 2017 йил 3 ноябрдаги ажрими билан тугатиши бошқарувчиси томонидан қарздорнинг мол-мұлкларини аниқлаш бүйіча амалға оширилған ишларни тасдиқловчи далиллар түлиқ тақдим этилмаганлығы учун ҳисобот асоссиз деб топилған ва суд тугатиши доир иш юритиши тамомлашни рад этиш ҳақида ажрим чиқарып, камчиликтарни бартараф этишни талаб қылған.

АЖ кредиторларидан бири бўлган "Хумоюн" хусусий корхонаси 2017 йил 12 ноябряда назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган. Шикоятда суд ҳужжатини бекор қилиш учун ҳал қилув қарорида тугатиши доир иш юритишиң үтказиши натижалари бүйіча ҳисобот тақдим этиш муддати аниқ кўрсатилмаганлығи натижасида тугатиши бошқарувчиси томонидан ушбу ҳисобот тугатиши доир иш юритишининг бир йиллик муддати үтгандан кейин тақдим этилғанлығи ва у ҳам суд томонидан асоссиз деб топилғанлығи сабабли ҳозирги кунга қадар ҳисобот тақдим этилмаганлығи, ҳатто тугатиши доир иш юритиши муддати ўтиб кетган бўлсада, суд томонидан тугатиши доир иш юритиши муддатини узайтириш тўғрисида ажрим ҳам чиқарилмаганлығи асос қилиб келтирилған. Шунингдек, шикоятда суд томонидан тугатиши доир иш юритиши муддатини узайтириш тўғрисида ажрим чиқарилмаганлығи ва ушбу ажрим билан ҳисоботни тақдим этиш муддати белгиланмаганлығи натижасида банкротлик ишини кўриш муддати асоссиз равишда ҷўзилиб кетаётганлығи қайд этилған.

Шу сабабли Ҳайъатнинг 2017 йил 1 декабрдаги қарори билан шикоят қисман қаноатлантирилиб, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг хulosаса қисми "Тугатиши бошқарувчиси зиммасига АЖни тугатиши доир иш юритиши натижалари ҳақидаги ҳисоботни 2017 йил 15 декабря қадар судга тақдим этиш мажбурияти юклатилсин" деган жумла билан тўлдириш орқали ҳал қилув қарори ўзgartирилған. Банкротлик ишини кўраётган судьяга нисбатан суд ҳужжатини



расмийлаштиришда йўл қўйган хатоси ва қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисида ажрим чиқармаганлиги учун хусусий ажрим чиқарилган.

## **5.11. Суднинг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида тугатиш бошқарувчиси зиммасига қасдан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хulosани тақдим этиш мажбурияти юклатилади.**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан бўён матнда "банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи" деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, қарздор "Ардус" МЧЖни (кейинчалик мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) банкрот деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 23 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Э. Намозов тайинланган. Тугатиш бошқарувчиси зиммасига тугатишга доир иш юритиш таомилини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларни инобатга олган ҳолда уларда белгиланган талаблар асосида амалга ошириш ва тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот тақдим этиш юклатилган.

Тугатишга доир иш юритиш таомили жараёнида 2017 йил 2 февралда МЧЖ кредиторларидан бири бўлган "Нафис" хусусий корхонаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришни сўраган. Унинг шикоятида ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ҳал қилув қарорида тугатиш бошқарувчиси зиммасига МЧЖни қасдан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хulosани тақдим этиш мажбурияти юклатилмаганлиги, бу эса банкротлик ишининг



қонун ҳужжатлари талаблари асосида кўрилмаётганлигига ва кредиторларнинг манфаатлари бузилишига олиб келаётганлиги асос қилиб келтирилган.

Ҳайъат “Нафис” хусусий корхонасининг назорат тартибидаги шикоятига асосан ишни кўриб чиқиб, ҳал қилув қарорини ўзgartирishни лозим топган.

Ҳайъат бундай хulosага келишида Пленум 142-сонли қарори 13.3-бандининг саккизинчи хатбошисида берилган тушунтиришларга асосланган.

Мазкур Пленум қарори 13.3-бандининг саккизинчи хатбошисига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарори билан тасдиқланган “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш Қоидалари”нинг 25-бандига мувофиқ қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш хўжалик суди томонидан қарздор банкрот деб эътироф этилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлангандан кейин амалга оширилиши боис, судлар қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида суд бошқарувчисига банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хulosани тақдим этиш мажбурияти юкланиши тўғрисида кўрсатишлари лозим.

Шу сабабли Ҳайъатнинг 2017 йил 1 декабрдаги қарори билан шикоят қисман қаноатлантирилиб, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг хulosса қисми “Тугатиш бошқарувчиси зиммасига МЧЖни қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хulosани тақдим этиш мажбурияти юклатилсан”, деган жумла билан тўлдириш орқали ўзgartирилган.



## 5.12. Банкротлик иши бүйича кредитор суд бошқарувчисининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни ноқонуний деб ҳисобласа, у бундай ариза билан банкротлик ишини кўрган иқтисодий судга эмас, балки маъмурий судга мурожаат этишга ҳақли. Акс ҳолда, иқтисодий суд даъво аризасини ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қабул қилишни рад этади.

“Одил М” МЧЖ (кейинчалик мисол матнида “МЧЖ” деб юритилади) ўзининг кредиторлари олдида шартномавий муносабатлардан келиб чиққан пул мажбуриятларини бажара олмаганлиги натижасида “Салим” хусусий корхонасидан 126 230 000 сўм ва “Асал” МЧЖдан 258 460 000 сўм қарз бўлиб қолган. Бундан ташқари, МЧЖнинг “Парвина банк” АТБдан олган кредити бўйича кредит тўловлари ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги учун 49 200 000 сўм кредит қарзи ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан 42 456 000 сўм қарздорлиги мавжуд бўлган.

Шу сабабли МЧЖ ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Р.Ҳамдамов тайинланган.

Тугатиш бошқарувчиси Р.Ҳамдамов томонидан судга 2017 йил 6 январда МЧЖни тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот тақдим этилган. Мазкур ҳисоботда МЧЖнинг кредиторлари сифатида ДСИ, “Парвина банк” АТБ, “Салим” хусусий корхонаси ва “Асал” МЧЖ кредиторлар талаблари реестрига киритилганлиги, МЧЖнинг аниқланган мол-мулки баҳолаш ташкилоти томонидан 226 000 000 сўмга баҳоланганлиги, улар кўчмас мулк бўлиб мулкий мажмуа сифатида аукцион савдоларига сотувга чиқарилганлиги, бироқ уларга харидор чиқмаганлиги маълум қилинган. Тугатиш бошқарувчиси кредиторларга ушбу кўчмас мулкни кредиторлик қарзи эвазига қабул қилишни ва ўртадаги тафовутни тўлаб беришни таклиф қилганлиги, аммо кредиторлардан



күчмас мулкни қарз әвазига қабул қилиб олиш юзасидан таклифлар тушмаганлиги қайд этилган. Шунингдек, күчмас мулк кредиторлар томонидан кредиторлик қарзи әвазига қабул қилиб олинмаганлиги учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан туман ҳоким-лигига топширилғанлиги билдирилган.

Суд 2017 йил 11 январда тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритишни үтказиш натижалари бүйіча ҳисоботини күриб чиқиб, МЧЖни тугатишга доир иш юритишни тамомлаш түрісіде ажрим чиқарған.

Шундан сүнг, МЧЖ кредиторларидан бири бўлган "Асал" МЧЖ 2017 йил 2 апрелда МЧЖ тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритиш жараёнидаги хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топишни сўраб, биринчи инстанция судига ариза билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди "Асал" МЧЖнинг аризасини күриб чиқиб, 2017 йил 7 апрелда аризани қабул қилишни рад этиш түрісіде ажрим чиқарған.

Суд бундай хulosага келишда Пленум 142-сонли қарорининг 14-бандига асосланиб, ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига таянган ҳолда аризани қабул қилишни рад этган.

Мазкур Пленум қарорининг 14-бандига кўра суд бошқарувчисининг ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида кредиторларга ёки қарздорнинг мол-мулкига зарар етказилган тақдирда, кредиторлар ва қарздор даъво билан умумий юрисдикция судига мурожаат этишга ҳақли.

"Асал" МЧЖ биринчи инстанцияси судининг ажримидан норози бўлиб 2017 йил 12 октябрда назорат тартибидаги шикоят билан Ҳайъатга мурожаат қилган.

Ҳайъат ўзининг 2017 йил 17 декабрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2018 йил 7 апрелдаги аризани қабул қилишни рад этиш түрісідаги ажрими асосли чиқарилган деб ҳисоблаб, уни ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.



## 5.13. Қарздор МЧЖнинг ягона таъсисчиси томонидан устав фондини кўпайтириш учун натура шаклида киритилган мол-мулклар МЧЖ балансига олинмагандан ва банкротлик иши доирасида қарздор кредиторларининг талабларини қаноатлантириш мақсадида тугатиш бошқарувчиси томонидан ундирувни ушбу мол-мулкларга қаратиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилинганда, мазкур низо корпоратив низо эканлигидан келиб чиқиб, суд ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосан ариза бўйича иш юритишни тугатмайди.

“Одил сервис” МЧЖнинг (кейинчалик мисол матнида “МЧЖ” деб юритилади) “Расул” АЖ (кейинчалик мисол матнида “АЖ” деб юритилади) олдида 2016 йил 15 марта тузилган хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича 286000000 сўм қарздорлиги вужудга келган. АЖ томонидан МЧЖга кўрсатилган хизматлар учун 286000000 сўм тўловни тўлаб бериш тўғрисида юборилган талабномалар оқибатсиз қолдирилган. Шу сабабли суднинг МЧЖдан АЖ фойдасига 286000000 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган. Аммо суд ҳужжати МЧЖнинг пул маблағлари ва мол-мулки мавжуд бўлмаганлиги учун давлат ижрочиси томонидан ижросиз қайтарилиган.

Шу боис АЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, қарздор МЧЖни банкрот деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 19 июлдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Д.Ҳамидов тайинланган ва унинг зиммасига МЧЖни тугатишга доир иш юритишни қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга ошириш ва тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот тақдим этиш юклатилган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида тугатиш бошқарувчиси томонидан МЧЖнинг молия-хўжалик фаолияти таҳлил қилинганда,



МЧЖ якка шахс томонидан ташкил этилғанлиги ва унинг устав фонди 2015 йил 16 февралда 45 500 000 сүмдан 850 500 000 сүмга күпайтирилғанлиги аниқланган. МЧЖнинг устав фонди техника воситалари ҳисобидан күпайтирилған. Аммо МЧЖнинг ягона таъсисчиси ва раҳбари бўлган Л.Расулов ўзига қарашли бўлган техника воситаларини, яъни "МТЗ-80" русумли тракторни, "Нексия" русумли автомобильни ва "Камаз" русумли автокранни МЧЖ балансига олмаган ва МЧЖ номига давлат рўйхатидан ҳам ўтказмаган.

Шу сабабли тугатиш бошқарувчиси МЧЖ таъсисчиси Л.Расуловга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кредиторлар олдидаги қарздорликни қоплаш учун ундирувни "МТЗ-80" русумли трактор, "Нексия" русумли автомобиль ва "Камаз" русумли автокранга қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 11 январдаги ажрими билан ариза бўйича иш юритиш тугатилган.

Суд ариза бўйича иш юритишни тугатиша ХПК 86-моддасининг 1-бандига таянган. Яъни суд юқоридаги техника воситалари фуқаро Л.Расуловга тегишли бўлғанлиги учун мазкур низо хўжалик суди судловига тааллуқли эмас, деган хуносага келган.

Ваҳоланки, мазкур ҳолатда Л.Расулов МЧЖнинг ягона таъсисчиси бўлган ва у устав фондига улуш сифатида киритилиши белгиланган мол-мулкларни МЧЖ балансига олмаган. Бу ҳолат устав фондини шакллантириш билан боғлиқ бўлғанлиги сабабли корпоратив низо ҳисобланади ва у иқтисодиёт судида кўриб чиқилади.

Шу сабабли Ҳайъатнинг 2017 йил 19 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2017 йил 11 январдаги ажрими бекор қилинниб, ариза янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.



## **5.14. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида ҳозир бўлмаган қарздорнинг бошқа ташкилотларда дебиторлик қарзи мавжудлигининг аниқланиши банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиб, банкротликнинг умумий таомилига ўтиш учун асос бўлмайди.**

ДСИ "Жўрабек сервис" АЖнинг (кейинчалик мисол матнида "АЖ" деб юритилади) молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилганда, унинг 2017 йил 16 май ҳолатига 256 160 000 сўм солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжудлигини аниқлаган. ДСИ-нинг 256 160 000 сўм солиқ қарзи бўйича ундирувни АЖнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида судга киритган аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, суд ҳужжатига асосан ижро варақалари берилган. Аммо ушбу ижро варақалари қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклари аниқланмаганлиги сабабли ижросиз қайтарилиган.

Шу сабабли ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, АЖни банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топишини сўраган.

Суднинг 2017 йил 16 августдаги ҳал қилув қарори билан қарздор соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган. АЖни тугатишга доир иш юритишни олиб бориш учун 4-тоифали суд бошқарувчиси С.Рахимов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Тугатишга доир иш юритиш таомилини амалга ошириш жараёнида тугатиш бошқарувчисининг сўровномаси юборилган ташкилотлар орасида "Лобар" МЧЖнинг АЖдан 6 500 000 сўм дебитор қарздорлиги мавжудлиги аниқланган.

Шу сабабли суднинг 2017 йил 10 октябрдаги ажрими билан АЖга нисбатан банкротликнинг соддалаштирилган таомили бекор қилинган ва умумий таомилга ўтказилган.

Бироқ АЖ суднинг мазкур ажримидан норози бўлиб 2018 йил 29 январда назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қилган.

АЖнинг назорат тартибидаги шикоятига асосан иш Ҳайъатда кўриб чиқилиб, биринчи инстанция судининг 2017 йил 10 октябр-



даги ажрими бекор қилинган ва банкротлик иши биринчи инстанция суди томонидан банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари асосида күриб чиқилиши лозимлиги тұғрисида күрсатма берилган.

Хайъатнинг қарорида биринчи инстанция судининг 2017 йил 10 октябрдаги ажримини бекор қилиш учун қуйидагилар асос қи-либ келтирилган.

Қонун 189-моддасининг бешинчи қисмiga биноан тугатиш бошқарувчisi ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мulkini аниқлаган тақдирда иқтисодий суд мазкур бошқарувчининг илтимосномасига биноан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг ушбу Қонунда назарда тутилган умумий таомилларига ўтиш тұғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мulki мавжудлиги аниқланганлиги сабабли банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиб, банкротликнинг умумий таомилларига ўтказишдан мақсад аниқланган мол-мulkni баҳолаш, кимошди савдосига қўйиладиган мол-мulkni сотишда унинг бошланғич нархини кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси билан келишилган ҳолда белгилаш ва уни ўрнатилган тартибда кимошди савдоси орқали сотишдан иборат. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг дебиторлик қарзи мавжудлиги аниқланганда эса суд бошқарувчисидан бундай ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилмайди. Шу боис банкротликнинг соддалаштирилган таомилини банкротликнинг умумий таомилларига ўтказиш учун асос бўлмайди.

Шу сабабли Ҳайъат Қонун 189-моддасининг бешинчи қисмiga асосан банкротликнинг соддалаштирилган таомилидан умумий таомилга ўтиш учун ҳозир бўлмаган қарздорнинг дебиторлик қарзлари эмас, балки унинг кўчар ёки кўчмас мол-мulkinинг мавжудлиги аниқланган бўлиши талаб этилади деб ҳисоблаган.



## **5.15. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздор томонидан кредиторларнинг талаблари реестридаги барча талаблар қондирилса ва унинг ўз хўжалик фаолиятини давом эттиришга имконияти мавжуд бўлса, суд банкротлик иши бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва унда корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори ижро этилмаслиги кўрсатилади.**

“Валижон ЛТД” АЖ (кейинчалик мисол матнида “АЖ” деб юритилади) кредиторлари олдида шартномавий муносабатлардан келиб чиқсан пул мажбуриятларини бажара олмаганлиги натижасида “Дурдона” хусусий корхонасидан 52 650 000 сўм ва “Нодира” МЧЖдан 85 500 000 сўм қарз бўлиб қолган. Шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан 6 520 000 сўм қарздорлиги мавжуд бўлган.

Шу сабабли кредитор “Нодира” МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, АЖни банкрот деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 12 февралдаги ҳал қилув қарори билан АЖ банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Н.Рустамов тайинланган.

Тугатиш бошқарувчиси томонидан 2017 йил 5 декабрда судга корхонани тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот тақдим этилган. Мазкур ҳисоботда корхонани тугатиш жараёнида АЖга тегишли ишлаб чиқариш цехи, омборхона ва бошқа кўчмас мулкларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш орқали кредиторлар – ДСИ, “Дурдона” хусусий корхонаси ва “Нодира” МЧЖдан бўлган қарздорликлар тўлиқ тўлаб берилиб кредиторларнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилганлиги, суд харажатлари қопланганлиги, шу билан биргаликда корхонанинг тўлов қобилияти тўлиқ тикланганлиги маълум қилиниб, суддан банкротлик иши бўйича иш юритишни тугатиш сўралган.

Суднинг 2017 йил 10 декабрдаги ажрими билан тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритишни ўтказиш



натижалари бүйіча ҳисоботи күриб чиқилиб, корхона томонидан барча кредиторлар талаблари қаноатлантирилғанлығы, суд харажатлари түлиқ тұланғанлығы ва унинг түлов қобиляти тикланғанлығы учун иш бүйіча иш юритиш тугатилған.

Бирок биринчи инстанция суди АЖ барча кредиторлар талабларини қондирған ва у үз хұжалик фаолиятini давом эттиришга имконияти мавжудлигидан келиб чиқиб банкротлик иши бүйіча иш юритишни тугатиш түғрисида ажрим чиқарған бўлсада, ажримда АЖни банкрот деб топиш түғрисида 2017 йил 12 февралда қабул қилинган ҳал қилув қарори ижро этилмаслиги кўрсатилмаган.

Шу сабабли АЖ 2018 йил 14 апрелда назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиб, биринчи инстанция судининг 2017 йил 10 декабрдаги ажримини үзгартиришни ва унда АЖни банкрот деб топиш түғрисида 2017 йил 12 февралда қабул қилинган ҳал қилув қарори ижро этилмаслигини кўрсатишни сўраган.

Ҳайъатнинг 2018 йил 21 майдаги қарори билан АЖнинг назорат тартибидаги шикояти қаноатлантирилиб, биринчи инстанция судининг 2017 йил 10 декабрдаги ажримининг хulosаса қисми "АЖни банкрот деб топиш түғрисида 2017 йил 12 февралда қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ижро этилмасин" деган жумлани қўшиш орқали үзгартирилган.

Ҳайъат бундай хulosага келишда Пленум 142-сонли қарорининг 25-бандига асосланған.

Мазкур Пленум қарорининг 25-бандига кўра тугатишга доир иш юритиш жараёнида кредиторларнинг талаблари реестрига киритилған барча талаблар қондирилғанда ва қарздорнинг үз хұжалик фаолиятini давом эттиришга имконияти мавжуд бўлганда, тугатиш бошқарувчиси тақдим этган ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари бүйіча хұжалик суди банкротлик түғрисидаги иш бүйіча иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради ва унда қарздорни банкрот деб топиш түғрисидаги ҳал қилув қарори ижро этилмаслиги кўрсатилади.



## 5.16. Банкротлик иши бүйича қарздорнинг кредиторлардан ташқари, ўзининг ходимлари иш ҳақи бүйича ҳам қарздорлиги мавжуд бўлганда, суд кредиторлар ва МЧЖ ўртасида тузилган келишув битимини тасдиқлашни рад этади.

“Висол” МЧЖ (кейинчалик мисол матнида “МЧЖ” деб юритилади) ўз ходимлари иш ҳақидан 2 562 700 сўм, “Зилола” хусусий корхонасидан 15 650 000 сўм ва “Дунё” МЧЖдан 56 500 000 сўм қарз бўлиб қолган. Шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан 4 520 000 сўм қарздорлиги мавжуд бўлган. МЧЖ тўлов қобилиятига узоқ вақт давомида эга бўлмай қолганлиги сабабли кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажара олмаган.

Шу сабабли кредитор “Дунё” МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖни банкрот деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 16 мартағи ҳал қилув қарори билан МЧЖ банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Р.Зафаров тайинланган.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида МЧЖга тегишли унинг маъмурӣ биноси, ишлаб чиқариш цехи, ишлаб чиқариш ускуналари мавжудлиги аниқланган. Тугатиш бошқарувчиси кредиторларга мурожаат қилиб, МЧЖнинг ушбу кўчар ва кўчмас мулкларини кредиторлик қарзлари эвазига қабул қилиб олиш орқали келишув битимини тузишни таклиф этган. Тугатиш бошқарувчининг келишув битими тузиш ҳақидаги таклифи кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилиб, кредиторлар томонидан келишув битими тузишга розилик бериш ҳақида қарор қабул қилинган. Натижада тугатиш бошқарувчиси ва кредиторлар, жумладан МЧЖнинг иш ҳақи бўйича ҳақдор бўлган ходимлари ўртасида келишув битими тузилган.

Пленум 142-сонли қарори 31-бандининг биринчи хатбошисида берилган тушунтиришларга мувофиқ келишув битими суднинг 2017 йил 12 июлдаги ажрими билан тасдиқланган ва ушбу ажрим билан банкротлик иши бўйича юритиш тугатилган.



Прокуратура назорат тартибидаги протест билан мурожаат қилиб мазкур ажримни бекор қилишни сұраган.

Хайъатнинг 2017 йил 16 августдаги қарори билан прокуратураның протести қаноатлантирилиб, биринчи инстанция судининг иш юритишни тугатиши түғрисидеги ажрими бекор қилинган ва банк-ротлик иши бүйіча тугатишиңа доир иш юритиш таомили тикланған.

Хайъат бундай хуносага келишдә Пленум 142-сонлы қарори 32-бандининг түртінчи хатбошисига асосланған.

Мазкур Пленум қарори 32-бандининг түртінчи хатбошисига күра иш ҳақи бүйіча қарзнинг мавжудлиги хұжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлашни рад этиш учун асос бўлади.

## 6 - БОБ

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БИЛАН  
БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА  
СУД АМАЛИЁТИ



## 6.1. МЧЖ иштирокчиси бўлмаган шахс иштирокчини жамиятдан чиқариш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилганда ушбу талабни қаноатлантириш рад этилади.

2013 йил 7 июнда фуқаролар Исомов Зухриддин Паттаевич ва Зиёдов Одилбек Кариевичлар томонидан "Данғара" МЧЖ (бундан буён мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан буён мисол матнида "Инспекция" деб юритилади) томонидан 2013 йил 15 июнда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 3 000 000 сўм миқдорида белгиланиб, унда З.Исомов 1 500 000 сўм ёки 50 фоиз, О.Зиёдов 1 500 000 сўм ёки 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчилари томонидан 2013 йил август ойида ўтказилган умумий йиғилишда З.Исомов ўзининг МЧЖ устав фондидаги 50 фоиз улусидан О.Зиёдов фойдасига воз кечганлигини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Бундан ташқари, З.Исомовнинг 2013 йил 6 августдаги аризасида МЧЖ устав фондидаги 50 фоиз, яъни 1 500 000 сўм қийматдаги улушкини О.Зиёдовга текинга беришини ва МЧЖдан чиқишини маълум қилган ва ариза нотариал тартибда тасдиқланган.

2013 йил 15 октябрда МЧЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисидаги 5-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, уставда МЧЖ устав фондига О.Зиёдов томонидан 50 фоиз, яъни 30 000 000 сўм улуш ва Норбоев Усмон Ўринович томонидан 50 фоиз, яъни 30 000 000 сўм улуш киритилиши белгиланган. Мазкур устав 2013 йил 18 октябрда Инспекция томонидан рўйхатдан ўтказилган.

З.Исомовнинг МЧЖдан чиқиш ва МЧЖ устав фондидаги 50 фоиз улушкини О.Зиёдовга текинга бериш ҳақида 2013 йил 6 августдаги аризасини бекор қилиш ҳақида 2014 йил 14 декабрдаги аризаси нотариал тартибда тасдиқланган.



Шу сабабли З.Исомов жавобгарлар О.Зиёдов ва У.Норбоевга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда О.Зиёдов томонидан имзоланган тилхатда О.Зиёдов З.Исомовдан олинган пуллар қайтарилимаган тақдирда, МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улушкини З.Исомовга қайтариши ва ўзига тегишли бўлган Фарфона вилояти, Ўзбекистон тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 19-йда жойлашган хонадонни З.Исомовнинг номига рамийлаштириб бериши кўрсатилганлиги, бироқ ушбу тилхатда қайд этилган ҳолатлар амалга оширилмаганлиги баён этилиб, жавобгарлар О.Зиёдов ва Ў.Норбоевни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳал қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган. Биринчи инстанция суди даъво талабини қаноатлантириб, нотўғри хulosага келган.

Чунки "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камидаги ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишининг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори З-бандининг иккинчи хатбоисида хўжалик ширкати ва жамиятни қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, юридик шахс мақомини олганидан сўнг унда ўз улуши (пайи, ҳиссаси)га эга бўлган юридик ва (ёки) жисмоний шахс ушбу хўжалик ширкати ва жамиятнинг иштирокчиси ҳисобланниши ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу ҳолда З.Исомов томонидан даъво аризаси судга тақдим этилган вақтда амалда бўлган МЧЖ уставига кўра З.Исомов МЧЖда улушга эга бўлмаган ва МЧЖ иштирокчиси ҳисобланмаган.



Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириши рад этишній лозим топган.

## **6.2. МЧЖ иштирокчиси томонидан МЧЖга нисбатан берилған үзини жамиятдан чиқариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилингандың бундай талабни қаноатлантириш рад қилиниши керак.**

2014 йил 8 июлда фуқаролар Мирзаханов Низомиддин Салохович, Солиев Элдор Анварович ва Қодиров Ином Икромович томонидан “Замон” МЧЖ (бундан буён мисол матнида “МЧЖ” деб юритилади) ташкил этилған бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан буён мисол матнида “Инспекция” деб юритилади) томонидан 2014 йил 16 июлда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 50 000 000 сўм миқдорида белгиланиб, унда Н.Мирзаханов 15 000 000 сўм ёки 25 фоиз, Э.Солиев 15 000 000 сўм ёки 25 фоиз, И.Қодиров 30 000 000 сўм ёки 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчиси И.Қодиров МЧЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда МЧЖ иштирокчилари Н.Мирзаханов ва Э.Солиевлар томонидан бир неча маротаба умумий йиғилиш чақирилиб, фойданитақсимлаш масаласи кўриб чиқилган бўлса-да, у йиғилиш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинмаганлиги, бу билан унинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва манфаатлари бузилаётганлиги баён этилиб, үзини МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришины сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 16 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Биринчи инстанция суди даъво талабини қаноатлантиришда ФК 223-моддасининг биринчи - тўртинчи қисмларига асосланиб, нотўғри хulosага келган.



Чунки ФК мазкур моддасининг биринчи - тўртинчи қисмларида улушки мулқадиги мол-мулк иштирокчилар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланиши мумкинлиги, улушки мулк иштирокчиси ўз улушкини умумий мол-мулқдан ажратиб беришни талаб қилишга ҳақлилиги, улушки мулк иштирокчилари умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки улардан бирининг улушкини ажратиш усули ва шартлари тўғрисида келишувга эриша олмасалар, улушки мулк иштирокчиси ўз улушкини асл ҳолида ажратиб беришни суд орқали талаб қилишга ҳақлилиги белгиланган.

Бироқ суд "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисига асосан жамият иштирокчилари жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибида исталган вақтда жамиятдан чиқишга ҳақли эканлигига эътибор қаратмаган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 21-бандида МЧЖ иштирокчиси томонидан жамиятга нисбатан берилган ўзини жамиятдан чиқариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилинганда, бундай талабни қаноатлантириш рад қилиниши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

### **6.3. МЧЖнинг соф фойдасини МЧЖ иштирокчилари ўртасида тақсимлаш ва МЧЖни тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киради.**

2015 йил 9 августда фуқаролар Нарзуллаев Хайрулла Сайфуллаевич ва Ҳакимов Усмон Аҳмедович томонидан "Давр-С" МЧЖ



(бундан буён мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан буён мисол матнида Инспекция деб юритилади) томонидан 2015 йил 15 августда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 100 000 000 сўм миқдорида белгиланиб, унда Х.Нарзуллаев 70 000 000 сўм ёки 70 фоиз, У.Ҳакимов 30 000 000 сўм ёки 30 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчиси У.Ҳакимовнинг 2016 йил 26 январдаги 18-сонли қарори билан МЧЖнинг 2015 йилдаги фаолияти якуни бўйича тақсимланган даромадлардан У.Ҳакимовга 80 000 000 сўм дивиденд тўланиши белгиланган.

Шунингдек МЧЖ иштирокчиси У.Ҳакимов 2016 йил 29 апрелда МЧЖни ихтиёрий тугатиш тўғрисида 35-сонли қарор қабул қилган.

МЧЖ иштирокчиси Х.Нарзуллаев МЧЖ ва МЧЖ иштирокчиси У.Ҳакимовга нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, унда МЧЖ уставига кўра тақсимланган даромадлардан дивиденд тўлаш ҳамда МЧЖни ихтиёрий тугатиш масалалари МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарори асосида ҳал этилиши лозим бўлса-да, ушбу масалалар юзасидан МЧЖ иштирокчиси У.Ҳакимовнинг якка ўзи томонидан қарорлар қабул қилинганлиги баён этилиб, МЧЖ иштирокчиси У.Ҳакимов томонидан қабул қилинган 2016 йил 26 январдаги 18-сонли ва 2016 йил 29 апрелдаги 35-сонли қарорларни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 25 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

Чунки "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 30-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш ва жамиятни тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киради.

Бу ерда МЧЖ устав фонди икки иштирокчи томонидан шакллантирилган бўлса-да, У.Ҳакимов Қонун ва МЧЖ устави



талабларига риоя қилмаган ҳолда якка ўзи мустақил МЧЖнинг соғ фойдасини МЧЖ иштирокчилари ўртасида тақсимлаш ва МЧЖни тугатиш түғрисида қарорлар қабул қилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

#### **6.4. МЧЖ ягона иштирокчисининг қарори МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига тенглаштирилганилиги сабабли МЧЖнинг ўзи бундай қарорни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақли эмас.**

2013 йил 10 октябрда фуқаро Ҳамдамов Равшан Камолович томонидан "Ором текс" МЧЖ (бундан буён мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан буён мисол матнида Инспекция деб юритилади) томонидан 2013 йил 16 октябрда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 50 000 000 сўм миқдорида белгиланиб, унда Р.Ҳамдамов 50 000 000 сўм ёки 100 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчиси Р.Ҳамдамов томонидан 2016 йил 11 ноябрда МЧЖни "Саноат импекс" МЧЖга қўшиш түғрисида 20-сонли қарор қабул қилинган.

Мазкур қарорга асосан "Саноат импекс" МЧЖ Инспекцияда рўйхатга олинган ва бу ҳақда гувоҳнома берилган.

Зангига туманлараро иқтисодий судининг 2017 йил 10 январдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Б.Алижонов тайинланган.

Тугатиш бошқарувчиси томонидан МЧЖнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида МЧЖ иштирокчисининг 2016 йил 11 ноябрдаги қарори билан МЧЖ "Саноат импекс" МЧЖга



қўшилганлиги ва қўшиш йўли билан қайта ташкил этилган "Саноат импекс" МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари Инспекциядан рўйхатдан ўтказилганлиги аниқланган.

Шу сабабли МЧЖ тугатиш бошқарувчиси судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчиси Р.Ҳамдамовнинг 2016 йил 11 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 16 мартағи ҳал қилув қарори билан ариза талаби қаноатлантирилган.

Суд томонидан бундай хulosага келишда "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 64-моддасининг учинчи қисми ва 125-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига асосланган.

Мазкур Қонун 64-моддасининг учинчи қисмiga мувофиқ кузатув таомили жараёнида қарздорнинг бошқарув органлари қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишга ҳақли эмас.

Қонун 125-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига кўра хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг мол-мулкини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ ёки унинг мол-мулкини учинчи шахслар фойдаланиши учун топширишга сабаб бўлувчи битимлар тузишга фақат ушбу бобда белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Бироқ МЧЖ ягона иштирокчisinинг қарори жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарори бўлиб ҳисобланади ва шу сабабли "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида"ги Қонун 41-моддасининг биринчи қисмiga асосан бундай қарорни ҳақиқий эмас деб топишни фақат овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчиси талаб қилиши мумкин.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 20 июн-даги 262-сонли қарорининг 20-бандида "Масъулияти чекланган



ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасига асосан жамият бошқарув органининг қарори ушбу қарорни қабул қилиш бўйича овоз берища иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг даъвоси билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги, йиғилишда иштирок этиб, низоли масала юзасидан қабул қилинган қарорни ёқлаб овоз берган шахс ушбу қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга мурожаат қилганда, унинг талабини қаноатлантириш рад этилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бу ерда қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан МЧЖ номидан унинг тугатиш бошқарувчиси мурожаат қилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ариза талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

## **6.5. МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қонун талабларига риоя қилинган ҳолда чақиририлган ва ўтказилган бўлиб, умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво берган МЧЖ иштирокчисининг овози овоз бериш натижаларига таъсир кўрсата олиши мумкин бўлмаса, суд ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиши мумкин.**

2014 йил 10 майда фуқаролар Аҳмедов Аваз Маҳмудович, Дадабоев Дармон Бобоевич, Қорабоев Акрам Сарварович, Садиров Ашир Холматович, Алиев Акмал Раҳматович, "Сардор-С" МЧЖ ва "Дармон" МЧЖ томонидан "Булоқбоши" МЧЖ (бундан бўён мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан бўён мисол матнида "Инспекция" деб юритилади) томонидан 2014 йил 25 майда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.



Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 100 000 000 сўм миқдорида белгиланиб, унда А.Аҳмедов 0,28 фоиз, Д.Дадабоев 0,32 фоиз, А.Қорабоев 0,49 фоиз, А.Садиров 2,96 фоиз, А.Алиев 0,30 фоиз, “Сардор-С” МЧЖ 45,60, фоиз, “Дармон” МЧЖ 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчилари томонидан 2016 йил 20 августда ўтказилган умумий йиғилишда “Мега текстил” МЧЖ томонидан хорижий технология сотиб олиш учун “Агробанк” АТБдан олинадиган 950 000 000 сўм кредит таъминоти сифатида МЧЖга тегишли Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, “Намуна” МФЙ, А.Темур кўчаси, 10-уйда жойлашган бино ва иншоотларни гаровга қўйишга розилик бериш ва керакли ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Йиғилишда МЧЖ иштирокчилари А.Аҳмедов, Д.Дадабоев, А.Қорабоев, А.Садиров ва А.Алиев кун тартибига қўйилган масала юзасидан қабул қилинаётган қарордан норози бўлганликлари сабабли қарши овоз берганлар. Бироқ қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинган.

Шу сабабли МЧЖ иштирокчилари А.Аҳмедов, Д.Дадабоев, А.Қорабоев, А.Садиров ва А.Алиевлар судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчилари томонидан ўтказилган умумий йиғилишда қабул қилинган 2016 йил 20 августдаги қарорни ҳақиқий эмас деб топишни сўраганлар.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 15 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза талаби қаноатлантирилган.

Чунки МЧЖ уставининг 7.5-бандида қонунда қўрсатилган тартибда мулкий, кредит, гаров ва бошқа йирик битимлар тузиш бўйича қарорлар қабул қилиш каби масалаларни ҳал қилиш фақатгина умумий йиғилиш ваколатига кириши, 7.20-бандида умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш тугаганда жами улушларнинг 75 фоизи миқдорига эга бўлган иштирокчилар йиғилганда умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланиши, 7.24-бандида умумий йиғилишда кворум, яъни овоз берувчи иштирокчиларнинг 75 фоизидан кам миқдори қатнашганда йиғилиш ўтказилмаслиги ва умумий йиғилиш ўтказишнинг янги санаси белгиланиши қайд этилган.



Бироқ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишининг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 20 июнданги 262-сонли қарорининг 20.3-бандида масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўрища ишнинг барча ҳолатлари тўлиқ ўрганилиши, даъвогарнинг овози овоз бериш натижаларига қай даражада таъсир кўрсата олиши мумкинлигини аниқлаш лозимлиги, агар ариза берган жамият иштирокчисининг овози овоз бериш натижаларига таъсир кўрсата олиши мумкин бўлмаса ва (ёки) йўл қўйилган қоидабузарлик жиддий бўлмаса ва (ёки) қарор жамиятнинг ана шу иштирокчисига зарар етказмаган бўлса, суд ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бу ерда биринчи инстанция суди томонидан МЧЖнинг таъсис шартномасига асосан МЧЖ иштирокчилари А.Аҳмедовнинг улуши 0,28 фоизни, Д.Дадабоевнинг улуши 0,32 фоизни, А.Қорабоевнинг улуши 0,49 фоизни, А.Садировнинг улуши 2,96 фоизни, А.Алиевнинг улуши 0,30 фоизни ташкил этиши, ушбу ҳолда МЧЖ иштирокчилари томонидан 2016 йил 20 августда ўтказилган умумий йиғилишдаги қарорнинг қабул қилинишида уларнинг жами 4,35 фоиз овозлари овоз бериш натижаларига таъсир кўрсата олмаслиги инобатга олинмаган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ариза талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

## **6.6. МЧЖ иштирокчилари сафига киритилмаган меросхўрни МЧЖ иштирокичилари сафидан чиқариб бўлмайди.**

2015 йил 10 сентябрда фуқаролар Хайруллаев Сайфулла Ибодуллаевич ва Усманов Лазиз Асқарович томонидан "Мароканд" МЧЖ (бундан буён мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) ташкил



этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан бўён мисол матнида "Инспекция" деб юритилади) томонидан 2015 йил 20 сентябрда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 10 000 000 сўм миқдорида белгиланиб, унда С.Хайруллаев 5 000 000 сўм ёки 50 фоиз, Л.Усманов 5 000 000 сўм ёки 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига биноан устав фондининг 50 фоиз улушга эга бўлган иштирокчиси С.Хайруллаев 2016 йилнинг 11 октябрида вафот этган.

2016 йил 25 декабря нотариал тасдиқланган мерос тўғрисидаги гувоҳномага асосан С.Хайруллаев фарзандлари Азимов Сайфиддин Хайруллаевич ва Азимов Сардор Хайруллаевичлар МЧЖ устав фондидағи отаси С.Хайруллаевнинг улушкига teng ҳиссада меросхўр эканликлари белгиланган.

МЧЖ иштирокчиси Л.Усманов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчилари Азимов Сайфиддин Хайруллаевич ва Азимов Сардор Хайруллаевичлар узрли сабабларсиз умумий йиғилишларда қатнашмаётганликлари сабабли уларни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 16 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Биринчи инстанция суди даъво талабини қаноатлантириб, нотўғри хulosага келган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишининг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори З-бандининг иккинчи хатбошисида хўжалик ширкати ва жамияти қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, юридик шахс мақомини олганидан сўнг унда ўз улushi (пайи, ҳиссаси)га эга бўлган юридик ва (ёки) жисмоний шахс ушбу хўжалик ширкати ва жамиятининг иштирокчиси ҳисобланади.

Бу ерда марҳум С.Хайруллаевнинг фарзандлари Азимов Сайфиддин Хайруллаевич ва Азимов Сардор Хайруллаевичлар



2016 йил 25 декабрда нотариал тасдиқланган мерос тўғрисидаги гувоҳномага асосан отаси С.Хайруллаевнинг МЧЖдаги улушига тенг ҳиссада меросхўр бўлсалар-да, бироқ уларни МЧЖ иштирокчилари сафига киритиш ҳақида қарор қабул қилинмаган, тегишли тартибда МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритмаган ҳамда рўйхатдан ўтказилмаган.

Ушбу ҳолат Азимов Сайфиддин Хайруллаевич ва Азимов Сардор Хайруллаевичларни МЧЖ иштирокчилари бўлиб ҳисобланмаслигини англатади.

Шу боис Ҳайъат МЧЖ иштирокчилари ҳисобланмаган шахсларни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқариб бўлмаслигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни, ариза талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

## **6.7. МЧЖнинг ижро этувчи органи МЧЖ иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини МЧЖнинг уставида ва қонунда белгилangan муддатларда чақиришидан бош тортган тақдирда МЧЖ иштирокчисининг даъвосига асосан суднинг қарори билан МЧЖ ижро этувчи органининг зиммасига бундай вазифани бажариш мажбурияти юклатилиши мумкин.**

2014 йил 11 октябрда фуқаролар Абдуманнолов Абдумалик Абдувалиевич, Абдумажидов Бехруз Абдурасулович ва Соипов Алишер Комилович томонидан "Дента сервис" МЧЖ (бундан буён мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан буён мисол матнида "Инспекция" деб юритилади) томонидан 2014 йил 20 октябрда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 20000000 сўм миқдорида белгиланиб, унда А.Абдуманнолов 5000000 сўм ёки 25 фоиз, Б.Абдумажидов 5000000 сўм ёки 25 фоиз, А.Соипов 50 фоиз улушга эга бўлган.



МЧЖ уставнинг 10.4-бандида МЧЖ ҳар йили камида икки марта иштирокчилар умумий йиғилишини ўтказиши шартлиги белгиланган.

МЧЖиширокчилари Абдуманнопов Абдувалиевич, Абдумажидов Беҳруз Абдурасоловичлар томонидан МЧЖ раҳбари (жамиятнинг энг кўп улуш эгаси бўлган иштирокчиси) А.Соиповга ўз улушларини олиш юзасидан 2015-2016-йиллар давомида бир неча маротаба ёзма мурожаат қилинган бўлсада, МЧЖ ижро этувчи органи томонидан бу ҳақда умумий йиғилиш ўтказилмаган, МЧЖ устави ва қонунда белгиланган нормалар ихтиёрий бажарилмаган.

Шу сабабли МЧЖ иштирокчилари Абдуманнопов Абдувалик Абдувалиевич, Абдумажидов Беҳруз Абдурасоловичлар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ зиммасига иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 6 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган. МЧЖнинг ижро этувчи органига кун тартибига МЧЖнинг соф фойдасини МЧЖ иштирокчилари ўртасида тақсимлаш масаласи киритилган ҳолда МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишини 45 кун муддат ичida ўтказиш мажбурияти юкланган.

Чунки "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг уставида белгиланган муддатларда, лекин йилига камида бир марта ўтказилади. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан чақирилади. Жамиятнинг уставида жамият фаолиятининг йиллик натижалари тасдиқланадиган жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш муддати белгиланиши керак. Жамият иштирокчиларининг мазкур умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичida ўтказилиши керак.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир



марта ўзининг соғ фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Шу боис Ҳайъатнинг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

## **6.8. МЧЖ иштирокчисига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги уни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришга асос бўлмайди.**

2015 йил 10 ноябрда фуқаролар Раҳматов Алишер Рахимович ва Солиев Шоҳруҳ Соипович томонидан “Денов транс” МЧЖ (бундан бўён мисол матнида “МЧЖ” деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан бўён мисол матнида “Инспекция” деб юритилади) томонидан 2015 йил 21 ноябрда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 10 000 000 сўм миқдорида белгиланиб, унда А. Раҳматов 5 000 000 сўм ёки 50 фоиз, Ш. Солиев 5 000 000 сўм ёки 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ таъсис шартномасининг 7-бандида жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланиши, бу йиғилишда таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, йиллик ҳисботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини, шунингдек жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш ва жамият фаолиятини тартибга солувчи бошқа масалалар бўйича иштирокчилар иштирок этишлари лозимлиги белгиланган.



Бироқ жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2016 йил 25 августдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан МЧЖ иштирокчиси А.Раҳматов айбли деб топилиб, унга нисбатан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Шу сабабли МЧЖ иштирокчиси Ш.Солиев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ҳозирги кунда А.Раҳматов жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаётгандиги, иштирокчи сифатида МЧЖ фаолиятини амалга оширишда иштирок эта олмаётгандиги сабабли уни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 28 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 34-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ушбу Қонунда, жамиятнинг уставида ва унинг ҳужжатларида белгиланган тартибда ўtkазилади. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби ушбу Қонун, жамиятнинг устави ва ҳужжатлари билан тартибга солинмаган қисмида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамият иштирокчиларининг вакиллари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатни (ишончномани) кўрсатишлари лозим. Жамият иштирокчисининг вакилига берилган ишончнома қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ва нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Бу ерда жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми билан А.Раҳматовга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги уни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришга асос бўлмайди.

Бундан ташқари МЧЖ иштирокчиси А.Раҳматов 2016 йил 30 августда МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишларида иштирок этиши ҳамда МЧЖ таъсис шартномасидаги ўзининг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши учун фуқаро К.Раҳматовга ишончнома берган. Ушбу ишончнома тергов ҳибсонаси бошлиғи томонидан тасдиқланган.



Қолаверса, МЧЖ таъсис ҳужжатларидағи А.Раҳматовнинг манзилига МЧЖ иштирокчиларининг йиғилиши ўтказилиши тўғрисида МЧЖ иштирокчиси Ш.Солиев томонидан хабарнома юборилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар судга тақдим этилмаган.

Шунингдек "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандида белгиланишича ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибида жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш жамият иштирокчиларининг ҳуқуқидир.

Демак, МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишида қатнаши МЧЖ иштирокчисининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Ушбу ҳолда МЧЖ иштирокчисининг умумий йиғилишда қатнашмаганлиги иштирокчини МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришга асос бўлмайди.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

## **6.9. Агар МЧЖ уставида иштирокчининг устав фондидағи улуши унинг меросхўрларига ўтишига ёки улар ўртасида тақсимланишига қолган иштирокчиларнинг розилиги билан йўл қўйилиши назарда тутилган бўлиб, МЧЖнинг қолган иштирокчилари меросхўрларнинг улуш билан МЧЖ таркибиға киришга рози бўлмаса, меросхўрлар МЧЖ таркибиға киритилмайди ва уларга улушнинг ҳақиқий қиймати тўлаб берилади.**

2014 йил 10 ноябрда фуқаролар Назарқулов Раҳим Салимович, Жўраев Комил Алимович ва Файзиев Салоҳиддин Рўзметович томонидан "Караван" МЧЖ (бундан бўён мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан бўён мисол матнида "Инспекция" деб



юритилади) томонидан 2014 йил 20 ноябрда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 15 000 000 сўм миқдорида белгиланиб, унда Р.Назарқулов 5 000 000 сўм ёки 33,4 фоиз, К.Жўраев 5 000 000 сўм ёки 33,3 фоиз, С.Файзиев 5 000 000 сўм ёки 33,3 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖнинг 33,4 фоиз улушкига эга бўлган иштирокчиси Р.Назарқулов 2015 йил 15 январь куни вафот этган.

МЧЖ иштирокчиси К.Жўраевнинг даъво асосан Тошкент вилоят хўжалик (ҳозирда иқтисодий) судининг 2016 йил 6 январдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ иштирокчиси С.Файзиев МЧЖнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётганлиги ҳамда уни жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги асоси билан МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқарилган.

МЧЖнинг ягона иштирокчисига айланган К.Жўраев томонидан 2016 йил 30 апрелда иштирокчилар умумий йиғилиши ўтказилиб, унда МЧЖ иштирокчиси С.Файзиев суднинг ҳал қилув қарорига асосан МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқарилганлигини инобатга олиш, МЧЖ иштирокчиси Р.Назарқуловнинг меросхўри Назарқулов Рашид Раҳимовични МЧЖ иштирокчилари сафига киритишни рад этиш ҳамда меросхўрга МЧЖ иштирокчиси вафот қилиш кунидан олдинги ҳисбот даври учун МЧЖнинг бухгалтерия ҳисботлари маълумотлари асосида аниқланадиган улушнинг ҳақиқий қийматини МЧЖнинг молиявий аҳволидан келиб чиқиб тўлаш, шунингдек МЧЖ иштирокчилари сафидан суднинг ҳал қилув қарори асосида чиқарилган С.Файзиевнинг ва вафот этган Р.Назарқуловнинг улушларини К.Жўраевга тақсимлаган ҳолда МЧЖ уставига тегишли ўзgartишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шу сабабли МЧЖ иштирокчиси Р.Назарқуловнинг меросхўри Назарқулов Рашид Раҳимович судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчиларининг 2016 йил 30 апрелдаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни ва МЧЖ иштирокчиси Р.Назарқуловнинг меросхўри Назарқулов Рашид Раҳимовични МЧЖнинг 33,4 фоиз улушга эга бўлган иштирокчиси деб топишни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2107 йил 10 мартағи ҳал қилув қарори билан ариза талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Чунки МЧЖ уставининг 4.6-бандида жамиятнинг иштирокчиси бўлган фуқаро вафот этган ҳолда жамиятнинг розилиги билан меросхўр жамиятга кириши, жамият меросхўрни ўз таркибига киритишни рад этган ҳолларда эса унинг устав фондидағи улуши иштирокчи вафот этган кундаги ҳақиқий қийматида ҳисоблаб берилиши белгиланган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 20-моддасининг ўн иккинчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи қисмларида белгиланишича, жамиятнинг устав фондидағи (устав капиталидаги) улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтади. Жамиятнинг иштирокчиси бўлган юридик шахс тугатилган тақдирда, унинг кредиторлари билан ҳисоб-китоб тугалланганидан сўнг қолган унга қарашли улуш, агар қонун ҳужжатларида ёки тугатилаётган юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, тугатилаётган юридик шахснинг иштирокчилари ўртасида тақсимланади. Жамиятнинг уставида ушбу модданинг ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларида белгиланган улушнинг ўтиши ва тақсимланишига фақат жамият қолган иштирокчиларининг розилиги билан йўл қўйилиши назарда тутилиши мумкин.

Шу боис Ҳайъат Қонуннинг 20-моддаси ва МЧЖ уставининг 4.6-бандига асосланган ҳолда, яъни жамият иштирокчиси бўлган жисмоний шахснинг меросхўрлари фақат қолган иштирокчиларининг розилиги билан жамият иштирокчилари таркибига киритилиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.



## 6.10. МЧЖ иштирокчисининг МЧЖдан чиқмай туриб, устав фонди даги унинг улушкини сотиб олиш ҳақидаги МЧЖга нисбатан билдириган талаби асоссиз бўлиб, ушбу талаб суд томонидан рад этилиши керак.

2015 йил 12 декабря фуқаролар Салимов Нарзулло Сафоевич, Обидов Олим Бахтиёрович ва Музробов Абдулла Сафарович томонидан "Шеробод нур" МЧЖ (бундан бўён мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан бўён мисол матнида "Инспекция" деб юритилади) томонидан 2015 йил 22 декабря рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 30000000 сўм миқдорида белгиланиб, унда Н.Салимов 10100000 сўм ёки 33,4 фоиз, О.Обидов 10000000 сўм ёки 33,3 фоиз, А.Музробов 10000000 сўм ёки 33,3 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖнинг 33,3 фоиз улушкига эга бўлган иштирокчиси А.Музробов 2016 йил 18 марта МЧЖга ариза билан мурожаат қилиб, унда МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқишига қарор қилганлигини, МЧЖ устав фонди даги ўз улушкини 50000000 сўмга МЧЖга сотишини маълум қилган.

Бироқ МЧЖ томонидан тўлов амалга оширилмаганлиги сабабли МЧЖ иштирокчиси А.Музробов МЧЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖдан устав фонди даги ўзининг 33,3 фоиз улушкининг бозор баҳоси, яъни 50000000 сўмни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 20 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Чунки "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисига кўра жамият иштирокчилари жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъни назар ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқишга ҳақли.



Мазкур Қонун 20-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчى шахсга сотиш ниятида бўлган жамият иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда жамиятнинг қолган иштирокчиларини ва жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Бироқ МЧЖ иштирокчиси А.Музробов МЧЖнинг бошқа иштирокчиларини хабардор қилмасдан фақат МЧЖнинг ўзига 2016 йил 18 марта ариза билан мурожаат қилинган.

Юқорида қайд этилган Қонун 22-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Бунда жамият жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охирги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт, тўққизинчи қисмига кўра улуш (улушнинг бир қисми) жамиятга ўтган пайтдан эътиборан бир йил ичида, агар жамиятнинг уставида камроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, жамият улушнинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлаши ёки худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишининг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 22.2-бандининг учинчى хатбошисида жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчида ўз улуши қийматини суд тартибида ундириш ҳуқуқи қонунда ёки жамият уставида белгиланган муддат ўтганидан сўнг вужудга келиши, агар жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчи ушбу муддатлар ўтмасдан судга мурожаат этса, д axlevo аризасини қаноатлантириш рад этилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Демак Қонун талабига кўра улуш жамиятнинг ҳисобига ўтганидан кейингина иштирокчи улуш ҳақини жамият томонидан тўлаб берилишини талаб қилишга ҳақли.



Бу ерда А.Музробовинг улуши МЧЖ ҳисобига ўтмаган, бугунги кунда ҳам у иштирокчилар сафида турибди. Унинг МЧЖга йўллаган аризаси ҳамда суд мажлисида берган кўрсатмасида ўзига тегишли 33,3 фоиз улуши МЧЖ томонидан у билдирган нархда сотиб олинсагина, МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқиши ҳақида маълум қилинганд.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

**6.11. МЧЖнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва МЧЖ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида МЧЖнинг устав фондига (устав капиталига) ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак. Акс ҳолда МЧЖнинг бошқа иштирокчилари ўз улушкини устав фондига тўлиқ киритмаган иштирокчини МЧЖдан чиқариш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.**

2013 йил 12 декабря фуқаролар Омонов Оқилбек Сафоевич, Маҳматқулов Рустам Азимович ва Тошев Панжи Турапович томонидан "Чироқчи" МЧЖ (бундан буён мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан буён мисол матнида "Инспекция" деб юритилади) томонидан 2013 йил 24 декабря рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фондидан 30000000 сўм миқдорида белгиланиб, унда О.Омонов 11000000 сўм ёки 34 фоиз, Р.Маҳматқулов 10000000 сўм ёки 33,3 фоиз, П.Тошев 10000000 сўм ёки 33,3 фоиз улушга эга бўлган.

Бироқ МЧЖ иштирокчилардан бири О.Омонов МЧЖ устав фондига киритилиши лозим бўлган маблағларни киритмаган ва у МЧЖнинг бошқарувида ҳам иштирок этмаган.



Шу сабабли МЧЖ иштирокчиси П.Тошев ва МЧЖнинг ўзи судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, О.Омонов МЧЖ устав фондига киритилиши лозим бўлган маблағларни киритмаганлиги учун уни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Биринчи инстанция суди МЧЖ иштирокчиси П.Тошевнинг МЧЖ иштирокчиси О.Омоновни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқариш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида нотўғри холосага келган.

Суд бундай холосага келишда даъво аризаси МЧЖ томонидан берилганилигига асосланган.

Бироқ "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузабётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Бу ерда даъво аризаси МЧЖнинг иштирокчиси П.Тошев ва МЧЖ томонидан биргаликда берилган.

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 14-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.

Шу сабабли Ҳайъат ҳал қилув қарорининг МЧЖ иштирокчиси П.Тошевнинг МЧЖ иштирокчиси О.Омоновни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқариш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш қисмини бекор қилиб, ушбу даъво талабини МЧЖ иштирокчи О.Омонов уч йилдан ортиқ вақт мобайнида МЧЖ устав фондига ўз



улушини қўшмаганлиги сабабли қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

## **6.12. МЧЖ бошқарув органининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талаби бўйича жавобгар бўлиб ушбу бошқарув органи эмас, балки МЧЖнинг ўзи ҳисобланиши сабабли даъво талаби иштирокчига эмас, МЧЖга нисбатан киритилганда иштирокчига нисбатан иш юритишни тугатиш мумкин эмас.**

2013 йил 14 декабрда фуқаро Аҳмедов Ғайрат Усманович томонидан "Сардор" МЧЖ (бундан бўён мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан бўён мисол матнида "Инспекция" деб юритилади) томонидан 2014 йил 10 январда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 20000 000 сўм миқдорида белгиланиб, унда Ғ.Аҳмедов 20000 000 сўм ёки 100 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчиси Ғ.Аҳмедов томонидан 2014 йил 23 марта қабул қилинган қарорга асосан М.Муталов 25 фоиз улуш билан МЧЖ иштирокчилари сафига киритилган.

Кейинчалик, М.Муталов МЧЖ устав фондидағи Ғ.Аҳмедовнинг 75 фоиз улушини ҳам ноқонуний йўллар билан, яъни умумий йиғилиш қарорларини қалбакилаштириш орқали ўзлаштириб, 100 фоиз улушга эга бўлган. Ушбу ҳолат жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми билан ўз тасдиғини топган.

Вилоят ҳўжалик (ҳозирда иқтисодий) судининг бошқа иш бўйича 2015 йил 3 ноябрда қабул қилган ҳал қилув қарори билан Ғ.Аҳмедовнинг МЧЖдаги 100 фоиз улуси тикланиб, М.Муталов МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқарилган.



Бироқ М.Муталов суднинг ҳал қилув қарорига асосан МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқарилган бўлса-да, 2015 йил 10 ноябрда якка ўзи МЧЖ иштирокчилар йиғилишининг 14-сонли қарорини қабул қилиб, унда МЧЖга қарашли кўчмас мулкларни гаровга қўйишга розилик берган.

Шу сабабли МЧЖ иштирокчиси F.Аҳмедов судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчиларининг 2015 йил 10 ноябрдаги 14-сонли умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 25 мартағи ҳал қилув қарори билан ариза талабини қаноатлантирилиб, МЧЖ иштирокчиларининг 2015 йил 10 ноябрдаги 14-сонли умумий йиғилиш қарори ҳақиқий эмас деб топилиб, М.Муталовга нисбатан иш юритиш тугатилган.

Суд М.Муталовга нисбатан иш юритишни тугатишда у суднинг ҳал қилув қарори билан МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқарилганигига асосланган.

Бироқ суд МЧЖ иштирокчиларнинг 2015 йил 10 ноябрдаги 14-сонли қарори М.Муталов томонидан имзоланган бўлса-да, МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилиши номидан қабул қилинганигига ётибор қаратмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишининг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 17-бандида акциядорлик жамиятининг бошқарув органларининг (умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, ижроия органи) қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгар бўлиб ушбу бошқарув органлари эмас, балки жамиятнинг ўзи ҳисобланиши, даъво аризасида жавобгар сифатида муайян бошқарув органи кўрсатилганигиги, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёхуд ХПКнинг 38-моддасида (ИПКнинг 45-моддасида) белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда жавобгарни алмаштириш учун асос бўлиши, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг бошқарув органлари қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида берилган даъво аризаларини иш



юритишига қабул қилиш масаласи ҳам худди шу тартибда ҳал этилиши ҳақида тушунтириш берилген.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорининг М.Муталовга нисбатан иш юритиши тугатиш қисмини МЧЖ иштирокчиларнинг 2015 йил 10 ноябрдаги 14-сонли қарори М.Муталов томонидан имзоланган бўлса-да, МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилиши номидан қабул қилингандиги, қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво ҳам иштирокчига эмас, балки МЧЖга нисбатан киритилганигини инобатга олиб бекор қилишни, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

### **6.13. МЧЖ иштирокчилари ва МЧЖ ўртасидаги тақсимланган фойда суммаси ва уни вақтида тўламаганлиги учун неустойка ундириш тўғрисидаги низони ҳал этишда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари қўлланилмайди.**

2013 йил 15 декабрда “Мега текс” МЧЖ, “Техника-С” АЖ ва фуқаро Адилов Шоҳруҳбек Неъматович томонидан “Шамол” МЧЖ (бундан бўён мисол матнида “МЧЖ” деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан бўён мисол матнида “Инспекция” деб юритилади) томонидан 2014 йил 11 январда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 20000000 сўм миқдорида белгиланиб, унда “Мега текс” МЧЖ 10000000 сўм ёки 50 фоиз, “Техника-С” АЖ 5000000 сўм ёки 25 фоиз, Ш.Адилов 5000000 сўм ёки 25 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчиларининг 2014, 2015 ва 2016 йилларда бўлиб ўтган умумий йиғилишларида МЧЖнинг 2014-2016 йиллардаги молиявий натижалари якуни кўриб чиқилиб, МЧЖ томонидан



олинган фойда иштирокчилар ўртасида тақсимланган. Ушбу умумий йиғилиш қарорларига кўра "Техника-С" АЖга устав фондига қўшган улушкига мувофиқ ҳолда 8 500 000 сўм соф фойда ажратилган. Бироқ МЧЖ томонидан "Техника-С" АЖга 8 500 000 сўм соф фойда тўлаб берилмаган.

Шу сабабли "Техника-С" АЖ МЧЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖдан унинг 2014–2016 йиллардаги молиявий натижалари якуни бўйича "Техника-С" АЖга ҳисобланган 8 500 000 сўмни ундиришины сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 24 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантириб, МЧЖдан "Техника-С" АЖ фойдасига 8 500 000 сўм дивиденд ундирилган.

Суд бундай хulosага келишда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 51-моддасининг учинчи қисми, 52-моддаси ва 53-моддасининг биринчи қисмларига асосланган.

Ушбу Қонун 51-моддасининг учинчи қисмига кўра дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўйласлиги лозим.

Қонуннинг 52-моддасига асосан акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Мазкур Қонун 53-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиқсан ҳолда пеня ҳисобланади.

Бу ерда жавобгарнинг ҳуқуқий шакли АЖ эмас балки МЧЖ бўйланлиги сабабли суд "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Рес-



публикаси Қонуни нормаларини эмас, балки "Масъулияти чекланған ҳамда құшымча масъулиятли жамиятлар тұғрисида"ғи Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини құллаши лозим бўлган.

"Масъулияти чекланған ҳамда құшымча масъулиятли жамиятлар тұғрисида"ғи Қонуннинг 25-модасига мувофиқ жамият йилнинг ҳарchorагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тұғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тұғрисидеги қарор жамият иштирокчиларининг умумий ийғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мүлжалланган қисми уларнинг жамият устав фондидағы (устав капиталидагы) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, МЧЖдан "Техника-С" АЖ фойдасига олинган фойдалдан дивиденд эмас, балки тақсимланган 8 500 000 сүм соф фойданы үндериш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

#### **6.14. Акциядорнинг умумий ийғилишда иштирок этиши ва кун тартибига кириллган масалалар юзасидан овоз бериши унинг ҳуқуқи бўлиб, у овоз беришда танловда эркинdir. Шу сабабли унга умумий ийғилиш мұхокамасига кириллган масалалар бўйича овоз бериш мажбуриятини юклash тұғрисида талаб билан мурожаат қилинганда бу талабни қаноатлантириш рад этилади.**

"Сано текс" АЖнинг (бундан буён мисол матнида "АЖ" деб юритилади) 2012 йил 16 январда рўйхатдан ўтган уставига кўра АЖнинг устав фонди 7 330 600 000 сүмни ташкил қилиб, ҳар бирининг номинал қиймати 26 000 сүм бўлган 36 919 дона оддий акциялардан иборат бўлган.

Шундан 7 330 дона акция ёки умумий акцияларнинг 25 фоизи



“Марҳамат” МЧЖ, қолганлари тегишли фуқаролар ўртасида тақсимланган.

АЖнинг кузатув кенгashi томонидан 2015 йил 24 августда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилган бўлиб, ушбу йиғилиш кун тартибига АЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш ва унинг уставини янги таҳрирда қабул қилиш хақида масалалар киритилган.

Йиғилишда умумий акциялар сонининг 0,9 фоизи, яъни 10 дона овоз берувчи акция эгаси бўлган акциядор А.Валиев, умумий акциялар сонининг 13,30 фоизи, яъни 4 420 дона овоз берувчи акция эгаси В.Соҳибов, умумий акциялар сонининг 16,54 фоизи, яъни 4 080 дона овоз берувчи акция эгаси Б.Каримов, АЖнинг номини ўзгартириш ва унинг Уставини янги таҳрирда қабул қилиш масалаларига қарши овоз берган.

Масалалар йиғилишда иштирок этажтан овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланмаганлиги сабабли акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинмасдан қолган.

2015 йил 16 сентябрда ҳам айнан шу масалалар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиб, ушбу мажлисда ҳам юқоридаги ҳолат такрорланиб, акциядорлар А.Валиев, В.Соҳибов ва Б.Каримовлар кун тартибидаги масалаларга қарши овоз берган.

2015 йил 6 октябрда АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиб, унинг кун тартибиغا аввалги масалалар такроран қўйилган.

Бироқ йиғилишда акциядорлар А.Валиев, В.Соҳибов ва Б.Каримовлар АЖнинг номини ўзгартириш ва унинг уставини янги таҳрирда қабул қилиш масалаларига учинчи маротаба қарши овоз берган.

Натижада акциядорлар умумий йиғилишида муҳокамага қўйилган масалалар йиғилишда иштирок этажтан овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулламаганлиги сабабли масалалар ўз ечимини топмаган.

Шу сабабли умумий акциялар сонининг 2,80 фоизи, яъни овоз берувчи 690 дона акция эгаси бўлган акциядор С.Холматов суда



даъво аризаси билан мурожаат қилиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритилган масалаларда акциядорлар А.Валиев, В.Соҳибов ва Б.Каримовларга "ёқлайман" деб овоз бериш хақида мажбурият юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 15 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Чунки "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига кўра акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Мазкур Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Қонунга ва жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуки билан иштирок этиши мумкин.

АЖ уставининг 10-бандига мувофиқ акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Демак акциядор жамиятни бошқаришда ўз хоҳишига кўра иштирок этишга ҳақли бўлиб, уни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича "ёқлайман" деб овоз беришга мажбуrlаш унинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузади.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

## **6.15. АЖнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масала бўйича акциядорнинг қарши овоз берганлиги, ушбу акциядордан йиғилиш ўtkазиш учун кетган харажатларни зарар сифатида ундириш учун асос бўлмайди.**

"Анора" АЖнинг (бундан буён мисол матнида "АЖ" деб юритилади) 2013 йил 17 февралрда рўйхатдан ўтган уставига кўра АЖнинг устав



фонди 8440700000 сўмни ташкил қилиб, ҳар бирининг номинал қиймати 28000 сўм бўлган 47000 дона оддий акциялардан иборат бўлган.

Шундан 8330 дона акция ёки умумий акцияларнинг 30 фоизи "Зарнигор" МЧЖ, қолганлари тегишли фуқаролар ўртасида тақсимланган.

АЖнинг кузатув кенгаши томонидан 2016 йил 25 сентябрда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилган бўлиб, ушбу йиғилиш кун тартибига АЖнинг ташкилий-хуқуқий шаклини ўзгартириш ва унинг уставини янги таҳрирда қабул қилиш ҳақидаги масалалар киритилган.

Йиғилишда умумий акциялар сонининг 0,10 фоизи, яъни 12 дона овоз берувчи акция эгаси бўлган акциядор С.Каримов, умумий акциялар сонининг 14,30 фоизи, яъни 3 420 дона овоз берувчи акция эгаси И.Алиев, умумий акциялар сонининг 14,55 фоизи, яъни 5 060 дона овоз берувчи акция эгаси Р.Мираҳмедов, АЖнинг номини ўзгартириш ва унинг Уставини янги таҳрирда қабул қилиш масалаларига қарши овоз берган.

Масалалар йиғилишда иштирок этажтан овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланмаганлиги сабабли акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинмасдан қолган.

2016 йил 17 октябрда ҳам айнан шу масалалар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиб, ушбу мажлисда ҳам юқоридаги ҳолат такрорланиб, акциядорлар С.Каримов, И.Алиев ва Р.Мираҳмедовлар кун тартибидаги масалаларга қарши овоз берган.

2016 йил 7 ноябрда АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиб, унинг кун тартибига аввалги масалалар такроран қўйилган.

Бироқ йиғилишда акциядорлар С.Каримов, И.Алиев ва Р.Мираҳмедовлар АЖнинг номини ўзгартириш ва унинг уставини янги таҳрирда қабул қилиш масалаларига учинчи маротаба қарши овоз берган.



Натижада акциядорлар умумий йиғилишида мұхокамага қўйилган масалалар йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулламаганлиги сабабли масалалар ўз ечимини топмаган.

Шу сабабли АЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, АЖ акциядорлари С.Каримов, И.Алиев ва Р.Мираҳмедовлардан умумий йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан қарши овоз берганлиги сабабли йиғилиш ўтказиш учун қилинган 2000000 сўм харажатларни зарар сифатида ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 8 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Суд бундай хulosага келишда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига, яъни акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозимлигига асосланган.

Бироқ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига кўра акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Мазкур Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Қонунга ва жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

Қонуннинг мазкур нормалари мазмунига кўра умумий йиғилишда иштирок этиш ва кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш акциядорнинг ҳуқуқи ҳисобланади ва у овоз беришда танловда эркиндир.

Қолаверса, ФК 14-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига асосан агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган



зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуqlари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Фкнинг ушбу моддаси мазмунига кўра бошқа шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатида ҳуқуқи бузилган шахс етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлилиги тушунилади.

Ушбу ҳолда АЖ акциядорлари С.Каримов, И.Алиев ва Р.Мир-аҳмедовлар овоз беришда танлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, умумий йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан қарши овоз берганлиги бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган, шунингдек уларнинг бундай ҳаракатлари бошқа акциядорларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини чеклаб қўймаган. Шунга мувофиқ овоз беришда танлаш ҳуқуқининг амалга оширилганлиги АЖ ва АЖ акциядорлари учун зарар етказилиши мумкин эмас.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

## **6.16. Узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган акциядор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақли.**

“Хизмат-С” АЖнинг (бундан бўён матнда “АЖ” деб юритилади) устави 2012 йил 23 ноябрда давлат рўйхатига олинган бўлиб,



унга кўра устав жамғармаси 20000000 сўмни ташкил этган ҳолда 14165 дона акцияларга бўлинган.

Шунингдек 2015 йил 22 декабрда АЖнинг уставига ўзгартириш киритилиб, унинг устав жамғармаси 55000000 сўм этиб белгиланган.

АЖнинг овоз берувчи акцияларининг 16 фоизидан ортиғини ташкил этувчи акциядорлари 2016 йил 23 апрелда АЖ кузатув кенгашига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни сўраб мурожаат қилган.

АЖ томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақиририлиб, уни ўтказиш 2016 йил 26 июлга белгиланган.

2016 йил 26 июлда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиб, унда саноқ комиссияси аъзолари сонини ва шахсий таркибини тасдиқлаш ҳамда АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, янги кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш ва уларнинг аъзоларини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Мазкур қарордан норози бўлган АЖ акциядори Хўжақурова Нафиса Самадовна судга ариза билан мурожаат қилиб, АЖ акциядорларининг 2016 йил 26 июлдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 18 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза талабини қаноатлантириш рад этилган.

Чунки “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 60-моддасининг ўнинчи қисмига кўра, агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишининг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 14-бандининг учинчи хатбошисида йиғилишда иштирок этиб, низоли масала юзасидан қабул қилинган қарорни ёқлаб овоз берган



шахс ушбу қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга мурожаат қилганда, унинг талабини қаноатлантириш рад этилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бу ерда 2016 йил 26 июлда ўтказилган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида АЖ акциядори Н.Хўжақулова иштирок этган, кун тартибидаги масалалар бўйича тарқатилган 143-сонли бюллетенни олган, ушбу бюллетенда Н.Хўжақулова кун тартибидаги масалаларни ёқлаб овоз берганлиги қайд этилган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

## **6.17. Қонун ҳужжатларига мувофиқ АЖдан дивиденд ундириш ва АЖга акцияларни сотиб олиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги талаблар бўйича даъво муддати уч йилни ташкил этади. Шу сабабли бундай талаб билан даъво муддатини ўтказиб мурожаат қилинганда, даъвони қаноатлантириш рад этилади.**

“Турон” АЖнинг 33 дона ҳар бирининг номинал қиймати 500 сўмга teng бўлган акцияларини сотиб олган Л.Пардаева АЖнинг акциядорлари реестрида қайд этилган бўлса-да, 1999-2003 йилларда акциялари учун дивиденд олмаган.

“Турон” АЖ 2003 йилда МЧЖга айлантирилган. Бироқ Л.Пардаева мазкур МЧЖга иштирокчи сифатида киритилмаган.

Шу сабабли Л.Пардаева судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, АЖнинг хуқуқий вориси бўлган МЧЖдан 33 дона акцияга 1999-2003 йилларда ҳисобланган 30 000 сўм дивидендни ундиришни ва МЧЖ зиммасига 33 дона акцияни сотиб олиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 25 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

Биринчи инстанция суди даъво талабарини тўлиқ қаноатлантириш ҳақида нотўғри хуносага келган.



Чунки "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида"ғи Ўзбекистон Республикаси Қонуни 51-моддасининг бешинчи қисмiga күра эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичіда талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига күра жамият ихтиёрида қолади.

Бу ерда даъво аризаси 2016 йил 24 декабрда берилган бўлиб, унда 1999-2003 йиллар якуни бўйича ҳисобланган дивидендерни ундириш сўралган.

Шунингдек "Қимматли қоғозлар бозори тұғрисида"ғи Ўзбекистон Республикаси Қонуни 62-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларига кўра эмитент ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни ҳақиқий эмас деб топиш, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун даъво муддати эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини жойлаштириш муддати тугаган санадан эътиборан бир йилни ташкил этади.

Ушбу модданинг биринчи-учинчи қисмларида назарда тутилмаган ўзга ҳолларда, шунингдек бошқа қимматли қоғозлар бўйича даъво муддатлари қонунга мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тұғрисида" 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 15-бандида "Қимматли қоғозлар бозори тұғрисида"ғи Ўзбекистон Республикаси Қонуни 62-моддасида назарда тутилган талаблардан ташқари бошқа талаблар бўйича умумий даъво муддати (уч йил) ҳисобланиши, ўtkазиб юборилган даъво муддатини тиклаш масаласи ФКнинг 159-моддасида кўрсатилган тартибда ҳал этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ АЖ акциядорлари акцияларини сотиб олиш тұғрисидаги АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг қарори 2004 йил 30 ноябрда қабул қилинган бўлиб, бунга 12 йилдан ортиқ вақт ўтган



бўлса-да, собық АЖ акциядори Л.Пардаеванинг 33 та акциясини АЖнинг ҳуқуқий вориси МЧЖга сотиб олиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво талаби бўйичада даъво муддатини тиклаш тўғрисида Л.Пардаева томонидан ариза билан мурожаат қилинмаган.

Шу боис Ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топган.



## 7 - Б О Б

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА  
НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР  
ЧОРАЛАРИНИ ҚҰЛЛАШ БИЛАН  
БОӘЛИҚ ИШЛАР БҮЙИЧА СУД  
АМАЛИЁТИ



## **7.1. Солиқ органининг аризасида солиқ тұловчи томонидан содир этилган солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлайлар бүйіча молиявий жарималар құллаш сүралғанда, суд Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмiga асосан молиявий жаримани солиққа оид ҳуқуқбузарлайлар мажмуда бүйіча құллайды.**

Вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятini назорат қилиш бош бошқармасининг 2016 йил 2 наурыздаги бүйрүғига асосан "Фарҳод" МЧЖга (кейинчалик мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) қарашли савдо дүкөнінде солиқ қонунчилігига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатта текшириш үтказилған. Текширишда дүкон сотувчиси томонидан харидорға 26 500 сүм харид чеки берилмаганлығы, шунингдек дүконда 10 250 000 сүм-лик кирим қилинмаган товарлар мавжуддиги аниқланған. Бу ҳақда қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда далолатнома расмийлаштирилған.

Солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органдарынан күриб чиқылиб, натижаси бүйіча тегишли қарор қабул қилинған. Ушбу қарорға биноан МЧЖга Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмiga асосан 2 050 000 сүм, 119-моддасининг биринчи қисмiga асосан 4 493 250 сүм молиявий жаримани ихтиёрий тұлаб бериш тавсия этилған.

МЧЖ томонидан ДСИнинг молиявий жаримани ихтиёрий тұлаб бериш түрлесіндеги қарори оқибатсиз қолдирилған.

Шу сабабли ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмiga асосан 2 050 000 сүм, 119-моддасининг биринчи қисмiga асосан 4 493 250 сүм молиявий жарима құллашни сұраган.

Бириңиң инстанция судининг 2017 йил 7 январдаги ҳал қилув қарори билан ариза түлиқ қаноатлантирилған, МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмiga асосан 2 050 000 сүм, 119-моддасининг биринчи қисмiga асосан 4 493 250 сүм, жами 6 543 250 сүм молиявий жарима құлланилған.



Ҳайъатнинг 2017 йил 20 августдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва МЧЖга нисбатан 4493 250 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Ҳайъат бундай хulosага келишда Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисми ва Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг (кейинчалик матнда "Пленумнинг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори" деб юритилади) 25.1-бандига асосланган.

Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмiga биноан солиқ тўловчи томонидан солиқقا оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиқقا оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилади. Бунда жариманинг узил-кесил миқдори жариманинг юқори миқдори назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган энг кўп миқдордан ошиши мумкин эмас.

Шунингдек, Пленумнинг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 25.1-бандида солиқ тўловчи томонидан солиқقا оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида жарима тайинланиб, сўнгра Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмiga асосан жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиқقا оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилиши ҳақида тушунтириш берилган.

ДСИ томонидан киритилган аризада Солиқ кодексида назарда тутилган солиқقا оид бир неча ҳуқуқбузарликлар бўйича молиявий жарима қўллаш сўралган. Шу боис Ҳайъатнинг қарорида биринчи инстанция суди томонидан МЧЖга нисбатан молиявий жарима Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмiga асосан солиқقا оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилиши лозим бўлганлиги қайд этилган.



## **7.2. Ұнча оғир бўлмаган жарима оғирроқ жарима билан қамраб олинганда оғирроқ жарима қўлланилади. Бунда оғирроқ жарима деганда, бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун молиявий жаримани қўллашда давлат солиқ хизмати органининг аризасида қўлланилиши сўралган жарималарнинг энг юқори миқдори тушунилади.**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг рухсатномаси ва вилоят ДСБнинг 2017 йил 5 январдаги буйруғига асосан "Глобал" МЧЖда (кейинчалик мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) 2014-2016 йилларда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган. Текширишда МЧЖ томонидан 2014 ва 2016 йилларда жами 56 500 000 сўмлик тушум камайтириб кўрсатилганлиги ва 8 650 000 сўмлик савдо тушуми назорат-касса машинасига (бундан бўён матнда "НКМ" деб юритилади) кирим қилинмасдан банк муассасасига топширилганлиги аниқланган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органи томонидан кўриб чиқилиб, натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилинган. Ушбу қарорга асосан тўлаб берилиши тавсия этилган молиявий жарима МЧЖ томонидан ихтиёрий тўланимаган.

Шу сабабли ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмiga асосан 2014-2016 йилларда 56 500 000 сўм тушум камайтириб кўрсатилганлиги ва 8 650 000 сўмлик савдо тушуми НКМга кирим қилинмасдан банк муассасасига топширилганлиги учун жами 65 150 000 ( $56\,500\,000 + 8\,650\,000$ ) сўмнинг 20 фоизи миқдорида, яъни 13 030 000 сўм ҳамда савдо пули НКМга кирим қилинмасдан банкка топширилганлиги учун Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмiga асосан 4 493 250 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди 2017 йил 14 апрелдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириб, Солиқ кодекси 114-моддасининг иккинчи қисмiga асосан 13 030 000 сўм, 119-моддасининг биринчи



қисмига асосан 4493 250 сүм молиявий жарима тайинлаб, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмини қўллаб, унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш орқали 8 250 000 сүм миқдорида жарима қўллаган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 2 июндаги қарори билан биринчى инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва МЧЖга нисбатан 13 030 000 сүм молиявий жарима қўлланилган.

Апелляция инстанцияси суди бундай хуносага келишда Пленумнинг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 25.1 ва 25.2-бандларига таянган.

Мазкур Пленум қарорининг 25.1 ва 25.2-бандларига қўра солиқ тўловчи томонидан солиқقا оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида жарима тайинланиб, сўнгра Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмига асосан жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиқقا оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилади.

Бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун молиявий санкцияларни қўллашда давлат солиқ хизмати органи томонидан аризада қўлланилиши сўралаётган жарималарнинг энг юқори миқдори оғирроқ жарима ҳисобланади.

Унча оғир бўлмаган жарима оғирроқ жарима билан қамраб олингданда оғирроқ жарима қўлланилади. Бунда жариманинг узил-кесил миқдори жариманинг юқори миқдори назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жариманинг энг кўп миқдоридан ошмаслиги лозим.

Шу сабабли апелляция инстанцияси суди биринчى инстанция суди унча оғир бўлмаган жаримани оғирроқ жарима билан қамраб олиш орқали жарима қўллаганлиги сабабли суд ДСИнинг аризасида қўлланилиши сўралган унча оғир бўлмаган Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчى қисмига асосан 4493 250 сүм молиявий жаримани оғирроқ бўлган Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 13 030 000 сүм молиявий жарима билан қамраб олиши ва МЧЖга нисбатан 10 018 320 сүм молиявий жарима қўллаши



лозим бұлған деб қисоблаган.

Хайъат томонидан апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 2 июндеги қарори үзгаришсиз қолдирилган.

**7.3. Жариманинг узил-кесил миқдорини тұлиқ ёки қисман қүшиш йүли билан аниқлашда, албатта солиқ тұловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлық содир этилган бўлиб, бошқа ҳуқуқбузарликлар билан бир қаторда Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлық ҳам мавжуд бўлиши ва ушбу ҳуқуқбузарлик учун белгиланган молиявий жарима миқдори содир этилган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган молиявий жарима миқдоридан оғирроқ бўлиши лозим. Бошқа ҳолатларда жариманинг узил-кесил миқдори тұлиқ ёки қисман қүшиш йүли билан аниқланниши мумкин эмас.**

Вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятini назорат қилиш бош бошқармасининг 2016 йил 9 ноябрдаги буйруғига асосан "Хұмоюн" хусусий корхонасига (кейинчалик мисол матнида "Хұсусий корхона" деб юритилади) қарашли савдо дўконида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текшириш натижасида савдо дўконига харидор Р.Низомов исмли шахс кириб, дўкон сотувчисидан 11 500 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини беришни сўраб, тұловни амалга ошириш учун пластик картасини узаттган. Бироқ сотувчи пластик карта орқали тұловни қабул қилишдан бош тортганлиги аниқланган. Шундан сўнг, харидор озиқ-овқат маҳсулотлари учун 11 500 сўм нақд пул тұлаганлиги, бироқ харид учун НКМ чеки берилмаганлиги, шунингдек дўкон кассасида 4 500 200 сўм савдо пуллари банк муассасасига топширилмаганлиги ҳам аниқланган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.



Солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органдынан күриштірілген, натижасы бүйічесі тегишли қарор қабул қилинганды. Ушбу қарорға асосан тұлаб беріш тавсия этилған молиявий жарима Хусусий корхонаның иктиёрий тұланаған.

Шу сабаблы ДСИ судга ариза билан мурожаат қылышынан Хусусий корхонага нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмінде асосан 4500 200 сүмнинг 20 фоизи миқдорда, яғни 900 040 сүм, 119-моддасининг биринчи қисмінде асосан 4493 250 сүм, 119-моддасининг учинчи қисмінде асосан 14 977 500 сүм молиявий жарима құллашны сұраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 14 мартағы ҳал қылуынан қарори билан ариза қаноатланырылған. Хусусий корхонага нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмінде асосан 900 040 сүм, 119-моддасининг биринчи қисмінде асосан 4493 250 сүм, 119-моддасининг учинчи қисмінде асосан 14 977 500 сүм молиявий жарима тайинланып, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмінде асосан Пленумнинг 2010 йил 18 іюндегі 210-сонлы қарорининг 25.3-бандинде асосан тайинланған жарималарни түлиқ құшиш орқали 15 803 400 сүм молиявий жарима құлланылған.

Мазкур Пленум қарорининг 25.3-бандинде ажыратылған күра, солиқ түловчының томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбұзарлық содир этилған тақдирда, агар башқа ҳуқуқбұзарлықтар билан бир қаторда, Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи ва иккінчи қисмларында назарда тутылған ҳуқуқбұзарлық ҳам мавжуд болса да ушбу ҳуқуқбұзарлықтың белгиланған молиявий жарима миқдори содир этилған башқа ҳуқуқбұзарлықтардың белгиланған молиявий жарима миқдоридан оғирроқ болса, жариманың узил-кесил миқдори түлиқ ёки қисман құшиш йўли билан аниқланады.

Бунда жариманың узил-кесил миқдори Солиқ кодекси 119-моддасининг тегишли қисмінде назарда тутылған энг юқори миқдордан ошиб кетиши мүмкін эмес, қисман құшишда эса жариманың узил-кесил миқдори Солиқ кодекси 119-моддасининг тегишли қисмінде назарда тутылған энг кам миқдордан кам бўлмаслиги керак.

Ваҳоланки, ушбу Пленум қарорининг 25.3-банди мазмунига кўра башқа ҳуқуқбұзарлықтар билан бир қаторда, Солиқ кодекси



119-моддасининг айнан биринчи ва (ёки) иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик мавжуд бўлгандагина жариманинг узил-кесил миқдори тўлиқ ёки қисман қўшиш йўли билан аниқланиши мумкин.

Мазкур ҳолатда ДСИнинг аризасида бошқа ҳуқуқбузарликлар билан бир қаторда, Солиқ кодекси 119-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳам мавжуд бўлиб ва унда белгиланган жарима Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган жарималарга нисбатан оғирроқ бўлганлиги сабабли, жариманинг узил-кесил миқдорини тўлиқ қўшиш йўли билан аниқлаш мумкин эмас.

Шу боис Ҳайъат ўзининг 2017 йил 25 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги қарор қабул қилган. Ҳайъат унча оғир бўлмаган жаримани оғирроқ жарима билан қамраб олиб, оғирроқ жаримани қўллаган, яъни аризада қўлланилиши сўралаётган жарималар ичida Солиқ кодекси 119-моддасининг учинчи қисмига асосан 14 977 500 сўм молиявий жарима қўллаш талаби оғирроқ бўлганлиги сабабли Хусусий корхонага нисбатан 14 977 500 сўм молиявий жарима қўллашни лозим топган.

#### **7.4. Қўшимча ҳисобланган солиқлар молиявий санкция ҳисобланмайди. Шу боис молиявий санкция билан биргаликда қўшимча ҳисобланган солиқларни ундириш тўғрисида талаб билдирилганда, қўшимча ҳисобланган солиқларни ундириш талаби хўжалик суди (иқтисодий суд) судловига тааллуқли бўлмаганлиги учун бу талаб бўйича иш юритиш тугатилади.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти туман бўлими томонидан қўзғатилган жиноят иши юзасидан 2017 йил



1 февралда чиқарилган "Хужжатли тафтиш ўтказиш ҳақида"ги қарор ва ДСИнинг 2017 йил 2 февралдаги буйруғига асосан "Латофат" МЧЖда (кейинчалик мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган. Текширишда МЧЖ томонидан 2015-2016 йиллар давомида 28 200 000 сўм нақд пул маблағлари ўз вақтида банкка топширилмаганлиги, маҳсулотларни сотишдан тушган жами 45 750 800 сўмлик тушум ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмасдан, камайтириб кўрсатилганлиги ҳамда хизмат кўрсатишдан тушган жами 35 700 000 сўм нақд пул маблағлари НКМ хотира-сига киритилмаганлиги аниқланган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органи томонидан кўриб чиқилиб, натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилинган. Ушбу қарор билан МЧЖга Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 28 200 000 сўм нақд пул маблағлари ўз вақтида банкка топширилмаганлиги учун, тушумнинг 20 фоизи миқдорида 5 640 000 сўм, Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан маҳсулотларни сотишдан тушган 45 750 800 сўмлик тушум ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмасдан, камайтириб кўрсатилганлиги учун, тушумнинг 20 фоизи миқдорида 9 150 160 сўм, Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан хизмат кўрсатишдан тушган 35 700 000 сўм нақд пул маблағлари НКМ хотира-сига киритилмаганлиги учун 4 493 250 сўм молиявий жарима ҳамда 12 700 500 сўм қўшимча ягона солиқ тўлови ҳисобланниб, жами 31 983 910 сўмни ихтиёрий тўлаб бериш тавсия этилган.

МЧЖ ДСИнинг қарори билан тўлаб бериш тавсия этилган молиявий жарима ва қўшимча ҳисобланган ягона солиқ тўловини ихтиёрий тўлаб бермаган.

Шу сабабли ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 14 790 160 сўм, Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 4 493 250 сўм, жами 31 983 910 сўм (бу суммага 12 700 500 сўм қўшимча ягона солиқ тўлови ҳам қўшилган) молиявий жарима қўллашни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2017 йил 2 майдаги ҳал қилув қарори билан ариза түлиқ қаноатлантирилган. МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмiga асосан 14 790 160 сүм, Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмiga асосан 4 493 250 сүм, жами 31 983 910 сүм (бу суммага 12 700 500 сүм құшымча ягона солиқ түлови ҳам құшылған) молиявий жарима тайналаниб, Солиқ кодекси 112-моддасининг түртінчі қисмини құллаган ҳолда узил-кесил 9 250 000 сүм молиявий жарима құлланылған.

Хайъат 2017 йил 23 сентябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмiga асосан 14 790 160 сүм, Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмiga асосан 4 493 250 сүм, жами 19 283 410 сүм молиявий жарима тайналашни ва Солиқ кодекси 112-моддасининг түртінчі қисмини құллааб узил-кесил 6 500 000 сүм молиявий жарима құллашни ҳамда талабнинг 12 700 500 сүм құшымча ҳисобланған ягона солиқ түлови қисми бүйіча иш юритишни тугатиши түғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топған.

Хайъат ДСИ томонидан текшириш натижалари бүйіча құшымча ҳисобланған 12 700 500 сүм ягона солиқ түлови молиявий жарима ҳисобланмаслиги ва буталаб иқтисодий судга тааллуқли бўлмаганлиги учун талабнинг бу қисми бүйіча иш юритишни тугатиши лозим деб ҳисоблаган.

ХПК 15513-моддаси биринчи қисмининг олтинчі хатбошисига (ИПК 217-моддаси биринчи қисмининг олтинчі хатбошисига) мувофиқ молиявий жазо чораларини құллаш, бундан солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар тұлаш муддатини үтказиб юборгандылық учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган ҳуқуқбузарлықдаги айбига иқрор бўлғанлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равища тұлаганлиги ҳоллари мустасно, ҳуқуқий таъсир чораларидан бири ҳисобланади.



## 7.5. Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмiga мувофиқ жариманинг узил-кесил миқдорини қисман қўшиш орқали аниқлашда, Солиқ кодексининг тегишли моддаларига асосан жарималар тайинланади ва Солиқ кодекси 119-моддасининг тегишли (биринчи ва (ёки) иккинчи) қисмида назарда тутилган энг кам жаримага бошқа солиқقا оид ҳуқуқбузарликлар учун тайинланган жарималар қисман қўшиш орқали қўлланилади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг рухсатномаси ва ДСИнинг 2017 йил 12 февралдаги бүйруғига асосан “Дурдана” МЧЖда (кейинчалик мисол матнида МЧЖ деб юритилади) қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда жавобгар томонидан савдо фаолиятини амалга оширишда харидорларга НКМ чеки берилмаганлиги, савдодан тушган 56 000 сўм нақд пуллар НКМга кирим қилинмаганлиги, кирим ҳужжатларисиз 4 240 000 сўмлик товар-моддий бойликлари савдога қўйилганлиги аниқланган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органи томонидан кўриб чиқилиб, натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилинган. Ушбу қарорга биноан МЧЖга Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмiga асосан кирим ҳужжатларисиз 4 240 000 сўмлик товар-моддий бойликларини савдога қўйганлиги учун, кирим қилинмаган товар қийматининг 20 фоизи миқдорида, яъни 848 000 сўм ва савдодан тушган 56 000 сўм нақд пулларни НКМга кирим қилмаганлиги учун Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмiga асосан 4 493 250 сўм молиявий жарима ҳисобланиб, уларни ихтиёрий тўлаб бериш тавсия этилган. Аммо молиявий жарима МЧЖ томонидан ихтиёрий тўланмаган.

Шу сабабли ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмiga асосан 848 000 сўм ва Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмiga



асосан 4493 250 сүм молиявий жарима құллашни сұраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 15 апрелдаги ҳал құлув қарори билан ариза қисман қаноатлантирилған. МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисміга асосан 848 000 сүм, 119-моддасининг биринчи қисміга асосан 4493 250 сүм миқдорда жарима тайинләніб, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчі қисміга мувофиқ тайинланған жарималарни қисман құшиш йўли орқали узил-кесил 4493 250 сүм миқдорда жарима қўлланилған.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 2 июндаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал құлув қарори ўзгартыриліб, МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисміга асосан 848 000 сүм, 119-моддасининг биринчи қисміга асосан 4493 250 сүм миқдорда жарима тайинләніб, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчі қисміга мувофиқ тайинланған жарималарни қисман құшиш йўли орқали узил-кесил 4 693 250 сүм миқдорда жарима қўлланилған.

Апелляция инстанцияси судининг қарорида Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчі қисміда назарда тутилған жарималарни қисман құшиш йўли билан аниқлашнинг асосий шарти бўлиб, унда албатта Солиқ кодексининг тегишли моддаларига асосан тайинланған жарималар бир-бирига қисман қўшилиши лозимлиги қайд этилган. Яъни мазкур ҳолатда Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисміга мувофиқ тайинланған 848 000 сүм жариманинг муайян бир қисмини 119-моддасининг биринчи қисміга асосан тайинланған 4493 250 сүмга құшиш орқали жариманинг узил-кесил миқдори аниқланиши (масалан,  $4493\,250 + 200\,000 = 4\,693\,250$  сүм) баён этилган.

МЧЖнинг назорат тартибида берган шикояти асосида иш Ҳайъатда қайта кўрилиб, апелляция инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилған.



## **7.6. Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмидаги қоидалар солиқ тўловчи томонидан Солиқ кодексининг бир нечта моддасида ёки битта моддасининг бир нечта қисмларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда қўлланилади.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти туман бўлими томонидан қўзғатилган жиноят иши юзасидан 2017 йил 5 марта чиқарилган "Хужжатли тафтиш ўтказиш ҳақида"ги қарор ва ДСИнинг 2017 йил 7 марта буйруғига асосан "Радиус" МЧЖда (кейинчалик мисол матнида "жавобгар" деб юритилади) солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган. Текширишда жавобгар томонидан 2016 йил ва 2017 йилнинг январь-февраль ойларида 44 200 000 сўм нақд пул маблағлари ўз вақтида банкка топширилмаганлиги, маҳсулотларни сотишдан тушган жами 60 700 000 сўмлик тушум ҳисобга олиш регистрларида акс этирилмасдан, камайтириб кўрсатилганлиги аниқланган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органи томонидан кўриб чиқилиб, натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилинган. Ушбу қарор билан жавобгарга Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 44 200 000 сўм нақд пул маблағлари ўз вақтида банкка топширилмаганлиги учун, тушумнинг 20 фоизи миқдорида 8 840 000 сўм, Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан маҳсулотларни сотишдан тушган 60 700 000 сўмлик тушум ҳисобга олиш регистрларида акс этирилмасдан, камайтириб кўрсатилганлиги учун, тушумнинг 20 фоизи миқдорида 12 140 000 сўм молиявий жаримани ихтиёрий тўлаб бериш тавсия этилган.

Жавобгар ДСИнинг қарори билан тўлаб бериш тавсия этилган молиявий жаримани ихтиёрий тўлаб бермаган.



Шу сабабли ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 44 200 000 сүм нақд пул маблағлари ўз вақтида банкка топширилмаганлиги учун, тушумнинг 20 фоизи миқдорида 8 840 000 сүм, Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан маҳсулотларни сотишдан тушган 60 700 000 сүмлик тушум ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмасдан, камайтириб кўрсатилганлиги учун, тушумнинг 20 фоизи миқдорида 12 140 000 сүм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 7 июндаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. Жавобгарга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 44 200 000 сүм нақд пул маблағлари ўз вақтида банкка топширилмаганлиги учун, тушумнинг 20 фоизи миқдорида 8 840 000 сүм, Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан маҳсулотларни сотишдан тушган 60 700 000 сүмлик тушум ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмасдан, камайтириб кўрсатилганлиги учун, тушумнинг 20 фоизи миқдорида 12 140 000 сүм молиявий жарима тайинланиб, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисми қўлланилган ҳолда унча оғир бўлмаган жаримани оғирроқ жарима билан қамраб олиш орқали 12 140 000 сүм молиявий жарима қўлланилган.

Ҳайъатнинг 2017 йил 25 сентябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, 20 980 000 сүм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Ҳайъатнинг қарорида Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмидаги қоидалар солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарликлар мажмую бўйича жарима қўллашни назарда тутиши, ДСИнинг аризасида эса Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмиди, яъни битта модданинг битта қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жарима қўллаш сўралгандиганлиги сабабли биринчи инстанция суди томонидан Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисми нотўғри қўлланилганлиги қайд этилган.



## 7.7. Солиқ кодекси 108-моддасининг тўққизинчи қисмига кўра, агар солиқ тўловчи биринчи иш бўйича қарор чиқарилгунига қадар солиқقا оид яна бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги иш бўйича қарор чиқарилганидан сўнг аниқланса, ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган қоидалар бўйича жарима қўлланилади. Бу ҳолда, суд томонидан солиқقا оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича тайинланган жарима миқдорида биринчи қарор бўйича тўланган жариманинг суммаси ҳисобга олинади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг рухсатномаси ва ДСИнинг 2016 йил 10 ноябрдаги буйруғига асосан “Қодирбек” МЧЖга (кейинчалик мисол матнида “жавобгар” деб юритилади) қарашли савдо дўконида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда харидорга 96 800 сўмлик харид қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари учун НКМ чеки берилмаганлиги аниқланган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилиб, натижаси бўйича қарор қабул қилинган. Мазкур қарорга асосан жавобгарга нисбатан Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисми бўйича 4493 250 сўм молиявий жаримани ихтиёрий тўлаб бериш тавсия этилган.

Бироқ жавобгар томонидан молиявий жарима ихтиёрий тўлаб берилмаганлиги сабабли ДСИ судга мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисми асосан 4493 250 сўм молиявий жаримана қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 25 январдаги ҳал қилув қарори билан ДСИнинг аризаси қаноатлантирилган.

Суднинг ҳал қилув қарори асосида ДСИ томонидан жавобгарнинг банқдаги ҳисоб рақамидан инкассо топшириқномаси



асосида 4493 250 сүм молиявий жарима маблағлари ечиб олинган.

Тұман прокуратурасы томонидан құзғатилған жиноят иши бүйича "Хужжатли тафтиш үтказиш ҳақида"ғи 2017 йил 2 апрелдеги қарори ва ДСИнинг 3 апрелдеги буйруғига асосан жавобгар томонидан солиқ қонунчилігінә риоя қилиниши юзасидан текшириш үтказилған. Текширишда жавобгарнинг ҳисобда реализация қилинмаган деб күрсатилған 450 000 сүмлик товарлар омборда мавжуд әмаслиги, 2 350 000 сүмлик товар моддий бойликларининг кирим ҳужжатлари йүқлиги, шунингдек 2015 йил ва 2016 йилнинг январь-октябрь ойларыда 5 600 000 сүмлик савдо тушуми назорат-касса машинасига кирим қилинмасдан банк муассасасига топширилғанлығи аниқланған. Бу ҳақда қонун ҳужжатларыда белгіланған тартибда далолатнома расмийлаштирилған.

Солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органдар томонидан күриб чиқылған, натижаси бүйича тегишли қарор қабул қилинған. Ушбу қарорга биноан жавобгарга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмiga асосан 2 350 000 сүмнинг 20 фоизи, яғни 470 000 сүм, ушбу модданинг учинчи қисмiga асосан 6 050 000 (450 000+5 600 000) сүмнинг 20 фоизи, яғни 1 210 000 сүм ва Солиқ кодекси 119-моддасининг иккінчи қисмiga асосан энг кам иш ҳақынинг 75 баравари миқдорида 11 233 125 сүм молиявий жаримани ихтиёрий тұлаб беріш тавсия этилған.

Жавобгар томонидан молиявий жарима ихтиёрий тұлаб берілмегендегі сабаблы ДСИ судға ариза билан мурожаат қилиб, унға нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмiga асосан 470 000 сүм, учинчи қисмiga асосан 1 210 000 сүм ва Солиқ кодекси 119-моддасининг иккінчи қисмiga асосан 11 233 125 сүм молиявий жарима құллашни сұраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 15 августдеги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилған. Жавобгарга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмiga асосан 470 000 сүм, учинчи қисмiga асосан 1 210 000 сүм ва Солиқ кодекси 119-моддасининг иккінчи қисмiga асосан 11 233 125 сүм молиявий жарима тайинләніб, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмiga асосан унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ



жарима билан қамраб олиш орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмую бүйича 11 233 125 сүм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Ҳайъатнинг 2017 йил 5 декабрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, 6 739 875 сүм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Ҳайъатнинг қарорида биринчи инстанция суди Солиқ кодекси 108-моддасининг тўққизинчи қисмида белгиланган нормаларга ва Пленумнинг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 25.4-бандига берилган тушунтиришларга эътибор бермасдан ҳал қилув қарори қабул қилганлиги қайд этилган.

Солиқ кодекси 108-моддасининг тўққизинчи қисмiga кўра, агар солиқ тўловчи биринчи иш бўйича қарор чиқарилгунига қадар солиққа оид яна бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этганилиги иш бўйича қарор чиқарилганидан сўнг аниқланса, ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган қоидалар бўйича жарима қўлланилади. Бу ҳолда, суд томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмую бўйича тайинланган жарима миқдорида биринчи қарор бўйича тўланган жариманинг суммаси ҳисобга олинади.

Юқоридаги Пленум қарорининг 25.4-бандига кўра, агар солиқ тўловчи биринчи иш бўйича қарор чиқарилгунига қадар солиққа оид яна бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этганилиги иш бўйича қарор чиқарилганидан сўнг аниқланса, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмида назарда тутилган қоидалар бўйича жарима қўлланилади. Бу ҳолда, суд томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмую бўйича тайинланган жарима миқдорида биринчи қарор бўйича тўланган жариманинг суммаси ҳисобга олинади ва бу ҳақда ҳал қилув қарорида кўрсатилади.

Агар иккинчи ҳуқуқбузарлик учун биринчи иш бўйича тайинланган жаримага нисбатан оғирроқ жарима назарда тутилган бўлса, суд иккинчи иш бўйича молиявий санкцияни иккита санкция ўртасидаги фарқ суммаси миқдорида қўллайди.

Шу боис Ҳайъат Солиқ кодекси 108-моддасининг тўққизинчи қисми ва Пленумнинг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 25.4-бандига таянган ҳолда Солиқ кодекси 108-моддасининг



саққизинчи қисмiga мұвоғиқ унча оғир бүлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш орқали солиққа оид ҳуқуқбузарліклар мажмуи бүйічa жавобгарга нисбатан 11233125 сүм миқдорида молиявий жарима тайинлаган ва бириңи иш бүйічa құлланилған 4493250 сүм молиявий жариманы ҳисобға олиб уни айириб ташлаган ва молиявий жариманы иккита жарима ўртасидаги фарқ суммаси миқдорида, яъни 6739875 сүм қийматда құлллаган.

## **7.8. Агар солиққa оид ҳуқуқбузарлик солиқ түловчи мансабдор шахсларининг жиной қилмишлари оқибатида содир этилған бўлса, Солиқ кодекси 112-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган қоида құлланилмайди.**

Туман прокуратураси томонидан қўзғатилған жиноят иши доирасида "Баҳор" МЧЖда (кейинчалик мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) "Молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш тайинлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга асосан МЧЖ томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий түловлар тўғри ҳисобланганлиги, улар бүйича тўлиқ ва ўз вақтида ҳисоб-китоб амалга оширилганлиги юзасидан 2017 йил 6 январда режадан ташқари текшириш ўtkazилған. Текшириш натижаси юзасидан тузилган далолатномага кўра МЧЖ 2014–2016 йиллар мобайнода 1950500000 сүм пул маблағларини ноқонуний равишда нақдлаштирганлиги аниқланган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилған.

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилиб, натижаси бүйічa қарор қабул қилинган. Мазкур қарорга асосан МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмiga асосан ноқонуний равишда нақдлаштирилған 1950500000 сүм пул маблағларининг 20 фоизи, яъни 390100000 сүм молиявий жаримани ихтиёрий тўлаб бериш тавсия этилган.



Бироқ МЧЖ томонидан молиявий жарима ихтиёрий түлаб берилмаганлығы сабабли ДСИ судга мурожаат қилиб, унга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмiga асосан 390 100 000 сүм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчى инстанция судининг 2017 йил 6 майдаги ҳал қилув қарори билан ариза қисман қаноатлантирилиб, Солиқ кодекси 112-моддасининг тўртинчи қисми қўлланилган ҳолда МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмiga асосан қўлланилиши сўралган 390 100 000 сүм молиявий жарима 150 000 000 сўмга камайтирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 26 августдаги қарори билан биринчى инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ДСИнинг аризаси тўлиқ қаноатлантирилган ва МЧЖга нисбатан 390 100 000 сүм молиявий жарима қўлланилган.

Кассация инстанцияси суди бундай хуносага келишда Солиқ кодекси 111-моддасининг биринчى қисми, 112-моддасининг тўртинчи қисми ва Пленумнинг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори 35.1-бандининг учинчи хатбошисига таянган.

Солиқ кодекси 112-моддасининг тўртинчи қисмiga мувофиқ қўлланиладиган молиявий санкция ҳуқуқбузарликнинг оқибатларига номутаносиб бўлган, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, шунингдек ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олиб, суд Солиқ кодексининг 17-бобида назарда тутилган молиявий санкциянинг энг кам даражасидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санкция энг кам миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, сабаблар ва асосларни албатта кўрсатган ҳолда молиявий санкция қўллашга ҳақли.

Солиқ кодекси 111-моддасининг биринчى қисмiga асосан солиқقا оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

- оғир шахсий ёки оиласвий шароитлар кечиши оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этиш;
- таҳдиид ёки мажбурлаш таъсирида ёхуд моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли ҳуқуқбузарлик содир этиш;



- суд томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи деб топи-лиши мүмкін бўлган бошқа ҳолатлар.

Пленумнинг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори 35.1-бандининг учинчи хатбоисига кўра Солиқ кодекси 111-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати тугал бўлмаганилиги боис, суд солиқ тўловчи томонидан солиқлар мунтазам равишда тўлаб келинганлигини, солиқقا оид ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилганлигини, унинг молиявий аҳволи оғирлигини, молиявий санкциянинг қўлланилиши оқибатида иқтисодий ночор (банкротлик) ҳолатига тушиши мумкинлигини ва солиқ тўловчини ижобий тавсифловчи бошқа ҳолатларни енгиллаштирувчи деб ҳисоблаши мумкин.

Кассация инстанцияси судининг қарорида юқоридаги Пленум қарорида берилган тушунтиришлар мазмунидан кўринишича Солиқ кодекси 112-моддасининг тўртинчи қисмидаги қоидани қўллаш учун солиқقا оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахс инсофли солиқ тўловчи бўлиши лозимлиги, аммо мазкур ҳолатда солиқقا оид ҳуқуқбузарлик МЧЖ мансабдор шахсларининг жиноий қилмишлари оқибатида содир этилганлиги сабабли МЧЖни инсофли солиқ тўловчи деб ҳисоблаб бўлмаслиги, шунинг учун ҳам МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 112-моддасининг тўртинчи қисмидаги қоидани қўллаб бўлмаслиги қайд этилган.

МЧЖнинг назорат тартибида берган шикоятига асосан иш Ҳайъатда кўрилиб, кассация инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

## **7.9. Солиқ кодекси 114-моддасининг иккинчи қисмига кўра кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган санкция қўлланилмайди.**

Вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг 2016 йил 1 апрелдаги буйруғига асосан

“Олмос” МЧЖга (кейинчалик мисол матнида “жавобгар” деб юритилиди) қарашли савдо дүйкөндө солиқ қонунчилегига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда харидорга 65 500 сүмлик харид қилингандык озиқ-овқат ва башқа хұжалик моллари учун НКМ чеки берилмаганлығы, савдодан тушган 234 200 сүм нақд пул НКМ хотирасига кирим қилинмаганлығы ва 8 турдаги 252 та 4 450 000 сүмлик товар моддий бойликларининг кирим ҳужжатлари йүқлиги аниқланған. Бу ҳақда қонун ҳужжатла-рида белгиланған тартибда далолатнома расмийлаштирилған.

Солиқ текшируви материаллари күриб чиқилиб, натижаси бүйича қарор қабул қилинған. Мазкур қарорға асосан жавобгарга Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмінде асосан 4 450 000 сүм, 119-моддасининг биринчи қисмінде асосан 3 907 200 сүм молиявий жаримани ихтиёрий түлаб бериш тавсия этилған.

Жавобгар томонидан молиявий жарима ихтиёрий түлаб берилмаганлығы сабабли ДСИ 2016 йил 12 майдаги ариза билан судга мурожаат қилиб, унга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмінде асосан 4 450 000 сүм, 119-моддасининг биринчи қисмінде асосан 3 907 200 сүм молиявий жарима құллашни сұраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 14 июндаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилған. Суд жавобгарга нисбатан Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмінде асосан унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш орқали 4 450 000 сүм молиявий жарима қўллаган.

Ҳайъатнинг 2017 йил 2 февралдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзgartирилиб, 3 907 200 сүм молиявий жарима қўлланилған.

Ҳайъат бундай хulosага Солиқ кодекси 114-моддасининг иккинчи қисмінде асосланған.

Солиқ кодекси 114-моддасининг иккинчи қисмінде асосан кирим қилинмаган товарлар қўзғатилған маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилған тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмидә назарда тутилған санкция қўлланилмайди.



Шу сабабли Ҳайъат биринчи инстанцияси суди томонидан жиноят ишлари бүйича суднинг 2016 йил 16 майдаги маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорига асосан текшириш вақтида олиб қўйилган жавобгарга тегишли 4450 000 сўмлик товар моддий бойликлари давлат даромадига мусодара қилинганинига эътибор бермаган, деб ҳисоблаб, ДСИ аризасидаги арз қилинган талабнинг бу қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

## **7.10. Текшириш далолатномасида кирим ҳужжатлари бўлмаган товарларнинг далилий ашё сифатида олиб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг қайд этилганлиги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилганлигини англатмайди ва бу ҳолат суд томонидан Солиқ кодекси 114-моддасининг иккинчи қисмини қўллашга асос бўлмайди.**

Вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг 2016 йил 12 майдаги буйруғига асосан “Зебо” хусусий корхонасига (кейинчалик мисол матнида “Хусусий корхона” деб юритилади) қарашли савдо дўконида савдо қоидаларига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда сотувчи томонидан харидорга 26 000 сўмлик хўжалик моллари учун НКМ чеки берилмаганлиги ҳамда 5 350 000 сўмлик товар моддий бойликларининг кирим ҳужжатлари йўқлиги аниқланган. Текшириш жараённада кирим ҳужжатлари бўлмаган товар моддий бойликлари далилий ашё сифатида олиб қўйилган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилиб, натижаси бўйича қарор қабул қилинган. Мазкур қарорга асосан Хусусий корхонага Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 5 350 000 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 3 907 200 сўм молиявий жаримани ихтиёрий тўлаб бериш тавсия этилган.



Хусусий корхона томонидан молиявий жарима ихтиёрий түлаб берилмаганлиги сабабли ДСИ 2016 йил 14 августдаги ариза билан судга мурожаат қилиб, унга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 5 350 000 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 3 907 200 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 16 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан ДСИнинг аризаси қисман қаноатлантирилиб, Хусусий корхонага нисбатан Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 3 907 200 сўм молиявий жарима қўлланилган. Аризадаги Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 5 350 000 сўм молиявий жарима қўллаш талабини қаноатлантириш рад этилган.

Биринчи инстанция суди 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 5 350 000 сўм молиявий жарима қўллаш талабини қаноатлантиришни рад этишда кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш доирасида давлат даромадига ўтказилганлигига асосланган ва Солиқ кодекси 114-моддасининг иккинчи қисмига таянган.

Солиқ кодекси 114-моддасининг иккинчи қисмига кўра кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган санкция қўлланилмайди.

Апелляция инстанцияси судининг 2016 йил 23 октябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмига асосан унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш орқали солиқса оид хуқуқбузарликлар мажмуи бўйича Хусусий корхонага нисбатан 5 350 000 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Апелляция инстанцияси суди бундай хуносага келишда Пленумнинг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори 38-бандининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида берилган тушунтиришларга асосланган.



Мазкур Пленум қарори 38-бандынинг иккинчи, учинчі ва түртінчи қысмларига күра құзғатылған маъмурий жавобгарлик түрлісідеги иш ёки жиноят иши доирасыда кирим қилинмаган товарлар давлат даромадига үтказилған тақдирда, Солиқ кодекси 114-моддасынинг бириңчи қисмінде назарда тутилған молиявий санкция құлланилмайды. Агар жиноят ишлари бүйіча суднинг ҳукми, ажрими, қарори ёки ҳал қылув қарорига асосан кирим қилинмаган товарлар йүқ қилинған бўлса, Солиқ кодекси 114-моддасынинг бириңчи қисмінде назарда тутилған санкция құлланилиши лозим. Шу сабабли, судлар Солиқ кодекси 114-моддасынинг бириңчи қисмига асосан молиявий санкция құллашда ушбу иш маъмурий ёки жиноий иш билан боғлиқлигини аниқлашлари ҳамда суд ҳужжатларида баён этилган ҳолатларга асосланишлари лозим.

Бироқ бириңчи инстанция суди ишда Хусусий корхонага қарашли 5 350 000 сүмлик товар моддий бойликлари давлат даромадига мусодара қилингандылығы ёки улар йүқ қилингандылығы ҳақида жиноят ишлари бүйіча суднинг ҳукми ёки ажрими ёхуд маъмурий ҳуқуқбузарлик түрлісідеги иш бүйіча чиқарылған қарор мавжуд бўлмасада, Солиқ кодекси 114-моддасынинг иккинчи қисмига асосланган.

Апелляция инстанция суди текшириш далолатномасыда қайд этилган кирим ҳужжатлари бўлмаган товарларнинг далилий ашё сифатида олиб қўйилғанлиги маъмурий ҳуқуқбузарлик түрлісідеги иш құзғатылғанлигини англатмайди деб ҳисоблаган.

Хусусий корхонаның назорат тартибидаги берган шикоятига асосан иш Ҳайъатда кўрилиб апелляция инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.



## 7.11. Агар солиқ органи томонидан солиқ түловчига ҳисобланған молиявий жаримани ихтиёрий түлаш учун муддат берилған бўлиб ушбу муддат тугамасдан солиқ органи судга молиявий жаримани қўллаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган бўлса, ариза ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига мувофиқ қайтарилади, ушбу ҳолат ариза иш юритувга қабул қилинганидан кейин аниқланса, ХПК 88-моддасининг 5-бандига мувофиқ ариза кўрмасдан қолдирилади.

ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, "Барно" МЧЖга (кейинчалик мисол матнида "МЧЖ" деб юритиради) нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан товарларни реализация қилишдан тушган 4 450 000 сўм тушум камайтириб кўрсатилганлиги (яширилганлиги) учун тушумнинг 20 фоизи, яъни 890 000 сўм ва Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан сотиб олувчига НКМдан фойдаланмасдан ёки квитанциялар, талонлар, чеклар ёки уларга tenglashshirilgan бошқа ҳужжатлар бермасдан 23 000 сўмлик товарларни реализация қилганлиги учун 3 907 200 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 25 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, жавобгарга Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 890 000 сўм ва 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 3 907 200 сўм миқдорида молиявий жарима тайинланиб, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмига асосан унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш орқали солиқقا оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича 3 907 200 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 12 январдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.



Хайъатнинг 2017 йил 14 июндаги қарори билан биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг суд хужжатлари бекор қилиниб, ХПК 88-моддасининг 5-бандига (ИПК 88-моддасининг 5-бандига) мувофиқ ариза күрмасдан қолдирилган.

Хайъат бундай хulosага келишда Солиқ кодекси 104-моддасининг бешинчи қисми ва Солиқ кодекси 54-моддасининг учинчи қисмiga асосланған.

Солиқ кодекси 104-моддасининг бешинчи қисмiga мувофиқ, солиқ тұловчы солиққа оид ҳуқуқбазарликларни содир этганилкдаги айбини тан олган ва давлат солиқ хизмати органига жаримани (аниқ муддатни күрсатған ҳолда) ихтиёрий равищат тұлаш учун зарур бўлган муддат бериш тұғрисида мурожаат қилган тақдирда, жарима қўллаш тұғрисида қарор қабул қилган давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари солиқ тұловчи томонидан сўралган муддатни бериш тұғрисида қарор қабул қиласи. Муддат жаримани ихтиёрий равища тұлаш учун муддат бериш тұғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан, ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмida назарда тутилган ҳолларда эса олти ойдан ошмаслиги керак.

Солиқ кодекси 54-моддасининг учинчи қисмiga кўра юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш юбориб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланған солиқлар ва бошқа мажбурий тұловлар, шунингдек молиявий санкциялар суммаларини тұлашни ундириш тұғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида тенг улушларда амалга оширишга ҳақли.

Хайъатда ишни кўриш вақтида аниқланишича, ДСИ раҳабрининг ўринбосари текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиб 2016 йил 21 августда солиққа оид қонунбазарликларни бартараф этиш тұғрисида қарор қабул қилган. Үнга кўра МЧЖга Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмiga асосан 890 000 сўм ва 119-моддасининг биринчи қисмiga асосан 3 907 200 сўм миқдорида молиявий жарима ҳисобланиб, МЧЖга ихтиёрий тұлаш таклиф қилинган.

МЧЖ ДСИга ариза билан мурожаат қилиб, ҳисобланған молиявий жарима суммасини бўлиб-бўлиб тұлашга рухсат беришни



сүраган. ДСИ раҳбарининг 2016 йил 19 сентябрдаги қарори билан ҳисобланған молиявий жаримани тұлашни олти ой мобайнида (2017 йилнинг 19 мартаға қадар) тенг улушларда амалга оширишга рухсат берилген.

Бироқ ушбу муддат тугамасдан ДСИ 2016 йил 23 октябрда судга молиявий жарима қўллаш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилган.

Ваҳоланки, Солиқ кодекси 104-моддасининг олтинчи қисмiga асосан солиқ тўловчи ушбу модданинг бешинчи қисмiga мувофиқ берилган муддат ичидаги жарима тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қиласди.

Пленумнинг 2010 йил 18 июндаги 210-сон қарори 35-бандининг иккинчи хатбоисига кўра агар давлат солиқ хизмати органи томонидан Солиқ кодекси 54-моддасининг учинчи қисмiga кўра молиявий жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилган бўлса, ушбу муддат давомида, яъни муддат тугамасдан давлат солиқ хизмати органи судга молиявий жарима қўллаш ҳақида ариза билан мурожаат қилганда, ариза ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига мувофиқ қайтарилиши, ушбу ҳолат юзасидан аризаси иш юритувга қабул қилинганидан кейин аниқланса, ХПК 88-моддасининг 5-бандига мувофиқ ариза кўрмасдан қолдирилиши лозим.

Шу боис Ҳайъат ДСИ томонидан МЧЖга молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш учун берилган муддат тугамаган деб ҳисоблаган ва ХПК 88-моддасининг 5-бандига (ИПК 88-моддасининг 5-бандига) мувофиқ ДСИнинг аризасини кўрмасдан қолдирган.



## **7.12. Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари, 112-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 16 мартағи ПҚ-605-сонли Қарорида белгиланган ҳуқуқбузарликлар бўйича жарима солища қўлланилмайди.**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг рухсатномаси ва ДСИнинг 2016 йил 12 февралдаги 562-сонли бўйруғига асосан “Фирдавс” МЧЖга (кейинчалик мисол матнида “МЧЖ” деб юритилади) қарашли савдо дўконида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда дўкон сотувчиси томонидан харидорга харид қилинган 32000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари учун НКМ чеки берилмаганлиги, 425 500 сўм пул маблағлари НКМ хотирасига киритилмаганлиги, яъни товарларни реализация қилишдан тушган тушум яширилганлиги, шунингдек дўконда кирим ҳужжатларисиз 25 турдаги 145 дона 1 205 500 сўмлик алкоголь маҳсулотлари сотувга қўйилганлиги аниқланган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Солиқ текшируви материаллари ДСИ томонидан кўриб чиқилиб, натижаси бўйича қарор қабул қилинган. Мазкур қарор билан МЧЖга Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 425 500 сўм пул маблағлари НКМ хотирасига киритилмаганлиги учун унинг 20 фоизи миқдорида, яъни 85 100 сўм, 32000 сўмга НКМ чеки берилмаганлиги учун 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 3 907 200 сўм, кирим ҳужжатларисиз 25 турдаги 145 дона 1 205 500 сўмлик алкоголь маҳсулотлари сотувга қўйилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 16 мартағи 605-сонли Қарорининг 3-бандига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида, яъни

26 048000 сүм молиявий жаримани ихтиёрий түлаб бериш тавсия этилган.

МЧЖ томонидан молиявий жарима ихтиёрий түлаб берилмаганлиги сабабли ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 85 100 сүм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 3 907 200 сүм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 16 мартағи 605-сонли Қарорининг З-бандига асосан 26 048 000 сүм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 14 июлдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 85 100 сүм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 3 907 200 сүм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 16 мартағи 605-сонли Қарорининг З-бандига асосан 26 048 000 сүм молиявий жарима тайинланиб, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмига асосан унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш орқали солиқقا оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича 26 048 000 сүм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2016 йил 3 августдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмига асосан 85 100 сүм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 3 907 200 сүм молиявий жарима тайинланиб, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмига асосан унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш орқали солиқقا оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича 3 907 200 сүм миқдорида молиявий жарима қўлланилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 16 мартағи 605-сонли Қарорининг З-бандига асосан 26 048 000 сүм жарима солинган.



Апелляция инстанцияси суди бундай хulosага келишда Пленумнинг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 35.2-бандига берилган тушунтиришларга асосланган.

Ваҳоланки, мазкур Пленум қарорининг 35.2-бандига кўра Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари, 112-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган қоидалар Солиқ кодексининг 17-бобида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва молиявий санкцияларгагина қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 16 мартағи ПҚ-605-сонли Қарорининг 3-бандига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарорининг 4-бандига, Солиқ кодекси 53-моддасининг олтинчи қисмида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий санкцияларни қўллаш билан боғлиқ ишларни кўришда ушбу қоидалар татбиқ этилмайди.

Шу сабабли апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи қисмiga асосан молиявий жарималарнинг узил-кесил миқдорини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 16 мартағи 605-сонли Қарорининг 3-бандига асосан қўллаш сўралган 26 048 000 сўм молиявий жаримани ҳисобга олмаслиги лозим эди, деб ҳисоблаган. Шунингдек, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди Солиқ кодекси 114-моддасининг учинчи қисмiga асосан 85 100 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмiga асосан 3 907 200 сўм қўллаш сўралган молиявий жарималар бўйича жарима тайинлаб, ушбу тайинланган жарималарнигина қисман қўшиш орқали жарима қўллаб, чиққан натижани Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 16 мартағи 605-сонли Қарорининг 3-бандига асосан қўлланилган 26 048 000 сўм молиявий



жаримага құшган ҳолда умумий жарима суммасини чиқариши кераклигини ўз қарорида қайд этган.

Иш Ҳайъатда күрилиб, апелляция инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

## **7.13. Тадбиркорлик субъекти фаолиятини доимий муддатга тұхтатиб қўйиш фақат суд томонидан амалга оширилади.**

Вилоят адлия бошқармасининг иш режасига асосан Туман давлат санитария эпидемиология назорати маркази (кейинчалик мисол матнида "Марказ" деб юритилади) фаолияти ўрганилган. Ўрганиш жараёнида Марказнинг коммунал гигиена бўлими санитария врачи ёрдамчиси С.Низомова томонидан Заркент буюм бозори ҳудудида жойлашган якка тартибдаги тадбиркор Саломов Нуриддинга қарашли сомсахона текширилган. Текшириш натижаси бўйича 2016 йил 25 декабрда Марказ бош врачанинг "Якка тартибдаги тадбиркор Саломов Нуриддиннинг Заркент буюм бозори хузуридаги иш фаолиятини доимий муддатга тұхтатиб қўйиш тўғрисида" 34-сонли қарори қабул қилингандиги аниқланган.

Вилоят адлия бошқармаси якка тартибдаги тадбиркор Саломов Нуриддин манфаатида судга мурожаат қилиб, Марказ бош врачанинг 2016 йил 25 декабрдаги 34-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 21 августдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, Марказ бош врачанинг 2016 йил 25 декабрдаги 34-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Суд бундай хulosага келишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2005 йил 14 июня даги ПФ-3619-сонли Фармони, ХПК 15513-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси (ИПК 217-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси) ва Фуқаролик кодекси 12-моддасининг биринчи қисмiga асосланган.



Юқоридаги Фармоннинг биринчи бандига мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланилиши тартиби жорий этилган.

ХПК 15513-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбоисида тадбиркорлик фаолиятининг айrim турлари билан шуғуланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно, ҳуқуқий таъсир чораларидан бири эканлиги белгиланган.

Фуқаролик кодекси 12-моддасининг биринчи қисмига кўра давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорида Марказ бош врачи якка тартибдаги тадбиркор Саломов Нуриддиннинг иш фаолиятини доимий муддатга тўхтатиб қўйишга ваколати бўлмасада, юқоридаги қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда унинг иш фаолияти доимий муддатга тўхтатиб қўйганлиги қайд этилган.

Иш Ҳайъатда кўрилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

## **7.14. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги ариза билан судга фақат лицензияловчи орган мурожаат қилиши мумкин.**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва ДСИ бошлиғининг буйруғига асосан “Ориф ота” МЧЖга (кейинчалик

мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади) қарашли алкогол маҳсулотлари билан савдо қилиш шахобчасида 2016 йил 21 марта қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда савдо шахобчасида сотувчи сифатида 20 ёшга тўлмаган фуқаро О.Муқимов ишлаётганлиги ва бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартағи ПҚ-605-сонли Қарори билан тасдиқланган "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари"нинг 15-банди талаблари бузилганлиги аниқланган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Шу сабабли ДСИ судга мурожаат қилиб, МЧЖга алкогол маҳсулотлари билан савдо қилиш учун берилган лицензияни бекор қилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартағи ПҚ-605-сонли Қарори билан тасдиқланган "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари"нинг 16-бандига мувофиқ энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида 26 048 000 сўм жарима солишини сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 16 июндаги ҳал қилув қарори билан ариза тўлиқ қаноатлантирилиб, МЧЖнинг алкогол маҳсулотлари билан савдо қилиш учун берилган лицензияси бекор қилинган ва 26 048 000 сўм жарима қўлланилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш Ҳайъатда кўрилиб, биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг суд ҳужжатлари бекор қилиниб, аризани қисман қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Мазкур қарор билан МЧЖга нисбатан 26 048 000 сўм жарима қўлланилиб, МЧЖга алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш учун берилган лицензияни бекор қилиш талабини қаноатлантириш рад этилган.

Ҳайъат бундай холосага келишда "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонун 21-моддасининг учинчи қисмига асосланиб ДСИ МЧЖга алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш учун берилган лицензияни бекор қилиш талаби билан мурожаат қилиш ваколатига эга бўлмаганлиги учун судга эмас, балки текширишда аниқланган лицензия талаблари ва шартлари бузилишига йўл қўйилганлиги билан боғлиқ



камчиликлар юзасидан лицензияловчи органга мурожаат қилиши лозим эди деб ҳисоблаган.

Мазкур Қонун 21-моддасининг учинчи қисмига кўра назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилишларига йўл қўйилганлигини аниқлаганлари тақдирда ўз ваколатлари доирасида лицензияни берган лицензияловчи органга аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабар қиласидилар.

**7.15. “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонун 24-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисига мувофиқ лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда, у бекор қилинади. Шу сабабли лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги фактини асос қилиб уни амал қилишини туттиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилинганда аризани қаноатлантириш рад этилади.**

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоят ҳудудий бўлими (кейинчалик мисол матнида "Агентлик" деб юритилади) комиссиясининг 2014 йил 11 августдаги мажлис баёнига асосан "Жасур-такси" МЧЖ (кейинчалик мисол матнида "МЧЖ" деб юритилади)га йўловчиларни енгил автомобильда шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида ташиб ҳуқуқини берувчи лицензия берилган. Агентлик ва МЧЖ ўртасида лицензия шартномаси тузилган. Лицензия шартномаси МЧЖ раҳбари Т.Бобоқулов томонидан имзоланган.

Фуқаро Э.Рустамов томонидан Агентликка МЧЖ раҳбари Т.Бобоқуловнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан ариза келиб тушган. Унда Агентликда аттестациядан ўтиш учун тақдим этилган Т.Бобоқуловга тегишли Тошкент автомобиль йўллари институтининг (кейинчалик мисол матнида "Институт" деб юритилади) дипломи



сохта эканлиги маълум қилинган. Бунга аниқлик киритиш мақсадида Агентлик томонидан Институтга сўровнома юборилган. Институт Т.Бобоқулов номига диплом берилмаганлигини маълум қилган.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖга 2014 йил 11 августда берилган лицензияни амал қилишини тугатиши сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 12 мартағи ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, МЧЖга 2014 йил 11 августда берилган лицензиянинг амал қилиши тугатилган.

Вилоят прокуратурасининг кассация протестига асосан кассация инстанцияси судининг 2016 йил 18 июндаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси суди бундай хулосага келишда "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонун 24-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисига асосланган.

Ушбу Қонун 24-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисига кўра лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда, бекор қилиниши мумкин.

Аммо биринчи инстанция суди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг аризасида МЧЖга 2014 йил 11 августда берилган лицензияни бекор қилиш эмас, балки амал қилишини тугатиш тўғрисида талаб билдирилган бўлсада, аризани қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Шу сабабли кассация инстанцияси суди МЧЖга берилган лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти унинг амал қилишини тугатмасдан, балки уни бекор қилишга асос бўлганлиги сабабли аризани қаноатлантириши рад этган.

Иш Ҳайъатда кўрилиб, кассация инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.



## **7.16. “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш түғрисида”ги Қонун 16-моддасининг ўн биринчи қисмiga мувофиқ лицензиат унга лицензия бериш түғрисидаги қарор қабул қилинганилиги ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичидә лицензияловчи органга лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаганда, лицензияловчи орган мазкур лицензияни бекор қилишга ҳақли. Агар лицензияловчи орган лицензиат томонидан мазкур Қонун 16-моддасининг ўн биринчи қисми талаблари бузилганлиги важи билан лицензиатга берилган лицензияни бекор қилиш түғрисидаги ариза билан судга мурожаат қиласа, ариза бўйича иш юритиш талаб иқтисодий суднинг судловига тааллуқли бўлмаганлиги учун тугатилади.**

Туман ҳокимлигидаги маҳсус комиссиянинг 2014 йил 13 апрелдаги мажлис баёнига асосан “Зийнат” хусусий корхонасига (кейинчалик мисол матнида “Хусусий корхона” деб юритилади) улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилиши түғрисида қарор қабул қилинган. Бироқ Хусусий корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат Туман ҳокимлигига (лицензияловчи органга) тақдим этилмаган.

Шу сабабли Туман ҳокимлиги судга ариза билан мурожаат қилиб, Хусусий корхонага 2014 йил 13 апрелда берилган улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2014 йил 15 августдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Ҳайъатнинг 2015 йил 3 февралдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш бўйича иш юритиш тугатилган.



Ҳайъат бундай холосага келишда “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонун 16-моддасининг ўн биринчи қисми ҳамда ушбу Қонун (кейинчалик мисол матнида “Қонун” деб юритилиди) 24-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига асосланган.

Қонун 16-моддасининг ўн биринчи қисмiga биноан агар лицензиат унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичida лицензияловчи органга лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса, лицензияловчи орган мазкур лицензияни бекор қилишга ҳақли.

Қонун 24-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбохисига кўра ушбу Қонун 16-моддасининг ўн биринчи қисмida назарда тутилган ҳолда, лицензия бекор қилиниши мумкин.

Қонун 24-моддасининг иккинчи қисмida эса лицензияни бекор қилиш ушбу модданинг биринчи қисми тўртинчи хатбохисида назарда тутилган ҳолда суд қарорига, бошқа ҳолларда эса, лицензияловчи органнинг қарорига биноан амалга оширилиши белгиланган.

Шу сабабли Ҳайъат ХПК 86-моддасининг 1-бандига (ИПК 110-моддасининг 1-бандига) мувофиқ низо судда кўриш учун тааллуқли бўлмаганлиги учун иш бўйича иш юритишни тутатган.

## **7.17. Лицензиат томонидан лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартлари мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузилганлиги текшириш жараёнида аниқланган бўлиб, у ушбу ҳуқуқбузарликларни суд муҳокамасига қадар бартараф этган бўлсада, бу ҳолат лицензияни амал қилишини тугатиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этишга ва уни жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди.**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатномаси ва Ўзбекистон Республикаси



Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан? "Мадина" хусусий корхонасининг (кейинчалик мисол матнida "Хусусий корхона" деб юритилади) фармацевтика фаолияти юзасидан текшириш ўтказилган. Текширишда Хусусий корхонада Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган 4 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар мавжудлиги, 24 хил мажбурий ассортиментдаги дори воситаларининг 2 тури, 23 турдаги дори воситала-рига мувофиқлик сертификатлари ва давлат тилидаги йўриқномалар мавжуд эмаслиги, термолабил дориларни сақлаш учун музлатгич ва кондиционерлар ўрнатилмаганлиги ҳамда савдодаги ходимнинг маҳсус мутахассисликка эга эмаслиги аниқланган. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги судга ариза билан мурожаат қилиб, Хусусий корхонага 2015 йил 16 октябрда берилган фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни амал қилиш муддатини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 4 февралдаги ҳал қилув қарори билан текширишда аниқланган камчиликлар Хусусий корхона томонидан ихтиёрий бартараф этилганлиги асоси билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Ҳайъатнинг 2017 йил 15 августдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризада билдирилган талаб қаноатлантирилган.

Ҳайъат бундай хulosага келишда "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонун 23-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисига асосланган.

Ушбу Қонун 23-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда, лицензиянинг амал қилиши тугатилиши белгиланган.

Шунингдек, Ҳайъатнинг қарорида қонун ҳужжатларида лицензиат томонидан текшириш жараёнида аниқланган камчиликлар



(лицензия талабарини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузиш билан боғлиқ камчиликлар) бартараф этилганда, лицензиат жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилмаганлиги қайд этилган.



ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БҮЙИЧА  
СУД АМАЛИЕТІ

## ҚАЙДЛАР УЧУН

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---



## ҚАЙДЛАР УЧУН

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

# **ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**

Мұхаррир:  
О.Раҳимов

Дизайнер:  
Э.Муратов

Нашриёт лицензияси Ai №004 , 20.07.2018 й.  
Босишига рухсат этилди 27.11.18. Бичими 60\*84 <sup>1/16</sup>.  
«Segoe UI» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Босма табоғи 17.5. Нашр табоғи 18.  
Адади 2000. Буюртма № РО/0681/18-1, 01.11.2018 й.

«Complex Print» нашриёти  
Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 24.  
Тел.: +99871 244-40-89

«PRINT MEDIA» босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Ўзбекистон овози кўчаси, 32  
тел: +99871 233-03-21

